

ФАЗЛИДДИН МУҲАММАДИЕВ

ВАРТА







821.222.8-32

М 95	2018/46
	3950

размещен
Иванов
Витя

Душманов	2018-2420
	34.0000

2018/46 - 3950



Фазлиддин Муҳаммадиев

ВАРТА

Душанбе
«Адиб»
2018

ББК 84 Узбек 7-4

М-57 /

Таржимон: *Жамшид Пиримов*


Муҳаррир: *Омонбой Жуманов*

М-57 Фазлиддин Муҳаммадиев. Варта.
(Қисса ва ҳикоялар). – Душанбе, «Адиб»,
2018, 272 с.

Тоҷикистон Халқ ёзувчиси, Абуабдулло Рӯдакий номидаги Давлат мукофоти лауреати, таниқли адиб Фазлиддин Муҳаммадиевнинг ҳар бир ҳикоя, қисса ва романи тоҷик адабиёти тарихида ўзига хос ўринга эга. Шу боистан китобхонлар уларни завқ-шавқ билан муталаа қиладилар. Қўлингиздаги мазкур тўплан ҳам бундан мустасно эмас.

ISBN 978-99947-2-535-9

© «Адиб» нашриёти, 2018





АЖАЛ КОМИДА

(Қисса)

Саидбекнинг этиги нимагадир қоқиниб, қуйига қулаётган жуссасини ушлаб қолди. Катта-кичик тошларнинг қулоқни қоматга келтирувчи шақирлаши тинди. Бироқ нафасни бўғувчи қуюқ чанг тумани унинг боши узра айланиб томоғини қичитарди.

Юраги шиддат билан тепар, қулоқлари ва ми-ясида садо бераётган бунақа нотаниш бонгни умрида эшитмаганди: гуп-гуп... гуп-гуп... гуп-гуп... Бу ўзининг илгариги итоаткор юраги эмас, балки баногоҳ қоронғи тунга дуч келиб, ундан қутулиб чиқишга интилаётган маст тойга ўхшарди. Баайни азим корхоналарнинг оғир сандонлари зарблари изтиробли садо бераётгандай эди.

Кимдир «бу дунёда яшаш мушқул, ўлмоқ осон»-деган экан. Қанақа одам бўлсайкин, ўша? Фараз қилайлик, яшаш осон бўлмасин, умр кечириш нотекис тортишувларнинг силсиласидан иборат бўлсин. Лекин нега энди ўлмоқ осон экан? Бунинг ҳаммаси сафсата. Жон ширин, ҳаёт азиздир. Ҳамма учун ҳам бир хилда азиз ва бетакрор.

Саидбек нафасини ичига ютиб, қаттиқроқ қи-мирласа тош заррачалари гўё яна ҳаракатга келадигандай эҳтиётланиб қайрилди ва кўз қири билан

юқорига қаради. Оёқ қўйиб турган тоши силжиди, сўнг тойила бошлади. У бошқа тошга сакрашга улгурмай, оғир гавдаси чап томонга оғиб мувозанатини йўқотди, ночор оёғини майда тошчалар устига қўяркан, сонигача ботиб кетди ва шағал уюми ҳаракатга келиб, тошларни қулата бошлади ҳамда ҳозирги ҳолатига етди.

Юқоридан бу ергача у ўттиз ё қирқ дақиқада тойилиб тушганди. Бироқ хаёлида узоқ муддат кечгандай эди, қалтираганча ҳамон тойилиб кетаётгандай эди. Тош қирраларига, очилиб қолган илдизларга умидворлик-ла ёпишарди. Ҳудди шу муддат ва ҳолатда кўз ўнгига келган манзаралар ва сиймоларни, эслаган воқеалари ва кўнглидан ўтган андишаларни ифодалай олганида бир дафтар тўларди. «Тамом, ўлдим. Бутун умрим тамом бўлди. Ўтмиш ва келажагим, ҳамма ишлар, орзу-умидлар, ниятлар... Тамом... Афсус, қутилмаганда чўпонлардек ҳалок бўлдим...». Даставвал миясига келгани шу бўлди. Чақмоқдек келди-ю ўша, заҳотиёқ ўтиб кетди. Кейин у хотинини, акасини кўргани қишлоққа борган Нигорини эслади, фожиа хабарини эшитгач, унинг ҳоли нима кечаркин. Тўрт яшар қизалоғини эрталаб ўзи боғчага олиб борувди. Бугун ҳеч ким уни йўқламади. Эртага у, Саидбек Соҷакка бориб, индинига бобосини хотирлаш маросимига бошчилик қилиши керак эди...

Шу лаҳзада осмон гумбазини жуда яқиндан кўрди, у тескари бўлиб қулаб тушаётганди; бунинг бо-



исини англар-англамас, шу нуқтага тикилганча олам кўз олдида яна қоронғилашди.

Юз қулочдан кам бўлмаган бу тепаликдан, эҳтимол, чуқур дарё тубидаги харсанг устига йиқилиб тушарман, деди кўнглида. Қоп-қора, салобатли бу тошлар устига тийрамоҳ бошларида сув остидан ғаройиб шамойилли жониворлар чиқиб ўтиради, тошқинли баҳор айёмларида яна сув остига шўнғиб, олис жануб ёзида ишлари пуртуғён тўлқинлар қанотини синдириб, денгиз юзасини қудратли, катта панжалари билан оқ, оппоқ қилиб кўпиклатиб туришдан иборат бўлади.

Йўқ, ўз-ўзига эътироз билдирди Саидбек, сув юзига йиқилиб тушганида ҳам оқибати ўзгармасди. Бу ерга етгунча бадани тик соҳилнинг қиррадор тошларига урилавериб, тилка-пора бўлиб кетганди. У метиндек қиррадор тошларни нариги соҳилдан кўп марта кўрганди, шунчаки йўловчи ё томошабин сифатида эмас, бу дара, бу дарё, соҳил, ҳар битта тошнинг тепа ва ёнларига иши тушадиган одамнинг нигоҳи-ла синч солганди.

Ногоҳ, бригада пўлат сандиғининг калити чўнтагида эканлигини эслади. Туртиниб – суринишларда якка-ю-ягона калит йўқолиб қолса-я, балки аллақачон йўқолгандир, унда ўртоқлари хужжатларни, хусусан, сўнгги лойиҳани ололмай ташвишда қолишади.

Қандай ажиб, хуш кун эди, ҳатто, ўша охирги кун, ҳасрат ва алам ичра фикридан ўтказди Саидбек ва



муқаррар мантиққа хилоф равишда бугунги воқеа эмас, балки келин-қуёв бўлган тўй куни, аниқроғи тўйдан кейинги биринчи оқшом кўз олдига келди. Нигор, маҳбуба қайлиғи, уни ўзи ёқтириб кўнгил қўйган бўлса-да, тўй кунини бир йилгача кутган ва буни билдирмаган эди. Ширин хаёллар оғушида яшарди, танишувдан сўнгги учрашувлар пайтида совчилар ва тўй ҳақидаги унинг илтижоларига ҳалимона хаёли назокат билан, ифбатли қизларга хос жавоб қайтарар, ҳаддидан ошиб ётоққа киришига қўймасди. «Эртага, сендан илтимос қиламан, Саиджон, азизим, бугун эмас, эртага, бошқа кун...».

Кейин яна дастлабки фикр такрорланди, ҳаммаси тугади, энди ўлдим, афсуски, бу ерда... Мендан бир ҳафта олдин Бузургнинг вафот этганида маъно бор экан. Агар у ҳаёт бўлганида-ю, менинг шарафсиз, беҳуда, мисли пўк ёғоч сингари, мисли эски тақадек, мисли қовун сапчасидек нобуд бўлганимни кўрганида нима дерди?

Таҳликали, хатарли бир неча сония ичида инсон дили ва кўз олдидан не-не воқеалар ва фикрлар силсиласи ўтиши мумкинлигини Саидбек шитганди. Лекин у умрида илк дафъа бундай ҳолни ўз бошидан кечирар ва уни мулоҳаза қилиб кўришни, инсон шуурининг бу ғалати ўйини ҳақида ўйлашни хоби хотирига келтирмасди.

Хўп, нима бўлса-бўлди. Қалтис бир қадам уни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Энди иложини топиш керак. Аввало, ишонарли бир нарсага суя-



ниб, кейин халос бўлиш йўлини излаш лозим. Лекин қутулиш йўли бормикин? Салгина оёқ қимирлатсанг, этик пошнаси бир озгина тойилса, тўғри йўқлик комига кетасан. Фақатгина пастдан ё юқоридан бериладиган ёрдамгина уни бу хатарли жойдан кутқариши мумкин. Лекин бошқалар унинг ҳолидан ёки йўқолиб қолганидан қачон огоҳ бўладилар, қачон ёрдамга келадилар?

Иккала қўли тирсакларига довур қаттиқ оғрирди. Айниқса, кафти ва панжаларининг оғриғига чидаб бўлмасди. Саидбек чап қўлининг тирсагидан пастини аста-секин қимирлатиб, юқорига кўтара бошлади. Бўшаб қолган жойга майда тошчаларнинг шиқирлаб тушаётганини баралла эшитди. Қўлига қаради. Яшил ва сарғая бошлаган баргларни кафтида сиқимлаб турарди. У ҳув тепада ўсган дўлананинг майда ва чети аррашакл баргчаларини тойилаётган чоғида беихтиёр қўл чўзиб осилиб турган новдасидан сидириб олганди. Новда синмаган ва узилмаган, деярли ҳамма барги Саидбекнинг сиқимида тўпланганди. Лекин бош ва кўрсаткич бармоғи орасидаги тери тилиниб, барглару қўли қонга бўялганди. Эҳтимол, соатининг банди ҳам шу пайтда узилиб кетгандир.

Саидбек ўнг қўлиниям шу тахлит юқорига кўтариб, тилинган жойларидан ҳануз қон силқиётганини кўрди. Бунисини қирралик тош жароҳатлаган бўлса ажабмас. Тиззасининг оғриши боисини билмоқчи бўлди, лекин ниятидан қайтди. Бунинг ўрни

эмасди, ахир. Тошга теккан. Жароҳат ўрнини ва қанчалигини аниқлашдан нима фойда? Дармони қуриб борарди. Тоқат қилишдан, қимирламасликдан ташқари бирор ҳаракат содир этмай, ҳамиша зийрак ва хушёр туриб, қутулиш соатини кутишдан ўзга чора қолмаганди. Ҳа, фақат зийрак ва хушёр ётиш керак. Озгина қимирласанг, этик пошнаси остидаги тош кўчади, кейин ҳаммаси тугайди. Дарвоқе, йўталмасликка ё чучқуриб юбормасликка ҳам ҳаракат қилиши лозим.

Тойилаётганида оғиз-бурнига хийла тупроқ кирганди. Кўзининг бурчакларига қўл теккизиб, у ердан майин лой оқиб қуриб қолганини пайқайди. Тишлари орасида кум ва тош заррачалари ғижирлади.

Саидбекнинг умри тоғларда, тош ва тошлоқлар орасида ўтаётир, Бундай ҳолатга ҳеч қачон тушмаган бўлса ҳам, оёғини тираб турган тошни, нажотбахш тошни этиги пошнаси остидан бўлса-да, яхши ҳис қилиб турибди. Унинг пастга шитоб-ла шўнғиётган вужудини тутиб қолган экан, демак, бу тош ўз жойига мустақкам ўрнашган. Бу тасодифга шукрона айтиб, уям тузукроқ жойлашса, ёмон бўлмасди. Бундан дурустроқ жой йўқ, кечаси шу ерда қолади.

Унинг «кечаси шу ерда қоламан» дейиши саховатли ва чехраси очик мезбоннинг ўтинишлари ҳурмати бажо бўлган меҳмон аҳдига ўхшарди. Иссиққина уйда, юмшоқ тўшак ичида, қорни тўйиб, хоотири жам ётадигандай.



Чекиш хумори тутди, бунга муяссар бўлолмас-лигини пайқаб, дарҳол фикридан қайтди. Уст-боши титилиб, ҳатто, соатининг маҳкам банди узилиб кетади-ю нозик қоғоз қутида сигарету гугурт бутун қолармиди? Комбинезонининг кўкрак чўнтагини оҳиста пайпаслаб очиб, бармоқларини тикди. Гугуртдан ном-нишон ҳам қолмаган, сигарет эса қутиси билан эзилиб, бир ҳовуч қаҳва тусли талқонга айланганди. Саидбек шу талқондан бир чимдим олиб тилининг остига ташлади. Қайдам, хумори тарқамади. Одамлар бурнаки искаб ҳам хумордан чиқадилар. Бир тоифа кашандалар но-свойдан ҳузур-ҳаловат топишади.

Тамаки оғзини ачита бошлади, унинг суви сал-кам томоғига кетаётганди. Саидбек ўзини койиб, дарҳол тамакини туфлаб ташлади. Наҳотки, шунча йилдан буён бобосининг ибрат ва насихатларини ёдда тутиб сабру-бардошга ўрганган одам тоқати-ни синайдиган дамда, бепарволик кўрсатса. Шу маҳал оппоқ соқолли, чехраси табассумга мойил, меҳр билан ва бир оз гинали боқиб турган бобоси кўз олдига келди. «Тоқат қилишим керак», – яна бир карра ўз-ўзига таъкидлади у.

Қопчиғи ҳам йўқолганини энди эслади. Ўша ерда, юқоридаги тошлоқ ва буталар орасида елкасидан тушиб қолгандир ё кейинроқ, ағанай бошлаганда узилиб, пастга тушгандир. Ҳеч қиси йўқ, қопчикда қўл пармаси, болға ва тоғликларнинг пишиқ арқо-нидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Лекин ташқи чўнта-



гида қизи Райҳоннинг дадажони учун солиб қўйган бир ҳовуч «Олтин калитча» конфети турарди.

Саидбек аввалларида қопчиқда мағизли ширин қанд ҳам борлигини билмасди. Қайси куни Райҳоннинг ўзи дадажони нега у берган конфетни емаганлигини сўраб қолди.

– Қайси конфетни, қизим?

– «Олтин калитча» ни-чи? Қопчиғингиз чўнтагига солиб қўйдим-ку!

– Ҳа, ҳа, ейман, қизим. Хаёлимда бир-иккитасини егандайман. Баракалла, Райҳонгинам, – ота фарзанди раъйини қайтармаслик учун қўшиб-чатиб гапирди.

– Йўқ, емагансиз. Йигирмата эди, санадим, ҳозир ҳам йигирмата.

– Сен конфетларни санайсанми? Нега, қизим?

– Ойим ҳамиша бештадан ортиқ олма, дейдилар. Кўп есанг, тишларинг тўкилиб, кейин уни сичқон олиб кетади, дейдилар.

– Ие, сен ўз ҳақингдан, ўша бешта конфетдан мен учун ҳам ажратар экансан-да?

– Ҳа-а-а! Ўз ҳақимдан! Ҳар куни биттадан. Қандай қилиб билмай қолибсиз-а, дадажон? – Райҳон қувноқ ва бир оз гинали оҳангда чўзиб гапирарди. Бундай оҳанг мушкул бир ишда ғалаба қозонган кишида, зеҳни паст одамга оддий ҳақиқатни англата олган кишининг гапларида бўларди. – Циркка борган кунимизда ҳам учта қўйгандим, яна пайқамадингиз...



– Офарин, дадасининг ширин қизи, офарин, Райҳонгинам, менинг булбулчам.

– Сиз конфетни енг, мен яна қўяман. Кейин яна қўяман. Майлими, дадажон, майлими?

Яқин орадан гўдакнинг ёқимли овози янгради. Саидбекнинг юзига қон югуриб, жисми азим гулхан ўртасига тушиб қолгандай, бир лаҳзадаёқ тутуни кўкка ўрлагандай бўлди, оёғининг учидан сочлари-гача қаттиқ қизиб кетди.

– Райҳон... Райҳонгинам! – осмоннинг қайсидир нуқтасига очиқ кўзларини тикиб дард билан нола-ли пичирлади Саидбек.

– Етим бўлиб қолишингга оз қолувди-я.

Бу хатардан жоним омон қолса, ҳеч кимга ҳеч нарса демайман, шикоят қилмайман, ривоят айтмайман, тўғри идорага бориб, столи устидан кабинет ўртасига тортиб чиқараман-да, ўбдан калтаклайман, бир лаҳзадан сўнг аҳд қилди кўнглида Саидбек. Афсуски, калтаклашга ҳожат ҳам йўқ, ортиқча жон қайда. Ундаймас, кабинетидан судраб эшигининг кенг зинасига чиқариш керак. Ўша ерда унинг қанақа махлуқлигини кишилар олдида очиқ айтиш лозим. Агар ўшанда ҳам тавба қилмаса, тумшуғининг тагига зина йўлагига ёпишиб қолгунча туширади. Ойнадай ялтирайдиган ўша бетон йўлакларга. Йўқ, даст кўтаради-да, зинадан ерга ташлайди, машина гаражининг мойли ифлос оқава сувлари оқиб тўғри сассиқ ҳовузга олиб бо-радиган ариққа тикади.

Агар жоним омон қолса...

Кун охирлаб борарди. Арча тоғларининг юксак чўққилари қуёш шуъласидан товланиб кўринарди. Саидбек унинг хилма-хил рангларига бир муддат тикилиб қолди. Сарғиш, кўкимтир шуъаларидан қуёш у ерлардан ҳам этагини билдирмай, йиғиштириб олаётганини пайқаш мумкин эди.

У хунолуд панжаларини азоб билан ёзди, сонига ботиб турган пиёладай тошни кўтариб, қўли етадиган жойгача, ҳар нима узоқроққа, майда тошлар устига қўйди. Устидан босиброқ қўйди, яхшилаб жойлаштирди. Кейин ёнидан бир ҳовуч тош майдаларини олиб унинг ёнига тўқди, секин, эҳтиётлик билан силжитиб ишончлироқ қилди. Ўзича шиббалаган бўлди. У барча дардини унутиб, шу ишини охирига етказарди. Тош кўчираётган жойи белидан паст ё бели баравар бўлса, тошларни кафти билан босиб зичлар, белидан юқорида бўлса, бу ишни қўлининг орқаси билан бажарарди.

Чўққиларда энди қуёш нури қолмаганди. Саидбек қоронғи чўкмай оёғи остидаги такягоҳга ақалли бир марта назар ташламоқчи эди. Унга қай даражада нажот кўзини тикишни, суянишини билишни истарди. Энқайиб нигоҳ ташлашни-ку, хаёлининг бир чеккасига ҳам келтирмасди: тош ўрнидан бош кўтариши билан елкасини босиб турган сон-саноқсиз тошчалар жунбишга келиб, тош кўчиши қанча давом этажаги ва қандай натижа билан тугаши маълум бўлмасди.



Саидбек энди боши ва елкалари устидан тош бўлакларини олиб ҳарна узоқроққа итариб қўяр, уларнинг мустаҳкам ўрнашган – ўрнашмаганлигини панжалари билан шиббалаб синаб кўрарди. Хотиржам бўлгач, яна бир сиқим тош олиб янги жойга ўрнаштирарди. Дарвозу Бадахшон ва Зарафшон йўлларида одамларнинг маҳорат билан боғлар ҳамда полизлар атрофида тош деворлар тиклаганлари кўз олдига келди. Улар лой ишлатмай (оҳак ё цемент қоришмаси уёқда турсин) тошларни устма-уст қалаштириб одам бўйи қилиб узоқ йиллар турадиган ғалати деворлар кўтаришарди. Тошлар юзасидаги чуқурча ва бўртиб чиққан жойлари, тиш ва ғурмаклари бир-бирига муносиб ва мутаносиб қилиб терилар, ёнма-ён, устма-уст ёпишиб гўё кулфу калит бўлиб қоларди. Девор тик бўлгач, қанча итариб кўрманг жойидан қимирламасди. У томонларда биздаги қаттиқ ёмғирлардан кўп марта шиддатлироқ бўрону ёмғирлар бўлиб туради. Ҳафтада такрорланиб тургувчи аёну ноаён зилзилалар у ерларда ҳам содир бўлади.

Тоғларининг ғалати деворларини эслаб дили анча қувват олди, қонталаш жароҳатлари оғриғини бир оз унутиб, боши устида тўпланиб қолган ҳамма тошни чап томонга сурди.

Энди у чап томонга ағдарила олар, бошини кўкси томон энгаштириб, оёғининг учига қараши ҳам мумкин эди. Агар кўрқувни ҳайдаб дил хотиржам бўлмоғи учун яна бирор такаюҳ топилганда,

нур устига аъо нур бўларди, албатта. Лекин қўл чўзувчи ё бошқа суянгувчи йўқ. Агар осилиб турган анави дўлана шохига қўли етганда, оғирлигининг анчаси унга тушарди. Афсуски, унга қўл етмасди, шохни тутиб олиш учун чангакли ёғоч ёки бирон бир бошқа новда керак эди, илгак ясаб учини эгиш мумкин бўларди.

У хатарли бу жойга тушиб қолганига аслида бир соатдан кўп бўлмаганди-ю, хаёлида узун кунлар сингари беҳад чўзилиб кетгандай эди, биринчи марта оёғи учига қаради. Этигининг пошнаси ёпишиб қолган оддий қаттиқ мрамар тош ҳудди юзасига гард қўнган кўмир ёки чала куйган ғўлага ўхшарди. Саидбек унда улкан, қимирлатиб бўлмайдиган тошнинг парчаси эканлиги аломатини кўрмади.

Майли, деди Саидбек ўзига, кўрмоқчи эдим кўрдим. Ҳар ҳолда шу тош ягона суянчиғим. Энди эса ишлаш керак.

Тушдан кейин осонгина чиқиб ишини бажариб тушгач, дарёнинг нариги томонидаги тепаликнинг қия деворига бир неча лаҳза боқиб кўзи илинди. Кейин дарёнинг бир текисда шовуллашига қулоқ солди. У соҳилдаги йўлда автомобиллар ўтаётганини, аммо унинг нишонини ҳозир турган жойидан йўловчилар, фараз қилайлик, махсус тўхташиб ва ҳатто дурбин билан қарасалар ҳам тополмасликларини кўнглидан ўтказди. Шундай, тош оқиб турадиган бу даргоҳ ҳудди улкан хокандозга, у соҳилдан ўтаётган йўловчилар назарида тарнови кўз



илғамас, жуда баландда жойлашганга ўхшаб туюлади. Аммо ҳеч ким бу тарнов орасида, юзлаб, балки минглаб кубометр тош ва шағаллар орасида таҳликага тушган, инсонлар овозига муштоқ, уларнинг мададкор қўлларига кўз тиккан бир одамнинг зарра жони борлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ҳа, у ёқ машиналар юрадиган катта йўлдир. Лекин негадир мотор товушини Саидбек шу чоққача эшитмади. Балки мотор гулдираши дарё ва даранинг табиий садолари олдида ҳеч гапмасдир, балки пастда, тошқин дарё мавжларига урилиб сингиб кетар, бу баландликкача етмас?

Рўмолчасини оғзининг суви билан намлаб қўлининг қотиб қолган қонларини тозалай бошлади, ўнг елкасидан тошларни олиб ташлашга киришди. Жароҳатлари азоб берар, хусусан, чап оёғининг тиззаси зирқиллаб, дардини кучайтирарди. Очлик ва бунинг устига тамаки хумори ортиқча эди.

Бобоси Сангинбекнинг кўп марта қилган талабларини ва ўзининг чекишни ташлайман, деб берган ваъдаларини бажаролмаганини хижолат бўлиб кўнглидан ўтказди.

... Телеграммада кимдир бобоси тилидан ёзганди: «Ўғлим, сенга зарур гапим бор. Келгин. Бобонг». Саидбек аввал идорага, сўнг хотинига кўнғироқ қилди, ҳамма ишларни Новиковга топшириб, тайёрагоҳга ошиқди.

Чол ўн бир болорлик уйининг тўрига солинган кўрпача устида ёстиқларга суяниб ўтирарди. Саид-

бекни кўриб жойидан туришга уринди, лекин Саидбек чаққонлик билан бориб унинг олдида тиз чўкди ва қучоғига тортди. Кейин чол ҳам неварасининг қўлларини бўшатиб, уни ўз қучоғига олди, елкалари ва орқа курагини майин силай бошлади. Уни анча вақтгача оғушидан чиқармай, назарида, бағрини, бошу қўлларини ҳидламоқда эди.

– Хуш келибсан, ўғлим, – деди ниҳоят, бобо ва деворга суяниб юзма-юз ўтирган қўшни чолга маъноли қаради. Фаҳми ўткир қария чойнакни дастурхоннинг бари билан ўраб, ўрнидан қўзғалди.

– Ҳеч қаёққа кетмайман, – деди қўшни остона ҳатламай туриб, – шу ерда, ҳовлида юраман.

Бобо ризолик аломати билан бошини қимирлатди.

– Буёққа ўтир, – буюрди у. – Ҳалиям чекапсанми? Саидбек бошини эгди.

– Майли, Бек, ихтиёринг. Хуш келибсан, Бек, – такрорлади Сангинбек ва тўсатдан сўради: – Нигор келмадими?

– Йўқ, Бузург. Чақирайми?

– Албатта-да. Ғалатисан, Бек. Чақир, Бек, чақир. Бобосининг Нигори келсин, менинг хушрўй Нигорим.

Бир неча дақиқа деразага кўз тикиб ўтирди. Кейин деди;

– Бор, ўғлим, тилгиром бер. Пушта узоқда эмас. – Саидбек ўрнидан қўзғалди. – Йўқ, Бек, сабр қил. Мени уйқу босаяпти. Ҳа, бир-икки ҳафтадан буён беҳосдан



ухлаб қолавераман. Сенга гапим бор, – у яна хомуш кайфиятда соқолини бармоқлари билан таради. – Дунёнинг бу ишлари сенга маълум. Ҳамма иш қўлингдан келади. Шукр, катта йигит бўлдинг, ота бўлдинг, Бек. Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим.

– Қулоғим сизда, Бузург.

– Ҳм, – бобо хиёл жилмайди. Саидбек болалик чоғларидаёқ отасининг бобосига нисбатан айтадиган улуғловчи сўзлари орасида «падари бузургвор» ни ёқтириб қолиб, шундан буён уни ҳазил аралаш «Бузург» дейдиган бўлди. Бориб-бориб ибора қисқариб, биргина шу сўз қолди. Шунча вақт ўтганига қарамай, бу хитоб чолнинг қулоғига бегона, ғалати ва ғайритабiiй эшитиларди. Чехрасида ҳар гал таажжуб асари ё ҳеч бўлмаса, бир лаҳзада ўтиб кетадиган ҳайрат нишони зухур этарди. Хусусан, аввалги йилларда неварасининг қадду қоматига синовчан назар соларкан, афтидан, кўнглида «майли, айтса айтаверсин» деб бошқа эътибор бермайдиган бўлди.

– Ҳм, «Бузург», – бобо қулимсираб ўзича нималардир деди. – Ғалатисан, Бек. Майли, мен... Юзимга қараб, қулоқ сол. Мен сендан мингдан минг розиман. Сен учун дуо қиламан, шукрона айтаман. Лекин талабим ҳам бор. Отанг Пўлатбек, худо раҳмат қилсин, мард одам эди. Асил одам эди, десак ҳаққимиз кетмайди. Мен, кексанинг хаёлимда шундай. Ўзинг ҳам, кўз тегмасин, тузук йигитсан. Менинг муродим ҳам, талабим ҳам битта: ҳамиша

20.12/46
3950

мард бўлгин, Бек. Нафс ғалаёни бор. Зӯр, жуда ҳам зӯр нарса. Мен, кексанинг хаёлимда шундай. Буни муллалар шайтон васвасаси дейишади. Бечора шайтонниям ҳуда-беҳуда гуноҳкор қилиб айта-веради-лар-да. Нафс жилови одамнинг ўз қўлида бўлиши керак. Хўш..., – бобо ўйга толди, соқолини тутамлаб силади, кейин унинг остидан, кўкраги томондан панжа уриб яна паришонлашди. Шу орада гапларининг узилиб кетган ипини улаб, қўшиб қўйди: – Ҳаётда мушкулликлар кўп, лекин мард бўлмоқ лозим. Зарур, Бек. Мен, кексанинг хаёлимда ана шундай.

У бобосининг юзига боқиб турган бўлса-да, тутқич бермас хаёллар-ла банд эди. Бобо шунга ўхшаш гапларини бошқача қилиб илгари ҳам айтарди, бироқ ҳозирги насиҳатида бир оз ошкора васият оҳанги бор эди. Саидбек унинг чехрасига тикилиб, билинар-билинемас жилмайди ва «энди пўштага бор» деди, Саидбекнинг ўрнидан қимирламаётганини кўриб, яна сўзини давом эттирди.

– Нима? – деди у. – «Бобомнинг ҳамма гапи шуми?» деб ҳайрон бўляпсанми? Ҳа, Бек, ҳаммаси шу. Бошқа ҳамма гаплар шу гапдан чиқади. Мен, кексанинг хаёлимда ана шундай. – У бирдан тоқатсизланди, остона томон нигоҳ ташлаб таъкидлади: – Тур, болам, пўштага бор. Лекин тезроқ кел. Кейинги вақтларда уйқусираб қолганман.

Саидбек аммасининг ўғлини велосипедига миниб, Сочак почтасига йўл олди. Йўл-йўлакай бобо



илгари ҳам бир-икки марта васият оҳангида суҳбат қилганини ўйлади. Қариб қолаётганлиги тўғрисида ҳазиллашиб гап очарди-да, уни том ва деворларни андава қилиш, токни кўмиш ҳашарини ташкил этишга буриб, ўлик-тириги эгаси Саидбек эканлигини зимдан таъкидларди. Унутмагинки, дерди ёйилиб табассум қиларкан, бобонгнинг ёрудўстлари кўп, шукр. Кўп одам келади. Қўнглингга келмасин, баъзи майда-чуйдаларни тайинламоқчиман. Худойи оши учун яхши гурунчдан сотиб ол. Биз Чин Мочин одамларини иззат қиламиз, лекин гурунчлари бизнинг девзирага тенглашолмайди. Мен, кексанинг фикримча шундай. Бозордан сотиб ол, магазин нархидан қимматроқ бўлса ҳам майли. Пул бор. Зиғир ёғи бор. Икки хумча. Бир оз қўй ёғи аралаштириш кераклигини ҳам айт. Худойини, Бек, тўйдайд қилиб ўтказасан.

Саидбек ночор қулоқ солиб ўтирарди. Бунақа суҳбатлар қариялар учун одат. Кексалик аломатлари пайдо бўлиши биланок, гўру кафан ғамини ейишади, ворислар ташвиши ҳарна камайсин учун. Қўйинг, шунақа гапларни, соғ-саломат юрибсиз, мана, ҳозир ҳам хуш-хандон чақ-чақлашиб ўтирибсиз. Олдиндаги узоқ йилларга доир масалани муҳокама қилишни ва ёдда тутишни ҳам киши истамайди, деб гап очиб қолса... Кимдир шу масалада эътироз билдирса, албатта, шундай панд-насихатларнинг бир қанчасини эшитарди. Дунёга келиб кетиш-ҳақ. Келиш фарз бўлса, кетиш-қарз. Бу



борада тортишмоққа ўрин йўқ. Ҳозиргача ҳеч ким дунёга устун бўлмабди. Ҳақиқатга яна бир карара кўрқмасдан қараш керак ва ҳоказо.

Сўнгги марта, қиш арафасида зиёратга келганларида ҳам Нигорга васият ҳиди келиб турган бир қанча гапларни айтганди. Хуфтан намозидан олдин, узоқ-яқин қариндошлар уй-уйларига тарқалишгач, у неваракелинини рўпарасига ўтқазди, одати бўйича юз – кўзларига яқиндан диққат билан тикилиб, сўради:

– Бу бола, – у Саидбек томонга бош ирғади, – сенга озор бермаяптими?

– Йўқ, бобожон, озор бермайдилар. Ўзингиз биласиз-ку, нега сўраяпсиз, бобожон?

– Ҳар эҳтимолга қарши яна бир марта сўраш керак эди, қизим, нозаниним.

– Бунақа гапларни айтманг, бобожон. Мен биламан, нима учун айтаётганингизни. Айтманг, бобожоним, илтимос, айтманг.

– Майли, бобосининг Нигори, айтмайман. Лекин сенга ҳам бир истагим бор. Айтайми?

– Марҳамат, бобожон, айтинг.

– Аввало шуки, иноқ бўлинглар. Умрбод. Майлими?

– Хўп, бобожон.

– Кейин, менинг ўғилгинамга, – у яна Саидбек томонга ишора қилди, – бир... ўғил туғиб бер... Хўпми?

Нигор бошини эгиб, қизариб кетган рухсорини назарлардан яширди.



– Майлими? – яна таъкидларди бобо.

Нигор чолнинг серажин кўллари олиб меҳр билан юзига, пешонасига теккизди.

– Баракалла, яша бобосининг нозанини, жонининг малҳами, – Сангинбек чуқур нафас олди ва ёстиқлар устига осудаҳол чўзилди...

– Саидбек Нигорга телеграмма жўнатди. Келиб-кетганига ақалли ярим соат ҳам бўлмаган эди. Қайтаётиб ярим йўлга етмасданоқ аммасининг нола-ю, фиғонини эшитди, у қишлоқ аҳлига отасининг ўтгани ҳақида хабар берарди. Саидбек велосипедда мувозанатини йўқотаётганини пайқаб, тушди-да, уни анча йўлгача еталаб чопди. Сўнг қайсидир ҳамқишлоғининг девори тагига ташлаб, пиёда югура бошлади.

Кўшни чол бобонинг энгагини боғлаган эди. Лекин ёстиқнинг оқ жилдида, соқолининг тагидан боғланган ҳамранг энгакбанд сурп аён эмасди. Бузургнинг чехрасида ўша енгил табассуми нақшланиб қолганди. Гуё бир неча дақиқа илгари айтган сўзларини ҳамон такрорлаётгандай, одамлар ўз нафси билан курашда ожиз келиб, ҳамма айбни шайтон бўйнига ва унинг васвасасига ағдараётирлар, деб тургандай.

* * *

Қоронғи тушаётганди. Осмонда юлдузлар чарқларди. Саидбек уларни бу кеча узоқ, шошилмай томоша қилади. Лекин ишлаш ҳам эсдан чиқмасин, дея ўз-ўзига таъкидлаб, Саидбек ўнг томонидан

сиқим-сиқим майда тошлардан оларкан, қўлини чўзиб ўзидан узоқроққа тўкар, худди чап томонидаги каби шиббаларди. У бу ишда, гарчи илк дафъа бўлса ҳам, анча малака ҳосил қилганди. Тош парчаларини кўчиришдан аввал уни қандай жойлаштиришни қўллари билан тусмоллаб муайян қиларди. Муносиб жойни топиб, ўшанга яраша, у чуқурча, ёнама ёки ўзи очган ариқча бўлиши мумкин, орқасидан тош олиб янги жойга ташлар, бармоқлари билан ҳар бир тош парчаси ва зарраларини яхшилаб ўз жойига ўрнаштирарди. Ўзича тоғли ўлкасининг деворсозларига тақлид қиларди.

Ногоҳ кўзи даранинг қоп-қора осмони қаъридан қизил чироғи лип-лип қилиб гоҳ ўчиб, гоҳ ёниб жануб томон кетаётган учоққа тушди. Бир неча лаҳзадан сўнг учоқ водий осмонида аста-секин ўнгга қараб бурилиб Деҳнав яқинларида қуйига шўнғиб кетди. Тунда унинг орқасидан қарасангиз, ҳамма чироқлари кўринади ва улар сонига қараб қанақа тайёра эканлигини билиш мумкин. Саидбек мотор товушини эшитиб унинг қанақа хили эканлигини аниқлашга интилди. Лекин сувнинг овози бошқа садоларни синдириб ташларди. Фақат қаердандир, шу яқин ўрталардан ҳакканинг «Ҳақ! Ҳақ!» деб фиғон тортиши эшитилиб турарди. Одамлар бехосият ва кулфат келтирувчи деб атаган бу қушнинг овози кўнглига бир оз ғам солди. Ва шу заҳотиёқ халқ ривояти ёдига тушди. Гўё бир замонлар бу қуш жаннатда яшаб фирибгарлиги



ортидан парвардигор ғазабига гирифтор бўлган ва жаннатдан қувилган экан. Ўшандан буён валангор жойлар, узоқ тоғлардан манзил ахтариб «ҳақ!»-дея фиғону фарёд чекар, кечирим сўраркан. Гарчи гуноҳкор жонвор деб ҳисобласалар ҳам, ўз хатоларини тузатиш йўлида тавба қиларкан-ку, деб кўнглидан ўтказди Саидбек. Бу қоронғу кечада, эътибордан узоқ хатарли бу жойда ҳануз унга ўлим эҳтимоли таҳдид қилиб турса-да, дили андак равшан тортди. Ноаён бир қуш аждодларининг аждоди бундан минглаб йиллар илгари содир этган гуноҳи учун олам мавжудотидан афв сўраяпти, ахир. Балки шу боисдан, бу тийра осмон бағридан бир гуруҳ ҳамдиёрлари ўтиб, соғ-саломат ёруғ уйларига етгандирлар.

Аммо унинг Райҳони ҳоли не кечдийкин?

Нигор қизчасини ҳам ўзи билан қишлоққа олиб бормоқчи эди, Саидбек рози бўлмади. Боғча машғулотларидан қолмасин, бундан ташқари, билиб бўлмайди, транспорт жиҳатидан сафаринг барор оладими, йўқми, деди. Нега бундай қилди? Райҳонгинаси ҳам қишлоқнинг беғубор ҳавосидан лоақал бир кун баҳра олиб келса яхши эмасмиди?

Энди уни боғчадан ким олади? Биров олдимикин-а? Ким билади, жажжи қизалоғи балки қаровсиз қолгандир?

Саибдек эҳтиёт юзасидан мураббияга кичик қайниси Султоннинг уй телефонини ёзиб беришга бир неча марта аҳд қилувди. Зарурат туғилса, шу

уйга сим қоқиб айтиш мумкин. Нохуш ҳол юз бериб қолиши эҳтимоли учун эҳтиёт чорасини кўриб қўйиш оқилона иш бўлса ҳам, кўнгилни хира-лаштиришни ўйлаб мудом истиҳола қиларди. Яхши ният-ярим давлат. Ёмон ният қандай оқибатга олиб келишини ким билсин...

Учоқ чироқлари кўнглига солган равшанликдан асар ҳам қолмади.

Довуд ундан нимани истайди? Унинг ишидан, унинг умридан, унинг тақдиридан нимани истайди?

Юқори қувватли электр линиясини қурувчилар участкаси бошлиғининг асли номи Довуд. Лекин ўша, политехника билим юртида ўқиб юрган йилларида жўралари, курсдошларидан ўзини Довуд эмас, Давид деб чақиришларини ўтинарди. У Довуд Тавроту Инжил қиссаларидаги паҳлавон чўпон йигит номини тожикча шакли эканлигини биларди. Ўша машҳур Давид қадимий диний ривоятлардан чиқиб бизнинг замонларгача етиб келганди. Лекин асл Довуд қулоғига ёқмасди. Энди унинг қўл остидаги уч юз киши Давид Салимович деб мурожаат қилганда, юз-кўзларида қониқиш ҳиссининг ёғли пардаси пайдо бўлар, илиқ қарашларидан эркаловчи мамнуниятни уқиб олиш мумкин эди.

У гўё Саидбекни йўқотиш пайига тушганди. Илгарилари рашк қиларди. Ҳамкурси гарчи кичик бир гуруҳга бош, оддий бир ишчи қаторида бўлса ҳам бу саноат доирасида ундан баландроқ шуҳрати



борлиги ҳасадини қўзғарди. Бориб-бориб рашки адоватга айланди. Томонларнинг адовати, икки инсон зотининг бир-бирига душманлиги, фараз қилайлик, маълум ҳодиса бўлсин. Лекин бир томонлама бу адоватни ким қандай тушунтираркин? Турмушда бунақа адоват ҳам бўлишини, шундай ҳолату шундай шароитда вужудда томир отишини ва шундай, шунақа натижага олиб келишини ким таъбириу тавсиф қилиб бера оларкин?

Унинг бир сабабини Саидбек ҳис қилади, таҳминан, гумон аралаш. Идоралари битта, Тожикэнерго деб аталади. Лекин уни Довуд қўл остига бошқалар олиб келиб топширди. Мошину механизмлар карвони бошлиғи Саидбекни Норакдан чақириб олиб Давид Салимовга уни Кашолдара тепаликларида электр линияси ўтказувчи бригадалардан бирига бошлиқ қилиб тайинлашни буюрди. Бу идорамиз сарвари ўртоқ Люльканинг буйруғи, деб таъкидлади у.

Шубҳасиз, худди шу гап Давиднинг кўнглига қаттиқ ботганди. Бир тоифа одамлар шундай яратилганки, гўё андиша-ю, амалларининг мантиғи оёғи осмонда. Улар ўз хайрихоҳлари, валинеъматларига нисбатан ўзларини валинеъмат деб атайдиган кишиларга кўпроқ кўнгил боғлайдилар. Масалан, Аҳмад Раҳматни қўллайди, Раҳмат эса Неъматнинг таянгани. Раҳмат ҳаммадан аввал Аҳмаддан миннатдор бўлиш ўрнига, кўпроқ Неъматга меҳрибончилик қилади, эвазига ундан

яхшилиқ кўрадимиди-йўқми, буниси ҳозирча маълум эмас.

Бу муаммо ҳам, афтидан, инсон қалбининг бепоя сирларидан бири бўлиб, неғалиги ва сабаб ни мадалигини ўйлаш бошга оғриқ киритади, холос.

Шундай қилиб, Саидбек гарчи олти бригаданинг бирига бошлиқ ва вазифа жиҳатдан жуда-жуда пастда бўлса ҳам, «юқоридан» келганлигини унутишмаган. Бўлим бошлиғининг назарида у мўътабар шахснинг уйида омонат ўрнатиб кетган қимматбаҳо буюмига ўхшарди. Қимматбаҳо эканлиги – омонатлиги ва қўл етмас эканлиги унинг дилини ўртар, аччиқ тутундай кўзларини кавлаб еяётгандай бўларди.

Саидбек идораларининг катта бошлиғи Люлькани яқиндан бирор марта кўрмаганди. Ҳар йили декабр ойи охирида энергетикларнинг умумиттифоқ байрами ўтказилади. Уни пешқадамлар мажлисини олиб борувчилар ҳайъати орасида учратарди. Бобоси Сангинбек сингари паҳлавон келбатли одам. Ўтирганлардан бўйину боши баланд, овози ҳам тану тўшига мувофиқ йўғон ва ширадор, микрофонсиз ҳам гапи гулдираб эшитиларди. Ҳамкор оғайниси Алексей Люлькани яхши танирди, борди-келдиси бор. Муттасил мақтайди. Алёшанинг ҳикояларига қараганда, у Тожикистонга пиёда қизил аскар сифатида келган, граждандар уруши жангларида неча марталаб ярадор бўлган экан. Бошқача қилиб айтганда, босмачилар ўқи жароҳатидан



«ўлиб-ўлиб, гўр лабидан қайтиб келган». Кейин илк сув омборлари қурилишида тупроқ қазувчи, бетон қуювчи бўлиб ишлаган. Мактаблар, курсларда ўқиб то уста, техник, прораб, инженер даражасигача, сўнгра ҳозирги баланд мартабасигача етган.

Саидбек бошлиқнинг ўтмиши ҳақида ҳар гал ривоятлар эшитаркан, хаёли ҳаммани қўйиб, икки нарсага банд бўларди: аввалоси шуки, пиёда аскарлик пайтида бу одам қандай қилиб отга минолдийкин? Бошқаси шуки, бу салобатли, жиддий шахс, ўлканинг янги турмуши пояларини бунёд этишда қатнашган бўлса-да, нега бунақа енгил, кулгили номга эга? Бешиқ. Яна ўз-ўзига украин одамлари шўх ва ҳазилкашлигини, уларнинг орасида, ҳатто, Лавлаги ва Шолғом деган отлар ҳам борлигини таъкидларди. Ахир, ўзимизнинг одамлар орасида Болта-ю, Теша, Партов, Сафол, Жорўбу Хошоклар оз эмас-ку... Бошлиқнинг бешиқ номини олиши, балки тақдирига қувончли ишларнинг битилганидандир, дерди Саидбек. Люлька иш бошлаганда унинг диёри электр саноати гўдак ёшида бўлиб, бешикка эҳтиёжи бор эди.

Хуллас, шу одам Саидбекнинг электр линиясини бунёд этишда қилган ихтиросини эшитиб, ўша кунгидек, бу янгилик моҳиятини англаб, мутахассислар йиғинида маъқуллашиб, уни режаларни амалга ошириш учун мувофиқ шароити бор жойга ўтказишга буйруқ берибди.

– Биласанми, Саид, мен қанчалик хурсандман! –



завқу шавқ ва сурур билан дерди Давид Салимович кабинетиди. Барча оҳангу товланишлари самимий эшитиладиган завқу шавқ, сурур билан. У ўз курсисидан туриб, кўндаланг қўйилган ва одатга кўра, арздорлар ё чақирилганлар ўтирадиган стол ёнига келди. Саидбекнинг рўпарасидан жой олиб, чойнақдан иссиқ чой қуйиб узатди. – Ўзим ҳам сени Кашолдара линиясига олиб келиш учун нима қилишимни билмай ўйланиб юрардим... Ахир, ёшлигимиз бирга ўтди. Шунча йиллар мобайнида мактабдош ва ҳамхона эдик. Эҳ, ёшлик... Хуш келибсан, дўстим, азиз дўстим.

Давид Салимович республика ва ҳатто, мамлакатни электрлаштириш истиқболлари ҳақида сўз юритарди. Давлат муассасалари ва кишилар уйларида электр қуввати билан таъминлаш охирига етказилган, дерди у. Лекин бу ишда янги манзиллар очилмоқда. Принцип жиҳатдан электр қуввати ишлаб чиқариш ва уни узатишнинг охири йўқ. Эсингдами, – дерди у Саидбекнинг стол устига қўйган қўлларига бармоғини теккизиб, – мактабда ўқиб юрган чоғларимизда шаҳар автобуслари қанақа эди? Зўрға ўттиз киши сиғарди. Ҳозир-чи? Ҳозир тўрт эшикли қўшсалон Икарусга бирданига икки юз киши сиғади. Яна эрта-ю, кеч бекатларда одам тўла. Бу мисол учун. Бизнинг ишимиз ҳам шу сингари, дўстим. Тожикистоннинг биринчи ГЭСлари қанча қувватга эга эди? Ҳаммасини қўшиб ҳисобласанг ҳам, Норақнинг ярмича келмайди. Энг



зур линиялар ҳам фақат 35 киловольт қувватга эга эди. Ҳозир мамлакат Шимолида миллион вольтли симларни ўтказишга тайёрланяптилар. Биз ҳам беш юз мингли линияларни қуришни бошлаймиз.

Саидбек аввалига нега ошнаси унга аллақачон маълум бўлган нарсаларни айтаётганидан таажжубланди. Шунчаки гап қовушиши учун айтаётгандир, деб тахмин қилди, чунки институтни тамомлаганларига ҳам ҳар ҳолда икки йил ўтди, қачондан буён бундай яқин ва бемалол ўтириб суҳбатлашмаган эдилар. Кейинроқ бошлиқнинг гап оҳангига тузукроқ эътибор бераркан, бир-икки марта пешонасидаги ажинларга, бир оз ўйнаб турган кўзларига қараб, Давид Салимичнинг айтаётган гаплари кўнглидан кечаётган фикрига алоқадор эмаслигини пайқади. Унда муаммолар тугуни яшин эди.

Қайси куни собиқ ҳамсабоғининг пешонасига қараб, Давиднинг учинчи курсда қилган иши эсига тушди-ю, лаблари ғайри ихтиёрий равишда қулгига мойил бўлаётганини сезиб, дарҳол қўли билан юзларини уқалаб қиёфасидан табассум асарини йўқотди.

... Ўша курсдан барча икки ойлик тажриба ўрганиш учун жўнаб кетди. Давидда ўқитувчилар ва раҳбарлар билан тезгина улфат тутуниб, ана-мана деганча уларнинг эт-пўстига кириб олишдек туғма лаёқат бор эди. У ўша ёзда Ленинградга йўлланма олди. Бошқалар Норак ва Қайроқумга, жуда узоғи

билан Қирғизистоннинг Тўхтагул ва Ўзбекистоннинг Чирчиғигача боришди. Давид эса Ленинградга. Қайтгандаги қиёфасини кўриб ўртоқлари биринчи дақиқаларда ҳайрон бўлишарди. Давид ўша Давид эди, лекин ундаги нимадир киши кўзига қизиқ кўринарди. Дурустроқ эслаб ва солиштириб, пешонасида ўзгариш борлигини сезиб қолардилар. У юзга орою пардоз берувчи қайсидир муассасада пешонасидан бир тутам сочини қирдириб, аслида тор бўлган терисини жарроҳлик йўли билан эни ва бўйига кенгайтириб олганди. Жарроҳлик қилинганига кўп фурсат бўлмаганлиги боис ўша ишнинг нишоналари мана ман, деб ўзини кўрсатиб турарди. Театрга бориб олдинги ўриндиққа жойлашсангиз, кўзингиз ихтиёрсиз актёрнинг пьеса мазмуни асосида ва режиссёрнинг фармойишга кўра бошига мато тортиб гўё бу қирдирилган соч эканлигини кўрсатишга интилаётганига тушади. Бари бир тартибсиз, сохта соқоли остидан ўша мато кўриниб турарди. Ваҳоланки, театрнинг чехрасоз ва пардозчилари бу мато актёр терисига мос тушиши учун озмунча ҳаракат қилишмаган. Лекин театр хосияти шундаки, томошабиннинг сохта соқол ва саҳнадаги дарахтлар барги қоғоздан эканлиги билан иши йўқ.

Унинг пешонасидаги икки парча туси бошқа-бошқа териси қуёш нури ва шамолдан, ҳар кеч ётишдан аввал суркайдиган ёғ ва дорилар таъсирида қўшилиб кетгунча одам боласи кўрмаган кирдори қарийб бир йил давомида ёшлар ҳазил-



мутуйибаси мавзуига айланганди. Тили тезроқ йигитчалар гоҳ ортидан, гоҳ ўзига эшиттириб, тагдор пичинглар қилишарди.

– Жўрамиз Довуд эмаскан, бир офат экан, – дерди бирови. – Тақдирга ҳам тадбир топди-е, лочин!

– Хўш? – гап кавларди бошқаси.

– Биласанми, кенг пешона – ақллилик нишонаси, дейдилар. Ақл деҳқончилик бўлгач, пичоғим ёғ устида, деявер.

– Битта саволим бор, йигитлар, – ҳеч нарсадан хабари йўқ анқовдай гапга киришарди учинчиси. – Дейдиларким, ўтганлар арвоҳини безовта қилсангиз, қабрда суяклари ҳаракатга келиб, шақирлармиш.

– Рост айтишади. Лекин сен нима демоқчисан?

– Руҳнинг шу хосияти неча йил пойдор қолишини билмоқчийдим.

– Сен мачитга бор, оғайни, бу саволингга ўшардан жавоб топасан.

– Қўй энди, гапираверсин. Нима демоқчисан?

– Демоқчиманки, Суқрот, Ибн Сино, Аҳмади Дошнинг кенг, чиройли пешоналари бор эди. Оғайнимизнинг бу ишини уларнинг арвоҳи билиб қолса, нима бўларкин?

– Саволинг ўринли, – олимона қиёфага кириб мунозара оловига ёғ қуярди яна бирови. – Хўш, Суқротнинг ўлганига икки ярим минг йил, Синога минг йил бўлибди. Лекин Аҳмад аллома яқин ўртада дафн этилдилар. Яна оромгоҳлари узоқда ҳам эмас, шу атрофда – ўзимизнинг Бухорода...



Давид ўша кезларда Садаф деган курсдош қизга хушомад қилиб юрарди. Тили аччиқ, шафқатсиз йигитлар Садафнинг ҳам қулоғига етказардилар:

– Бизнинг Давид акага тегадиган хотиннинг пешонаси етти қарич.

– Садаф, Давидга тегсанг, гавҳарга айланасан...

Қайси кун ярим кечада Давид ётоқхонага маст бўлиб келди. Хона чироғини ёқмасдан, калавланиб – калавланиб стол ва стулларга, каравотига туртиниб-суриниб, зўр-базўр ўз жойини топиб, устбошини ечди-да, кўрпага кирди. Кирди-ю, пиқиллаб йиғлай бошлади, бир неча дақиқадан кейин баланд овозда, сўнгра авж пардаларида йиғлайверди. Саидбек туриб, хона чироғини ёқди, бошқалар ҳам ярим яланғоч ҳолда унинг каравоти устига келишди. «Нега мени ёмон кўрасизлар? – йиғи аралаш фарёд чекарди Давид. – Сизларга нима ёмонлик қилдим? Отимдаги иккита ҳарфни ўзгартирибман, холос. Ўзимнинг отим-ку, сизларга нима? Сочимни қирдирдим. Ўзимнинг сочим-ку! Сизларга нима?!».

Ҳамхоналар ташвишга тушиб қолишди. Биров сувдондан сув қуйиб бериб, ол, ич, ўзингни бос, дерди. Ҳеч нима бўлмабди. Бор, бундан сўнг ҳеч ким пешонангдан оғиз очмайди. Иккинчиси, мастлиги тарқасин, деб сочиқни хўллаб бошига боғларди. Учунчиси, йўлакка чиқиб, бемаҳал ғалағовурдан уйғониб кетиб, муштрлари, лаган ва пойафзаллари пошнаси билан уларнинг деворини



икки томондан савалаётган қўшни хоналарда яшовчиларни тинчлантирарди.

Бироқ Давиднинг алам оташи узоқ вақтгача пайсаймади.

– Пахтадан келганимизда ҳаммаларинг чойхонада палов қилиб едиларинг, – нола қиларди у. – Бирор жонзот менга ҳарифона еймиз, деб хабар бермади...

Саидбек ўша кунларни эслаб, бугундан эътиборан унга бошлиқ бўлган ва балки шу сабабдан маълум нарсаларни такрор айтишни ўзига эп кўрган Давид Салимичнинг лекциясига қулоқ солиб ўтирарди.

Ниҳоят, Давид Салимич Саидбекни мақташга ўтди.

– Йўқ, виждоним ҳаққи, сенинг калланг баҳосиз, Саид! – у шундай деркан, Саидбек бу суҳбат тезроқ тугаши учун баҳона қидириб, ўтирган жойида беқарор қимирлай бошлади. – Шунча йиллардан буён электр симларини тортамыз. Водийларда, тоғларда. Буни қараки, тор дараларда симни қоя ва харсангларнинг ўзига осиш хаёли мана ман деган муҳандисларнинг хаёлига ҳам келмабди. Биласанми, ишимиз қанчалик енгиллашади. Мен Болооб дарасида дарёнинг икки соҳилидаги харсанглар қулоғига таққан ҳалқаларингни ўз кўзим билан кўрганман. Қойил, дўстим, қойил, жон дўстим, юз минг марта қойил! Мен, Давид Салимич, сен билан бир курсда, бир факултетда ўқиганим билан фахр-

ланаман. Мана энди бирга ишлаймиз. Сен билмайсан, қанчалар хурсандлигимни! Ахир, ҳазил гапми бу. Пояларнинг сарфланиши ҳисобидан қанча пўлат, минг-минглаб тонна бетон фойда қолади! Маош маблағи, нақлиёт харжи, ҳаммадан ҳам муҳими қимматли вақтни айтмайсанми? Агар бу ихтиронг тоғли бошқа жумҳуриятларда ҳам қўлланилса биласанми, мамлакат миқёсида қанча фойда кўрилади? Йўқ, сен ўзинг тасаввур қила олмайсан. Ахир, Кавказнинг ҳаммаси тоғ, қўшни Қирғизистон бошдан-оёқ тоғ, Ўзбекистон ва Қozoқистоннинг ҳам ярми тоғ. Карпат тоғлари, Ғарбий Сибирь тоғлари-чи?!

Саидбек ахийри кабинет эгаси рухсатисиз ўридан турди. Бошлиқ уни пиллапоягача кузатаркан, ҳарорат билан мақташни давом эттирар, дўстининг ихтироси ҳақида марказий, соҳавий рўзномалар ва журналларга дарҳол, шахсан ўзи мақола ёзишга ваъдалар берарди. Одамлар билиб қўйишсин, тожик энергетиклари орасида қанақа равшанфикр мутахассислар борлигини.

Аммо Давид Салимич мақола ёзмади. Бу нарса кейинчалик, ҳатто, эсигаям келмади.

* * *

Саидбек ўзининг «кўрпаси»-ни қиррадор тошлардан тозалаб, текислаган эди. Энди қиладиган бошқа иши ҳам қолмади. Бундан ортиқ тош олиб, бошқа жойга кўчириш лозим ҳам эмасди, ях-



ши ҳам эмас, бу иш «қайла» нинг мазасини кеткизиши мумкин.

Агар иложини топиб танининг оғирлигини бирор кенгроқ жойга озроқ ташлолганда эди, у белигача кутарилиб, эҳтиётлик билан энгашиб, оёғининг остини тошчалардан бир оз тозаларди, силжиш мумкин бўлган ҳовузча яратиб, фақат этик пошнасини эмас, балки оёғининг ҳамма кафтини, икки оёғининг кафтини ҳам ўша нажоткор тошга тираб олган бўларди.

Афсус, ҳозирча бундай шароит йўқ. Таваккал қилиб бир тадбир қўллаш ва бусиз ҳам титраб турган жонини хатарга қўйишнинг нима маъноси бор? Нажоткор тош тоғ бўлагининг ёки бирор харсангнинг устки қисми бўлса унинг ҳаракатига, таваккал ниятларининг амалга ошишига дош берар. Бироқ, борди-ю, ўзи бу ерда муваққат илиниб турган чоғроқ тош бўлаги бўлса-чи... Унда нима бўлади? Яхшиси, тоқат қилгани маъқул. Яхшиси, тасодиф уни ҳалокат комидан омон сақлаганлиги эҳтимолига ишониш керак. Китобий қилиб айтсак, унинг жонини назардан йироқ бу жойда тошлар мусалласотининг¹ тасодифий мувофиқлиги ёрдами сақлаб қолди.

Бу тошларнинг нимадан пайдо бўлганини ершунослар, тоғшунослар билишади, албатта. Саидбек ўн пудлик пўлат ҳалқани осиш учун танлаган анави

¹ Мусалласот – тригонометрия.



қоя мустаҳкам, қўтир вужуди виқор ила кўкка бош чўзган. Бу соҳил чўққи ва харсангларининг аксари-яти ана шундай собитдир. Саидбек неча марталаб уларни кун узун кун синчиклаб текширганди. Қуёш нурида жилваланади. Гўё ёшлик ғурури, қудрати, мустаҳкамлиги ва устуворлигини кўз-кўз қилаётгандай.

Лекин боши устидаги анави тоғ бўлаги қарибди. Тез қарибди. Эҳтимол, аслида мадорсиз, камширадир. Одамзод орасида ҳам шундай зотлар бор: гўдаклигидан ориқ ва заиф, умр бўйи ранжу нуқсондан аримай юради. Умр эмас, азияту заҳмат чекишнинг бепоён силсиласини ўтаётгандай. Ҳатто, инсон қўли билан яратилган ғишт ва бетон тахталари ҳам турлича бўлади. Айтайлик, юз дона бетонтахта олиб келиб, янги йўлак ёки мошин йўлига тўшайдилар. Бу юзтанинг бир нечаси сув ва офтоб таъсирида, иссиғу совуққа дош беролмай, путурдан кетади, лекин бирданига эмас, аввал юзида юпқагина доғ чўтир, кейин ҳар ер – ҳар ерида чуқурча ва кўлчалар пайдо бўлади. Кейин «қовурғаси»-нинг симлари кўриниб, баданида қолган гўшти ҳам оқиб тушади. Йўловчилар кечаси туртиниб йиқилади. Хусусан, бу айёмда еру осмонга парвойи йўқ, бир-бирига кўнгил қўйган йигитлар ва қизлар. Ҳа, дунёнинг ишлари ажойиб: бетон қуювчи устанинг кунлардан бир куни бетон қориштирувчи дастгоҳ ишидан бир лаҳза беҳабар қолиши туфайли орадан икки йил ўтиб, баҳор



оқшомида ошиқ бетон тахтанинг очилиб қолган симига қоқилиб йиқилади-да, дилбари олдида хижолатли терга ботади.

Лекин анави ғамгин тошнинг шираси қаёққа кетдйкин? Буни заминшунослар билишади. Уларнинг назарида барча тоғу дарёлар, ёнбағирлар оддий ҳарф, алифбе китобидай равшан нарсa. Улар учун энг кичик муддат ўлчови – миллион йил... Тожикистон тоғларини бошқа тоғларга нисбатан гўдак дейишади ва бунга ҳеч ким кулмайди. Саидбек ётган жой эса, уларнинг назарида эскириб, сарғайиб қолган рўзнома сингари муқаррар манзарадир.

Саидбек тошлар, уларнинг пайдо бўлиши, умри, аввалу охири, навлари ва турларига доир бирорта махсус китоб ўқимаганди. Лекин илмнинг турли соҳаларидан кўп бўлмаса ҳам, ҳамкасблари ва ҳатто, ўқитувчилари етарли деб билган даражада воқиф эди. Фаннинг баъзи бобларидан, нима сабабдандир, кераклигидан зиёдроқ илмий ва оммавий китобларни ўқиганди. Чунончи, учиш ва учувчиликка ҳамда маккажўхориға доир. Институтнинг моддалар муқобиллиги тош табиатига оид таълими ёдида: унинг мустаҳкамлиги таркибидаги омихта кварц миқдорига боғлиқ ва тошлар асосан икки хил бўлади: қаттиқ ва лойлик, дейилади. Бу боорада марҳум сопромат¹ муаллими уларга шу

¹ Сопромат – моддалар муқобиллиги ҳақидаги фан.



бобни ва хусусан, кимёвий унсурларни тушунтиргунча хуни жигар бўларди.

Одамлар эртага нима бўлишини билганларида кўп ишларни қилиб қўярдилар. Бир қизиқчи агар отамнинг ўлишини ва беҳудага тупроқ остида қолиб кетишини билганимда, лоақл бир коса кепакка алишмасмидим, деган экан.

Ой чиқди. Ҳануз гардиши тўла намоён бўлмасада, у ҳув анави қорли чўққини ёритиб турарди. Энди бойқушнинг ҳам фиғонлари давомли эшитила бошлади. У ёруғликдан ҳазар қилади, дейишади. Одамларнинг авф этишларини сўраб, дарбадар юрган бўлсанг, ёруғликдан бекинишингда нима маъни бор?

Осмон туси ҳам аста-секин ўзгариб, қоронғилик ўрнини кўкимтир, ложувард ранг эгаллай бошлади. Лекин тоғлар этагида ҳануз ўзгариш йўқ. Ажаб, одамлар йилдан-йилга табиатдан узоқлашиб бораётирлар. Илгари бирортадан ой неча кунлик бўлди, деб сўрасангиз, шартта айтарди-қўярди. Ҳозир шаҳарлик юз кишига шундай савол билан мурожаат қилсангиз ҳам елка қисидан ўзга жавоб ололмайсиз. Мунажжимлардан бошқа кишиларнинг ой ҳаракати билан иши йўқ. У нотаниш кишлоққа кириб қолган мусофирдай ўз-ўзича чиқади, ғойиб бўлади, тўлишади, эскиради.

Саидбекнинг бу аҳволга тушиб қолиши сабаби ҳам шундай эмасми? Чуқурроқ ўйлаб қараса, фақат шу риштаданлиги аён бўларди. Илгари тоғнинг



ўтиш мушкул бўлган сўқмоқларига қадам қўйган ҳар бир одам ҳамиша ёдида тутарди: «Эй сайёҳ, киприк устида кўз ёшидай турибсан, хушёр бўл!» Энди саркаш тоғларга ҳукмимизни ўтказдик, деб бепарво бўлдилар. Тоғ кўксидан кенг йўллар очишди, туннеллар қазилди, электр симлари булутлар бағридан, ҳатто, ундан ҳам юқориорқдан ўтиб, водийлар, ноҳияларни бир-бирига боғлайди. Автомобиль ва тайёралар етиб бормаган макон қолмади. Шунақа жой топилса, у ерда вертолёт ҳозир бўлади.

Саркаш тоғлар устидан қозонилган ғалаба нашъаси ҳаммани масту мустағриқ айлади. Саидбекни ҳам.

Яна бир учоқ дара устидан тикка жануб томон кетди. Буниси, эҳтимол, қайсидир бир курортдан келаётгандир, кўнглидан ўтказди Саидбек. Мунақа жойларга нечукдир кечқурун ва ярим тунда парвоз қилишади. Саидбек мотор товушини эшитишга интилни. Ҳаракати зое кетди. Кейин дарёнинг шовурига кулоқ тутди. Балки даранинг қўйи томонидан эсаётган аччиқ шамол сувнинг шовуллашини водий сари олиб кетаётгандир? Шундай, тоғларда гоҳо шунақа қаватма-қават ҳаво бир муддат ҳукмрон бўлади, ер яқинида шамол сайр қилади, чўққилар тепасида эса сукунат ва ёки аксинча, гўё пастда эсаётган шамол шунчалик тез ва қудратли бўлса-да, наҳотки этагининг бир учи бу ерга, Саидбек ётган пучмоққа тегиб ўтмаса? Беш-олти дақиқа



илгари у наҳр садосини баралла эшитарди. Аввалги лаҳзада у қулоғига бир маромда эшитиларди. Кейин диққат билан қулоқ тутиб, унинг овози бир хил эмаслигини, китобларда ёзилганидек, ҳақиқатан ҳам дарё ўз ўзани соҳиллари билан, йўлидаги тошлар билан гўё суҳбат қураётганини ҳис қиларди. Гоҳ-гоҳ тирик одамдай чуқур оҳ чекарди ва бир оздан сўнг қайнаб-тошиб саргузаштларидан ривоят қиларди.

Ҳозир сувнинг шарпаси қаёққа кетди? Нима бўлди?

Тавба, ўзининг қулоғи битиб қолибди-ю...

Саидбек оҳиста ичига ҳаво тортди. Учоқ пастлаётганда пайдо бўлган ҳаво тўлқинлари қулоқ пардасини бекитади. Ичга ҳаво тортсангиз, очилиб кетади. Гапнинг ўрови учун «қулоқ пардаси» дейишади. Аслида ҳеч қанақа парда-марда йўқ, гап эшитиш томирларига озуқа берувчи қон ҳаракатида, деди Саидбек, кўнглида ҳудди ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай.

Сувнинг шовурини эшитиб, кўнгли андак таскин топди. Лекин шу заҳотиёқ бу ерларда қутилирмайдиган овоз диққатини жалб қилди. Худди ярадор жониворнинг нолишига, ҳатто, кимнингдир илтижоли фарёдига ўхшаб кетарди. Йўқ, бу қоронғиликда одам нима қилсин? Тўғри, наҳрнинг у томонида, йўл бурчагида бир кулба бор эди. Кимдир бундан тахминан ўн-ўн икки йил илгари тош териб, девор кўтариб, уй қурганди. Афтидан, бир-



икки ёз бу ерда яшаб, кейин ташлаб кетганди. Катта шаҳарда табиат иштиёқмандлари кўп, дарё соҳилида чодир қуриб ҳафталаб истироҳат қилишади. Ана шундай кишилардан бири муқимроқ манзил қурган, кейин дарадаги тош кўчишларданми, селданми кўрқиб, ёки танҳолик жонига тегибми, ташлаб кетган. Кашолдара бўйлаб борсангиз, бунақа кулбаларни, ҳатто, катта-катта бесоҳиб уйларни кўп учратасиз.

Соҳилнинг у томонидаги кулбага қачонлардан буён биров бош тикмаганди. Саидбек бугун, йўқ, энди кеча деса дурустроқ бўлади, кеча кечқурун сўқмоқдан тушиб, унинг осилиб турган шалақ эшигидан ичкарисига қаровди. Уй саҳнида сочилиб ётган эски қоғоз парчалари ва занг босган пачақ консерва қутилари ғамгин манзара яратганди.

Бу яқин ўртада яна ким бўлиши мумкин? Саидбек бошлиқ бригаданинг ёғоч вагончаси бу ердан тўрт километр пастроқда турибди. Унинг қоровули кўринмас, қоровулга эҳтиёжнинг ўзи йўқ эди.

Ҳалиги ваҳимали овоз бошқа эшитилмай қўйди. Қулоғимга чалинибди, деган қарорга келди Саидбек. Танҳолик ва беҳаловатлик асари. Ҳа, бу хаёлнинг иши. Ташналар назарида саҳрода серсув дарё ва хуррам бўстонлар, совуқ урганлар кўзига шўрва қозони ва иссиқ гулханлар намоён бўлади. Инсон овозига муштоқ Саидбекнинг қулоғига шунақа овоз чалингандир.

Тизза ва кафти гоҳ-гоҳ зирқирарди. Балки, ҳаво-

нинг тобора совуқ бўлиб бораётгани сабаблидир. Кашолдаранинг бу ёқларида қиш ва ёзда ҳарорат водийларга, ҳатто, бу ердан ўн-ўн икки километр жануброқдаги жойларга нисбатан анча фарқ қилади. Ахир, пича юқорига кўтарилсанг, минг йиллик музликлар этагига етасан. Шамол ҳам кўпинча ўша томондан эсиб, совуқ ҳаво олиб келади.

Бунинг устига қорни оч.

Қизиқ, у умрида неча маротиба турли воқеа ва зарурат туфайли одамлар назаридан четда қолган бўлса, ҳар доим ноаён бир нарсада ҳудди ғаразли рақибининг йўл кўрсатувчи қўлидай туюлади. У ўша кунни ё оч қолади, ёки нонушта қилмаган бўлади.

Бас, ўз-ўзига буюрди Саидбек, шикоят ҳам эви билан-да.

Ва у дўстларини эслади. Дўстлари бармоқ билан санарли эмас, шукр, кўпчилик, аммо у фақат сиймолари ҳаётининг мушкул онларида ғайриихтиёрий равишда кўз ўнгида гавдаланадиган кишиларни хотирлади. Улардан бири ўзининг бобоси, Бузург. Бошқаси қутбшунос олим, тамоман бегона одам, бошқа миллат, бошқа ўлкадан, ҳатто, дунёнинг у томонидан, курраи арзнинг қайсидир тупкасидан. Саидбек уни ҳеч қачон кўрмаган, овозини эшитмаган. Яккаш у ҳақдаги воқеий ҳикояни қаердадир ўқиганди. Олим шериклари билан Антарктида минтақаларидан бирини тадқиқ қиларкан. Кейин улардан ажралиб, жанубий қутбга яқинроқ борибди. Кимсасиз ва чексиз музлик усти-



га чодирчасини тикиб, ишини давом эттирибди. Тўсатдан кўричак дарди тутиб, учинчи марта, ажал келтирувчи ҳамла қилади. У иситма ичида ёниб, баъзан ҳушдан кетади, ўзига ўзи жарроҳлик қилади. Кичкина ойна, ўтқир пичоқчаси, бир оз спирт ва оддий игна-ю, ип ёрдами билан қорнини очиб, кўричакни кесиб ташлайди ва жароҳатини тикади.

Саидбек ўша олимнинг, ҳатто, суратини кўрмаганди. Унинг тўғрисида бошқа ҳеч нарса ҳам эшитмаганди. Аммо унинг мардлиги ва довураклигига тан берган. Тўғри, ҳаёт сенинг учун бир марта берилади. Унинг учун ҳар қанча тортишсанг арзийди. Бу курашда қанча ирода, жасорат ва матонат кўрсатсанг, ярашади.

Энг яқин, қадрдон дўсти, албатта, Бузургдир. Унинг қиссалари отасининг ҳикоятлари, онаси ва кекса ҳамқишлоқларининг узоқ йиллар бадалидаги нақлларидан вужудга келган. Бобоси бир сафар отасининг ёшлиги ҳақида нақл қилса, бошқа гал яқин ўтмиш воқеаларини сўзларди. Онаси ҳам шундай. Лекин унинг нақлларидан кўпроқ бобонинг турмуши, хислатлари, хусусан, очик қўллиги, Саидбекнинг ота-онаси тўйини қандай ўтказганлиги ва шунга ўхшаш «уй ичи»-да содир бўлган ишлар равшан бўларди.

Ўз кўзи билан кўрганлари эса унинг беш яшарлигига дахлдор эди.

Бузургнинг азим тани шишиб кетган эди, ўн бир болорлик кошинкор уйнинг ўртасида, баланд кўрпа

устида тепадай бўлиб ётарди. Гўё уни қирқ қават мулойим кўрпадан ясатгандай, бошини эса бир неча лўла ва ёстиқлар билан кўтариб, чап томонига ҳам шундай суянчиқ қўйгандилар.

Бобо кўпинча беҳуш ва беёд ётар, оқюз, оппоқ сочли бувиси унинг оғзига ёғоч қошиқда гоҳ сутлик ёки суюқ, қандайдир шифобахш дорини эзиб тайёрланган атала қуйиб турарди. Бобонинг, айниқса, очиқ кўксидаги сандикдай шиш катта ва ваҳимали эди. Кўкси қаъридан хишшиллаб чиқаётган аламли нафаси даҳлиз ва айвондан ўтиб, ҳовлига, ҳатто, боққа тарқаларди. Ҳамма оёқ учида юриб, бир-бирларига шивирлаб гапиришарди.

Саидбекнинг отаси қария духтурхонага олиб боришларини тақиқлаганидан ҳайрон эди. Бундан қирқ йил бурун духтурлар кўлидан иккинчи умрини топиб, қабр оғзидан қайтган одам, нега энди шифохонага олиб боришларига қўймайди? У бу нарсани тушунолмасди ва айтиш чоғда чолнинг уйдан ташқарига олиб чиқмаслик тўғрисидаги раъйини қайтаришга журъат этолмасди. «Бу табиблар иши, – деган экан қария ҳушига келган лаҳзаларидан бирида. – Хабар берсаларинг, ўзлари келишади. Табибларнинг ҳам кўп даволари бор...».

Бобонинг уйига олдинма-кейин гоҳ духтурлар, гоҳ табиблар келарди. Отаси йўқ пайтларида, бувиси азайимхон муллалар, музофотнинг машҳур фолбинларини чақиртирарди. Уларнинг фармойиши билан шохдор қора қўй, оёғида пар ўсган чипор то-



вуқ сўйиларди. Яқин-йироқ жойларга, мазорларга, катта ариқ бўйларидаги кўприклар тагига нўкча¹ ва чироқлар ёқарди. Лекин отасининг келиш вақти яқинлашиши билан, бувиси унинг таъна ва койишларидан кўрқиб, қурбонлик қилинган жонворларнинг умрдоши юзи ва пешонасига суркалган қон юқларини артиб кўярди.

Қизиқарли ўйинлар шавқи Саидбекни боғ ўртасига, кўчага, жўралари олдига тортарди. Лекин ўша беғамлик айёмларида ҳам у бобосига худди катталардай меҳр қўйганди. Ва у ёнғоқ ўйинлари айнавжга чиққанда бобосининг бетоблигини эслаб, йиққан ёнғоқларини ва ҳалол ўйнаб, ютиб олганларини ногоҳ ерга тўкиб, уйга қараб чопарди. Уйга етиб келиб, даҳлизнинг орқа эшигидан бобосининг азоб билан олаётган беором нафасига қулоқ солиб турарди. Сўнгра уйга кириб унинг тўшаги пойгоҳида чордона қуриб ўтириб оларди. Катта ёшдагилар уни қувлаб юборишмас, келиб ўтиришига ҳам монёлик қилишмас, фақат чолнинг рўйжосини алмаштириш баҳонасида уйдан чиқаришарди.

Кунора колхоз раиси келиб турарди. Ва ҳар гал бир саватча анорни отининг эгари қошига қўйиб келиб, шарбатини сиқиб олиб, беморга сув ўрнида ичиришларини тайинларди. Раис уйга кириб бир неча дақиқа Сангинбекнинг баланд тўшаги ёнига

¹ Нўкча – пилик чироғ.



чўкарди. Қайтишда эса Саидбекнинг ойиси ва буви-сига Саидбекнинг қилган меҳнатларидан район ва вилоятнинг ҳамма катталари хабардор эканлигини айтарди. Колхоз уни ҳукуматнинг қандайдир юксак мукофотига тавсия қилганмиш.

Қишлоқ мелисаси тез-тез келиб, Сангинбек тоға бир оз қувватга кирдиларми, бир неча саволимга жавоб бера олармикинлар, деб сўрарди. Бироқ чолнинг ҳануз дармонсиз ва ҳушсиз ётганини кўргач, афсуслана-афсуслана келган йўлига қайтиб кетарди.

Саидбек фақат бир неча йилдан кейингина бобосининг фалокати тасодиф ё ўзининг бепарволиги туфайли юк машинаси ғилдираги тагида қолиб кетмаганини билди. Катта бир гуруҳ майиз ўғрилари уни милтиқ ўқталиб қаршилиқ кўрсатганлиги учун машинани тўппадан-тўғри устига ҳайдаб, майизжою қоровулхонанинг ҳам тит-питисини чиқариб жуфтакни ростлаганлар.

Ниҳоят, кунлардан бир кун буви Саидбекни ўрнидан турғазиб, юз-қўлини ювдирди, тоза иштон-кўйлак кийдириб, бобосининг олдига киритди. Бузург кўзлари юмуқ ҳолда ётарди. Хишшиллаб нафас олиши энди анча пасайган эди.

– Бобоси! – мулойим сас чиқарди буви, жавоб бўлмагач, овозини баландлатди. – Бобоси!

Сангин кўзини очиб, уларнинг икковига тикилди, пўрсиллаган лабларини хиёл қимирлатиб, табассум қилгандай бўлди ва кўзи билан ўнг қўлига



ишора қилди. Улар барабар кексанинг қўлига қарашди. Бобо бармоқларини беқарор қимирлатарди. Бувиси Саидбекка бошини бобосининг қўлига қўйишни буюрди. Саидбек бошини унинг қўли орқасига қўйди. Қария бармоқларининг учи билан неварасининг сочларини силади ва нимадир деди. Буви қулоғини унга яқин тутди.

– Саиджон, бобонг эрта-индин тураман, деяптилар. Сен билан кўчага, Сочак магазинига, кейин бозорга борадилар, – буви яна бир оз умрдоши юзларига тикилиб ўтирди, кўзёшларини рўмоли учи билан артди. – Кел, болам, яқинроқ ўтириб, ўзинг қулоқ сол.

– Бек, сен бобонгнинг кичкина ўғлисан, – деди қария ва чуқур нафас олиб бир муддат жимиб қолди, кейин давом этди.

– Бобонгнинг жонисан, Бек...

Саидбек кўчада мавриди келса, бошини баланд кўтариб, ошкора ифтихор билан Сочак болаларига эълон қиларди:

– Менинг бобом ҳаммадан зўр!

Тенгқурлари унинг юзига қарардилару, лекин ҳеч нарса демасдилар, одатда бошқа пайтларда, бошқа болалар ўртасида кечадиган қизғин тортишувлар бу вақтда содир бўлмасди. Саидбекнинг бобоси чиндан ҳам энг зўр боболардан эканлигини кўпчилик гап, сўзсиз эътироф этарди.

Ҳа, Саидбекнинг тарбияси билан отаси ва отасининг отаси барабар шуғулланардилар. Аммо отаси-

нинг отаси, ўша меҳрибон Бузург унинг хотирасида энг ёруғ нақш қолдирганди.

У учинчи синфни битириб таътилга чиққан эди. Қайси бир куни эрталабки нонуштадан кейин бобо Жом саёҳатига биргаликда борасанми, деб сўраб қолди.

– Жом қаерда? – сўради болакай.

– Қаерда бўларди, кунчиқиш томонда-да.

– Бораман.

Бузург қачонлардан бери отга минмаганди: от минниш ва унга қараш ташвиши кўп. Ўша йиллари бобонинг бўйи хачирникидай ва кўчаларда таърифи йўловчиларнинг оғзига тушган катта оқ эшаги бўларди. У эшагини қашлаб супураркан, ҳайвон қониқиш билан бурун қоқиб, ер тепарди. Бузург эса Жомнинг табиати, меҳмондўст одамларининг урф-одати, қанақа тегирмонлари-ю, жувозлари борлигини нақл қиларди.

Кейин эшакка сув бериб, мустаҳкам устунга бойлади ва охурига арпа солиб... пиёда дарвозадан чиқиб кетди. Болакай ҳайрон бўлиб қолди. Аммо билдирмади. Фақат бир соатлардан кейин, кенг асфальт йўлга чиққанларида, секин сўради:

– Бобожон, Жомгача қанча йўл?

– Уч тош, болам.

Бузург оғирлик ва масофа ўлчовларини ифодалашда қадоқ, пуд, тош ва фарсах каби қадимий ўлчовларни ишлатарди. Мамлакатлар, минтақаларни ҳам илгариги номлари билан атарди: Чину Мочин,



Шому Сарандеб, Руму Фаранг ва ҳоказо. Аммо агар у «Жомгача йигирма икки километр йўл бор» деганда ҳам ўн яшар Саидбек бу қанча масофалигини тушунолмасди. Бу унинг биринчи пиёда йўлга чиққан катта саёҳати эди ва у фақат бирор жойда аравага миниш-минмасликларини билишни истарди.

Пахта, тамаки ва маккажӯхори далаларидан ўтган ўқдай кенг асфальт йўл тўғри кўк туман билан қопланган тоққа олиб борарди. Жом ана шу кўк тоғ этагида жойлашган, дерди бобо. Тахминан икки соат илгари Саидбек енгил ва чаққон йўл босарди. Йўл устидаги дарёлар, кўприклар, чойхона-ю, магазинларни, тўп-тўп азим садаларни, турли истироҳат манзиллари яқинидаги атрофи теракзор, сув тўла ҳовузларни завқланиб томоша қилиб борар, хушҳол қадам ташларди. Кейин чарчади. Улар катта йўл четидаги тор йўлдан боришаркан, Бузург ўтмишдаги турли воқеалар ва ғалати одамлар ҳақида сўзларди. Қизиқ-қизиқ ҳодисаларни нақл қиларди. Унинг ўзи ўтган асрда дунёга келган ва кўплаб одамларни, шаҳарларни, қишлоқларни, воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган эди-да.

Хушбичим ироқи хуржунни елкасига осиб олган бобо унинг кетидан бардам қадам ташларди. Хуржун кўзларига ташқаридан қаралганда, ўртасининг елкада зич жойлангани ва таранглигидан, у бу дафъа йўл озуқасидан бўлак жувозсозлик ва тоштарошликнинг зил-замбил пўлат асбобларини ҳам олиб бораётгани аён бўларди. Тешанинг турфа



тури, тош қайрайдиган дами тескари болғалар, исканалар, хулласки, олам-жаҳон шақур-шуқурларни кўтариб олганди. Ўзи одати шу: биров ишга чақирганми, йўқми, уйи остонасидан чиқдими, усталик анжомларини олволади.

Уёқдан-буёққа машиналар бетиним қатнар, гоҳ-гоҳ автобуслар ҳам учраб қоларди.

– Бобожон, Жомга автобус бормайдими? – ниҳоят, Саидбекнинг тоқати тугади.

– Боради, Бек, лекин биз ўз оёғимиз билан ета-миз. Иккимиз ҳам бўзбола-ку! Яёв юриш керак, Бек. Бу дунё жуда-жуда кенг. Пойу пиёда юрибгина унинг жамолидан баҳра топса бўлади.

Уларнинг ёнидан беда ташиш учун махсус қурилган кажаваси бағоят катта тўрт ғилдиракли арава ўтиб борарди. Аравкаш беда ғарами устида баҳазур ўтирганича қамчинини ўйнатар, отларнинг қадам ташлашига қараб қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди. Ғарам тепасида ҳузур қилиб ётиб олган бола Саидбекка кўзи тушгач, оғзини қийшайтириб, масхара қилди.

Саидбек эгилиб ердан кесак олди, аммо бобо унинг қўлидан тутди. – Қўй, Бек, арзимаydi. У гўдак, сен эса катта йигитсан.

Саидбек кесакни қўлмак сувдаги қамишзорга отди. Қурбақаларнинг овози бир лаҳза тинди.

Бобо ариқ лабидаги дарахтлар соясида бирпас ўтиришни таклиф қилди. Саидбекка пойабзалини ечишни буюрди. Оёқларини панжасидан пошнаси-



гача диққат билан кўздан кечирди ва ризо бўлиб, бошини тебратди: «Яхши, Бек, офарин, сен чиндан ҳам ўзимнинг ўғлимсан».

Саидбек ариқдан сув ичайми, деб сўради.

– Яна бир оз сабр қиламиз, Бек. Яна ярим тош йўлдан кейин чашма чиқади. Соф чашма. Ҳам сув ичамиз, ҳам наҳорлик еймиз.

Бобосининг ошнасини уйида Саидбек иситмалади. Сонлари ораси қип-қизил гўштга айланиб, баъзи жойлари тери ташлаганди. Ёузург ва унинг кўнгли очиқ, тетик кекса ошнаси турли гиёҳлар ҳамда шифобахш ёғлардан малҳам тайёрлаб, Саидбекнинг ачишаётган жароҳатларига суртишарди. Саидбек бобосининг қад-бастига, бир-бирига чирмашиб кетган энли соқолига тикилиб, назарида у Саидбек эмас, гўё Саидбек бобосининг ўзи-ю, катта уй ўртасида ётгандай, шишиб, баланд кўтарилган кўкрагидан чиқаётган хишиллаш атрофга ёйилиб, Жомнинг кўк тоғлари дараларига қадар етиб бораётгандай эди.

– Менинг бобом ҳаммадан зўр! Менинг бобом Сангинбек! – иситма оташида ёниб фарёд чекарди Саидбек.

– Дардингни олсин бобонг, Сангинбек бобонг эсини ебди! – дерди отахон юзини четга буриб. – Муштдек гўдакни шунча азобга қўйди тентак бобонг, – у бурнини рўмолга қаттиқ қоқди.

Бомдодга яқин Саидбекнинг иситмаси пасайди. У бобосининг қаттиқ кафтлари билан куракларини

уқалаётганини ва қоронғи уйда ўзини-ўзи жудаям қойиётганини ҳис қилди.

– Тоблайман, деб болани салкам ўлдиргандинг, қари гаранг. Ҳа, ҳа, қари гаранг!..

Улар Жомда бўлишган икки кеча-кундузда Саидбекнинг оёғи тузалди. Ва улар яна ўша йўлдан, яна ўша тариқа уйга қайтдилар Қайтишда Саидбек бобоси билан тенг, бардам қадам ташларди.

* * *

Нега ой рўпарасидан, оёғини узатган томондан чиқмай, чапдан бош кўтарди, шарқдан эмасу шимолдан чиқди?

Серюлдуз осмон зар камарга ўхшарди. Саидбек юлдузлар турқумларини бўлиб-бўлиб назардан кечириarkan, бир бурчакда тўнтаришган чойдишга ўхшаб осилиб турган Етти оғайнини топди.

Унга нима бўлди? Бу вартага йиқилиб тушган жойи наҳрнинг бурилиш томонида эканлигини унутаёзганди. Фақат шу ердан оқим ўнгга бурилади ва тахминан чойрак фарсах шимолдан жанубга қараб эмас, балки шарқдан ғарбга қараб боради. Дарёнинг ана шундай буралиб оқиши лойиҳакашларни ташвишга солиб пойдевор турини ва уларни қуриш жойини аниқлашни мушкуллаштирган эди. Бошқа томондан эса Саидбекнинг одатдаги устунлар ўрнига қояларга мустаҳкамланган ҳалқалардан фойдаланиш хусусидаги ниятининг эътироф қилинганлиги осонлаштирганди.



Ҳа, тузук, Саидбек оёғи жанубга, боши эса шимолга қараб йиқилган экан.

Бир неча соатлик заҳматдан сўнг лаблари илк дафъа табассумга мойил бўлаётганини ҳис қилди. Саидбек ҳар ҳолда содда. Салкам ой минглаб йиллик йўлини ўзгартирдимикин, деган гумонга борувди. Нима учун? Шундай номувофиқ ҳолатга тушганлигидан унга ҳамдардлик учун.

Бойқушнинг овози тинди. Ё тунда юрувчи ўғрилардай кечки овга чиққан, ё бошқа жойга кўчган. Шунисиям тузук. Майли, хоҳлаган жойига борсин, афв этишлари талабида келдим, деб олам мавжудотига айтсин. Муродсиз қолмагай.

Шом еган тўлин ой анча баландга кўтарилибди. Демак, ярим кечадан ўтган. Тоқат қилиш керак. Тоқат қила олади, Саидбек қилолади. «Сен, Бек, ўзимнинг ўғлимсан», қайта-қайта айтарди, Сангинбек бобоси. Ҳеч гапмас, биров ёрдамга келмаса, ўзи чора топади. Ҳал бўлмайдиган мушкулот йўқ, мард одам кўрқмаслиги керак.

Арча тоғи чўққисида кечаси вайрона уйга ўхшаган тўртбурчак шаклли нарса кўнглига ғам соларди. Энди ой партови айнан беда ғарамига ўхшаб, ошиқлик айёмларини эсига туширди. Нигорлар қишлоғининг чеккасида, колхоз молхонаси ёнида жойлашган беда ғарами неча марталаб унинг учун паноҳгоҳ, баъзан Нигори билан мулоқот қиладиган жой вазифасини ўтаган.

Кўнгил кечинмаларидан бир оз таскин топди,

ўтган кунларини ўйлашдан бошқа иши йўқлиги учун у ўз-ўзича умрининг ёқимли паллаларини эслашга аҳд қилди. Бобосининг ҳаёти ана шундай боблардан. Уни, ҳатто, умр дафтарининг бошланиши десаям бўлади.

* * *

Сангинбек музофотнинг номдор усталаридан эди. Танҳо ўзи бир неча хунарни эгаллаб, ҳар бири-ни ҳам маромига етказганди. Обжувоз, от ва сув билан юргизиладиган ёғжувоз ясар, тегирмон тошларини тарашларди. Уни тароқчи Сангинбек ҳам дердилар. Лекин тайёр тароқни тарашламасди, балки сада, тут ёки шамшод ёғочларини атрофдаги ҳамда узоқ қишлоқлардан сотиб олиб, ўша жойида арралаб уйига таширди, кейин ҳар бир ғўлани юзлаб қисмга ажратиб, аёлларнинг урф – бўлган дудама тароқлари шаклига киритарди. Бу ярим-тайёр хомашёни йилда уч-тўрт маротиба шаҳарга олиб келиб, тароқчига топширарди.

Қайси куни қўшни қишлоқдан тоби қочиб келди. Ўшанда жувоз кундасини ўрнатганди, бу ишнинг якунловчи ва энг масъулиятли қисми ҳисобланарди.

Саидбек кундаларни катта, қаттиқ ва мустаҳкам дарахтлар танасининг қуйи қисмидан тарашларди. Аввал кунда тагини узун ва дағал илдизлардан ажратар, тўғри ва устувор қилиб ўрнатгач, устидан юк жойини узарди. Яъни, бу, зиғир ё кунжит сочилиб кетмаслиги учун чигит ёки майин похол қўшиб солинадиган ҳовузчадир. Ҳовузчада жувоз ўқининг



бўйни айланиб, «юк»-ни эзиб ёғ чиқаради ва кун-жарасини тескари турган тандир каби қотиради.

Кейин юкхона тагидан ёғхона, яъни «камар» узарди, бу ерда ҳам ўқ учи жойланиб, ҳам тоза ёғ йиғиларди.

Бобо бу ишларнинг ҳаммасини биргина калта дастали ўткир дурадгорлик тешаси ва икки хил искана билан тугалларди. Жувозхона тупроғини қазишда, у одатда ер сатҳидан одам бўйи паст бўлади, кундахонани тайёрлашда ва жувоз атрофида юк қўйиладиган супаларни қуришда иш эгаси ҳашарчиларни ё бошқа эркакларни ишлатарди, чунки бу мавридда махсус ҳунарга эҳтиёж бўлмасди.

Шундай қилиб, барча ишлар тугаган, Сангинбек кундани ўрнатишга тайёрланарди. Кеча кечқурун уйида қўй ёғидан палов қилишни буюриб, ҳаддан ташқари тўйиб еганди ва ўзининг айтишича, ҳануз «паловнинг дами» баланд эди. Чошгоҳда эса бир коса қатиққа битта патирни тўғраб туширди.

Саидбек ҳар дафъа, агар олдида зўрталаб ё мураккаб иш, ё жуда муҳим, лекин мушкул сафар турган бўлса, одатдаги тоат, ибодатини тўла ҳафсала билан адо этарди. Бироқ ўша кун пешин намозини кўнгли истагандай тамомлашга қўймадилар. Фарз қисми охирига етмай, боғ девори орқасидан отлиқ киши унинг номини айтиб чақирди. Унинг бутун фикру хаёли ибодатда бўлиб, атрофда нималар юз бераётганини бир қулоғи билан тингларди. Уй эгаси устанинг намозга ўтирганлигини айтди. Суво-



рий отидан тушмади. Қизиб турган от суворийнинг остида бетоқат ер тепиб кишнар, эгар-жабдуқлари ҳамда жиловини жаранглатиб, турган жойида ер тепиб, чарх урарди.

«Яна келишди» алам ва нафрат билан кўнглидан ўтказди Сангинбек. Фотиҳа қолиб, ҳовли эшигига чиқди. Ислонбекнинг дастёрларидан бири бўлган хушмўйлов, чопон кийиб, салла ўраган йигит эгар устида ўшандай ўтирарди.

– Уста, бек буюрдилар, сизни ҳузурларига олиб борарканман.

– «Олиб борарканман» дейди-я, заҳарханда қилиб кўнглидан ўтказди Сангинбек ва жавоб берди:

– Ўзим бораман, кейинроқ.

– Бек, тез олиб боришимни айтдилар.

– Ишим чала.

– Дунёнинг иши тугамайди, уста. Бек хафа бўладилар.

– Бугунги ишим тугамайдиган эмас. Кунда тайёр, ўтқазаман, кейин бораман.

– Бек хафа бўладидар, уста. Айтиш менинг қарзим эди, лекин уста, бек қаттиқ хафа бўладилар.

– Ман ҳам пир дорам, ошно, тадбир дорам.

«Оббо, битта кунда экан» норози бўлиб ғиринглади бекнинг дастёри ва шусиз ҳам маст отини уриб, чоптириб, кўча чангини ҳаволатиб кетди.

«Кеча ҳам чақирган эди беги. Бормадим. Нима қилолди? Ҳеч нарсаси. Яна бормаيمان. Иши бўлса, ўзи келсин, дилида қарор қилди Сангинбек. Кечаги



ўғри, бир айшпараст безори бугун халқ устидан хукм юритмоқчи. Сигир ўғриси...»

Яхшидан шарофат, ёмондан касофат. Иш орқага чўзилди. Кўнглининг бир чеккаси қоронғилашиб дарҳол ишини давом эттиролмади. Кунда қанчалик катта ва оғир бўлмасин, бир ўзи кўтарадиган одати бор эди. Жувозхоналарнинг эшиги бир табақалик ва оддий. Икки кишилаб баравар кўтаришса, халал бериши эҳтимолдан узоқ эмасди. Ўн беш-ўн олти пудлик юк ҳавоси халал берса, нохушлик келтириб чиқариши турган гап: киши бундай кунда тагида қолса борми, жони омон топмасди.

Ўн-ўн икки нафар ҳангоматалаблар йиғилганди. Булар фалон жойда жувоз қуряптилар, деб қандай огоҳ бўлишдийкин? Майли, деди кўнглида Сангинбек, қишлоқчилик шу. Айтсанг-айтмасанг, ким буқасини қачон ахта қилади, тегирмон қачон битади, қишлоққа қаердан ва кимнинг уйига табиб келишиниям билишади. Қандай воқеа бўлмасин, янги бўлса бас, албатта, томоша мавридига ё ақалли суҳбат ва мунозара мавзуйига айланади.

Сангинбек чопони этагини қайириб, ундан ёстикча ясади ва белбоғининг устига яхшилаб ўрнаштирди. Кейин унинг устидан мулойим жулни икки қават қилиб, елкасидан белигача ташлади. «Ё пирим, мадад бер!» пичирлади у ва баланд овоз билан «Омин!» деб, қўлини юзига тортди. Атрофдагилардан олти киши ҳам омин, деб кундани кўтариб, унинг орқасига қўйишди.

Кунда ва жувозхона эшиги орасида бўлган ўн саккиз-йигирма қадам масофа босиб ўтилди. Энди остонадан жувозхона ўртасигача ўн қадам қия, қийин йўл қолувди. Бекнинг уйинг куйгур элчиси бемаҳал келганлиги Сангинбекнинг кўнглидан ўтди. Келди-ю, хаёлини паришон қилиб кетди. Сангинбек қайсидир томири ё белининг пайлари бир озгина жизиллаётганини ҳис қилди. Чап пошнаси ҳам қадам қўяётганда юк тазйиқидан зирқиллаб кетарди.

Бир лаҳзада юрагини ваҳима босди: агар оёғи бир оз қалтираса, юк ағанайди ва жуссасини эзиб ташлайди. «Пирим, қўлла!» илтижо қилиб кўнглида такрорлади ва йўлда бир лаҳза тўхтаб қолди. Атрофдагилар нафасларини ичларига ютиб, жим туришарди. Устага шу ҳолатда узоқ муддат тик туриб қотиб қолгандай, ярим қоронғи нишаб йўлакдан кўзини узмаётгандай туюлди. Ниҳоят, тинчигандай чуқур нафас олиб, ўзига деди: «Ҳеч воқеа бўлмади. Шум қосид»¹ келса келибди-да. Бегининг олдига бормайман. Бекларга хизмат қиламан, деб ваъда бермаганман. Улардан яхшилик кўриб, қарздор бўлмагандим. Йўлида тўғри кетаётган одамман. На униси, на бунисидан муттаҳамлик жойим бор. Бегининг олдига бормайман. Бекларга хизмат қиламан. Индиноқ бораман...».

Шундай деб кўнгли таскин топди. Эс-ҳушини

¹ Қосид – элчи, хабарчи.



бир нуқтага – олдинда турган етти-саккиз қадам йўлакни бирданига босиб ўтиш заруратига қаратди. Ва кунда жойига бориб «уйига» тушди. Ўзининг таъбирича, «жудаям яхши ўрнашди».

Кечаси алламаҳалгача вужуди оғриб, уйқуси келмади. Ёши ўттиздан ўтиб, баъзи ишлари ҳалиям хомлиги тинчлик бермасди. Турмушининг бир чеккаси бунақа. Аммо, илож қанча? Табиати шу: кўнгли чопмаган ишга қўли ҳам бормаиди, оёғи ҳам тортмаиди. Жамоатга хизмати лозим бўлса, умрида бўйин товламаган. Мана чақирган эдилар, Равонак кўпригини бир ҳафтадаёқ бошқатдан қуриб берди. Ўша, бекнинг одамлари ёқиб юборган кўприкни. Янги ҳукуматга аччиқ қилиб, Ислом лашкарига бошида қўшилмади, энди нимага қўшилсин? Йўл кўрсатувчи бўлиш қўлидан келади, албатта. Сочак ва Қоратоғ ўртасидаги энг яқин йўлни беш панжасидай билади. Йигирма тўрт ёшида, инқилобдан олдин икки харитакаш олимнинг карвонига йўл кўрсатган эди. Қашқар савдогарига ҳам илдам эшаги билан йўл кўрсатиб борганди. Лекин улар яхши ният билан боришарди. Энди аскарлар буйруғи билан кўприкни тузатсанг, шарият ҳомийларига ёқмайди. Ислом лашкари саркардалари топшириғи билан ишласанг, ҳукумат одамларига қаттиқ тегади. Яхшиси, ўзининг карликка сол.

Аслида ақалли жўраси Рустам билан маслаҳат қилганда ёмон бўлмасди.

Кейин хаёли ўзи мушқул ва тугунли фикр деб

ҳисоблаган андишалар билан банд бўлди. Нега худованд ёмонларга жазо бермайди? Ахир, унда ўз қавмлари жамиятида яшаб, халқ манфаати учун яхши ишлашдан ва яхши ном қолдирувчи мукамал инсон бўлмоқдан ўзга мурод борми? Шундай экан, нега парвардигор ўзгалар ҳаётини қаро қилувчи бу қадар кўп бадхулқ, иккиюз ва ичқораларни яратдийкин? Агар унинг раъйисиз одам боласининг бошидан бир тола соч тўкилмайдиган бўлса, дунёга юз минглаб одамларнинг келиб кетмоғи унинг иродасига боғлиқ бўлса, агар ул пок яздон ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлса, қон тўкилишини, бенаволар ҳасратини тўхтатиш, заҳматкаш инсонларнинг осуда яшашлари учун нега кучкудратини кўрсатмайди?

Муллалар бундай саволларга жавоб қайтариб дейдиларким, яратувчи бу ишларни кўриб – билиб, бандаларининг имонини, эътиқодини синаш ва охиратда, у дунёда қилган амалларига мувофиқ мукофотлаш учун қиларкан. Яна ўша гап, охиратга, у дунёга ҳавола...

Шу ўринда Сангинбекнинг кўнглида шубҳа туғилиб, бундан илгари ҳам бу муаммони идрок қилишга уринганини, боши берк кўчага кириб қолганини эслади. Мўмин-мусулмон учун ман этилган носавоб фикрлар билан машғул бўлаётирман, деб ҳаёлини бошқа ёққа бурди ва уйқудан олдинги оятини ҳар кунгидан кўпроқ такрорлай бошлади.



Ярим кечада эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетди. Ўшалар, кўнглидан ўтказди Сангинбек. Қутулиш йўқ чоғи. Қўл тешасини яктаги тагидан белбоғига тиқиб олди. Уста асбоби борлиги аён бўлишини истамаса, уни шундай тарзда эҳтиёт қилади, токи кўрмасанг, билмайсан. Беаслаҳа ташқарига чиқмасликка кўнгли гувоҳлик бериб турарди. Яхши пичоқлари бор, биттаси тобланган суяк сопли дудама, уни узоқ сафар чоғларида олиб юради. Лекин негадир тешани олди. Балки кечаси ким келгани унга маълум эканлигидандир, нима учун келганини билиб бўлармиди?

– Бек келдилар, уста. Ўзлари келдилар. Сизга мунтазирлар, – деди кимдир тун бағридан. Бу ўша, кундузи ишининг бошига борган хизматкорнинг овози эди.

– Қани у киши?

– Уёқда, жар ёқасидаги тутзорда.

Кеча шундай қоронғи эдики, бошқа одам бўлганда бир қадам олдинга юролмасди. Сангинбек ишонч билан одимларди. Унга боғининг ҳар бир қарич ёлғизоёқ йўллари, қўшниси ва ўртоғи Рустамнинг боғи, атроф боғлар, хилват жарлик пастбаландликлари, унга туташган тутзор беш панжасидай маълум эди. У йўлнинг танишлигига ва у, Сангинбек, икки кундан буён тинч қўймаётган, ҳозир эса, ярим кечада уйқусидан турғазиб қаергадир олиб бормоқчи бўлишган бу одамлар олдида гуноҳи йўқлигига ишонарди. Тўғри, уларнинг та-



лабини бажармади, юборган одамларини тоғнинг хатарли, бир неча дара, чўққи ва Зарафшон тизмасининг пасту баландликларидан ўтиб, Ҳисори шодмонга олиб чиқадиган йўлдан бошлаб бормади ва бормайди ҳам. Унинг этагини бу қадар қаттиқ ушлашларидан, бошқа бирорта ишончли йўл кўрсатувчи топмаганлар, шекилли.

Сангинбек Исломбек навқари билан олдинма – кейин юаркан, бу одамлар унга зиён етказмаслиги кераклиги, чунки янги ҳукуматнинг аввалги ишларига майл билдириб, улар томонга очикдан-очик бормагани ҳақида ўйларди. Кейин у бу музофотнинг обрўли ҳунармандларидан. Бундай кишининг хунига зомин бўлиш бадномлик келтиради. Агар унинг бўйин товлашларидан жуда дарғазаб бўлсалар, қулоғини бураб қўйишади, холос.

Сангинбек ўзича шундай деб ўйларди, чунки у Исломбек тўдаси ичидаги сўнгги воқеалардан беҳабар эди. Ғофил эди, бу воқеалар унинг номи билан, бекнинг буйруқларидан бўйин товлагани билан боғлиқлигини, бир қисми қон тўкиш билан якунланганлигдан, яна қон тўкилишини тақозо этаётганидан беҳабар эди.

Тўда шаҳар чеккасидаги қишлоқда базм қурганди. Бу беором ва девонавор базм уларнинг иши ўнгидан келганига эмас, кўпроқ омадсизликлари учун ўтказилаётган йиғин эди. Йигитлар мусаллас ичишар, Иброҳимбекнинг ҳузурига, аниқроғи Ҳисори шодмондаги Ҳакими қишлоғига ким бори-



шини маслаҳат қилишарди. Утиш қийин, лекин яқин бўлган йўлдан бошлаб боровчи одам керак. Аксинча, хатарли бир жойда нобуд бўлиб кетиш эҳтимоли бор, чунки нисбатан хилват бу йўлда ҳам қизил аскарларга ё уларнинг тарафдорларига дуч келиш мумкин. Бу атрофда энг яхши йўл бошловчи, лекин бек амридан бўйин товлаб турган уста Сангинбек бўлади. Умуман, у фақат кўнгли тусайдиган билан ҳамтовоқ бўладиган, фақат кўнгли тортадиган ишга бел боғлайдиган зоти паст.

Китоб, Ғузур ва Бойсуннинг катта ва текис йўли эса янги ҳукуматнинг «кўз ва қулоқлари» билан тўла.

Нима қилиш керак?

Олти йиллик мусаллас хуми уларга ёрдам берди: нима бўлса бўлсин, текис йўлга вакил юборишга қарор қилишди. Изидан яна икки вакил юборилсин. Мурод манзилига, иншооллоҳ, лоақал биттаси етиб борар. Ҳа, шариат ҳомийларининг пароканда тўдаларини бирлаштириш масаласини ҳарна тезроқ ҳал қилиш керак. Янги ҳукумат кундан-кунга куч тўплаб, ҳарб майдони тобора торайиб бормоқда, шундай аҳвол яна бир оз давом этса, тарқоқ тўдалар, ҳатто, ўз қароргоҳида паноҳ топмай, маҳв этилади.

Ҳа, эски мусаллас хуми маслаҳатнинг тезроқ пишишига ёрдамлашди. Янаги бомдодда фалончи ва фалончилар йўлга чиқиши ҳақида қарор қилинди. Ўртадан муаммо кўтарилди, лекин қадимдан



аёнки, шароб бир муаммони ҳал қилишга кўмаклашгани билан ўз-ўзидан бошқа бир муаммони келтириб чиқаради. Иш бароридан олгандек айш, ичиш авжга чиқиб борарди. Туннинг иккинчи ярмида, базм охирига етай деб қолганда Исломбекнинг ҳамма жойда ўнг қўли саналган муовини май таъсириданми ё табиатида фаровон бўлган жасоратданми, киноя айтишга бошлади. Кейин бекнинг номини атамай, баъзи юраксиз йигитларнинг хотиржамлиги туфайли кўп фурсат бой берилди, деб таъна қилди.

– Йигитларнинг оти йўқми? Қайсиниси юраксиз? – ногаҳон бошига қон урилиб вужуди қизиб ҳайқирди Исломбек.

Мўл-кўл шароб гўё тошларнинг зангини кетказиб, асл қимматини намоён қиладиган маҳак тошга ўхшарди. Мухолифлик очиқ тус олиб борарди. Гапдан гап чиқиб, аввалгисидан қаттиқроқ, аччиқроқ тусга кирарди.

– Муттаҳам, – деди бек ниҳоят, муовинга. – Биламан, яхши биламан, йигитлар ўртасида низо тухумини экаётганингни. Мақсадинг ҳам равшан: ўзинг бек бўлишни истайсан.

– Сен номига... бек бўлсанг, мен нима қилай? Ўзинг муттаҳамсан, битта тароқчи буйруғингни икки пулга ҳам олмади.

Бек жимиб қолди. Ҳамма хомуш ўтирарди. Бу икки саркардадан бири меҳмонхонадан тирик чиқмаслиги энди аён эди. Бир дақиқадан сўнг ёши



катталардан бирови дастурхон бурчагини қатлаб ўрнидан турди, бир қадам ташлаб, шундай алғов-далғов замонда ҳаммамиз сабр – бардошли бўлмоғимиз керак, деди. Иттифоқ бўлиш учун йиғилгандик, сану манга бормаи, бир ёқадан бош чиқарайлик...

Унинг маслаҳати таъсир қилмади. Бек бошини кўтариб, қонталаш кўзларини муовинга қадади ва таҳдидли паст овоз билан деди:

– Тавба қиласан! Ҳозироқ!

У ўзини эътибордан четда қолгандай, «тароқчи» сўзидан қаттиқ таҳқирлангандай ҳис қиларди. Аёлларнинг безак асбоби номи назарида унинг нотапонлигига, занчалиш эркак сустликларига ишорадай туюлди. Агар тавба қилмаса, Ислонбекнинг беклигидан асар қолмайди.

– Тўғри йўлдан қайтмайдилар! Ҳақ ишда тавба ҳаромдир, – паст келмади муовин ва қўлини қурол турган чопонининг барига узатди. Бироқ қўли тўп-понча дастасига етмай, хонада ўқ садоси янгради.

Муовин жасадини кўтариб айвонга чиқаришди. Ислонбек хизматкори ва яна уч кишига ҳозироқ Сочакка борасиз, Сангинбекни тўшагидан кўтариб-боқ қатл этасиз. Фақат шовқин-суронсиз, ўқ узмай, деб амр қилди.

Сангинбек бу ҳодисадан хабарсиз эди. Ва зулмат қўйнида, жарлик тиканзорини оралаб юқорига кўтарилаётганда, бир неча дақиқа орасида рўй берган нарсани кейинчалик қанча уринмасин муайян

бир тартибда кўз олдига келтиролмасди. У умрининг даҳшатли лаҳзаларидан эди. Хусусан, кейинги бир неча кеча-кундуз. У фақат тиканли ёлғизоёқ йўлдан юқорига кўтарилиб, қари тутнинг йўғон ва кавак танаси орқасига ўтганини, шу заҳотиёқ бўйнининг тагига тушган қаттиқ зарбдан ерга юзтубан йиқилганини сўзлаб бероларди, холос. Шундай ҳолатда ётиб гўё чап қовурғаси тагига санчилган сих бутун вужудини куйдираётганини, тасвирлаб бўлмайдиган, жонини қиймаловчи оғриқ ва азоб кўксига чиқиб, хаёлида ундан ҳам ўтиб, ернинг майин тупроғига кириб кетаётганини ҳис қилди. Кейинроқ яна нимадир бўйнини қаттиқ қуйдирди.

– Номардлар, говдузлар, одамкушлар... – қон аралаш тупроққа беланиб пичирлади Сангинбек. – Ишларим тугади... Афсус, Пўлатбек, қизчалар етим қолишди...

Ногоҳ Сангинбекнинг эсига Пири борлиги келди. Ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ гўё бир нидо қулоқларида садо берди: ўрнингдан тур, Сангин, тур, кечикиш пайти эмас. Белинга тешанг бор. Ҳозир раво, бу иморат асбоби, ободкорлик буюмини интиқом яроғига айлантирмоқ... Ўрнингдан тур, ўғил, – сен паҳлавонсан...

Кейин ажиб бир ҳолат юз берди унда. Кўзлари фавқулодда равшанлашгандай бўлди. Осмон саҳфида ақалли бирор юлдуз кўринмаётган бу зулмат кечасида у қотилларнинг қораларини, дарахт таналаринигина эмас, балки буталарни, ҳатто



хаёлида, ердаги қадам изларини ҳам кўриб тургандай эди.

– Аблах! – тутзор этагидан фарёд эшитилди. Бу бек навкарининг таниш овози эди. – Уни Сангинбек дейдилар. Икки пичоқ билан тан бермайди.

– Тамом бўлди, – кимдир жавоб қилди. – Валло тамом бўлди, қимирламай ётибди.

– Бор дедим, буздил! Сен ҳам бор, Малла.

Сангинбек қоматини кўтарганда ханжар тутган қўл бошига ҳамла қилди. Сангинбек тешанинг орқаси билан аввал унинг билагига солди, кейин бошига туширди. Теша зарбидан пўк ёғоч ёки хом ғиштга урилган нарсанинг садосидай паст ва синиқ овоз чикди. Қора шарпа кўнгли айниётган шахс овозига монанд нидо қилиб, ўша жойида ерга ағанаб тушди. Чап томондан бошқа бир шарпа яқинлашиб келарди. Секин, эҳтиёткорлик билан келарди. Сангинбек атрофидаги ҳамма нарсани равшан кўриб турарди. Баъзан ойдин кечада ҳам нарсаларни бу даражада аниқ-равшан кўриш муяссар бўлмасди. «Шам ўчишдан илгари бир лаҳза хонани ёритиб юборади. Бу қонли манзарани балки сўнгги бор кўришимдир, кўнглидан ўтказди у ва ҳамлага тайёрланди. «Тўрт нафар эди, номардлар. Қуроли тўрт эркак фақатгина иш тешаси бўлган танҳо одамга қарши. Лекин мен уларни кўриб турибман, улар эса йўқ. Бу пиримнинг мададидир, пиримнинг қўллашидир. Шукр, пиримнинг овозини баралла эшитдим».

Қора шарпа ўта секинлик билан яқинлашарди. Сангинбек тешани чап қўлига олди. У бўйни, кураклари ва кўксида иссиқ қон ҳануз уриб турганини ҳис қиларди. Иштон боғичининг атрофида тўпланиб қолган қон уни ҳўл қилиб юборганди. Айниқса, қорнининг остидаги олдинги қисмини. Бир қисми пастга оқиб тушиб қотиб қолар ва пинҳон аъзоларига ёпишиб, ғашини келтириб қуйига тортарди.

Бу сафар Сангинбек рақибининг ҳамласини кутмасдан ўзи икки қадам олдинга босди ва қолган ҳамма кучини бир жойга тўплаб, сакради-да, тешанинг дами билан унинг бошига туширди.

Бошқа қоидалик хотиралари йўқ. Олмосдай ўткир тешанинг душман жисмига ғарчиллаб кирганини эшитгани ва ўзи ҳам жасад орқасидан иккинчи марта йиқилгани эсида. Ундан кейин юз берганларни элас-элас, фақат шуурига етган айрим қисмларини, шуурининг қайсидир бурчагига етиб бориб енгилгина ўтиб кетганларини билади. Чама-си, икки киши, жумладан бек навқари, унинг танини бир муддат ағдариб қуришганди. Бирининг «пичоқни айлантир, айлантириб ол» деганини ҳам эшитди. Бироқ қорнига санчилаётган тиғнинг оғриқларини энди у сезмасди.

Кейин олам итларнинг қулоқни қоматга келтирувчи акиллашларига тўлиб кетди. Аввал итлар ғаласи унинг катта очиқ кўзлари устидан сакраб ўтишар, лекин овозлари узоққа бормай, тобора



яқинлашар, бош мияси ва қонга беланган кўксига ларза соларди. Кейин гала иттифоқ бўлиб, катта итга эргашишди, ит эса оловланиб турган кўзларини қадаб, қип-қизил оғзидаги узун-узун қонга беланган тишларини кўрсатиб, унга томон ўқдай учарди. Лекин нима бўларди-ю, охирги лаҳзада ит хато қиларди ва унинг ёнидан шатирлатиб учиб ўтиб кетарди. Сангинбек унинг шиддати тўлқинига дош беролмай, ағанаб тушарди.

«Нокаслар қўлида ўлмоқ уятдир», – кимдир унинг қулоғи остида шивирлаб тургандай бўларди. У кўзини очиб, тутзорнинг ҳар ер-ҳар ерига ой шуъласи тушаётганини кўрди. Қайдандир хўроз қичқириғи қулоғига чалинди. Қорнидаги жароҳатни чап қўли билан ушлаб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Туролмади. Тиззасигача кўтарилиб, яна йиқилди. Лат еган жойидан оқаётган тоза қон бармоқлари орасига кириб қиздира бошлаганини ҳис этди. Бир оз тоқат қилиб, ўнг томонга ағдарилди, ўнг қўли ва чап оёғи билан танини тахминан, бир қарич олдинга итарди. Жар томондаги тиканли йўлга, ўз уйига, ўлим чангалидан нажотга томон... Яна бир қарич олға сурилди, яна озгина ва иккинчи марта итлар ғавғосига тўлган, уларнинг қонга беланган таҳдидли тишлари шақиллаб турган оламига ғарқ бўлди.

«Тур, ўғил, сен паҳлавонсан». Иккинчи марта эсига тушиб, аввал шу калималарни қайтарди ва сўнгги дармони қолгунча оз-оздан олдинга инти-



лишга қарор қилди. Агар эртагача шу ерда қолса, ўлиши тайин. Бусиз ҳам жароҳатларидан кўп қон кетган. Қуёш чиқиб кун кеч бўлса-ю, бу хилват тиканзор йўлагидан биров ўтмаса, унинг ҳолидан, тутзорда қолган икки жасад ҳолидан хабардор бўлмаса, кўзи тушмаса...

Сўнгги марта анжирнинг ўткир, ғализ ва ғоятда ширин ҳидини сезиб ҳушига келди. Албатта, биргина анжирнинг ҳиди эмасди. Жавзо ойида фақат тут ва қора гилос пишади. Баргининг ифори кишини масту мустағриқ қилади, димоққа уриши билан от ёли ёки қовун ҳидини эслатади.

Демак, Сангинбек бу ергача, дўсти ва қўшниси Рустамнинг боғи яқинигача хушсиз келиб қолибдиди? Демак, хаслар тўзғиб ётган сертупроқ йўлақда ўзидан чўзилиб кетган қонли доғларни қолдириб, жарликдаги тиканларга ҳам насиба бериб ўтибдиди? Қизиқ.. Қиямалиқдан тушиш осондир-ку, аммо қачон ва қандай қилиб, қанча вақт ичида қонга беланган жуссасини тепага судраб чиқдийкин?

Сангинбек ўнг томондаги анжирзорнинг катта-катта ва қаттиқ кесакларига ёпишиб, буталар ичидан уч-тўртта йирик баргларни узди, юзларига суртиб, қорнидаги жароҳатга тутди...

Фожианинг давомини одамлар Рустамдан эшитдилар.

Атрофдаги итлар ўша кечаси жуда безовта эди, дерди Рустам. Тонгга яқин улар тинчиди. Аммо бомдод маҳали ўқ садоси қишлоқ сукунатини бузиб



юборди. Рустам ўрнидан турди, отишмага қулоқ солиб, унинг ўз боғи этагидан келаётганини пайқади. Кимдир тартиб билан тўппончадан ўқ узарди. Бир, икки, уч, тўрт... олдинма-кейин олти ўқ...

Сангинбек кенг ва сувга тўла ток ариғи бўйида бошини эгганича ётарди. Бир неча от туёқларининг садоси қишлоқдан тобора узоқлашиб, борган сари пасайиб қолди.

Ўқ отган шахс Исломбек эди. У икки нафар сadoқатли навқари ҳалокатини эшитгач, ғоятда дарғазаб бўлди, тонг отиши билан бу ерга келди ва ёруғликда саркаш устанинг ҳамон тириклигини, ерга қон доғларини қолдириб, қўшнисининг ток ва анжирзоригача судралиб келганини кўрди. Бек бир лаҳза ўйланиб қолди. Шояд бу вазиятда сирли фол бордир? Оддий бир инсон шунча жароҳат зарбидан кейин ҳам жон таслим қилмагани қандай сир, ахир?

Бу мулоҳаза Исломбекни бир лаҳза тўхтатиб туролди, холос. Сўнгра у ниятини амалга оширишга аҳд қилди. Отини Сангинбекнинг ҳаракатсиз вужуди устида ўйнатиб, тўппончасидаги ҳамма ўқни устанинг нимжон танасига қараб бўшатди.

Рустам ўртоғининг кўксига қулоқ тутиб, юраги уриб турганини пайқади. Томир уриши деярли билинмасди, бироқ секин ураётган юрак садоси аранг эшитиларди. Кўйлагини йиртиб, унинг қорнидаги пиёла оғзидай жароҳатига анжир баргларини бостириб боғлади. Ҳамма жароҳатларни боғлаш учун



кўп латта керак эди. Рустам ҳовлига югуриб кирди, отни эгарлаб, аравасига кўшди. Хотини ва кўрқиб қолган ўғлининг ёрдамида устанинг оғир, катта жуссасини аравага чиқардилар ва қалин кўрпа устига ётқиздилар.

Шаҳар касалхонаси дарвозасига етганларида кун чоштгоҳ бўлганди. Икки рус жарроҳи, бир эркагу бир хотин икки кишилаб, гоҳида навбати билан кечгача устанинг жароҳатларини тикиб, баданидан ўқ ва хас-хусларни олиб ташлардилар, томирларига қон қуярдилар.

Сангинбек шифохонада икки ой ётди. «Ер юзидаги жони энг қаттиқ одам»-ни кўргани кунда гуруҳ-гуруҳ духтурлар, гап кавлаб юрувчи жаҳондида сайёҳлар, ҳеч бўлмаганда уч-тўрт нафар ҳангома-талаблар келиб туришарди.

Сангинбек вояга етган музофотда қачонлардан буён бунақа ҳодиса рўй бермаганди. Бир одам қуролланган рақиблари билан жангда жонини асраш учун шунчалик жасорат ва матонат кўрсатганини биров кўрмаган, эшитмаган эди. Одамлар Сангинбек васфида дoston тўқий бошладилар. Кўшиб-чатидилар, бўлиб ўтган ҳодисага янгича шарҳу баён берардилар.

«Яғринида, икки кураги ўртасида панжа излари бор экан. Ҳазрат Али панжаларининг изи, дейишадилар...»

«Духтурлар қорнини очиб, қийма-қийма бўлган ичакларини тикишибди. Юрагини кўриб, ҳайрат-



дан қотиб қолишибди: бемалол бузоқнинг бошидай келаркан...»

«Ўзи болаликдан зўр экан. Онаси туғолмай қарийб ўлаёзган экан. Пуштаи Рахш деган жойдан доя келтиришибди...»

* * *

– Лентани сочимга боғланг, дадажон.

– Онанг боғлайди, Райҳонгинам. Қара, мен уст-бошимни кийдим.

– Йўқ, сиз боғланг, сиз чиройли қилиб боғлай-сиз.

У ипак лентани боғламоқчи бўлар, лекин қизи қўли остида тўхтовсиз қимирлаб, боғчаси, мураб-бияси ва у-бу ҳақида завқланиб гапирарди. Лентаси сирғалиб тугуни ечилиб кетаверарди.

Ниҳоят, тугунни боғлади. Унинг шакли чиндан ҳам олма гулига ўхшарди. Фақат бир неча марта каттароқ.

– Энди сизни ачомлайман, – деди Райҳон.

– Майли, жонгинам, ачомла. Сен ачомлайсану мен йўқ дермидим?

– Энгашинг, дадажон. Яна, яна озгина. Тўхтанг, дадажон, қаттиқ ачомлай. Қат-тиқ ачомлай. Яна, яна озгина!

Саидбек ҳушёр тортди. Бу туш эмасди, кеча эр-талаб бўлган воқеа эди. Бундай қараганда хаёлий бир ҳолат эди. Ҳарҳолда, уйқуга кетишига оз қо-либди.

Менга нима бўлди? Ҳатто, мудраш асло мумкин

эмас, деди Саидбек ва шароит имкон берадиган даражада чуқур нафас олди. Унга оғзининг ҳоври чиққандай бўлиб туюлди ва у ой шуъласида уни якқол кўрди. Бурнининг учи музлаб қолгандай эди. Тиззалари, бўғинлари аста-секин карахт бўлаётганди. Йўқ, бир иш қилиш керакки, бадани исиб турсин. Агар шамоллаб қолиб, шу ҳолда акса беришга ўтса, нима бўлади? Акса шунақангикки, бир бошланса на идора қилиб бўлади, на қайтариб. Мабодо қўш акса келса борми...

Саидбек кейин нима бўлишини тасаввур қилди ва бу ҳақда бошқа ўйламай, чекланган гимнастик ҳаркатларни бажаришга киришди. Бу ҳозирги вазиятига мувофиқ эди. Тишини тишига қўйиб жароҳатлар оғриғини енгар, панжаларини шиддат билан очиб ёпарди. Билакларини қайириб-очиб бадани аста-секин исиётганини ҳис қиларди.

Ўзингдан кўр, койинди Саидбек. Гўдакка ўхшаб фириб домига илиндинг. Ўз оёғинг билан келиб илиндинг.

У аслида бухгалтернинг олдига борганди. Иш ҳужжатларини тўғрилаб бригада аъзоларининг маоши ҳақидаги дастхатни топширгач, ташқарига чиқди ва машиналар турадиган жойга кетаётганда, котиба иккинчи қават деразасидан бошини чиқариб чақириб қолди: Давид Салимич кутяптилар.

Бошлиқнинг кабинетида инженерлардан бешолти нафари, узоқ-яқиндаги бригада бошлиқлари ўтиришарди.



– Ҳалқага келаси ҳафта навбат тегади дедингми?
– Давид Салимич якунланган суҳбатни давом этти-
радигандай савол берди.

– Ҳа. Чоршанбадан, – жавоб берди Саидбек ва
кўнглидан ўтказди: «Ўтган куни бобомни дафн
этиб келдим. Индин хотирлаш маросимига бора-
ман. Бу воқеаларнинг ҳаммасидан хабари бор ва
менинг учун Бузургнинг ким эканлигини ҳам яхши
билади. Мени иккинчи марта кўряпти-ю, ҳеч нарса
демайди. Паришонхотирми ё аблаҳ? Ёки...».

– Ҳалқанинг жойини ўзинг кўрувдингми?

Саидбек қизишди, лекин ўзини мажбурлаб қўлга
олиб, осойишта товушда:

– Ҳа, – деди.

– Кундузи кўрдингми? Дуруст кўрдингми?

– Ҳа.

– Мен, жўра, кеча кўрдим. Сен ёқтирган қоялар
бўлмайди. Анкер¹ ёпишмайди, ёпишса ҳам у ерда
дош бермайди. Хеликоптер билан Кашолдара тепа-
лигига борган эдим. Инженер кўрсатди. Тушиб
кўрдим, жўра. Бўлмайди.

Бошлиқ вертолёт ўрнига хеликоптер деб, сўзла-
рига илмий тус бермоқчи бўларди. Кашолдарага
борганини айтиб, мулоҳазалари вазнини ошир-
моқчи ва бу билан мунозара-ю, мубоҳасаларнинг
олдини олмоқчи бўларди.

– Нимаси бўлмайди? – ўзига ботинан ҳар қанча

¹ Анкер – тошни тешиб, цемент билан унга қотириб жойлаштири-
ладиган иншоот қисми.

таскин бермасин, қадрига куйиб асабийлашди Саидбек, – Ҳар икки томон қоялари – мазбут тошлар. Тоғшунос бу ерда бўлганида уларнинг миллион йиллардан бери турганини, яна юз минг йил туришини айтарди.

– Тоғшуноснинг, жўра, нима дейишини билмайману, аммо кўзи бўлганда, тошнинг емирилаётганини, қачонлардир путур кетганини кўрарди. Ут кўкарибди. Эски эмас.

– Ут йўқ, Мен уни қаричма-қарич текширдим. Нима, янги келган шогирдманми? Ё кўрманми?

– Қизишма, Саид. Бу ҳазил иш эмас. Икковимиз ҳам бир иш пайданмиз. Симни у қояга оссагу бирикки йилдан кейин, қиш бошида ё ёз жазирамасида дарз раҳнага айланса, тош қимирласа, ҳалқа тушиб кетса... Оқибатда нима бўлади? Бутун система ишдан қолади. Иш натижаси учун, жўра, бир мен эмас, бир сен ҳам эмас, ҳаммамиз жавобгармиз.

Саидбек «кўрамиз» деб тундлашди, қош-қовоғи осилиб, ташқарига чиқиб кетди. У аввал қояни яна синашга ҳожат йўқ деб ўзича аҳд қилганди. Бошлиқ бўлса ҳам, номаъқул қилибди. Беҳудага ваҳима кўтарган. Аслида Давидда бу ишларга етарли билим йўқ. Йўл чизиғи ва устунлар навъини аниқлашда бир неча марта хато қилганини, иш устига иш орттирганини ҳамма билади. Лекин бошлиққа нима ҳам дея олардинг? Хато юкини қайтариб инженер ва прораблар бошига ҳавола қилиш унинг учун мушкул эмас. Бўлим бошлиғи



номидан фармон чиқариб, бир нусхасини дарҳол эълонлар тахтасига ёпиштиришади. Ўқиб кўриб ҳайратдан оғзинг очилиб қолади: Бамаъни ва ўз ўрнидаги сўзлар билан, мантиқли далиллар билан айбни фалончи – фалончиларга шундай боплаб юклашадик, лом-мим деёлмайсан. Табиат ҳар бир кишига истеъдод ато қилган. Биров бошини кўтармай, терга ботиб ишлайди. Бировда эса шундай ҳунар борким, умрида битта ғиштни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўймаган бўлса ҳам, барча музофотлар ободлиги, ҳамма ишлар савоби, хизматлар унинг номига хатланади.

Саидбек машиналар гаражи ҳовлисида сув журагини очиб, қўлини тикиб турди. Кейин паршонхотир юзига сув сепди ва томчилар иягидан кўкрагига, кўйлагининг ёқаларига оқаётган ҳолда хаёл суриб қолди. «Аввало шу фикрларини кейинроқ айтганда одамгарчилик юзасидан бўларди. Ҳалқаларни ўрнатиш ишини келгуси ҳафта бошлашимизни яхши билади. Бобомнинг ўлими мен учун қанақа кун эканлигини ҳам яхши билади. Ахир, шунча йил бирга сабоқ олдик, ҳамкор эдик... Хўп, бунақа ишларни билиб туриб қилиш магар унинг қўлидан келмайдими? Давид Салимич... Пешонаси кенг Давид Салимич... Нимани истаркин у? Муроди не? Фараз қилайлик, бизнинг ишимизни икки – уч кун кечиктирса, қайси жиҳатдан ютади. Қайси жиҳатдан? Ахир, менинг бригадам ўзининг ташкилотининг бир қисми-ку. Тавба... Одамлар ўртаси-



даги муносабатларга, хусусан, раҳбарлару уларнинг қўл остида ишловчилар ўртасидаги муносабатларнинг нозиклигига Саидбекнинг ақли бир оз етади, шубҳасиз. Лекин бунақа эгри товланиб кетганига эмас. Йўқ, бунақаси унинг имконияти ҳаддидан ташқари...»

Бўпти, эртага бориб кўраман, деб қарор қилди Саидбек. Нур шоферга айтаман, саҳарлаб келади, бориб кўраман. Ҳеч гапмас, яна бир марта кўраман.

Ва шундай ҳам қилмоқчи эди. Машина гаражига бориб Нур эртароқ туриб тўғри ҳовлисига бориши кераклигини тайинлади. Аммо бошлиқ юрагига солган оташ ҳеч ўчмасди. Кўпроқ аланга олиб тутун чиқарарди. Шу бугуноқ боришни ният қилди ахийри. Қайтиб, қоровулнинг олдига борди, Нур ўз иши пайдан бўлишини айтиб қўйишни тайинлади, у, Саидбек, бошқа машинада Кашолдарага боради.

Қопчиғига арқон, парма ва болғани жойлаб йўлга тушди. Бу ергача қайсидир санаторий машинасида келди. Чап томондаги қояни кўрди. Давид Салимич гўё хеликоптерга ўтириб келиб кўрган ўша қояни. Қояда бирор дарз пайдо бўлмагани, ўт ўсмаганига ҳечам шубҳаси йўқ эди. Эҳтимол, юзада кўриниб турган анави эгри-бугри чизиқни Давид Салимич дарз деб ўйлагандир. Балки, бу кўнглида ғараз бўлган инженернинг тахминидир.

Манзара Саидбекка равшан ва таниш бўлгани учун у, ҳатто, қопчиғидан парма-ю, болғасини ҳам чиқармади. Кейин юриб пастга тушди, ташландиқ



кулба ёнидаги ёлғизоёқ йўлдан ўтиб, катта йўл бошига чиқиб олди. Йўловчи машинага кўз тикиб сигарет тутатаркан, яна хаёли ўша муаммога қайтди. Давид мана шу чап томондаги қояни айтганди. У тўғридаги тоққа чиқмаган, чиқолмайди ҳам, у томонда вертолёт қўнадиган муносиб жой йўқ. Бошқасини кўрган. Баъзи одамлар тўғрисида шайтонни дарёга етаклаб бориб суғормай олиб келади, дейишади. Бу гапни Давид Салимич ҳақида айтишса ҳам хато бўлмайди. Агар борди-ю, мақсади янги ҳалқаларни кўриш ишини чўзиш бўлса, ўшанга эришишга интилади, нияти амалга ошмоғи учун бир бало қилади. Бориб айтасан, қояни кўрдим, дарзи йўқ экан, дейсан. У қайсисини кўрдинг, дейди. Чап томондагисини, деб жавоб берасан. Чап томондагиси дарё оқимидами ё машиналар кетиб борадиган йўлдами? – деб сўрайди Давид Салимич ва у ҳолда мулзам бўлиб яна қайтиб келасан.

Гарчи заррача ҳожати бўлмаса ҳам, у қояни яна кўриши ва текшириши керак. Шубҳадан қутулиш учун. Бу ишга яна уч соат керак бўлади, юқорига кўтарилиб, омонат ёғоч кўприкдан ўтиши, соҳилдан яна эниб, ҳув анави сўқмоққа келиши лозим. Бошқа чора йўқ.

Саидбек иккинчи қояда ҳам оғир симларни кўтарувчи ҳалқанинг мустаҳкам туришига ҳалал берувчи нуқсон кўрмади. У бу нуқтага ҳам жуда ишонарди, аммо яна кўргандан кейин, терга ботиб пастга тушаётганда тўсатдан қаттиқ ғазабланди.



Эҳтимол, оёғи остидан чиққан фалокат, тош кўчкисида қолиб кетишига ҳам шу паришонлиги сабаб бўлгандир.

Ўзидан кўрсин. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Чамаси, Саидбек фақат кўр эмас, кар, гаранг ва фаромушхотир ҳам. Давид Салимич баҳорда ҳам уни хатарли вартага итарганини тамоман унутганди. Ушанда ҳам умум фойдаси ҳақидаги айнан ўша шиорни илгари сурганди.

Бригада бошлиқлари йиғилишида Саидбекка ўз участкасида сим тортишни тезроқ тугаллашни буюрди. Саидбек ҳурмати учун ўрнидан туриб, бригада иши мўлжалланганидан, яъни графикдан ҳам ўзиб кетганини гапирди. Симлар устунларга мустаҳкамлаб тортиб қўйилганди. Фақат битта катта саккиз юз метрлик равоқ қолганди. Об-ҳаво яхши бўлиши билан унинг симини ярим кунда тортиб қўйишади. Бу улкан равоқни пайвандловчилар махсус равоқ дейишади, уни махсус режа асосида яратиб унга доир ишларни комилан мувофиқ ша-роитда тугаллайдилар.

– Ҳаво қачон яхши бўларкин? – писханда қилиб савол берди Давид Салимич.

– Эртадан ҳарорат кўтарилиб бораркан. Ўзингиз эшитдингиз.

– Лекин, ахир, ҳозир баҳор-ку...

– Тўғри, баҳор, лекин ҳавошуносларнинг ҳам олдиндан айтиб беришлари энди умидбахш бўляпти, – яна эътироз билдирди Саидбек.



– Яъни, бизнинг планларимизга мувофиқ бўлибди-да, – пичинг қилди Давид Салимич.

– Катта равоқ иши–мураккаб. Шошилишга ҳам ҳожат йўқ. Ер юзида ишимиз кўп ҳали. Бригада бекор ўтирса, бу бошқа гап.

– Мен сим тортилсин, деб айтяпман, – овозини кўтарди бошлиқ. – Муҳокама, мунозарага ўрганманг, оқибати яхши бўлмайди.

Саидбек бошқа ҳеч нарса демади. Совуқ ҳавода, ёмғир тагида сим тортиб бўлмайди. Тоғларда ҳар соатда, ҳатто, бир соат ичида ҳаво икки –уч марта паст-баланд бўлиб туради. Симга уриладиган ёмғир томчилари мабодо музлаб қолса, фалокат юз бериши мумкин. Бу гапни ҳам айтмади, айтишга эҳтиёж сезмади. Ахир, ҳаммаси мутахассис, ишнинг нозикликлари, жумладан, хавфсизлик қоидаларидан огоҳ кишилар.

– Индинга катта равоқ ҳам тайёр бўлсин. Комиссия келади, – гапини тугатди Давид Салимич ва тагдор қилиб қўшиб қўйди. – Агар катталар олдида бўйнимиз эгилиб, тилимиз қисқа бўлмасин, десангиз.

Саидбек бригада пайвандловчиларига бошлиқ билан бўлиб ўтган гап-сўзни айтиб берди. Ҳамма хомуш ўтирарди. Саидбек «сен нима дейсан?» де-моқчидай бригаданинг илғор пайвандловчиси Алексейнинг юзига тикилди.

– Буйруқ шунақа бўлса, иложимиз қанча? – елкасини қисди Алексей. – Таваккал деб чиқаверамиз.

Саидбек бу қўрқмас ўртоғининг вужудида ҳеч

қачон иккиланиш аломатини кўрмаганди. Иккиланган одамни мушкул ишга юборгандан юбормаган тузук. Бу амри маъруфдир.

– Ҳзим чиқаман, – деди Саидбек.

Новиков унинг билагидан маҳкам ушлаб, йўл бермасди, аммо Саидбек пайвандловчиларнинг ҳалқа-ю, занжирдор тасмасини чаққонлик билан белига боғлаб, эҳтиёт учун симлардан бирига илинадиган зулфиндор занжирни диққат билан кўздан кечирди. «Ишда Алексей билан иккаламиз тенг, ўзича ўйларди Саидбек. Модомики бошлиқ ҳузуридаги йиғилишда Ҳзимнинг фикримни ўтказолмаган эканман, ишнинг қийинчилигини ҳам энди ўз зимамга олишим керак».

Аввалги бир соатда иш бир хилда борарди. Ўртоқлари пастда симнинг учини бульдозер кетига улаб тортишар, у ҳам сопол бўйин ўртасидан ўтказишга ёрдамлашар, таранг тортилгач симни изолятор ҳалқаларига маҳкамлаб ўраб боғларди.

Ногоҳ Саидбек ёмғир томчилари кўз олдида симга тегиб пастга тушмаётганини, музга айланиб бораётганини пайқаб қолди. Сим кўз олдида гўё шаффоф шишалик тўн кийгандай аста-секин йўғонлашиб борарди. «Шу ҳалқани ҳам боғласам, бас, кифоя, кўнглидан ўтказди у, кейин тушаман, майли...» фикрларини тугатолмай олдин ўнг қўли, кейин чап оёғи муз қоплаган сим устида тойилиб, чаппа ағдарилиб кетди ва белига боғланган эҳтиёт занжирига осилиб қолди.



Пастда ғала-ғовур кўтарилди. Кейин баногоҳ ҳамма жимиб қолди. Алексей ва яна биттаси темир поя томонга югурди, юқорироққа чиқиб Саидбекка яқинроқ боришни, ҳеч бўлмаганда маслаҳат беришни ёки ақалли ўзларининг ҳамдамликларини билдириб, юрагига мадор бағишлашни истардилар. Бошқалар эса нафасларини ичга ютиб, бошлиқнинг энди қандай йўл тутишини кузатиб туришарди. Бошқа чора ҳам йўқ. Пайвандловчилар ишининг хосияти шу. Бундай лаҳзаларда жонингни қутқариш учун ҳаммадан олдин ўзинг курашасан. Шунда ҳам агар ҳушинг бўлса, занжирга йиқилганингда белинг лат емаган бўлса. Вертолёт ёки яри-маавтомат нарвонларнинг ёрдами ҳозирча фақат режаларда бор, холос. Ёки ёш пайвандловчиларнинг рангин хаёлларида.

Саидбек занжирни ушлаб-ушлаб юқорироққа чиқди, боя оёғи остида қолган симни иккала қўлига ўраб, шу ҳолатда осилиб қолди. Бир оз нафасини ростлаши керак эди, чунки изтироб шиддатидан ва бир неча лаҳза боши билан осилиб ётиши натижасида қон бошига уриб, кўз олдида қизил, қора рангдаги юмалоқ нарсалар айлана бошлаганди. У кейинчалик қаттиқ кўрққанини гапириб берганди. Чиндан ҳам, яқинроқдан қараган киши ранги рўйининг кўкариб кетганини, лабларининг эса ложувард тусга кирганини кўрарди. «Тамом, занжир узилди ё зулфин бандидан чиқди. Юзта жоним бўлса ҳам, бирортаси нажот топмайди» деган эди кўнглида.

Саидбек нафасини ростлаб, кучига зӯр берди ва иккала оёғини сим устидан чилликвор ўтказиб, зулфинни кенгайтириб очди ва занжирни белига яна бир марта ўраб, бошқатдан симга боғлади. Энди секин-секин, қаричма-қарич устун томонга силжиб, бир неча метрлик қийин масофани босиб ўтиши лозим эди.

– Саид, мен шу ерда, – устун устидан Алексейнинг овози эшитилди. – Ҳеч гап эмас, жўра. Келавер, секин-секин келавер.

Пастдаги ўртоқлари осмонга тикилиб ундан кўз узмай, хомуш туришарди: бундай вазиятда маслаҳат ё кенгаш у ёқда турсин, бир оғиз сўз ҳам ортиқча эди.

Саидбек сим юзасидаги муз янада қалинлашиб қолганини кўрди, резина қўлқопининг ишқаланишидан сув бўлиб боши ва бўйнига катта-катта томчилар тушар, комбинезони енгидан ичкарига оқарди.

Алексей эгилиб, Саидбекнинг бўйнидан ушлаганда у ортиқча ҳаракат қилишга мажоли қолмаганини ҳис этди. Хаёлида бир лаҳза қутбшунос олимнинг Антарктидадаги чексиз музликлар устига курган ёлғиз, кичкина чодири пайдо бўлди. Кейин Бузургнинг чехраси кўз олдига келиб, унга таажжубланиб тикилар ва гина қилгандай сўрарди: «Ҳа, Бек, сенга нима бўлди? Ўзингни қўлга ол, Бек, сен паҳлавонсан, сен менинг ўғлимсан...».

Саидбек бошини енгил қўйиб юбориб, эс-



хушини бир нуқтага йиғди ва эпчиллак билан устун темирига ёпишиб, қоматини тиклади.

Фақат ерга тушгандан кейингина панжаларининг қонга бўялганини пайқади. Бошқа куни баъзи тирноқлари кўчиб кетди ва у икки ҳафта ишга қўлларини дока билан боғлаган ҳолда қатнади.

Агар ўша баҳор кунида иш фожиа билан тугаганда, шубҳасиз, текшириш ва сўроқлар бошланарди, прокурор вакили келиб ҳаммани игнанинг тешигидан ўтказарди ва оқибатда ким ишнинг зарур ҳавфсизлик қоидаларини бузганлигини (ва, эҳтимол, нима мақсадда?) аниқларди. Ўшанда, балки, Давид Салимичнинг ҳам номи сув юзига чиққан бўлармиди.

Алексей Новиков ўша куни кечгача Давид Салимичнинг ғайриқонуний фармонини ҳеч бўлмаганда касаба иттифоқи бошлиқларига етказиш керак, деб туриб олди. Аммо Саидбек ўртоғининг маслаҳатга кўнмади. Бировдан бировга шикоят қилишни ёмон қўрарди у.

* * *

Дарёнинг шовуллаши дамба-дам ўз оҳангини ўзгартириб тургандай. Гоҳо бир неча дақиқа баҳорнинг давомли чақмоқлари гулдуриси остида қолади ёки баланд-баландлардан харсанглар устига оқиб тушаётган қудратли шаршаралар гумбурлашларига қўшилиб кетади. Гоҳо унинг садоси кўмилиб, биров тошлоқ ердан ёки қуруқ экинзордан тортиб кетаётган шох ёки қамиш боғининг овозига ўхшаб қоларди.

Йўқ, бу ҳам кишининг эшита билиш хосиятига боғлиқ, шубҳасиз. Бўлмаса дарёнинг оҳанги нима учун ўзгариб тураркан?

Ой доираси осмон ўртасига келибди. Саидбек одатдагидек ҳаракат қилиб кўлининг бандига қаради ва соати йўқолгани дарҳол эсига тушди. Ҳозир қайси вақт бўлсайкин? – ўйлади у. Модомики шом еган ой осмон ўртасига етган бўлса, демак, тонг яқин.

Шошилишнинг оқибати шу-да. Бир оз сабр қилиб, Нур билан бирга келганда, уни ёлғиз қўймаган бўларди, ҳаяллаганини кўриб қидиришга тушарди, ўртоқларини огоҳлантирарди. Э-ҳа, Нур, Алексей, Собирнинг кўнгиллари нохушлик эҳтимолини сезса, муболағасиз дунёни остин-устун қилишади.

Нурнинг ўғил тўйида нима ишларни қилмадилар!

Жума куни саҳарлаб Собир ва Алексей бригаданинг капалик машинасига миниб, қайсидир узоқ бир район бозорига боришди. Бригада аҳли йиққан тўёна пулга буқача олмоқчи эдилар. (Собир қишлоқ бозорида мол арзон дерди). Улар иш бошлангунча Кашолдарага етиб келишмоқчи эди, бироқ чоштгоҳ бўлди, пешин бўлдиямки, дараклари йўқ. Фақат кечга яқин Алексейнинг бир ўзи келди.

– Собир қани? Қаерларда юрибсизлар? – Қачонлардан бери ўзини ўртоқларини бир тергаб қўйишга тайёрлаган Саидбек жиддийлик билан сўради.

Алексей кулиб туриб, Собир тирик ва соғсаломат, Нурнинг уйида ўтирибди, деди.



- Қаёқда ўтирибди? Тўй эртадан кейин эмасми? Ҳозир бекор ўтириш вақtimi? Бугун ҳафтанинг охириги кунни эканлиги эсларингдан чиқдими? Қани берироққа кел, оғзингни оч, кух де. Каллаи саҳарлаб ютдиларингми, нима жин урди сизларни?

Алексей бошлиқнинг «сиёсатига» эътибор бермай, куларди, холос. Кейин воқеани сўзлаб берди.

Собирнинг гапига қараганда, улар буқачани арзонга олиб, машина кетини дўнгга тўғрилаб жониворни миндирадилар ва эшикни беркитиб иккаласиям кабинага ўтиради. Лекин бозордан ҳали узоқлашмай туриб пишқирган буқача ўзини машина капасининг тўрт томонига ура бошлайди.

- Рулга ўтир, Алёша, - дейди Собир. - Мен уёққа ўтай. Бўлмаса капани майда-майда қиладиганга ўхшайди.

Алексей буқачанинг ўзини кўтариб уриши ҳар ҳолда пасайганини ҳис қилди. Катта йўлга чиқиб, кабина орқасидаги ойначадан қараб қапа ичида ҳеч нарсани кўрмайди. Ҳайрон бўлиб машинани тўхтади ва орқа эшикни очиб... на Собирни таний олади, на буқача ва на капани: Саҳройи чарс ҳайвон ҳам кўрқувдан, ҳам эгасининг бозор арафасида бисотида бор ўту емдан қисмаганидан, устидан неча марталаб тўйдириб суғорганидан капанинг ҳамма ёғини булғаб, шатмоқларини узун думи билан эшигу девордан олиб ўзига ва Собирнинг бошоёғига ураверганди.

- Қишлоқнинг ярми суз ташиб машинани

ювишди, мен Нурнинг болалари билан Собирни ювинтириб, Нурнинг уст-бошига ўраб опкелдим, – деди Алексей. Бир оздан кейин Саидбек бурчакка тортиб деди: – Нурнинг тўйини қўлма-қўл қилиб ўтказамиз дегандинг-ку? Шундай экан, боғ ҳовлисининг эшик, деворларини бир оз таъмир қилиш керак. Кўрганмисан? Кечқурун бирга борамиз. Бир томонда тўла таппак, бир томонда ғўзапоя ғарами. Боғининг ёнидан катта ариқ ўтган, устини тахта билан ёпиб, деворларини бир оз тузатсанг, жаннатдай бўлади. Нима дединг? Вагончангнинг орқасида бетон қолипига ишлатилган икки-уч машина эски тахта ётибди. Ўтинлик ҳам бўлади. Ўшаларни ташийлик. Нима дединг?

Шанба куни эрталабдан ҳашар бошланди. Салкам йигирма киши аҳиллик билан ишга киришди. Нурнинг қўшнилари узоқдан уларнинг ишига ҳайрат ва мароқ билан қараб туришарди. Кейин улар ҳам енг шимариб ҳашарга қўшилдилар. Бир гуруҳи эски тахталарни эгри мих ва бетон қолдиқларидан тозаларди. Собир бир бурчакда икки ғўлани ерга кўмиб ярим соатда дурадгорлик дастгоҳи ясади ва тахталарни рандалай бошлади. Бир гуруҳи эски пахса деворни йиқитиб, ўрнига оппоқ тахта девор кўтарарди. Икки-уч киши тўй эгасининг уй ва айвони, деворларига ранг ва оҳак суртиш билан машғул эди. Алексей ҳовли ўртасида электр симини тортиб, эртадан кейинги ўтиришга тайёргарлик кўрарди.



Ариқнинг устига роҳат қилиб ўтирадиган узун тахта сўри ясадилар. Собир ва Алексейнинг «Жигули»-лари қишлоқ билан шаҳар ўртасида бўзчининг моккисидай қатнарни. Бири магнитофон, турли идиш-товоқлар, бири эса сим, микрофон ҳамда даста-даста сочиқ билан дастархон олиб келарди.

Тўй жуда яхши ўтди. Нурнинг ҳамқишлоқлари бу музофотда яқин орада бунақанги тартибли, тўкин-сочин тўй ўтказилмаганини айтишарди. Ҳатто, раислар, омбор мудирлари-ю, магазинчилар ҳам бундай тўй ўтказишмаган экан. Ҳамқишлоқлари ҳаммадан ҳам яна шунинг учун ҳайратда эдиларки, Нурнинг бир гуруҳ жўралари келиб унинг оддий деҳқонча боғини бир кунда («Илло, бир тўлиқ кунда ҳам эмас, эрталабдан тушгача!») тамоман бошқача қилдилар. Кўримсиз бир жой тўсатдан кенг, шинам боққа айланди, донғи кетган боғларга ўхшаб тўрт томонидан нур ёғилиб турарди. Собир шаҳардан олиб келган гармончи ҳофиз, Новиковнинг сурнайчи ўртоғи базмни қизитгандан қизитиб, томошабинларнинг кўплигидан хизматкорлар уёқдан – буёққа ўтишга ҳам йўл тополмай қолишарди.

Саидбек гоҳида колхоз бригадирининг қувонганини эслаганда, лабларига беихтиёр табассум кўнарни.

– Ўртоқ колхозчилар, – дерди у атрофига назар ташлаб ва айни пайтда каловланиб қолмасликка ҳаракат қилиб. – Сизлар бу ўртоқлардан ўрнак олинг. Ҳатто, ўзим ҳам ўрганишим керак. Йўқ, мен



аҳил эмасмиз, демоқчи эмасман. Мен бундай деяёт-ганим йўқ. Биз деҳқончилик касбимиздан рози, ҳатто, фахрланамиз. Демоқчиманки, нима учун ишчилар синфини Эс-Эс-Эс-Эрда пешқадам ва ҳатто, раҳбар синф деймиз? Ана шу ғайратлари, софдиллиги, беминнат хизматлари учун. Қаранг, ўртоқ колхозчилар, бу жаннатни кўряпсизларми? Бир кунда яратдилар, ҳатто, бир неча соат ичида! Азиз меҳмонларимиз, ўртоқ Сангинуф, Новикуф ва ... ҳатто, ўзимизнинг Нур! Сизларнинг соғлигингиз учун, ишчилар синфи учун ичаман! Кўзимизнинг нури, бош устига!...

Тўйдан кейин Нурнинг феъли тамоман ўзгариб қолди. Илгари яшаш жойи, яъни қишлоғи шаҳардан, иш жойидан узоқлиги учун баъзан нолиб қўярди. Уйига машинага миниб борганда идора бошлиқлари ва ГАИдан гап эшитарди. Автобус ёки йўловчи машина кутса, ҳар куни бир неча соат беҳуда кетарди. Тўйдан кейин бирор киши унинг оғзидан шикоятга ўхшаш сўз чиққанини эшитмади. Қайси куни «Поясозлик ва сим тортиш учун дунёнинг у чеккасига юборсалар ҳам сизлардан ажралмайман» деганди.

Укаси Умарни ҳам бригадага ўзи олиб келди. У армиядан қайтиб, Душанбенинг янги ресторанларидан бирига ишга кирганди. Асли касби ошпазлик эди. Вақтида шу соҳа техникумини битириб, аскарликда ҳам хўжалик ишлари бўлимида хизмат қилганди.



– Шу сағирани ҳам ишга ол, бошлиқ, – илтимос қилганди у Саидбекдан. – Зуваласи пухта, мендай карахт эмас, раҳматлик отамга тортган: эпчил, иш кўзини билади.

Ва укасини сердаромад ресторандан зўрлик билан чиқариб, сайёр бригадага олиб келганлиги учун ҳам, унга тасалли берувчи насиҳат қиларди:

– Яхши одамлар ўртасида ишласанг, отамнинг арвоғи кўллайди. Бизнинг маошимиздай ҳалол пул йўқ дунёда.

... Ҳа, шошилишнинг оқибати шу. Ажойиб ҳамкор дўстлари бор, аммо унинг ҳолидан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

Нигор ҳам ҳеч нарсани билмайди. Қишлоққа, туғилган жойига кетган. Бобонинг маросимига катта акаси ҳам боришини айтганди. Ҳозир у қишлоқда, отасининг боғидаги кенг тахта сўрида, янгаси ва туғишганларининг ёнида маст уйқуда. Чигирткалар ҳам чириллашларини бас қилиб, қачонлардир уйқуга кетишган. Қишлоқ чеккаларида хўрозлар қичқириғи бошланди. Аммо Нигорнинг қулоғига садо кирмайди.

Ўтган куни эрталаб Нигорнинг қишлоққа жўнаши тасодифданмикин ё ҳам устига ҳамнинг келишида, бундай шароитда Саидбекнинг ҳолидан бировнинг огоҳ эмаслигида бирон-бир қонуният, ҳеч бўлмаганда, бирор мантикий нуқта бормикин?

Агар Нигор сеvimли эрининг бундай ҳолга туш-



ганини билганда эди... Ҳа, шундай севимли, Нигор уни чин юракдан, дилу жони билан севади.

Улар одатда Райҳонии ухлатиб, телевизион кўрсатувларни агар зерикарли бўлмаса – охиригача кўришади. Кейин Нигор ошхонага ўтиб, идиш-товоқларни ювади. Саидбек айвончага чиқиб, сигарет тутатади. Турмушларининг аввалги уч йили ижараларда қандай беҳаловат ўтганини эслади. Айниқса, турмуш қурганларидаги йил. Уй эгалари – чол ҳам, кампир ҳам – касалманд ва инжиқ одамлар эди: ошхона ё даҳлизда чироқнинг бир неча дақиқа ортиқроқ ёниқ қолишидан, ёш эр-хотинининг ярим кечада қайтишидан, қаттиқроқ кулишларидан асабийлашиб, ғурбат қила бошлашарди. Яхшиямки, кейин топишган ижара уйлари тузук чиқди. Нигорнинг кичик укаси Султоннинг бир ҳамкасби икки йиллик сафарга хотини ва болаларини ҳам олиб кетиб, уларнинг уйига кўчиб ўтишди. Энди уч киши бўлиб, ўз уйларида яшашади. Истасалар ярим кечагача телевизор кўришади, истасалар бирор жойга томошага ё меҳмондорчиликка бориб, кўнгиллари истаган пайтда уйга қайтишади. Ҳатто, эрталаб қайтишлари мумкин. Фақат Райҳонгиналари уйкудан қолмаса бўлди...

Саидбек сигарет тутунларини айвончанинг очиқ деразасидан ташқарига пуфлаб, хотинининг иши тугашини кутиб шундай хаёллар билан машғул бўлади. У ётоқхоналарига барабар киришни истайди. Лекин деярли ҳар доим идиш-товоқ, кир



ювиш, дазмоллаш ё шунга ўхшиш ташвишларга Нигор анча андармон бўлади. Саидбек бекор ўтирмаслик учун катта уй стулларини, рўзнома ва сочилиб ётган китобларни жой-жойга қўяди. Ниҳоят, унинг қиладиган иши қолмай, кириб кўрпа устига чўзилади. Ошхонадаги садоларга қулоқ солиб, кутиб ётади. Гоҳо торикиб кетади, лекин чидайди. Эҳтимол, баъзи хотинлар шунақадир, эрлар висол лаҳзасини ҳамиша ана шундай сабрсизлик билан кутишсин дея, жўрттага ивирсишади, кўнглидан ўтказарди Саидбек.

Ниҳоят, идиш-товоқларнинг, қошиқ ва санчқиларнинг бир-бирига урилган овози пасайиб тинади. Нигор яна бир оз уларни сочиқ билан артиб, жавонга жойлай бошлайди. Кейин ошхонада чироқнинг шиқ этиб ўчирилган овози эшитилади. Лекин энди ювиниш хонасининг чироғи порлайди. Нигор юз-қўлини ювиб, пардоз андозини тўғрилайди. Саидбек хотинининг бу ишини ёқтирмайди. Ёнига кириб бағрига тортиши билан, илтимос, ёпишманг, дейди, бўёққа суркаласиз, дейди.

– Нима учун бўёқ суркайсан-а? Худонинг берган куни суркайсан? – хуноб бўлади Саидбек.

– Қариб қолмай, дейман-да. Юзимга ажин тушмасин, дейман. Битта-яримтага оғиб кетманг деб ўзимга оро бераман, – ярим ҳазил, ярим чин, батафсил жавоб қайтаради Нигор.

– Оҳ, бирам узоқни кўзлайсанки: ниятларинг йигирма – ўттиз йилга бориб етади.



– Бўлмасам-чи? Шундай воқеа юз бермасин, дейман-да, дадажони.

– Оҳ, оҳ, Госпландан ҳам ўтказвординг-э...

– Хўп, ёпишманг, – эрининг бағрига тортишга ҳозирланган қўлларини аста итариб рад қилади, Нигор. – Шакарнинг ози яхши.

– Тўғри, лекин бу даражадаги озида ҳам маза бўлмайди.

– Бўлади, дадажони, бўлади, – ўта майин оҳангда шивирлайди Нигор, лекин энди кўпам қаршилиқ қилмайди. Қоронғиликда ашқол-дашқоли турадиган сандиқчадан пайпаслаб, рўймолчасини топади ва юзларидаги бўёқни артади...

Уларнинг турмуш қуришларига Нигорнинг акаси, ўзининг курсдоши Султон сабабчи. Қисқаси, унинг бир қадар кўзга ташланмайдиган ғалати феъли-атвори сабаб бўлганди. Аслида Султоннинг табиатини «бир қадар кўзга ташланмайдиган» дейиш озлик қилади.

У қурилиш иқтисоди факултетини тугатгач, диплом иши мутахассислар диққатини жалб қилгани учун Қурилиш нозирлиги марказий идорасига ишга жойлашиб кетди, ҳаш-паш дегунча бошпанаям олди.

Августнинг бошлари эди. Саидбек илгаритдан берган ваъдасига кўра, Норак автобусидан тушиб, тўғри Султоннинг уйига келди. Кўнғироққа ҳеч ким жавоб бермади. Саидбек эшикни оҳиста итарган эди, очилиб кетди.



– Ҳой, ким бор? Овозингни чиқар! – чақирди Саидбек. – Ё ваъдангдан тониб, уй бурчагига тиқилиб олдингми?

Яна садо чиқмади. Саидбек аччиқланиб, эшикни очиқлигича қолдириб, пойабзалини ечмай, даҳлизга кирди.

Ошхона эшигидан Нигор чиқди. Шаҳло кўзлари йиғидан қизариб, қовоқлари шишиб кетганди.

– Нима бўлди, Нигор? Тинчликми?

– Тинчлик, ака, уйга киринг. Акам ҳозир келадилар, – деди, саломлашгандан сўнг Нигор.

– Сен нима қиялпсан?

– Ош пиширяпман. Гурунчни тозалаётгандим.

Нима сабабдандир яна йиғлагиси келиб, қизча дарров ташновга ўтди, юз-қўлини совуқ сувга ювди.

Кейин улар ошхонадаги кичик столнинг икки томонига ўтириб гурунч тозалай бошладилар. Нигор ўшанда ўн етти ёшда эди. Саидбек қизнинг арғувон чехрасига, кўкрагига тушган майда ўрилган қора сочларига ўғринча кўз ташлаб, бир йил ичида Нигорнинг қадду қомати бу қадар гўзал ва дилтортар бўлганини ажабланиб кўнглидан ўтказарди. Ўтган йили ёзда Султон ва Саидбек уларнинг кишлоғига бориб, онаси ҳамда катта акасининг уйида бир неча кун дам олишганди. Эрталаб она сут соғишдан қайтиб, уларни уйғотар ва янги соғилган сутдан ичишга мажбур қиларди. Кейин колхознинг балиқчилик учун махсус қурилган сув омборида чўмилиб, балиқ тутардилар.



– Сангинуф, инсоф юзасидан айтгин-чи, бунақа кайфу сафони қайси Кавказу Қримдан топа оласан?

– Оламнинг ҳеч бир бурчагидан! – дерди Саидбек ўртоғининг кўнглига қараб.

Нигор ўшанда бўй етган қиз эди, бироқ жуссаси болаларникидай ингичка кўринарди. Юриши, ҳаракатлари, нигоҳида ҳозир вужудида ҳувайдо бўлган ҳаёли босиқлиги, ёқимли ҳусн-жамоли намоён эмасди.

Саидбек ўз томонига тортган бир сиқим гурунчдан фақат бир дона шоли тополди, холос. У Нигорнинг курмак, тошчалар, шоли доналаридан ярим бўлган пиёласига қараб ўзининг ҳунарига, ўтқир ва узоқни кўра оладиган кўзларига (ўзининг ҳаёлида) шубҳаланиб, бир сиқим гурунчни стол устида бошқатдан ёйди. Айни пайтда ҳаёли қатъий ман қилинган томонга кетаётганини кўнглидан ўтказди. Ҳа, ҳозирнинг ўзидаёқ олдинги Нигори гўё оташпараст норасида эканлигини, ҳозир эса энди очилган гунчага ўхшашлигини ҳаёлидан ўтказди. Айниқса, кўз ёшлари илинган киприги, икки юзи тонгда очилган оқ садбаргга ўхшардиким, баргига қўнган шабнамлари офтоб шуъласида олмос зарралари янглиғ товланиб турарди. Бу ишим яхши эмас, деди ўзига-ўзи, уят бўлади. Бу қизча мендан олти ёш кичик ... Нима бўлибди? – Худди бошқа бир киши қаердандир пайдо бўлгандай, эътироз билдирди. – Хотин ёки келинчакнинг ёшда кичик эканлиги аксинча, яхши дейишади-ку...



Яна Нигорнинг кўзларига ўғринча назар солиб, уларда кўз ёши асарини кўрди ва ўзича эчки жон қайғусида, қассоб ёғ қайғусида, деди. Бу қиз нима ўйда-ю, мен нима ўйда ...

– Онангиз, акалар, ҳаммаси соғ-саломатмилар? – Нигорнинг паришонлиги сабабини билиш учун сўради Саидбек.

– Ҳа, соғ-саломатлар, – деди Нигор пичирлагандай, тасдиқ аломатида бош тебратаркан ва яна кўзларида ёш ҳалқаланаётганидан ҳавфсираб шошиб турди-да, даҳлизга кириб кетди.

Султон келди.

– О-ҳо, ишлар беш-ку! – хитоб қилди у остонада-ноқ ва табиатига хос жўшиб гапга кирди, аввал Нигордан паловнинг қандай вазиятга етганини сўради, кейин Саидбекни ишларига доир, Норақдан Душанбега сафари ҳақида саволларга кўмиб ва уларга жавоб беришини ҳам кутмай, баланд овоз билан назарида янги кашфиёт яратгандай, ёзнинг иссиғи баъзи идора ва муассасалар иш сифатига оз бўлса ҳам, ёмон таъсир ўтказишини сўзлай бошлади. Зотан, эринчоқ ва танпараст одамлар янада беҳафсала бўлиб қолишади, натижада ваъдабозлик ва қоғозбозлик бозори иссиқ ҳаво каби қизиб боради. Султон бу фикрини айтиб айни пайтда уст-бошини алмаштирди, кейин ўртоғини бағрига қаттиқ тортиб «Хуш келибсан» деди ва уни ичкари уйга таклиф қилди. Дастурхон ёнига чўкишгач, портфелидан қалин китоб ва бир шиша арақ чиқариб, кўшиб қўйди:

Шиша икковимиз учун. Китоб эса ўз-ўзингга: «Темир-бетоннинг энг янги конструкциялари»... Шу керакмиди?

– Шу. Раҳмат оғайни. Лекин, ошна, бир оз сабр қил, мен ҳам одамга ўхшаб ақалли битта савол бериб, сендан жавоб олай.

– Марҳамат, иккита, учта савол бер.

– Бу ишлар нима учун? Мену сен қаерларгадир бормоқчи эдик? Нега арақ олиб келдинг? Яна Нигор ош дамлаяпти...

– Бўлди, бўлди! Қирқ тўртта саволни қаторлаштирдим. Аслида савол-жавобга ҳожат йўқ. Қулоқ сол, – Султон кўзойнагини олиб, унинг шишаларини рўмолчаси билан артди, қайта тақиб, хушбичим мўйловчасини бармоқлари билан силаб пардозлади ва сўзини давом эттирди: – Сенинг илтимосингни икки юз фоиз қилиб бажардим. Мана китоб. Бу юз фоизи. Яна юзтаси шундан иборатки, энди сенинг бирор жойга боришинг лозим эмас, сени Тожикистон Марказий оммавий кутубхонасига доимий имтиёзли аъзо, яъни абонент қилдирдим. Холмирзо Шокиров эсингда турибдими? Норақ шаҳри қурилиши бошлиқларидан эди, а? Ўша меҳрибон одам ҳозир нафақага чиқиб, кутубхонага бошлиқ бўлибди. Ошна-оғайнигарчиликни лаънатлаймиз, лекин жамоат фойдасига нафъи тегса, ёр-оғайнининг лутфу карамидан фойдаланишни раво деб биламиз. Шундай эмасми? Юз фоиз! Илтимос қилгандим, йўқ демади. Энди ўзинг



эрта ё индин кичик бир суратингни олиб, олдига борасан. Бундан сўнг керакли китобларинг қучоқ-қучоқ бўлса ҳам, бориб бемалол олаверасан. Маъқулми? Юз фоиз маъқуллиги суробингдан маълум. Бўлди, миннатдорчилик керак эмас. Энди қулоқ сол, – Султон Саидбек ҳозиргача унга қулоқ солиб турмагандай жиддий қиёфада сўзини давом эттирди. Нигор асосий имтиҳондан думалабди. Алгебрадан. Фиғон чекиб йиғлаши шундан. Бир томондан, ўзинг кўриб турибсан, ақлли фаросатли катта қизнинг ҳамма нарсага фаҳми етади, бошқа томондан – юз фоиз гўдак! Осмон бошига ағанаб тушган, деб ўйлайди. Яна, энди биз, икки оғайни ҳам унга кўшилиб аза тутамиз, рўмолча тутиб ҳай-ҳайлаб йиғлаймиз, деб ўйлайди. Лекин адашади. Биз, аксинча, хурсандчилик қиламиз. Бир оз сабр қил, Саид. Автобусда шалаббо тер босди, бир лаҳза душнинг тагига кирай. Хурсандчилик қилишимиз сабабини сенга кейин тушунтираман. Нигор! – тўсатдан ошхона томонга хитоб қилди Султон. – Зирвагингдан бир калгир келтир, жигарим. Муздонни оч, ниманг бўлса, буёққа чиқар.

Бир лаҳзадан кейин ташновдан сувнинг шариллагани ва ҳузур қилиб Султоннинг пишқириши эшитилди.

Ўртоғининг уйидаги ўша бир соатлик меҳмондорчилик унинг келгуси тақдирини ҳал қилиб, ҳар бир лаҳзаси умрбод хотирасида муҳрланди.

Султон ташновдан чиқиб, сочини йўл-йўлакай

тараб, дастурхон бошига келди. Иккита кичик қадаҳга арақ қуйиб, аввал сингилчаси Нигорнинг саломатлиги ва келажаги учун ичишни таклиф қилди. У имтиҳондан йиқилиб жудаям ўкинибди, деди Султон, маълум бўлишича, хижолат чекаркан, уялади-да, виждони қийнайди, онадан, акалари, дугоналари, мену сендан ҳам уялади. Модомики виждони бор экан, барча камчиликлар бартараф этилади, хатолар юз фоиз тузатилади. Дилсўз сингилчамнинг келажақдаги яхши кунлари учун!

Қадаҳларни бўшатишди. Султон яна имтиҳондан йиқилиши қизнинг ўзининггина айби эмас, деди. У, яъни Султон унга тўққизинчи синфдан буён бир юзу эллик марта ўқишни давом эттиришни истасанг, тиббий институтга бор, ё педагогикага, деб айтган. Ёш аёлларга, хусусан, Нигорга ўхшаган эсхушли, заҳматкаш қизларга муаллимлик ё духтурлик касби ярашади. Ўзингиз тасаввур қилинг, ўртоқлар, тез ёрдам машинасидан оппоқ халат кийиб олган, бўйнида ярқираган стетоскоп, нозанин тушиб бемор уйи томон ошиқяпти. Бундай қизни кўриб юз фоиз ўладиган бемор ҳам қайта тигрилади. Ё қишлоқ муаллимасини олайлик. Қишлоқнинг офтобда қизарган болалари қуршовида тасаввур қилинг, ўртоқлар, қандай ажиб манзара! Дилкаш! Эҳ! – эҳтирос билан хитоб қилди Султон қадаҳларга яна оз-оздан шароб қуяркан. – Саид, қабул имтиҳонида бировнинг иншосига «беш» баҳо қўйишганини эштанмисан? Йўқ! Фақат гоҳ-гоҳида



Нигор иншодан «беш» олди! Бир гаплашиб кўр ҳозир, қанақа доно бўлган. Лекин ижтимоий фанлардан... Мана, оғзаки алгебрадан «икки» олди. Икки! А?! Ахир, қизларга ким кўйибди қишлоқ хўжалик институтини! Яна механизация факультети! Ҳай, юзингни бурма, озгина оширвордим, деб фараз қилайлик. Аёллардан ҳам қишлоқ инженерлари чиқиши керак, лекин...

– Ака, акажон, – паст овоз билан ердан кўзини узмай деди Нигор, – Муаллим билмаганим учун эмас, очик-ойдин жавоб беролмаганим учун «икки» кўйди.

– Ана, кўрдингми, отдан тушса ҳам, узангидан тушмайди. Бунинг ҳаммаси онамизнинг, катта акамизнинг ширин насиҳатлари меваси.

– Султон, сен нималар деяпсан? – Саидбек эътироз билдиришга оғиз жуфтлади.

– Нима дейишимни юз фоиз биламан. Катта акамиз – пухта устоз, орденли, фалону писмадон... Онамиз водийнинг номдор сут соғувчиси. Бу киши ҳам орденли, кенгаш вакили, депутат ва ҳоказо. Кичик укада-чи? Унвони борми? Йўқ. Ордени борми? Йўқ. Яъни, банги айтгандай, қарагин-чи, ким гапиряпти.

– Ака, акажон... – Яна ўша синиқ овозда илтижо қилиб, нималардир демоқчи бўларди Нигор, бироқ акаси гапиргани кўймай, Саидга юзланиб деди:

– Йиғлайвериб шишиб кетди. Бўйнимни эгиб бориб сиртқи бўлимга ўтказишларини илтимос

қилдим. Масала қарийб ҳал бўлди, аммо эртадан кейин биргаликда, – у синглиси томон ишора қилди, – боришимиз керак. Булар олий мактаб ҳашама-ти, профессорлар салобатидан қўрқишади. Ростигап, ўзимиз ҳам вақтида унчалик шердил эмасдик.

Султон бир оз ўйланиб қолди.

– Индинга эрталаб Ленинободга бораман, Саид. Тушгача Мастчоҳда бўлишим керак. Сен шаҳарда. Олиб борсангчи-а? Фақат расмиятчилиги қолган.

Саидбек розилик билдириб бош қимирлатди.

– Нигор, бор, жигарим, чамамда ошинг дам егандир.

Нигор ошхонага чикди.

– Ростини айтсам, Саид, сиртдан ўқиса, мен ҳам қутуламан. Майли, онасининг олдига борсин. Бу ерда қолса – пойлоқчиман. Сенинг синглинг йўқ, билмайсан. Иста, истама, кетидан пойлоқчи қилдилар. Озгина кечикса, югуриб институтга бор, сўра, аниқла, нима бўлди, нега кечикди? Қиш кунлари соат беш яримда кеч бўлади. Қаерда ўтказилади у комсомол мажлиси? Нега фалон фандан семинар кечаси ўтказиларкан? Қандай дарс тайёрлашини кузатиб туришинг лозим. Пахта теримига юборишса-ку, қўша-қўша дам олиш кунларинг районларга саёҳат билан ўтади. Ҳар ҳафта емагу, кийим ташийсан. Бугун тароқ керак, эртага тиш ювгич топиб келтир. Э, нимасини айтасан! Онасининг олдига борсин. Ана-мана дегунча эрга беришади. Ҳовлимиз остонасини совчилар охурча қилиб юбо-



ришди. «Нигор ҳали ўқийди, яна беш йил ўқийди» деб онаизор тожик тилида тушунтиради, эртасига яна саватдай дастурхон кўтариб келаверишади. «Сизнинг яхшингизу бизнинг ёмонимиз, хўп денг, болалар бошини иккита қилиб қўяйлик. Ҳаёт шу, минг йиллик одат шу, хайрли иш. Йўқ, деманг». Акам оташин бўлиб ўртага киради: «Ҳой мусулмон, сизга очиқ-ойдин айтяптилар, қиз ҳали ёш, ўн саккизга кирмаган. Сизлар, ахир мамлакат қонунқоидаларидан хабардор-ку!». «Ҳа, ҳа, дейишади совчилар, худога шукр, хабардормиз. Биз эртага тўй қилайлик, демаяпмиз-ку. Ҳозир розиликларингни беринглар, нон синдирайлик, худо етказса тўйни кейинроқ қиламиз». Қишлоқ-да – қишлоқ! – Султон бир оз ўйланиб турди ва чехраси очилмай деди: – Бир йилдан буён шу аҳвол. Бирор ландавурга бериб юборишмаса, деб кўрқаман. Тўхта! – тўсатдан стол устига муштлаб қичқирди у. – Нигорни сен олсанг, бўлмайдими? А?

Саидбек серрайиб қолди. У ўртоғининг шарт тақилигини биларди. Султоннинг қадимий расм-русумларни, миллий одобни зарур шарт эмас, деб, бу ҳамма шарт-шароитларга масхараомуз қарашидан ҳам хабари бор. «Шарқ одобингизни шўрва қилиб ичинг. Ош бўлсин! Лекин мени маъзур тутасиз. – неча марталаб айтарди у, – Улуғлар айтмишларким: одоб ихтиёрий зиндон. Яна айтаманки, маъзур тутасиз, мен озодликни истайман...»

Ўртоғининг феълини яхши билгани учун Саид-

бек тамоман лолу хайрон бўлиб қолганди. Сўз демокқа мажоли етмасди.

Нигор товоқчаларда тўғралган бодринг ва помидор келтирди.

– Тўхта, жигарим, – Султон ўрнидан турди-да, Нигорнинг елкаларидан кучиб деди. – Сени бу йил бўлмаса, келаси йили. Хўп, бор-ки икки-уч йилдан кейин турмушга чиқарадилар. Мана шу Саидбек аканг яхши йигит эмасми?

Нигор шу ондаёқ қизариб кетди, юзини оппоқ, нозик қўллари билан бекитиб бошини эгди, бир лаҳза шу ҳолатда турди-да, кейин ҳўнграб йиғлаганча ташновга чиқиб кетди.

– Маст бўлибсан, ошна! – деди Саидбек ўрнидан тураркан. – Биламан, сен шунақа х-х... тилини тишлаб, таҳқирловчи сўзни айтишдан ўзини зўрға тийди. – Шунақа андишасизлигинг бор. Сенингча, бу тарзда гаплашишинг одобнинг янги хилига кирадими? Лекин, ошна, янгилик ҳам эви билан. Хўп, мен-ку, ўрганиб қолдим. Бечора Нигорнинг гуноҳи нима?

– Хўп, ўтиринг, ўтиринг. Биз ҳам сизни юз фоиз биламиз. Шукр, олти йил бўлди. Оламнинг иссиқ-совуғини баҳам кўрдик. Анави пешонаси кенг жон дўстингиз... Нима эди? ... Анави Давид Салимдай гапга қанот боғлатиб тагидан пона-ю, устидан шона урганимизда сизга ёқарди. Кечирасиз, биз декорация устаси эмас! – деди Султон. – Бўлган турганимиз-шу!



– Афсуски, шундай. Ҳа, юз фоиз! – Энди Саидбек ҳам хижолат қилгани учун ўч ола бошлади. – Сут билан кириб жон билан чиқади дейдилар.

Саидбек даҳлизга чиқди, михга осиглиқ похол шляпасини олиб кияркан, ташнов томонга қараб: – Нигор, эрталаб соат саккизда келаман. Институтингга борамиз, – деди-да, шитоб билан чиқди.

– Ростданам кетяпсанми? Араз қилдингми?

Саидбек индамай зинадан пастга туша бошлади. Султон орқасидан «Эй калла! Манави каллани қаранг» дерди. Саидбек иккинчи қават йўлагида ва чиқиш эшигига етганда бир оз туриб қолди. Яхши иш қилмадим, деб ўйлади. Султон унинг кўнгли қатидаги пинҳона туйғуни айтганди. Чамаси, шундай бўлишини Султоннинг ўзи ҳам чин дилдан истайди. Унда сохталикка тобу тоқат йўқ, ахир. Бўлмаса, Саидбек нега ранжиди? Гапириш тарзидан, урфиятда қабул қилинмаган нарсаларни айтганиданми? Ахир, ўзи юзига сут билан кирган жон билан чиқади, деди-ку. Яна нима керак? Ҳозир Султонни «тарбиялаш» нинг муносиб фурсатимиди? Оилаларида, ҳатто, катта авлодлари орасида фақат ўзигина шунақанги ола қарғадай пайдо бўлиб, ўз бошича вояга етган. Саидбекнинг ранжиб чиқиб кетиши бургага аччиқ қилиб кўрпани қуйдирганга ўхшамайдими?

Саидбек қайтиб келди.

– Бир кун эмас бир кун икковингниям ақлинг

киришига юз фоиз ишонаман, – ғолибона оҳангда эълон қилди Султон ва қадахларни тўлғазди...

Келаси йили баҳорда Бузург келди. Саидбек уни тайёрагоҳда кўриб, ҳайрон бўлди: бобосининг орденларини кўкрагига тақиб, қаҳрабо тусли ипак яктаги устидан кийганини биринчи марта кўриши.

Чол уни тайёрагоҳнинг панжара девори олдида қаттиқ бағрига босиб, одатига кўра бир муддат бўшатмади. Неварасининг тўлишган елка ва билакларини уқалади, юз-кўзларидан ўпаркан, ҳаяжонланиб деди:

– Офарин, Бек. Қачонлардан буён сени уйлантириш учун совчиликка борадиган кунни интизор кутардим. Шу кунга етган чол тақдиридан рози бўлиши керак. – Мен, кексанинг фикримча шундай. Хўп, бўлди, кетдик. Йўқ, – деди яна бобо баланд қоматини бошқатдан тиклаб, кўлини кенг, салобатли соқолига олиб бораркан, – Аввал менга яхши сартарош уста топиб берасан.

Саидбек уни яқин атрофдаги сартарошхонага бошлади. Бобо дераза орқасидан икки уста – ёш йигит ва ўрта ёшли аёлнинг ишини бир лаҳза кузатиб турди-да, «Бўлмайди» деди. Таксига ўтириб, шаҳар марказига келишди. Икки жойда эшик тагидан қатор усталарнинг ишига ва бекор ўтирган миждларга қараб-қараб ташқарига чиқди. Ниҳоят, кўнглига ўтирган устасини шаҳарнинг шимолий бурчагидан, деворлари фанер кўримсизгина



дўкончадан топиб, сочини олдирди, мўйловига қайчи урдирди.

– Қайси оғайнилар, Бузург? Ҳисордагиларни айт-япсизми?

– Ҳа, Ҳисордагиларни. Нега ҳайрон бўляпсан? Вақтинг бўлмаса, ўзим бораман. Мен бу ерларга келиб-кетадиган йилларда, ҳатто, отанг ҳам онасининг қорнида йўқ эди. Сенинг бобонг, Бек, ҳозиргача бирор марта йўлини йўқотган эмас. Мен, кексанинг фикримча шундай. Хўп, югур, такси ушлаб кел.

Тўрт кун Ҳисор районида, Қоратоғ дарасидаги қишлоқда ўтди. Саидбек яхшиям вақтида таътилга чиққанини кўнглидан ўтказди. Бузург совчилик масаласи ва бу тадбирга тайёргарликка шу қадар катта эътибор бериши ҳақида ўйламаганди. Гўё у мухтор элчи сифатида қўшни мамлакатга бориб, камида ҳаёт-мамот масаласи муаммосини ҳал қиладигандай.

Бобони эрталабдан кечгача гоҳ боққа, гоҳ ҳовлига меҳмондорчиликка таклиф қилишарди. Бир жўраси, кекса кулол қўй сўйди. Ҳар куни тўн кийдиришарди. Шолининг кетидан курмак сув ичгандай, бир жойда Саидбекка ҳам тўн кийдиришди.

Ниҳоят, «вакиллар ҳайъати» белгиланди. Бир аъзоси ўша кекса кулол, қалби бутун ва суҳбатни қизитадиган қария эди. Бошқаси Бузургга ўхшаш баланд бўйли, серсоқол, аммо кам гапирадиган чол бўлиб, инқилоб давридан Улуғ Ватан урушигача

қайсидир от боқиш муассасаси бошлиғи сифатида ишлаган экан. Гапга қўшилиб қолса ҳам фақат ўша замондаги от ва от боқишга доир воқеаларни бир неча оғиз сўзларди, холос.

Бузург совчиликдан қайтгач, аввал жўраларини уй-уйига кузатиб қўйди. Кейин неварасининг ётоқхонасига келиб, уни муборакбод қилди. Танлагани маъқуллигини, келин хонадонидагилар бамаъни кишилар эканлигини айтди.

– Сендан, Бек, бошқача умидим ҳам йўқ эди, – яна деди Бузург. – Сени, у қиз... кўрдим уни ... Буюрсин, яхши... ҳа, сени, Нигорни дуо қиламан. Лекин, афсус, сиз ёшлар, хайрли дуога бепарвадай. Мен – кексанинг хаёлимда шундай.

– Унақа деманг, Бузург, бепарво эмасмиз, – одоб билан эътироз билдирди Саидбек, – Хайрли дуо, ахир, нек орзу, ҳамду саноидир. Нега қадрламайлик?

– Билмасам. Хўп, Бек, майли. Тўйни кузда қиламиз. Ҳамма рози. Пулнинг ғамини ема. Ўзим келиб, бошчилик қиламан. Ижара уйнинг ҳам айби йўқ. Ҳаммаси аста-секин бўлади, – Шу маҳал бобонинг чехрасига ғам булути соя солди ва у кўзларини ярим юмиб, ҳудди ўз-ўзига гапираётгандай настовозда қўшиб қўйди: – Ўз ўғлимнинг сўнгги келин-қуёвлик тўйи. Мен – кексанинг фикримча шундай. – Яна бир дақиқа сукутга кетди, кейин ўтирган жойида бир қимирлаб олиб нохуш хаёлни ҳайдаб, одатдаги бардам овози билан: – Катта тўй қиламиз. Тур! Бек, кетдик, мени аэропортга чиқар, деди.



* * *

Тонг оқариб, ҳаммаёқ равшанлашиб борарди.

Дарёнинг у томонидаги йўлда автомобиллар ҳаракатга кирди. Саидбек бир неча оғир юк машинасининг дара бурилишида шиддат билан гуриллаб унчалик баланд бўлмаган тепаликка кўтарилаётганини баралла эшитди. Эҳтимол, беда ташувчиларнинг машиналари карвонидир. Бомдод пайти одатда шундай карвонлар сафарга чиқади. Чўққига икки-уч қор тушган бўлса-да, машиналар ҳаракатини ҳануз тўхтатишмагандилар.

Юқорида чумчуқлар чирқиллайди. Чамаси, дўлана шохларига қўнишган. Ва унга ўхшаб тунни шу ерда ўтказишган. Балки улар чумчуқ ҳам эмасдир, тонгги сайрашлари чумчукникига ўхшаш бошқа паррандалардир?

Хўп, бунинг аҳамияти йўқ.

Бўлмаса, ниманинг аҳамияти бор?

Ҳануз бу саволни ўзига бермай туриб, кўнгли чўқди. Худди биров ҳозир бир нарсанинг аҳамияти бор, дегандай: бу хатаргоҳдан жонни омон қолдириш. Мана, тун ҳам ўтди. Энди-чи? Туннинг поёни оқ, деганлари балки шудир?

Одамзод жони тошдан қаттиғу шишадан нозик. Бу гап, шубҳасиз, тўғри. Аммо сабру тоқатнинг ҳам, ахир, бошқа нарсаларга ўхшаб ҳадду ҳудуди бор. Оёғини қимирлатмай нажотбахш тош устига тираб туришга у яна қанча вақт қодир экан?

Саидбек пешонасини совуқ тер босганини ҳис қилди. Кўчки бошланиб, уни бу ҳолга туширгандан буён, шу лаҳзагача ишнинг бундай тугашини ўйлаб, каттиқ қўрқмаганди. Бу уйқусизлик оқибати, деди Саидбек кўнглида, бир лаҳзадан сўнг ўзини қўлга оларкан. Илгари ҳам асаби бўшашаётганини узок чўзиладиган уйқусизликлардан кейин ҳис қиларди. Агар кўчада яёв юрганида орқадан бирор автомобиль тўсатдан сигнал берса сапчиб тушарди. Тарёк истеъмолидан соялари юпқалашиб қолган ва эшик турмининг тўсатдан ғичирлашидан ҳам жонлари қийналадиган нашавандлар мисоли эди.

Ҳа, жон ширин, ҳаёт азиз. Ҳамма учун бир хилда азизу бетакрор...

Кўз олдида яна ёлғиз сайёҳнинг рангсиз капачаси намоён бўлди. Кейин Бузургнинг қоронғи тутзорда бир қўли билан кекса дарахт танига суянган ҳолда бошқа қўлида усталик тешасини маҳкам тутиб жони қасдига қадамба-қадам яқинлашаётган шафқатсиз душманини таъқиб қилаётган вужуди пайдо бўлади. Бир оздан сўнг Бузургни анжир туплари бағрида кўрди. У охирги кучини йиғиб барг терар ва анжирнинг кенг, катта-катта ва қалин баргларини кафтига қўйиб, қонга бўялган қорнининг жароҳатига босиб турарди.

Агар шу номуносиб ҳолда nobуд бўлса, Бузург ҳеч қачон билмайди, кўнглидан ўтказди Саидбек. Кейин, бундай фикр ғоятда ношукурчилик бўлсада, аммо эътироф қилиш керак эди: Бузургнинг



ундан бир ҳафта олдин оламдан кўз юмганлиги яхши бўлган.

– Менинг Бузургим... – шивирлади Саидбек ва нафаси томоғига тиқилди. Кўзларининг намланаётганини сезиб, киприк қоқди. Қовоқлари остидан икки томчи ёш сизиб, юзига секин сирғалиб тушди. Майли, таскин берди ўзига-ўзи Саидбек. Унинг йиғлаётганини ким кўрарди? Ҳеч ким. Бузург энди йўқ. Бузург бу ҳолимни кўрмайдиям, эшитмайдиям, билмайдиям, қуймайдиям.

... Ўша куни бобосининг даъвати билан унинг олдига келди ва бир соатдан кейин ... Совуқ тўшаги устида ўтирарди. Кўз ёшлари қайноқ чашманинг иссиқ сувларидай жўшиб келарди. Жўшарди-ю, ҳалқа боғлаб пастга қуйиларди. Бобо тўқсон йил умр кўрди. Ҳамма аччиғу ширинликларни тотиди, иссиғу совуқларни кўрди, пасту баландликлардан огоҳ бўлди, У бошдан кечган шиддатли кунларнинг ҳаммасини, диёри кишиларига қилган хизматини биров тўрт-беш қисмга барабар бўлганда ҳам, унинг ҳар бир қисми одамнинг муқаррар умрини безашга етиб ортарди. Бободан жудо бўлиш табиий амр эканлигини Саидбек биларди. Бу амр бажариш лозим бўлган вожиб қарз. Миссли ноҳақ озор топган гўдакдай алам билан, аммо овозини кўтармай йиғларди.

Одамлар ҳар замон уйга кириб чиқардилар. Аммаси келиб Бузург жасади устига ёпилган оқ рўйжони йиғиштириб, ўрнига яшил бахмал ёпди.

Кимдир келиб Нигорга яна битта телеграмма жўнатишганларини хабар берди. Кўшни чол кириб, токча қаватидаги бобонинг эски китобларидан бирини олиб, меҳмонхонага қайтди. Қавму қариндошлардан яна нечаси кириб, оз-моз ўтирдилар, кўз ёши қилдилар, бир-бирларига, Саидбекка таскин бериб, нималарнидир дедилар ва чиқиб кетдилар.

Саидбек буларнинг ҳаммасини гоҳ ҳис қилар, гоҳ ҳис қилмасди.

Бобосининг боши таги назарида ҳаддан зиёд баланддай кўринди. Бир қават пахталик кенг ёстиқни олиб бурчакка қўйди. Бобо бошини яхшироқ жойлади. Кейин унинг кўксига эгилиб жуссасини қучоқлаб шу ҳолда анча турди. Ўзига азиз бу зотнинг, ота ва меҳрибон мураббийнинг жисми фақат бир неча соат унинг меҳмони эканлигини туйди. Ва кўлларини бобонинг елкалари остидан ўтказиб, унинг ҳануз иссиқ танасини силади.

Болалик чоғида унинг куракларини бобоси худди шундай силарди. Кенг кафти, қаттиқ панжаларида кўп йиллик чечаклар қотиб қолган бўлса-да, болакай унинг силашарига ўрганиб қолган ва яхши кўрарди. Кейинроқ унинг ўзи ҳам бобосининг елкаларини шундай уқалай бошлаганди.

Қайси вақт Нигор билан қиш чилласида келдилар. Ҳаво анча совуқ эди, боғ ва экинзор, беда ва ғўзапоя ғарамлари, кўча ва йўлақларда қор тўпланиб ётарди. Саидбек ва Нигор ҳовлига кирган заҳотиёқ, танида бир қават узун, ёқаси жиякдор



кўйлак билан қор кураётган бобони кўрдилар. Жомадонларини шошиб дарвозахона саҳнига ташлаганча, Бузург олдига югурдилар. У аввал Нигорни қучди, пешонасидан ўпиб, ёқимли сўзлар айтди. Кейин Саидбекни эркалади. Саидбек қўлини унинг белига узатиб, орқасини уқалади ва ташвишланиб сўради:

– Бузург, совқотмадингизми?

– Йўқ, Бек, баданим иссиқ.

Саидбек бобонинг кенг ёқасидан кўйлаги тагига қўлини тикаркан, яна деди:

– Муздай-ку, ахир, Бузург?

– Ичкаридан иссиқ, ўғлим. Ичкаридан.

– Тушундим, Бузург. Лекин ҳаво жуда совуқ. Ҳозир чопонингизни олиб келаман, – Саидбек уй томон шошилди.

– Керак эмас, Бек, биргаликда кирамиз. Бекорчиликдан зерикиб ўтиргандим...

Қандайдир қўл боши ва бўйнининг тагини мулойим силарди. Саидбек бошини кўтариб, аммаси, Бузургнинг энг кичик қизи, отасининг кенжа синлиси уни ўрнидан туришга ишора қилаётганини кўрди.

– Меҳмонхонага чиқ, Саидбек, – дерди аммаси, – чоллар сени кутиб ўтиришибди.

Кексаларнинг суҳбатидан ҳамма масалалар унинг иштирокисиз ва ёрдамисиз ҳам аллақачон ҳал бўлганлигини сизди. Эртага Бузургни тупроққа топиширадилар, янаги кечқурун уч бўлади. Катта



маросим эса, Саидбекнинг фикрича ва марҳумнинг таиноти бўйича келгуси якшанбада ўтказилади.

Қўшни чол Саидбекнинг фикрини билмоқчи бўлди.

– Сизлар нимани лозим кўрсаларинг, шу, – деди у.

Яна бир оз одамларнинг гапига қулоқ солиб ўтирди. Ғўлакандозга фалончига, Ҳисор, Моғиён, Шаҳристонда фалончи ва фалончиларга хабар юбориш керак, ўзаро маслаҳатлашарди улар. Ва Саидбек бобонинг сафарлари харитасини кўз олдига келтириб, кўнглида дерди: Бузург чиндан ҳам ош-на-оғайнигарчилик тухумини сочган экан. Бўлмаса, Ҳисор қайда-ю, Ғўлакандоз қайда?

Кеч тушгунча одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб туришарди. Ўйчан чехра билан, бошлари эгик ҳолда Саидбекка таъзия изҳор қилишар ва шу кўйи чиқиб кетишарди.

Кечқурун соат ўнларда Нигор ва Нур Алексейнинг машинасида кириб келишди. Алексей бошига тўрт гулли чуст дўпписини кийиб, ғалати кўриниш пайдо қилганди. Нигор шу лаҳзадаёқ баланд овозда зор-зор йиғлай бошлади. Йиғи садолари катта қишлоқнинг узоқ чеккаларигача ёйилиб кетди. Алексей Саидбекни бир бурчакка тортиб қўлига қоғозга ўралган бир тугунчани тутқазди. Саидбек унинг пул эканлигини кўриб, ўртоғига қайтарди.

– Бу ишларинг ортиқча, – деди у. – Шу мавридда керак эмас.

– Ўртоқлар маслаҳати. Бригадангни биласан-ку.



– Биламан, – деди Саидбек. – Лекин ҳозир керак эмас. Бобонинг молу давлати кўп.

Алексей ўртоғининг ўз бобоси тўғрисида гўё у ҳамон тирикдай гапираётганини пайқади. У Саидбекнинг нақлларидан чолга қаттиқ кўнгил боғлаганини биларди. Шунинг учун ҳам уни яна бир карра кучоқлаб тасалли берувчи бир неча сўз айтди ва айни пайтда бу мўйсафиднинг миллий урф-одат бўйича ўтказиладиган ҳамма маросимларида Саидбекнинг ёнида бўлишни кўнглига тугиб қўйди.

Дафн куни ҳаво тўсатдан совуди. Эрталабдан чоштгоҳгача Сочак боғлари қалин туман ичида ётарди. Ўша кун ўзининг оғирлиги, кўплаб одамларнинг бобо ҳовлисида, атроф кўчаларда елиб югураётганликлари, аёлларнинг йиғиси билан Саидбекнинг хотирасида чўзилган тийра айём каби ўрнашиб қолди. Айниқса, Нигорнинг қуйишларига ҳад-худуд йўқдай эди. Назарида мияси ва бошининг ўзи ҳам туман куршовида қолгандай туюларди. Унга мурожаат қилаётган одамлар товуши ҳудди бир неча қават қалин парда ортидан келаётгандай қулоғига аранг-аранг эшитиларди. Ҳа, Бузург аждодлари орасида унга яқин бўлган сўнгги шахс эди. Отаси, онаси, ҳар иккала бувиси аллақачонлар кетишганди. Она томондан бобосини Саидбек, умуман, кўрмаган.

Бобони тупроққа топшириш соатида унинг кафанга ўралган жасадини тобутдан олишаркан, Саидбек қабр «айвончаси»-га тушди. У бобосининг

танасини юқорида турганлар қўлидан олиб, лаҳад эшикчаси ортидаги гўрков қўлига бериши керак эди. Шу асно кўнгли бир лаҳза чўкди: азиз одамнинг бир умр иссиқ бўлган тани оҳорли силлиқ сурп остидан муздай совуқ тегди. Ва шу совуқлик мисоли унли қиш шамолидай юраги тубига ва суякларининг мағз-мағзига сингиб кетди. Қабр устидаги тупроқтепа ёнида турган кексалардан бири унинг бир лаҳза ҳаракатсиз қолганини кўриб, изтироб билан хитоб қилди:

– Саидбек, жияним, ҳушёр бўл!

У бу нидодан ўзига келиб, бобонинг жасадини бағрига яқинроқ олди. Озод кўтариб, пастроққа туширди ва унинг оёғини гўрков қўлига топширди.

Бобонинг ҳовлисида гарчи дастёр эркагу аёллар, қавму қариндошлар кўп бўлса ҳам, Нигор дам олмай эртадан-кечгача ғимирларди. Ҳатто, кўзёшларини артмай ҳовлининг тўрт томонига чопарди. Касал бўлиб қолиши ё рутубатли бу ҳавода шамоллаши хаёлига келмасди. Айвон ва катта уйлар, ошхона-ю, бобонинг омборгиналари орасида бетиним қатнар, аёллар ҳовли ўртасида давра олиб овоз солишлари заҳотиёқ, барча ишларини йиғиштириб даврага келиб қўшиларди, бағрини эзган мусибатни оҳу афғон чекиб айта бошларди.

– Саватимдаги оқ гул эдингиз, бобожоним! Нега биз, ғафлатда қолган болаларингиз бирор ҳафта одинроқ келиб, дийдорингизга тўёлмадик, бобожоним?



- Сизнинг ширин сўзларингизни, сизнинг қимматли насиҳатларингизни энди бизга ким айтади, бобожоним?

Саидбек хотинининг фиғонини эшитиб, узоқроққа, хилватроқ жойга қочарди. Лекин аслида Нигорнинг хушсуханлигидан фахрланарди. У сафарларда, тўю маъракаларда, одамлар йиғинида хушмуомалалиқда, сўз айтиш назокатида унинг Нигорига тенг келадиган аёл ёки эркак жинсидаги одамни қидирарди. Тополмасди, бу ҳолдан қувонарди. Меҳрибонлик, ширинсўзлик қандай ажиб неъмат. «Хушмуомалалиқдай арзон ва ҳамиша ҳам қадрланавермайдиган бошқа фазилат йўқ!»¹. Олийҳиммат одам ҳақидаги дoston муаллифининг бу ҳикматини кейинги йилларда дўкон ва магазинлар, устахоналар деворлари пештоқида ўқиб қоларкан, хотинининг чеҳраси кўз олдига келар, кўнгли ёқимли энтикиб, кун тезроқ кеч бўлишини ва у Нигорининг овозини, зарофатли, эркаловчи сўзларини яқиндан эшитишни истарди.

Турмуш қуришгандан кейин улар бобони қуришга, албатта, икковлашиб борардилар. Саидбек бобосига бўлган меҳр қачон ва қандай қилиб умрдошида ҳам пайдо бўлганини сезмай қолди. Кейинги икки йилда бобони зиёрат қилиш сафарларига бошчилик тамоман Нигор қўлига ўтганди. У тақвимга қараб, фалон байрам яқинлашаяпти, агар ҳукуматимиз бу

¹ С.М. Сервантес.

сафар ҳам дам олиш кунларини байрамга қўшса, уч ё тўрт кунлик муносиб фурсат топилади, дерди. Тайёргарлик кўра бошларди. Қаерлардандир бобонинг кўнгли тусайдиган қутилик асл ҳинд чойи пайдо бўларди, сарғиш, терилган новвотларини қоғоз халталарга йиғарди. Йўл-йўл ё холдор читдан Бузург учун енгилар узун қадимий кўйлақлар тикарди. Очиқ елкасига кўндаланг қилиб гулдор боғичлар қадарди. Болтиқбўйи шаҳарларига қилган биргаликдаги сафарларидан шу қадар кўп чиройли боғичлар олиб келишардики, Бузург агар оламдан ўтмай, ўша расмана кўйлақларини яна юз йил кийганда ҳам, Нигор йиққан мато парчалари бемалол етарди.

– Ўзингиз жудалик ғаму фироғи балойи азим, дердингиз-ку, бобожоним. Кенжа фарзандларингизга нега раҳм қилмадингиз, бобожоним! – Зор-зор йиғларди Нигор қора кийган аёллар даврасида.

– Бу совуқ кунда сизни тор, қоронғи уйга ёлғиз қолдириб келдилар. Биз бу ёруғ, кенг дунёда нима қилайлик энди? Айтинг, соҳибтадбир бобожоним!

– Ёру дўст тўқсон йиллигингизга келиб, хурсандчилик қилишини орзу этардик. Азиз меҳмонгиналарни нега паришон, ғамгин қилдингиз, бобожоним!..

Нигор бобонинг уйидан чарчаб, бетоб бўлиб келди. Лекин кеча инилари ва амакиларини акасининг саккиз ўринли ҳамма жойда юра оладиган машинасида Сочакка олиб бориш учун яна туғилган жойига кетди.



Нигор... Азиз Нигор, Саидбек учун жонидан ширин вужуд...

Ҳадемай акаси ва қариндошлари билан келиб кўрадики, уй бўш. На эри бор, на Райҳон. Кўп ўтмай биладики...

Йўқ, ғамгин хаёлларга йўл бермаслик керак. Бу совуқ тўшакда унинг оғирлигини тутиб турган тош парчаси кўринишдан мустаҳкам. Лекин агар Саидбекнинг жони, фараз қилайлик, бу пойдор тошга эмас, ингичка ва заиф ипга андармон бўлганда, ўшанда ҳам у ҳаётдан кўнгил узмасди. Ҳа, умидсизликка йўл бермаслик керак. Ахир, кўплаб машаққатларга бардош қилиб, аммо нажот ва умид остонасидан қўл тортиб йўқлик комига тойилиб кетганлар озми?

Ахир, Райҳонгинасининг отасиз етим қолиши гуноҳ эмасми?

Ахир, Нигори бу дунёда ёру дўстсиз, ҳимоясиз, қўрқув ичра ҳайрон қолдириш мумкин бўлган аёлларданми?

Йўқ. Ранж чекишингга, сўнгги нафасинг қолгунча ҳаракат қилишингга, курашишингга арзийди, токи бир карра, ҳатто, қисқа бир лаҳза Нигорнинг кўзларига, унинг иссиқ чехрасига ғусса соя солмасин. Ҳа, ҳатто, соя солмасин.

Юз карра арзийди, минг карра арзийди.

У бу ерда nobуд бўлса, Бузургнинг маросими нима бўлади? Жаноза куни қабристон яқинидаги кўчалар енгил ва юк ташувчи хилма-хил машина-



лар билан тўлган эди. Индин ҳам шунча, балки кўпроқ одам келар. Бузург номи чиққан одам эди. Фақат икки марта рақиблар тўдаси билан якка ўзи уришиб, икки марта ҳам одам боласи кўрмаган бўлиб гўр оғзидан қайтиб келганлиги ҳақида қанчалар ҳикоятлар, эртакка ўхшаш ривоятлар юрарди. Бунинг устига ҳар ким ҳам бу муборак ёшга етавермайди. Одамларда, «хун иши» бўлса ҳам, уни бир ёққа йиғиштириб, умри улуғ марҳумлар хотири учун шошилиш одати бор.

* * *

Мураккаб жahl деган қадимий ибора бор, ҳаддан ташқари нодонликни шундай дейишади. Инсоф юзасидан Саидбек ўзини мураккаб кўр деса арзийди. Ҳудди шундай одам ҳассасини қайта ва қайта йўқотади.

... Ўша куни Умар, бўлим бошлиғи уни Пахтаободга юбориши ҳақидаги хабарни олиб келди. Ҳатто, буйруқ чиқариб, эълонлар тахтасига ёпиштирибди. Нима қилиш керак?

Саидбек Нур билан идорага шошилди.

– Биргад, сен унга қаттиқ тегма, – йўл-йўлакай маслаҳат берарди Нур. – Мен яна бир дуруст болани ишга олиб келаман. Чаққон сағиралар кўп.

Саидбек Сангиновнинг бригадаси аслида бўлимда, ҳатто, бутун энергетика соҳасида илғорлардан эди. Умарнинг келиши билан бригада иши яна ҳам раvнақ топди. Унинг ўзи ҳам ошпаз, ҳам



хўжалик мудир, идора тили билан айтганимизда, ҳам экспедитор. Саидбекнинг бригадаси ишлайдиган шароитда озиқ-овқат билан таъминланиш вазияти иш сифати ва суръатига таъсир кўрсатадиган биринчи даражали омиллардан, деса муболаға бўлмайди. Умар келтирган бу хабар ҳаммани ташвишга солиб қўйди.

– Бу нима деган гап? – дерди Саидбек ўз-ўзига ва ўртоқларига муносиб жавоб тополмай.

Устун ўрнатувчилар бригадасининг иш шиддатига ҳар ким ҳам бир мавсумга дош беравермайди. Баҳор бошида ё куз ўртасида кенг далаларда – пахта экиладиган, боғ ё экинзор жойларда, электр симини ўтказувчиларга йўл беришмайди. Бундай пайтларда кўпинча тоғларда, очиқ ҳавода, гоҳ иссиқ, гоҳ қору ёмғир остида ишлашга тўғри келади. Баланд қоялар орасидаги дарада, жўшқин дарё соҳилларида, сертош сўқмоқлару осмонга бўй чўзган чўққилар бошида пайвандчиликдек нозик иш билан шуғулланиш айтишга осон. Тор йўллардан бульдозер ва катта-катта автомобилларни ҳайдаганда, худонинг берган куни тиғ устида юрганда ногаҳоний ўлимдан ўзинг сақла, деб ёқа ушлашга тўғри келади.

Фақат бу касбга кўнгил қўйганлар, фақат чиндан ҳам қийинчиликдан чўчимайдиган шерюрак кишиларгина дош бера олишади. Баъзи беғамлар, ростдан ҳам ишларинг қийин, лекин маошларинг ҳам

ўшанга яраша, деб луқма ташлашади. Ҳамма ҳам ойида беш юз – олти юз сўмдан маош олавермайди.

– Марҳамат, келинг, сизлар ҳам катта ойлик олинг, – дейишади Саидбекнинг ўртоқлари. Бироқ ҳарифлар бу ҳар кимнинг ҳунари эмаслигини яхши билишади. Оғир шароитда ҳамма иш қўлидан келадиган бригада аъзоси бўлиш малака, маҳорат ва мукамал билим талаб қилади. Бригада бошлиғидан тортиб, энг охирги аъзосигача бўлимга зарур ҳамма ҳунарларни ўрганган бўлиши керак: ҳам дурадгор, ҳам бетон қуювчи, ҳам электр ва газ пайвандловчиси, ҳам тепада юрувчи монтер бўлиша ва ҳам турли хил бульдозерлар, кранлар, автомобиллар, компрессорларни бошқара олиши лозим. Баъзи устунлар саккиз тонна пўлатдан қад ростлайди. Тўқсон тонна пўлат кетадиганлари ҳам бор, уларни тиклаш учун юзлаб тонна бетон сарф этилади.

Баъзи нобоп жойларда устунлар ўртасидаги масофа, яъни осилган симлар узунлиги саккиз юз метргача ва ҳатто, минг метргача келади. Масофа узайган сари симларнинг йўғонлиги ҳам ортиб боради. Фавқулудда номувофиқ жойда бундай оғир, қўпол юкни тортиш учун ҳам тажриба, ҳам ақлу фаросат ва жасорат талаб этилади. Бульдозер ё краннинг ҳаракати учун эса йигирма-ўттиз метрдан ортиқ майдон йўқ.

Устига-устак бирор ҳафта йўқки, симнинг у ёки бу нави, пўлат уйчалар ёки бетон устунлар тагкур-



сисини ўрнатиш учун тахта етишса. Электр симлари ўтадиган жойлар раҳбарлари ҳам аралашиб баҳс-мунозара, ҳатто, узоққа чўзиладиган тортишувлар бошланиб, йўлга ғов бўлишади. Гарчи электр симлари ўтказиш пухта ишланган лойиҳалар марказий лойиҳа институтининг Москвадаги ва унинг Ўрта Осиёдаги бўлимлари мутахассислари назаридан ўтиб, уч томондан – лойиҳалаш ташкилоти, буюртмачи, яъни иншоот эгаси ва пудратчи курувчилар томонида мувофиқлаштирилиб тасдиқланган бўлса ҳам, яна кўриб чиқиш учун маҳаллий ташкилотларга ҳавола этилади. Яъни, электр сими фалон-фалон жойлардан ўтади, фалон кўприк ва фалон санаторий ё дам олиш уйи устидан сим тортадилар. Фалон-фалон жойларда шундай-шундай устунлар ўрнатилади. Сим тортиш сизнинг режаларингиз ёки ишларингизга халал бермайдими? Илтимос, лойиҳа билан танишинг, бир кун бошимизга келиб, устунларни бу ердан кўчириб хув анави ёққа ўрнатинг, деманг яна.

Гарчи қурилиш бошлангунга қадар томонлар тамоман келишиб олишса ҳам, иш давомида яна қатор-қатор таклиф ва мулоҳазалар, ҳатто, жанжалли даъволар пайдо бўлади, уларни ҳал қилиш эса бригада бошлиғи зиммасига тушади.

Шундай шароитда сенинг яхши ишчингни огоҳлантирмай туриб, маслаҳатсиз олиб қаергадир ишга юборишса алам қилмайдими, ахир?

Саидбек бошлиқни қидира-қидира партия таш-

килоти котиби кабинетидан топди. Саидбек эшикдан кириши биланоқ, Давид Салимович котибга:

– Айтмовдимми, албатта, югуриб келади деб, – деди.

– Ҳа, чопиб келдим, – ўртоғининг ҳамма насихатларини унутиб, қизишиб гапирди Саидбек. – Нега бригаданинг ошпазини сўрамай оласан?

– Бўлим бошлиғининг ҳақи йўқми? – саволга савол билан жавоб берди Давид.

– Бошлиқнинг ҳақи бор. Агар бошлиқ эканлигини билдириш учун бу ишни қилган бўлсанг, чиқиб шаҳар кўчалари, тоғларда жар соламан, сен бошлиқ деб! Давид Салимович – бошлиқ!

– Ўртоқлар, секинроқ, – низони пасайтирмоқчи бўларди котиб. – Сангинов, ўтиринг, биродар, барча масалаларни секинлик билан, мулойимлик билан ҳал қилиш мумкин.

Саидбек котиб кўрсатган курсига ўтирган бўлса ҳам, шаштидан тушмади.

– Тўғри, сен бўлим бошлиғи, лекин бригада ишчисини нега оласан?

– Қоида шу, ошна: бригададан бўлимга, бўлимдан колоннага, колоннадан трестга. Кадрлар ҳаракати схемаси шундай. Бу менинг кашфиётим эмас.

– Кейин-чи? Кейин қаердан қаерга?

– Машмаша қилма. Таомил шундай: одам ўсиб илғорлиги кўринаверса, юқорилайверади. Ҳамма жойда бир тартиб: колхоздан районга, райондан вилоятга, вилоятдан пойтахтга, – гўё Саидбекнинг



киноясини тушунмагандай янги-янги мисоллар келтирарди Давид Салимович.

– Лекин Умар Кашолдаранинг хилват бурчагига пойтахтдан келган эди. Рестораннинг электр ўчоғидан бизнинг тутунли тош ўчоғимизга ўз ихтиёри билан келди. Бригадамз ҳурмати учун келди. «Кадрлар ҳаракати схемаси...» Тайёр ошга баковул кўп. Кадр лозим бўлса, тарбиялаш керак. Ишчини қидириш, топиш зарур.

Котиба эшикдан мўралаб Давид Салимовичга ишора қилгач, у «мен ўз кабинетимда» деганича шошиб чиқиб кетди.

Саидбек ҳам орқасидан чиқмоқчи бўлганда, котиб унинг тирсагидан ушлаб, мулойимлик билан паст курсига ўтказди.

– Ўротқ Сангинов, – деди у. – Чиндан ҳам бу қадар безовталиққа ҳожат йўқ. Яна айтаман, осойишталик билан ҳал қилиб бўлмайдиган бирор муаммо йўқ. Хусусан, сизлар, ташкилотимизнинг номдор пайвандчилари учун. Ишларингдан, шуҳратларингдан ҳамиша фахрланамиз.

Саидбекда аслида агар бошлиқ буйруғини ўзгартирмаса, партия ташкилоти котибига мурожаат қилиш нияти бор эди. Шу боисдан уларни биргаликда кўриб, бир оз таскин топганди. Мана энди котиб қатъий фикрга эга эмаслигини кўриб турарди. Бошлиқнинг оғзига қарайди. Фақат мунозара бўлмаслигини, уй гапи ташқарига чиқмаслигини истайди.



Котиб келишув оҳангида пайвандчилик касбининг жозибасини мақтаб, кўкларга кўтариб гапирарди. У асли ғалати табиатли одам бўлиб, суҳбатларда, йиғилишларда тумтароқ, дабдабали ибораларни қўллаб, ўзича завқланарди. «Пайвандчиларимиз амалга ошираётган ажойиб ишлар, дерди, ўлкамиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Сизлар саркаш тоғлар қулоғига ҳалқа ўтказасиз, дерди котиб, яшинларнинг нурли сочларини тоғлар бағрига, кенг водийлар этакларига тортасиз...».

Бу шахсга қандай қилиб дил дардингни айтасан? Мамлакат тарихи саҳифаларидаги зарҳал ҳарфлар хусусида, афсонавий ҳалқалару нурафшон сочлар ҳақида сўзлаётган лаҳзада қандайдир ошпаз тўғрисида сўзлаш мумкинми? Муҳтарам бошлиқ унинг бригадасини истаган ишчисидан маҳрум қилмай, қўшни жумҳурият чегарасида ишлаётган бригада учун бир эмас, ўнта муносиб номзод тайёрлаши мумкинлигини қандай қилиб унга тушунтирсин? Бошлиқ бу ишни қасддан қияпти, кўриб-билиб туриб қияпти, Саидбекнинг иззат-нафсига тегиш учун қияпти. Наҳотки котиб Саидбек номзодликдан партия аъзолигига ўтказилган мажлисни унутган бўлса? Саидбек таржимаи ҳолини айтаётганда, Давид Салимич луқма ташлаганди: «Кўриб турибсизки, ўртоқлар, Саидбек билан биз мактабдош ва ҳамсабақ эдик, энди ҳамкор ҳам бўлдик». Бу луқма жиддий суҳбат муҳитини бир оз юмшатиб,



ўтирганлар назарида Саидбекнинг обрўсини бир парда юқорига кўтарганди. Бир неча сония ўтар-ўтмас, мажлис раиси ўртоқ Сангиновга савол борми, деб сўради. Давид Салимич: «Ўртоқ Сангинов Патон номидаги институтнинг сўнгги ихтироларидан нимани биладилар?» деб сўради. Саидбек отабола академиклар – Патон ҳаётидан ва Патон институтининг ишларидан яхши хабардор эди ва Давид Салимич бунини яхши билишиниям биларди. У жавоб бериш ўрнига, нега бошлиғи, бирга ўқиган собиқ ўртоғи партия мажлисида унга фаннинг махсус бобидан савол берганини ўйлаб қолганди. Партия аъзолигига қабул этиладиган шахсларга, шубҳасиз, истаган соҳангдан савол бериш мумкин, аммо аслида вазифа уларнинг маданияти, хусусан, сиёсий ва ижтимоий билимлари даражасини аниқлаб, келгуси ўқишлар ва мутолаага муносабатлари ва имкониятларини билишдан иборат.

– Ўқиш керак, ўртоқ Сангинов, – яна деди Давид Салимич насиҳатомиз оҳангда, – илмий ва техникавий адабиётдан хабардор бўлиш шарт.

Алексей шитоб билан ўрнидан турди ва мажлис раисидан унга сўз беришни сўради.

– Ўртоқлар, – деди Новиков ҳарорат билан, – мабодо агар хато қилсам, кечирасизлар. Лекин, менимча, кишининг тақдири ҳал бўладиган суҳбатда мавзудан ташқари баҳс очиш, юмшоқроқ қилиб айтсак, зарур эмас. Таъкидлайман, менинг мулоҳазам хато бўлса, кечирасиз. Лекин, Патон номи-

даги институт ишларидан Сангинов яхши хабардорлигини ахир, ҳаммамиз биламиз. Агар истасангиз, у Япониядаги пластик устунлар қандай моддалар таркибига эга эканлигидан, Германия Демократик Республикаси пайвандчилари янгиликларидан ҳам муфассал маълумот бера олади. Ҳа, ўртоқлар анча муфассал. Лекин ҳозир гап унинг техникавий билими тўғрисида бормаяпти-ку...

– Хўп, хўп, – мажлис раиси орага кирди, – Сангиновнинг билими бизга маълум. Лекин бу хусусда савол бериш ҳам ман қилинмаган. Бошқа саволлар бўлмаса, музокарага ўтайлик, деган таклиф тушяпти. Сиз, ўртоқ Новиков, ҳамкор ўртоғингиз ҳақида гапиришингиз мумкин.

Кейин Алексей Саидбекнинг ишлари, ажойиб кашфиёти ҳақида сўзлаб, ўтирганларга Саидбек билан ҳамкорлиги давомида уни ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор шахс сифатида билишини ва бундан мамнунлигини изҳор этди.

Ўша мажлисда ана шундай гап-сўзлар бўлиб ўтганди. Гарчи Алексейнинг чиқишидан кейин Давид Салимичнинг вазоҳатида заррача ўзгариш сезилмаган бўлса ҳам, гарчи у Саидбек ва Алексей томонга лутфу марҳаматга қоришиқ мулойим табасум қилиб қараса-да, ўтирганларнинг баъзилари бошлиқ ва унинг собиқ курсдоши ўртасидаги муносабатларда нимадир борлигини, лекин қанақалиги ва қандай маънога эга эканлигини топиш қийинлигини сезишганди.



Ўша воқеага мана шу шахс, шу котиб гувоҳ эди. Ва бугун давлат идораларидаги иш тажрибасида амри маъруф ва маъқул деб ҳисобланмайдиган бошқа ҳодисани кўра туриб ҳам ўта хотиржамлик билан бир боғдан, бир тоғдан сўзларди.

Саидбек котиб бу баҳсга қўшилиб, уни чеккага тортишини кутмаганди. «Сизлар бизнинг номдор пайвандчиларимизсиз, ишларингиздан, оламга кетган шуҳратингиздан фахрланамиз» дейди. Бу гапларни, биринчидан, табиатидан келиб чиқиб айтади. Кейин, жонини осонгина қутқозишни истайди. Тахминан мана бу ҳикматга мувофиқ: «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин». Айтишларича, яхшилик билан ҳал қилинмайдиган муаммо йўқ экан. Ваҳоланки, бу ёлғон гапдир. Зоҳиран доно кўринади, мантиқли кўринади, аммо яқинроқ келиб ўргансанг, бировларнинг ошига туз сепишдан ҳаловат топадиган кимсалигини биласан. Хайрхоҳ бўл, яхшилик қил, туз қадрига ет, деб насиҳат қилиб кўр-чи, қалби сўқирга. Айтгин, яна айтгинда, унинг ўзгаришини кутиб, қўйнингни пуч ёнғоққа тўлғазиб юравер.

Саидбек айвонга чиқди. У ерда уни Алексей кутиб олди.

– Нима бўлди? – сўради Новиков.

– Нима бўлишини ҳудди ўзинг билмагандай.

Бир лаҳза жимиб, олдинма кейин қадам ташлашарди. Кейин Саидбек сўради:

– Сен нега келдинг?

– Симларни қайтариб келдим. Комплект эмаскан. Омборга топшириб, кераклисини бошқатдан сайлаб олдим.

Саидбек воқеани тушунди. Ўша симларни кеча ўзи бригадага олиб борганди. Хатосиз иш бўлмайди, албатта. Айниқса, ўз билганингча ишлашга қўйишмаса, ёрдам ўрнига ҳуда-беҳуда халақит беришганда. Саидбек ҳар доимо омбор мудирининг керакли нарсаларни топшириққа мувофиқ берган-бермаганлигини, сим хилларини, болт ва гайкалар, изолятор ва ҳалқаларни танлашда хато қилмаганлигини ўзи текшириб кўрарди. Кеча эса текширмай, сўрамай олиб борганди. Алексей ўртоғининг бу хатосини тузатганди. Новиков асил йигит-да. Ҳатто гап оҳангидан бировнинг хатосини у тўғрилаганини сезмайсан.

Қайтишда машинанинг шамол тегадиган чодирида, турли қутилар ва сим тўдалари устида ўтирардилар. Шаҳардан чиқаверишда Алексей машинани тўхтатиб, новвойхонага югуриб кетди ва бир даста иссиқ нон олиб келди. Машина яна йўлга тушди. Саидбек ўртоғининг вазоҳатидан нимадир демоқчилигини сезиб турар, аммо моторнинг гуриллаши, шамолнинг шувиллаши ва йўлнинг ўйдим-чуқурлари гапиргани қўймасди. Бундай қараганда, демоқчи бўлган нарсаси осойишталикни талаб қиларди.

Бригаданинг иш жойига жуда яқинлашганларида, Новиков яна кабина томини тақиллатиб, маши-



нани тўхтатди. Иккита иссиқ нонни кўлига олиб, қолганларини Нурга бераркан, ўртоқларига олиб боришни тайинлади ва Саидбекни машинадан тушириб, дарёнинг саёз соҳилига, қора тол сояси тагидаги харсанглар сари бошлади. У бу ишини илгари ҳам дарё соҳилининг бошқа жойларида бир неча марта қилганди: новвойхонанинг иссиқ нонини сувга ивитиб ейишни жуда яхши кўради.

Улар ишда киядиган пиджакларини ечиб, катта юмалоқ тош устига ташладилар ва юзма-юз ўтирдилар. Дарё мавжлари тошларга шалоплаб урилиб ўтарди.

– Нон ҳамма жойда ширин. Азиз ва мўътабар, – деди Алексей ивитган нонининг биринчи луқмасини ҳузур қилиб ютаркан. – Лекин тожиклар нони ҳаммадан ҳам ширинроқ. Нима дединг?

Унинг Тожикистон табиати чиройли ва одамларини, баъзида, ҳатто, миллий ҳаётнинг икирчикирларини, айниқса, қишлоқликларни мақташ одати бор эди. Саидбек ўртоғининг бу хислатидан чандон қувонарди ва ўз навбатида буларнинг табиий бўлишини ҳисобга олиб, мавриди билан, дўстининг яхши гапларига жавобан руслар, бошқа халқларнинг ҳам урф-одатини мақтарди. Ўша куни ҳам шу оҳангда жавоб қилди:

– Тожиклар нони деб, мақтаб еймиз, лекин рости гап, уни қайси буғдой унидан пиширишганини билмаймиз: Данғара буғдойими, қозоқ даштиникими ва ёки Кубань далалариникими. Ҳар ҳолда



нонимиз ҳалолки, ширин туюлади. Сен шу тўғрида гапиришни истайсанми, Алёша?

– Ҳа, Саид.

– Гапир, қулоғим сенда.

– Нонингни егин, ахир.

– Кейин. Кейинроқ ейман.

– Нега ҳозир емаслигингни айтайми? Чунки томоғингдан ўтмайди. Мен ана шу масалада гапирмоқчиман. Лекин гапимни бўлма. Нима дединг?

– Ихтиёринг, – кулди Саидбек. – Бунча ваҳима қиласан. Чамамда, бирор ажойиб нарсани гапирмоқчисан.

– Афсуски, йўқ.

– Хўп, ихтиёринг, бошла, жўра, муқаддима чўзилиб кетди.

Новиков ивитган нон бурдасини бутунича чайнаб, ютиб юборди. Эгилиб, иккала кафти билан сув олди, қумлар пастга тушгунча сабр қилди, кейин хўриллатиб ичди. Яна сув олиб ичди, яна ичди ва фақат бир кафт сувни бош, юзига сочиб, хўл бармоқлари билан юмшоқ малла сочларига «тароқ» ургандан кейингина гапга кирди.

– Гоҳида бобонг Сангинбек ҳақида гапирганингда, сендаги завқу сурур ва фахру ғурурни кўриб, бу шахс сенинг учун ҳаммадан азиз, ибратли зот эканлигини кўнглимдан ўтказардим. Нима дединг?

– Аждодлар ҳамиша ибрат асосидир. Тарих ибрат дарси бўлгани каби.

– Гапни бошқа ёққа бурма. Нақлларингни эши-



тиб, сенинг бобонгни ўз бобомдай яхши кўриб қолганман. Ташаккур, Алёша.

– Дарвоқеъ, неча марта илтимос қилдим, мени ҳам бирор марта олиб боргин деб. Ваъда берасану кўясан. Бирга боришга Нигор ҳам сўз берганди.

– Октябрь байрамида. Албатта бирга борамиз.

– Бобонг номард билан муроса қилмасди. Мен бу хулосани сенинг нақлларингдан чиқардим. Нима дединг?

Саидбек жавоб бермади.

– Сенинг анави пес билан муросанг, – у шаҳар томондаги идораларига ишора қилди, – менга маъқул эмас.

– Нима, бугун муроса қилиш учун борганмидим?

– Тушундим, кириб жанжал қилдинг. Лекин бу зот билан жанжаллашишдан фойда йўқ. Устидан судга шикоят қилсанг ҳам натижа чиқмайди.

Саидбек розилик аломатида бош тебратди ва «бўлмаса нима қилиш керак?» дегандай ўртоғининг юзига тикилди.

– Назарингда нима қилиш кераклигини мен биламанми? Лекин мен ана шу «нима қилиш»-ни биладиган кишини биламан. Нима дединг?

– Ким экан у?

– Ким бўларди? Бешик.

– Катта бошлиқми? Девона бўлдингми, Новиков? У бошлиқларимизнинг каттаси. Жумҳурият вазири. Унинг олдига борсаму, бўлим бошлиғимиз мени турли йўллар билан қийнапти десам, кулгили бўлмайдими?

– Кулги ўрни эмас. Сен рози бўл, у томонини мен бўйнимга оламан. Нима дединг? Унинг ўзи мени отдош ўғлим дейди. Айтгандим-ку: ўғли билан ўртоқ эдик, бир синфда ўқирдик. Уйларига милён марта боргандим. Нима дединг?

Саидбек бунисини биларди. Яна Алексейнинг ўша ўртоғи, Люльканинг кичик ўғли дарёда ғарқ бўлганини ҳам биларди. Дафн этишгач, Люлька касал бўлиб қолди. Бир кун ишга чиқса, бошқа куни уйда ўтиради, дердилар. Девордаги харитага қараб ўтираркан. Шифокорлар навбатдан ташқари дам олишга юборишгач, фақат ярим йилдан кейин айрилиқ алами бир оз енгиллашибди. Мотам кунларида Алексейнинг бир оёғи унинг уйида эди.

Саидбек ўйга ғарқ бўлиб ўтирар, Новиков гапида давом этарди.

– Сену мен мурасага ўргансак, биласанми, бориб – бориб неча пуллик одам бўламиз? Ёмонлик билан мураса эркак шаънига ярашмайди. Нима умидда бизни партияга қабул қилишди? Гапир, ахир!

– Одамзод юзи иссиқ, Алексей. Биламан, у эшак барча эшакликлари шундан. Яна шунча йил курсдош, ўртоқ эдик, деб андиша қиламан. Битта кўрпа остида улғайиб, бир косадан ошу сув ичган кунларимиз эди.

– Ахир, у буни ўйламайди-ку!

– Ҳамма гап шунда-да! Ўйламайди. Бугун партия ташкилоти котибига бир оз гапирмоқчи эдим.

– Э, қўй ўша котибингни. Жағ ҳазратлари!



Бундайлар, минг афсуски, битта, иккита ҳам эмас. Хўп, бошларига тупроқ. Нима дединг? Мен бу кеч Люльканинг олдига бораман.

Саидбек ундан ўзига яна бир оз муҳлат беришни сўради. Ўйлаб, кейинроқ жавоб беради.

Ўша кеча хаёл шиддатидан анча вақтгача ухлай олмади. Нигор Саидбекнинг беором нафасларидан, кўрпада буралишларидан унинг ҳолатини сезиб, каравот ёнидаги чироқни ёқди ва муаттар қўллари билан эрининг юзлари, соқолларини меҳрибонларча силаб, деди:

– Уй ҳолидан кўчада гапирмаслик одатингиз бор. Лекин кўча ишларидан ҳам уйда гапирмайсиз. Фикримча, агар одам гоҳида баъзи нарсаларни ёстиқдошига айтса, зарар қилмас. Одамнинг заҳрини одам кўтаради, дейдилар.

– Мабодо сенинг ҳаётингда заррача заҳар бўлса, мен ўзимга оламан. Ўзимнинг заҳрим ўзимнинг вужудимда қолсин, майли.

– Ундан чиқди, сиз мени умид қилганимчалик севмас экансиз-да.

– Нигор, жонгинам, эшикни ургандим, дезор ёрилди.

– Йўқ, эшикни ургандим, эшик очилмади.

– Ўпкалашингда жон бор. Лекин иш гап-сўзсиз бўлмаскан. Ҳамма ишда, ҳамма жойда ва ҳамма вақт.

– Шунинг учун ҳам бу қадар ичимдан топ бўлманг, дадажониси.

Саидбек Давид билан икковлари ўртасидаги муносабат ҳақида қисқача гапириб берди. Нигор уни танирди. Бир-бирларининг уйларига неча маротиба борди-келди қилганлар. Назарида Давид жуда ҳам одобли, оқил ва анча маданиятли кўринарди. Эрининг гапларини эшитиб, хаёлга ботди. Ўрнидан туриб, ошхонага ўтди, чой қайнатиб икки пиёла ярим ширин чой тайёрлаб келди. У одатда асабнинг ором олиши ва уйқусизликнинг билинмаслигига ёрдам берарди.

– Ҳар ҳолда, ўзи билан яна бир марта гаплашиш керак, менинг фикримча, – деди Нигор. – Иккига икки, рўйроқ. Эркакча суҳбат дейдилар-ку. Лекин қизишмасдан. Сиз бундай пайтларда дарров аланга оласиз. Биламан сизни. Яхши сўз билан илон ҳам инидан чиқибди, дадажониси.

– Биронта инсофли калтакесак бўлса керак-да, – кулди Саидбек.

Шанба куни эди. Тахминан соат ўн бирларда Давид Салимичнинг уйига кўнғироқ қилди. Автомат будкасида телефон рақамини терарди-ю, кўнглида зора у томондан биров жавоб бермаса, дам олиш кунида Довуду Садаф шаҳарнинг бирор бурчагига, бу кенг оламнинг чеккасига саёҳатга боришган бўлса, дерди. Ва Саидбек уларнинг уйига бормаса, Давид билан юзма-юз ўтириб, унинг тил учигаги гапларини эшитмаса, унинг дўстликка садоқат, вафо ҳақидаги тумтароқ қасамларини, Давид Салимовичнинг саломатликка ва қўл остидаги ҳамма



ишларига доир, – шундай, қўл остидагиларига доир! – гапларини эшитмаса.

– Алё, бу ким? – телефондан Садафнинг овози эшитилди. – Ҳой, сен Саидбек эмасмисан? Кел, кел, ҳа Салимов шу ерда.

«Нигор ҳақ. Иккига икки бўлиб гаплашиш зарур, йўл-йўлакай ўзига таскин берарди Саидбек. Йўқса ... Унда бошқа гап...».

Магазинга кириб битта конягу иккита шоколад олди. Бу совға осойишта ва фойдали суҳбат ниятида эканлигимга ишора, дерди кўнглида Саидбек. Бундай пайтларда уй бекасига ҳам бир даста гул олиб борадилар. Бироқ кўнгли замирида Садафга эҳтиром эмас, қандайдир раҳмдилликка ўхшаш нафрат ҳисси бор эди. «Ажабо, дерди гоҳида Саидбек ўзига ўзи, шундай хушсурат ва хушсухан аёл ҳам кўнгил тортмайдиган бўларкан-да...».

Қайси куни Кашолдарада майдалаб ёмғир ёғди. Улар ўз вагончаларида ўтириб, наҳорликдан кейин дам олишарди. Алексей шаҳардан қайтди. Умар пиширган лаззатли шўрвадан бир-икки қошиқ та-тиб биров ёқасидан тутаетгандай қовоғини осиб хомуш ўтирди.

– Нима бўлди? Қора мушук кўрдингми?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди Алексей ва яна жимиб қолди. Фақат вагончада икковлари ёлғиз қолганда, масхараомиз деди:

– Ҳамкурсинг ҳам чакки эмаскан...

– Довудми?



– Хотини, – деди Алексей ва заҳарханда қилиб кўшиб кўйди: – Модасайёд.

– Нима? Нима?

– Сайёд, урғочи овчи, деяпман.

Ўртага бир лаҳзалик жимлик чўкди.

– Ўзининг шўри. Икковининг ҳам! – деди Алексей ва қўл силтаб, чиқиб кетди. Бу билан у бу нарса гапиришга ҳам арзимаёди, бу тўғрида мулоҳаза юритишга вақт ҳам сарфламайман, ор қиламан де-моқчидай эди.

Лекин бу нарса Саидбек учун сир эмасди. Садафнинг ўзи ҳам унга бир неча марта ҳар қандай соддадил одамни ўйлатиб, хижолатга кўядиган маъноли ишоралар қилганди. Бир марта уни идораларида ишлайдиган хушрўйгина, уятчан иқтисодчи жувон билан цирк олдида кўрганда, Садаф кўрсаткич бармоғи билан бурчакка чақириб:

– Аёлларнинг ҳам қалби бор. Нозанин хонимчалар билан дўстлар сайру гашт қилиб юришса, рашк қилишади, – дея ўчириқ қилганди.

Саидбек бу сўзлари мазмунига дарров тушунмаганди. Рашкдан гапириб Нигорни кўзда тутяпти-микин, деб ўйлаганди. Шу боисдан ҳам унинг шубҳаларига изоҳ берди:

– Мен ва бу киши, сен айтгандай нозанин хонимча, бу ерга томоша учун келганимиз йўқ. Цирк маъмуриятида ишимиз бор. Булар ажойиб ҳалқалар яртишибди. Симни тез, бир лаҳзада боғлашга жуда



соз. Намуна учун ўшандан бир-иккитасини олмоқчийдик.

– Ха, – а, – ишвали табассум қилди Садаф.

– Ундай бўлса, майлингиз. Бошқача пайванд учун керак бўладиган ҳалқами деб ўйлабман.

«Пес! Мохов!» сўкинди ичида Саидбек ва ҳамма суҳбатларни бир-бир эслаб, кўнғироқ тугмасини босди.

– Ҳозир! Бир лаҳза! – ичкаридан Садафнинг овози эшитилди ва Саидбекнинг кўнглига яна олов утши.

Садаф аввал Давид ҳозир келади деб бундан бир неча дақиқа олдин безатилган дастурхони устига ёпилган пардани олди. Саидбек унинг қадаҳларга қуйган шаробидан бир қултум ичиб, кўнғироқ қилганда Давид уйда бўлмаганини ва яқин орада келмаслигини пайқади. Садаф уни уйга чақириш учун очиқчасига ёлғон гапирганди.

Саидбек бошидан оёғигача аланга югуриб икки юзи ва қулоқларининг учигача қазариб кетганини баралла ҳис этди. Ўзини аҳмоқона ҳол домига ташлаётган бу хотиндан қутулиш учун у ҳозир нима қилишини, нима дейишини билмасди. У бетиним ўйларди, лекин тобора кучаяётган ғазаби бирор тадбир топишга йўл қўймасди. Садаф эски танишликлари, унинг дийдори дилкаш дўстлари учун, муболағасиз, малҳам эканлиги, бундай дамлар ғаниматлиги ва ҳоказолар ҳақида гапиради. Қошиқ ёки туздонни олиш баҳонасида эгилганда

ҳарир кўйлагининг очик ёқасидан сийналари ўрта-
си кўриниб кетар ва Саидбек шошиб кўзини бошқа
ёққа олиб қочарди. Садаф кўпинча ёлғиз қолиб
эзилиши ҳақида сўзлаб, столнинг бу ёнига ўтди ва
Саидбекнинг олдидаги товоқчага егуликлар ва га-
заклардан олиб қўяркан, очик билагини гўё тасо-
дифдай унинг елкасига теккизди.

– Эҳ, чекувчини қаранг-а!.. Ҳатто, сочларингдан
тамаки ҳиди келади, – дея Саидбекнинг сочларига
бармоқларини майин теккизганда, у ўрнидан турди
ва изтиробини зўрлик билан ичига ютиб деди:

– Давидда зарур гапим бор эди. Бошқа вақтим
йўқ, Садаф.

Остона остидаги туфлисини шошиб кийиб, ҳат-
то, ипларини боғламай, чиқиб кетди. Серодам
кўчада ҳушига келиб жуда тез юраётганини
пайқади, орқасидан балойи азим таъқиб қилиб ке-
лаётгандай, деярли чопиб борарди. «Пес! Мохов!»
сўкарди у Садафни. Новиков тўғри айтганди. «Ўзи-
нинг шўри. Икковининг ҳам! Дарвоқе, эру хотин
тупроғини бир жойдан олишаркан.

* * *

Саидбек ўнг оёғи карахт бўлиб қолганини сезди:
панжасидан тиззасигача увишгандай оғрирди.
Бомдод маҳали қилганидай, икки қўлини ёзиб, та-
насини тошлоқда оз-оздан ҳаракатлантириб оёққа
оғир тушмайдиган ҳолга келтирди. Ва шу пайтда
қайси кун Райҳоннинг ҳам оёғи карахт бўлиб



қолганда нима дейишини билмай, онасига тушунтираётганини эслади: «Ойижон, оёғимнинг ичига лимонад кирибди, ана, ана, гази қимирлаяпти...».

Райҳонини эслаб, лабларига табассум инди.

Қуёш анча кўтарилиб, ҳавонинг захрини синдирганди. Саидбек бармоқлари учи билан тош таналарига иссиқлик югураётганини ҳис қиларди. У эҳтиёткорлик билан ўгирилиб, кеча омонат тошга оёқ қўйиб тойилиб кетган жойга қаради. Тош кеча кўрганидек япасқи томони билан бу томонга эгилиб турарди. Саидбек юқоридан кўз узиб, илгариги ҳолатига қайтди. Қайтди-ю, бошидан юқориқда кеча кўрмаган гўё янги бир нарса пайдо бўлганини ҳис қилди ва хаёли унинг устидан шитоб билан сирпаниб ўтди. Яна бўйнини чап томонга буриб, юқорига қаради. Тўғри, кеча бу нарсани кўрмаганди. У тош эмас, гиёҳ томири синган шох ҳам эмасди. Эҳ, қопчиғи тасмасининг бир учи эди бу.

– Арқон! Арқон топилди! – изтироб шиддатидан салкам баланд овоз билан фарёд қилди Саидбек ва бир дақиқадан сўнг маъюсланиб деди: – Хўп, арқон топилган бўлса, нима қилибди? Биринчидан, арқон қопчиқда, қопчиққа эса қўл етмайди. Фараз қилайлик, бир бало қилиб тасмасидан ушлаб туширдим ҳам, хўш, у ерда бўлган арқон ё парма-ю, болгадан нима фойда?

Чарчабман, кўнглидан ўтказди Саидбек. Умидсизлик ҳиссиётининг пайдо бўлиши шундан. Мисоли устига оғир юк ортилган туя элакни юклаганда

баногоҳ оқсагандай. Ҳа, туядай, такрорлади ўзича Саидбек ва бу қиёслашдан кулимсираб тош тўдалари орасида кўриниб турган тасмага яна бир марта кўркмайроқ назар солиб, қўлга киритиш пайдан бўлди.

Дўлананинг синган шохчасини нозик баргидан ушлаб, олдинроққа тортиш учун бир неча дақиқа сарф этди. Саидбек уни барг, тикан ва майда шохчалардан тозалаб, йўғонроқ қисмидан чангак ясади. Кейин чангак учи билан тасма атрофидаги тошчаларни қимирлатиб уни тасма тагидан ўтказди ва шу ҳолича қўйиб енгил нафас олди ва атрофга кўз югуртирди.

Фараз қилайлик, дерди у ўзича, қопчиқ осонликча қўлга кирди. Фараз қилайлик, ундан арқонни ҳам олдим. Кейин-чи? Кейин нима қиламан?

Чарчабман. Умидсиз фикрлар чарчоқ туфайли пайдо бўлади, яна ўша хулосани кўнглида такрорлади у. Арқондан чангак ясаб анави тош ёриғига ташлаб бўлмасмикин? Бўлади. Арқоннинг учига тош боғлаб бўлмайди, тош тошнинг устида тойилади, лекин қопчиқнинг тасмасини очиб ва лўнда қилиб арқоннинг учига боғлаш мумкин. Ёриқ тишларига кирса, қаттиқ жойланади қолади. Лекин бу ишни ўзим мустақкам суянчиққа эга бўлиб чангакни отган пайтимда жуссамни тутиб қолиш имкони бўлган тақдирдагина қилишим мумкин. Ўрнимдаги тош майдалари ҳаракатга келмаслиги ё этигим пошнаси суянчиқдан маҳрум бўлмаслиги керак.



Таваккал! Таваккал эркак бўлса, андиша мода, дейишади одатда. Саидбек кўл чўзиб, ясаган чангаги билан қопчиқ тасмасини секин пастга торта бошлади. Тош майдалари ҳаракатга келиб, елкаси ёнидан шақирлаб пастга тўкилди, лекин бахтига қопчиқ тасмаси бўшаб пастроққа тушди. Саидбек эҳтиётдан шохчани тишлаб олиб, кўлини ёзди ва тасманинг учини ушлади. Ушлади-ю, секинлик билан олдинга тортди. Тасма бир қаригча олдинга сурилди ва Саидбек гўёки тасманинг бир учи дарахт танасига боғлангандай, орасида қопчиқ қўмилган тошларнинг дош бериш қудратини синаб кўргандай бўлди.

Гап фақат толиқишда эмаскан, кўнглидан ўтказди у. Тун бўйи ҳаёт мамотим қил устида эди. Агар таваккал қилиб ўзимни оқибати номаълум ва ноаён янги имтиҳон этагига отсам, ақлли иш бўлармикин.

Борди-ю, ўлса нима бўлишини тасаввур қилди. Нигор бошдан-оёқ қора либосда. Райҳонгинаси кўрқувда, нола қилиб сарсон бўлиб йиғлаб юрибди... Нигор Бузург вафотидан обу адо бўлди. Энди бу мусибатга бардош берармикин? Ишонмади. Бардош беролмайди, деди. У ҳозир кўзларида ёш шашқатор бўла туриб, ярим соатдан сўнг қаҳқаҳаси дераза ойналарини дириллатар кимсалар тоифасидан эмас. Нигор қуйса, охиригача куяди. Куяди-ю, кул бўлади.

Саидбекнинг кўз олдига ўзининг тобути, азадор



кишиларнинг қиёфалари келди. Мусибатли чехралар, Нур, Алексей, Собирнинг букилган қоматлари... Қайси тобут? – ўзига савол берди Саидбек. Дарёга ем бўлсам, жасадимни қаердан топишади? Ва бир неча парчамни топишганда ҳам бу тобутга муносиб бўлармиди?

Ғарқ бўлганлар ҳақидаги ҳар хил нақллар ёдига тушиб, вужуди қалтираб кетди. Кўзини юмди-да, куч ишлатиб мудҳиш манзарани хаёлидан узоқлаштирди.

Яна бир марта тасма ҳалқасидан ушлаб тортди ва қопчиқ тошлар тўдаси тагида қаттиқ турганига ишонди. Сенга нима бўлди, Саидбек, деди ўз-ўзига. Қопчиқни хатарли кўчкисиз олиш мумкин эмаслигини тушуниш учун фавқулодда ақлу фаросат керак эмас-ку. Неча соатлардирким, жароҳат дардига, очликка, ташналикка, уйқу ва ғанабга кетиш ҳамлаларига, хулласки, бу мушкул, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолга чидаб келяпсан-ку. Илгари бошдан кечмаган, ялдо тунларидай чўзилган соатлар. Энди шошиш нима керак?

Қопчиқни қимирлатсанг тош ва тош майдалари сен истагандай манави ердан – чап томонингдан секингина ўтиб кетади, деб ким кафил бўлади? Катта бир тош ҳам кўчиб орқасидан ўнлаб мукабметр, минглаб тонна тош, тупроқ ва қумни бу ёнамада ҳаракатга келтиришга ким зомин бўлади?

Шу лаҳзада Райҳонгинасининг овозини эшитгандай бўлди. «Қаттиқ, қа-а-ат-тиқ қучоқлайми?» –



сӯрарди қизчаси. «Ҳа, Раъногинам, кел, қучоқла» деб жавоб бераркан, қизининг кўйлаги, кокилла-ридан димоғига онасининг кўли ислари урилади. Нигорнинг маст қилувчи майин ва муаттар қўлла-рининг иси.

Менинг Нигорим, вафодор ёрим, мадорим, мен зорнинг ширин жоним...

Саидбек томоғининг қичимсираб, кўзлари намланганини сизди. Йўталиб, ҳислар ғалаёнини ичга ютди. Кейин кураклари, тиззаларини секин ҳаракатга келтириб жуссасини юқорироққа тортди, оёғининг томирларини бир оз ёзди. Хаёлида ким-нингдир йўталганини эштандай бўлди. Йўқ, деди у, ҳозиргина ўзим йўталувдим, қулоғимга чалиниб қолибди. Эҳтимол, қаттиқроқ йўталгандирман, бу шунинг акс садосидир.

Йўтал яна такрорланди. У ўнг томондан, тишли улкан харсанг устидан эшитилди. У нафасини ичга ютиб, бутун вужудини қулоққа айлантирди.

– Сангинуф, қимирламанг. Қимирламай ётинг. Мен Нурман... Мен келдим... Сизнинг шофёрингиз, – яна ўша томондан эшитилди бу овоз.

Ҳа, бу Нурнинг овози эди. Лекин нима сабабдан-дир «Сиз-сиз» дейди. Умрида бир марта ҳам унинг номини тилга олмаганди, доимо ё «биргад» ё «бошлиқ» деб чақирарди.

Томоғига нимадир тиқилиб, нафас йўлини то-райтирганди. Қўлларини ёзиб, томоғини, кўкраги-ни уқалади ва ҳар қачонгидан ҳушёрроқ бўлишни

кўнглидан ўтказди. Баъзи нажот топганлар қувонч туғенидан тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишган.

Саидбек кўзларини юмиб, эркин нафас олди.

– Сангинуф, арқонни ушланг, – Нурнинг овози баланд бўлди ва Саидбек кўзини очиб узун ёғочга ўралган арқонни кўрди.

* * *

Юқорида Саидбек қалтирай бошлади.

– Ма, биргад, ич.

Димоғига спиртнинг ўткир ҳиди урилди. Нур тагида бир нарса чайқалиб турган термос қопқоғини унинг ияги тагида ушлаб турарди.

У бир қултум спирт ичди. Чироғ пилигидай узун олов ҳалқумига кириб, куйдириб ўтди. Биринчи марта спирт ичиши. Ёнида Нурнинг белбоғи ёзиғлиқ турарди. Унда икки-уч дона помидор, бир парча яхна гўшт ва кесилган булка нон бўлаги бор эди. Саидбек битта помидорни олиб тишлади. Баданининг титроғи босилди.

– Бошлиқ, менинг овозимни эшитдингми? – сўради Нур.

– Ҳа, йўталдинг.

– Йўқ, ҳозир эмас, кечаси.

– Кечаси? Бу сенмидинг? Қўшиқ айтаётгандинг-а?

– Қўшиқ эмас. Мен хотиржамсиз қўшиқ айтолмайман. Шундай овоз чиқардим.

– Тўғри, нимадир қулоғимга чалинган эди. Нолага ўхшаш.



– Нола қилмагандим, биргад. Сенинг тириклингга кўнглим гувоҳлик берарди.

– Қандай қилиб?

– Шундай.

– Бирор далилинг ... бирор нарсанг бормиди?

– Билмайман... Кейин гулхан ёқдим. Кўрдингми?

Саидбек ўртоғининг кўнгли учун ҳа, гулхан шуъласини кўрдим, демоқчийди. Лекин сўзлаш учун оғиз очишга улгурмай Нур ёнидан туриб дўлана буталари томон кетди.

Чап тиззасининг оғриғи ҳеч пасаймасди. Саидбек этигини ечиб, шимининг почасини қайирди. Тиззаси шишиб кетганди. Унга бир неча томчи қон ёпишиб қотиб қолганди. Шиш кўкариб кетганди. Сиртдан қараганда суяк лат еганга ўхшарди. Саидбек кафтига Нурнинг термосидан спирт қуйиб, тиззасига суркади. Нима бўлса ҳам, Сочакка бораман, деди кўнглида. Йўл юролмасам, ҳассага суянаман, лекин Бузургнинг олдига, албатта, бораман.

Ҳа, бобосини дафн қилганларидан буён беш кун ўтган бўлса ҳам, Саидбекнинг назарида чол ҳамон тирикдай, боғ эшигига кўз тикиб, унинг келишини кутгандай, мисоли бултур, ўн йил илгари, йигирма йил илгари кутгандай эди. Фақат баъзан – баъзан шуурига у қайтиб пешвоз чиқмаслиги етиб борарди, чунки Сочак қабристонида, қабр айвончасида чолнинг жуссаси охорли кафанда иягига муздай тегиб кўнгли чўкиб кетганди.

Нур бир қучоқ ўт олиб келиб тошлоқ устига ёзди, ўрин ясади.

– Кетиш керак, Нур. Беҳуда ташвиш чекапсан.

– Кетамиз. Ҳозир машина йўқ. Новиков келсин, кетамиз.

– У қаерда?

– Шаҳарга кетувди.

– Шаҳарга? Нима учун?

– Негалигини маслаҳат қилганмиз, биргад. Алёша, Собир ярим кечадан буён шу ерда эдилар. Туншундингми? Энди ухла. Ўтган ишга саловат дегину ухла.

Нур юзини бошқа ёққа буриб жимиб қолди.

Ўлмагани қандай яхши бўлди. Тирик қолгани эса салкам муъжизага тенг. Қолган умрида, фараз қилайлик, ёмон иш қилмаса-да, яхши одамлар юзини кўриш, уларнинг ҳаёти, уларнинг табассуми ўзи бир давлат. Ажиб, ҳаёт қандай ажойиб неъматдир-ким, одамзод кўнглига шу қадар меҳрни сиғдира олади. Бузург ихтиёрсиз равишда неча маротиба тупроқнинг таъмини тотиганини айтганди. Аччиқ ва шўр у. Лекин, қарагин-ки, шу тупроқ бағридан дерди Бузург, қандай латиф сабзалар, қанақа зумрад палаклар, чиройли ниҳоллар етишиб, ширин ва лазиз мевалар беради, бундан ҳайрон бўлиб, ўзингга савол берасан: бунчалик асал қаердан пайдо бўлди? Қандай пайдо бўлди?

– Мен Сочакка бораман, – деди Саидбек Нурнинг енгига қўл теккизиб. – Шу кеча уёқда бўлишим керак.



– Ҳаммамиз борамиз, бошлиқ. Ухла.

– Ҳамма?

– Ҳа, сен, Нигор, Новиков, мен. Истасанг, Умарни ҳам оламиз. Райҳон менинг уйимда. Ухла, биргад.

Саидбек Нурнинг юзига тикилиб кулимсиради. Қандайдир яхши сўз айтиб, меҳрини ифодаламоқчи бўлди, лекин тилига калолат келгандай эди.

– Нур, анави ичкилигингдан бошқа йўқми? – сўради Саидбек.

– Бор, лекин ичма, бошлиқ. Тоғлар кўтармайди.

– Бир кунда икки марта имтиҳон бўлмайди.

Саидбек яна бир қултум спирт ичиб, нон ва гўштдан тановул қилди. Кафтига бир оз спирт олиб юз ва қўллари жароҳатига суркади, кейин ўт-тўшак устига ётди.

Нур бошлиғининг дам олишига ҳалақит бермаслик учун бир неча қадам олислади. У дарёга юзлашиб ўтириб, пичирлаб дуо ўқирди. Қаттиқ диндор эди Нур. Бригадада бўлса пешин намози вақти яқинлашмай, қаёққадир ғойиб бўларди. Кейин хилват бурчакка бориб манави белбоғи ё бирор тоза мато топиб, уни кўкатлар устига ёки тошлоққа ёзиб намоз ўқирди. Шошилинч иши бўлмаса, намоздан кейин ҳам бир қанча вақт зикр билан машғул бўларди. Саидбек ҳам, Алексей, Собир бошқалар ҳам унга ҳалақит бермаслик учун кўзидан узоқроққа бориб ё кутишарди, ё ўзларини иш билан андармон қилиб кўрсатишарди.

Хатак қишлоғи этагидан бир кунда ўн марта ўт-



са ҳам, мозор олдида оят ўқир, ўзини бир лаҳза эркин қўйиб, икки қўлини юзига тортарди. Саидбек ёнида бўлса, мозорнинг панжара деворига яқинлашишлари билан, қўлларини ёзиб, руль чамбарагини ушлаб оларди. Нур омин қилиб, дуо савобига сен ҳам қўшилдинг дегандай унинг юзига миннатдор бўлиб назар ташларди. Гарчи сени бошқа лойдан ясаган бўлсалар ҳам, ёмон одам эмассан, шунинг учун сенга ҳам андак савоб тегади.

Шундай лаҳзаларда Саидбекнинг кўнглида Нурга нисбатан ҳам биродарона меҳр жўш урар, ҳам раҳмдилликка ўхшаш ҳиссиёт пайдо бўларди. Иложи қанча. Нурда бундайроқ савод ҳам йўқ, дейди кўнглида ва дарҳол ўзига-ўзи эътироз билдиради: гап саводда ҳам эмас. Одамлар борки, одатдаги мактабнинг ўн синфини битиришган, лекин оламу одамнинг бош, охиридан хабардордирлар. Ва аксинча, шундай олимлар борки, китоб устида сочларини оқартирган, лекин нимагадир – уятданми, қўрқувданми – яширин ибодат қиладилар.

Нима бўлганда ҳам, Нур яхши одам. Асил йигит, кўнглидан ўтказди. Феълу атвориغا яраша уйи ҳам болага тўла, бола шовқин – суронига тўла. Ўн бир ўғил, айтишга осон. Каттаси олтинчи синфда ўқийди, кичиги – бешиқда. Нурининг болалари ҳақида гап бошланиши билан, иниси Умар акам футбол командаси тузмоқчи, дейди. Ҳозир команда тўлган, лекин эҳтиёт ўйинчилар ҳам керак. Бусиз бўлмайди.



Ҳамкасблар ҳазил-мутуйибага қўшилиб Нурнинг гашига тегишади:

– Нур бало. Сир бой бермайди.

– Бекор айтибсан. Бу янгамизнинг хизмати. Нур ака, хафа бўлмангу, лекин урфиятда баракали хотинларни хурма устида туғувчилар, дейишади.

Нур гўё бу гапларнинг унга дахли йўқдай кулимсираб, жим ўтираверади.

– Гапир, Нур, тажрибангдан айт, одам бахил бўлмайди.

– Гапдан нима фойда? Гап билан бола бўларми-ди? – дейди Нур, ўтирганларнинг қаҳ-қаҳаси атрофдаги қояларга ёпишади.

– Хўп, гапни қўю, ишдан айт. Хотининг ҳар йили битта ўғил туғиши учун нима қиласан?

– Ўтган йилдан аввал иккита тукқан эди, – луқма ташлайди Умар.

Нур узоқ муддат жимгина кулимсираб ўтириб, кейин жавоб беради:

– Собир тўғри айтди. Янгангиз, умри узоқ бўлсин, баракали хотин. Этагим тегиши билан, дегандай, юкли бўлаверади. Бир қанча вақт ўтиб, қарайсизки, яна бир полвон ўғил «ассалом, дада» деб, уйда юрибди.

Нур ва бошқа ўртоқлари ҳақида ўйлаб Саидбек ухлаб қолди. Уйғониб, қуёш яна ҳам баландроқ кўтарилганини кўрди. Иягининг ости ва кўкракларини тердан ҳўл бўлганди. Атрофдаги тошлардан иссиқ ҳовур кўтариларди.

– Соат неччи? – сўради у бир неча қадам нарида арқон учини ушлаб турган Нурдан. Нур унинг саволини эшитмади. У Саидбекнинг кўзига чалинмайдиган пастдаги киши билан гаплашиб турарди.

– А? Нима? – бақирарди Нур. – Йўқ, пастроқда. Чап оёғинг орқасида.

Саидбек сувсаганди. Оғзи заҳардай аччиқ эди. Тишларининг орасида, комининг бурчакларида нон қолдиқлари ва помидор пўстлоғи ёпишиб ётарди. Гўдакка ўхшаб нон чайнаб, ухлаб қолибман, деди кўнглида. Нурнинг суви тўла термосини қўлига олди. Оғзига сув олиб ғарғара қилиб ташлади. Кейин тоза ва муздай сувдан тўйиб ичиб ўрнидан турди.

Алексей арқоннинг бир учини белига боғлаб олиб, Саидбек бу кечани ҳаёт-мамот ўртасида ўтказган хатарли жойда тош тўдаларини ағдарарди. Новиковнинг қўл ё оёғи ҳар ҳаракатланганда тўда-тўда катта-кичик тошлар, тош майдалари сели шақирлаб қуйилиб юмалар ва чанг булути бир неча лаҳза Алексейнинг атрофида айланиб, кейин дарё юзасига ёйиларди.

– Бирорта қимирламайдиган, мустаҳкам нарса йўқ бу ерда, – қичқириб дерди Алексей.

– Хўп, кел, бас. Бўлмаса – бўлмабди. Кел, дедим, бас. Алёша, – юқоридан жавоб берарди Нур. – Тушаётганингда жуда кўп тош тўкилганди. Бўлса ҳам, остида қолгандир.

– Сенга малол келган бўлса, арқоннинг учини ҳув анави дарахтга боғла, – зарда қилди Новиков.



Нур жимиб қолди.

Новиков текшириш ва тадқиқот билан машғул бўляпти, кўнглидан ўтказди Саидбек. Нима учун? Милиция учунмикин?

Бир неча дақиқадан сўнг Новиков гарду чанг ва терга ботиб юқорига кўтарилди, Саидбекнинг ёнидан индамай ўтиб, арқонни йиғиб дасталаш билан машғул бўлди.

– Алёша, салом! – гина қилгандай деди Саидбек унинг, ҳатто, саломлашгиси келмаётганини кўриб.

– Салом, қахрамон, салом, – деди Новиков. Унинг саломидан фақат қаҳру таъна ва аччиқ киноя оҳанги сезиларди. Кейин юзини бошқа томонга буриб, истеҳзо билан кўшиб кўйди, – Замонамиз қахрамони.

Ғазабининг сабаби равшан эди. Давиднинг унга, уларнинг бригадасига шубҳали муносабати ҳақида уч марта гаплашганди. Новиков бирор чора кўрган, деб қаттиқ турарди. Шунақа муомалани кўра – била туриб, мурса қилиш қандай маънога эга?

– Фақат битта маънога эга, у ҳам бўлса аблаҳликдир! – қайси вақт қатъиян қилиб шундай деганди.

Ҳозир эса Новиков Саидбекнинг қопчиғи тасмасини елкасидан ўтказиб улардан олдинда борарди. Нур орқада юрар, сўқмоқнинг тор жойларида яқинроқ келиб, Саидбекнинг тирсагидан ушларди.

Пионерлар лагери кўприги бошида уларга пешвоз келаётган Султонни кўрдилар. У Саидбекни бағрига босиб юзидан ўпди, кулди, лекин ҳеч нарса



демади. Кейинги икки – уч йилда табиати ўзгарган эди. Ҳозирги кунда у катта қурилиш ташкилотининг бошлиғи. Оз сўзларди, «юз фоиз» деган яхши кўрган иборасини салкам унутиб юборган.

Кўприкдан ўтиб текис, катта йўлга чиқдилар. Энди ёнма ён юришар, бир-бирларига нимадир дейиш лозим эди.

– Нур! – хитоб қилди Саидбек. – Умарни қачон тўй қиламиз?

– Қиламиз, – деди Нур. – У... Бобонгнинг маросимлари ўтса... Ақалли қирқи ўтсин.

– Хўп.

– Ўзинг тўйга бошчилик қилсанг, дейман.

– Бошчилик қиламан. Бузургнинг ўзи маросимларимни тўйдай қилиб ўтказинглар, деганди, яъни...

– Биламан, айтган эдинг, бошлиқ. Лекин шундай бўлса ҳам, сабр қиламиз. Сен ёшсан, биргад.

Нур бошлиғига бирор марта «Сен ёшсан» демаянди. Буниси «сен ёшсан! дейди, униси, ҳатто, гапиришни истамайди. Афтидан, ёшига нисбатан кичик бўлиб, ёшлик қилган. Бугун бориб, эртага Бузургнинг маросимини ўтказоди, индинига қайтади ва Саидбекка бундан сўнг уларнинг маслаҳати билан ишлашга тўғри келади. Бундай дўстларнинг қадрига етмоғи лозим. Ха, арзийди, юз карра арзийди.

– Сен қаердан эшитдинг? – Султондан сўради Саидбек.



– Нигор келувди. Манави рус жүранг билан. Дарвоқе, нега сен унга қулоқ солмайсан? Воқеани менга айтиб берди. Калласи яхши ишлайди. Кейин, жигарим, дўст бўлса шунчаликдир-да.

Саидбек Новиковга яқинлашиб, тирсагидан ушлади.

– Алёша, нега гапирмайсан? Мен нима гуноҳ қилдим? Новиков йўл юришдан тўхтади.

– Бешикнинг олдига бориб ҳаммасини айтиб берсанг, гапираман, бўлмаса йўқ, – деди у. – Бугун сен билан Сочакка бораман, тирик бўлсам, бригадангда юз йил ишлайман, аммо сен билан гаплашмайман.

– Хўп, ана бордим. Сочакдан қайтайлик, борамиз.

– Йўқ, ҳозирнинг ўзидаёқ борасан.

– Бугун шанба, Алёша.

– Бешик шанба кунлари ишлайди. Ҳозир борасан.

Саидбек кўрдики, ён бермаса бўлмайдиган. Ўзи ҳам боришга, ҳаммасини айтиб беришга қатъий қарор қилганди. Ўзларининг идораларида масала ҳал бўлмагач, балки янада мураккаблашгач, иложи қанча, боради. Кеча кечкурун тошлоқ устида ётиб, жаҳл устида агар бу хатардан қутулсам, тўғри идорага бориб, Довидни ўз қўлларим билан жазолайман, деганди ўзига. Жаҳли келганда шунга аҳд қилганди. Нурнинг «сен ёшсан, биргад» дегани ҳам беҳуда эмас. Ортиқча хархаша нима керак? Қўл теккизиб ўзингни ифлос қилишингга у мараз арзи-

майди. Яхшироқ, оқилроқ йўли шу: катта бошлиққа арзи ҳол қилса, ўзи иложини топади. Агар Кашолдара линияси лойиҳасида бир неча ҳалқа бўлмаганда, аллақачонлар бошқа бўлимга ўтиб кетарди. Давиднинг бошини есин бўлими, пусиб отишлари, макру найранглари билан!

– Бўпти, – деди Саидбек. – Уйга бориб кийинай, соқолни олиб, бораман.

– Йўқ, ҳозир, шу уст-бошинг, шу афту андоминг билан борасан, – зарда билан такрорлади Новиков.

– Бу ўртоғинг тўғри айтяпти, – гапга қўшилди Султон. – Сенинг соқол қириб, ясан-тусанинг кимга керак, жигарим?

Саидбек розилик аломатида бош қимирлатди.

Йўлнинг энишида Султоннинг идорасига қарашли «Волга», Алексейнинг «Жигули»-си кўринди. Машиналар олдида Нигор ва Собир тик туришарди. Собир қизғин қўл силтаб нимадир дерди. Кейин келаётганлар томонига қараб ишора қилди. Нигор улар тарафга кўз ташлаб, бир неча қадам олдинга юрди, кейин чопа бошлади, илкис тўхтаб турган жойида қаққайиб қолди ва юзини қўллари-ла тўсишдан ўзгасига чамаси ҳоли етмади.



ДУСТ МАКТУБИ

(Ҳикоя)

«... Қайси куни тушликдан кейин Ҳайдаржон қишлоқ қизларининг ҳуснидан гап очди. Бошда қишлоқнинг сокин ва осуда табиати, тоза ҳаво ва қуёшнинг мўл-кўл нури бу ерлик қизларга ажиб бир тароват бағишлагани тўғрисидаги ҳаммага маълум гапларни такрорлади. Кейин уларнинг кўнгли очиқлиги ва қувноқлиги, ўзларигагина хос урф-одатлари, анъаналари ҳақида узундан-узун сўзлай кетди.

Қулоқ солиб ўтирарканман, бунда бир гап бор, деб кўнглимдан ўтказардим. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди.

Чиндин ҳам, бир неча кун ўтгач, яна шу ҳақда гап бошлади, бироқ бу сафар қишлоқ қизларининг ҳаммасиниям мақтамай, фақат биттасини оғиз кўпиртириб таърифлади. Аввал унинг ҳусну жамолини етти қават осмонга олиб чиқиб қўйди, кейин феълү атворига кўнгли суст кетди, тингловчи жаҳон айвони саҳнини безаган гўзаллар орасида зўри шу экан деган иштибоҳга бориши турган гап эди. Сизнинг номингизни, Сорохон, Ҳайдаржон биринчи марта менинг олдимда ўша куни тилга олганди.



Бу ўтган йили Сунбуланинг ўрталари – 18 сентябрдаги гап. Нима учун айнан 18 сентябр деётганимни, сизнинг ҳаётингиз тарихини бу қадар эътибор билан таъкидлаётганимни кейинроқ тушунтириб бераман.

Дўстимнинг руҳияти мени хурсанд қилди. Қанийди, ҳар бир кишининг кўнгли муҳаббатга тўлса, ишқнинг аччиқ-чучукларини татиб, ёр васлига етса! Ҳайдаржон ҳаётнинг бундай муруввати-га, мен аминманки, бошқа кишилардан кўпроқ сазовор бўлган. Ахир, у институтда ўқишни тугатгунича озмунча ҳам азоб чекмади. Шу муддат давомида ҳар куни олти-саккиз, баъзан ўн-ўн икки соат ўқир, яна энаси ва кичик ёшдаги укаларига қарашиш учун кечқурун ярим кечагача матбаада газеталар корректурасини ўқирди.

Мен ва Ҳайдаржон бир кўчада яшаб, бир-биримизни ойда бир марта, кўпи билан икки марта кўрардик ва бу бошқа-бошқа жойда ўқиётганимиздан эмас, балки Ҳайдаржоннинг ҳамиша ўқиш ва иш билан бандлигидан эди.

Эсимда, уни бир марта бозорда ушлаб, тўла халталари билан ҳол жонига қўймай, кинотеатрга судраб келгандим. Ҳайдаржон кинони яхши кўрса-да, юқорида айтганимдек, шароит тақозоси-ла кинога камдан-кам кирарди. Ўша куни тахминан ярим соат экранга катта завқ билан тикилиб, ҳар замон тирсагимдан ушлаб, ё елкамга елкасини уриб хурсандлигини билдириб ўтирди. Илкис жимиб қолди.



Қарасам, бошини кўксига осилтириб уйқуга кетибди. Офарин мухлисга! Мен ҳам халал бермадим. Ташқарига чиққач, якшанба кунидан буён икки соатдан кўп ухламаётганини хижолатланиб айтди.

Сиз, синглим Сорохон, унинг ҳаётидаги бу жиҳатлардан хабарингиз йўқ, чунки Ҳайдаржон ўз меҳнати машаққатларини ҳуда-беҳуда фахр-ғурур билан эслатиб юрадиганлардан эмас.

Шундай қилиб, ўша куни ўртоғим шодлигидан терисига сиғмасди, мен ҳам унинг хурсандчилигига шерик эдим. Лекин 19 сентябр куни кечқурун Ҳайдаржон даладан паришон ва димоғи куйган ҳолда қайтди. Қанчалик сўраб-суриштирмай, бунинг боисини айтмади. Кейинроқ унинг таъби хиралигига сиз сабабчи эканлигингизни пайқадим.

Сиз уни кучада кўриб, бир неча лаҳза вақтини аямай, бир ишда ёрдам беришини сўрабсиз. Кейин боққа бошлаб тиллари чиқиб тетапоя бўла бошлаган чурвақаларни кўрсатиб, уларнинг баланд ёғоч сўридан йиқилиб тушмасликлари, ариқ бўйига бормасликларини Ҳайдаржонга тайинлаб, ўзингиз уларнинг онасини зудлик билан бошлаб келишингизни айтибсиз.

Сиз шўх, довурак қиз экансиз ва урфиятда айтилганидек, эшак минганни эшакдан, отлиқни отдан йиқитаркансиз. Сиз колхознинг янги бош агрономи кўнгли юшмоқ ва ҳалим йигит эканлигини, илтимосингизни рад қилмаслигини билардингиз. Фақат ҳалим йигитларгина эмас, балки уларнинг



тош юраклилари ҳам сизнинг шаштингизни қайтаришмас, сўзингизни ерда қолдиришмас эдилар. Бунини ҳаммадан аввал ўзингиз яхши билардингиз.

Шундай қилиб, Ҳайдаржоннинг елкасига уч нотаниш, инжиқ гўдакни миндириб, ўзингиз жўнаб қолдингиз.

Болалар бирин-кетин йиғлашга тушишди, кўп ўтмай, учови ҳам жони борица ариллаб, оёқлари билан бир-бирини тепиб, чуввос сола бошлашди. Бош агрономнинг аҳволи ҳам раҳмингизни келтирарди, ҳам кулгули туюларди. Бечора уларнинг қай бирини овутишни, нима дейишни, нима беришни билмасди. Агар буларни қолдириб, сизни излаш учун кўчага чиқса, эҳтимол, баланд сўридан йиқилиб майиб бўлишар ва ундан тушириб қўйганда ҳам боғ ўртасидан ўтадиган катта ариқ лабига бориб фарқ бўлишлари мумкин эди. Ҳайдаржон ҳайрат ва нафрат тўла кўзларини ҳовли томлари-ю, деворларига, боғнинг дов-дарахтларига югуртириб, мадад кутарди, гоҳ атрофни шубҳа билан назардан ўтказиб, масхара қиляптимикинлар, деб ўйлар, ва бу мулаҳизадан ўз-ўзича қизариб кетарди.

Сиздан ё болаларнинг онасидан ҳамон дарак йўқ эди...

– Каям! – деб чувилларди қизалоқлардан бири, – каям!

Ҳайдаржон югуриб бориб полиздан бир бош қарам узиб олиб келди ва уни тозалаб ўжар қизчага берди. Бироқ гўдак қарамни бир ёнга ташлаб, илга-



ригидан ҳам қаттикроқ чириллаб «каям!» дерди. Ўзини йўқотиб қўйган йигит, бола «каям» деб сув сўраётганини қайдан билсин. Ҳайдаржон улар билан бир неча соат хуни жигар бўлди, бироқ охиригача тоқат қилди, у шунақа одам. Бу боғ остонасига фусункор қиз билан минг бир орзу, ширин хаёлларла қадам қўйиб, салкам кун ботишида кўнгли оғриб чиқиб кетди.

Сиз ўзингизни бир неча кунгача кўрсатмадингиз. У бригадангиз дала шийпонида болалар яслиси йўқлигини, аниқроғи жиҳозлар йўқлигини тушунди, албатта. Ясли ташкил этилгач, сиз ҳам Ҳайдаржон билан идорада учрашдингиз, у хафачилигини аллақачон унутиб юборган, ўша воқеадан кулгили хотира қолганди, холос.

Бироқ, тўхтанг-чи, болалар яслиси кераклигини сиз нега айнан бош агрономга тушунтирддингиз? Ахир, ясли-ю, боғча, умуман, колхозчилар маишати масалалари билан правлениенинг бошқа аъзолари шуғулланишарди-ку?

Воқеаларнинг бундан кейинги бориши бу саволларга жавоб берди. Сиз Ҳайдаржон билан тез-тез мулоқот қиладиган бўлдингиз. Бу мулоқотлар оқибатини, шаксиз, ўзингиз ҳам билардингиз ва ҳис этардингиз, икковингизнинг қизгин суҳбатларингиз, гарчи улар уруғлик чигит навлари ва тупроқнинг кимёвий таркиби тўғрисида бўлса ҳам, қандай яқунланиши аён эди. Сиз дилни ўртовчи табассумларингиз, оловли кўзларингизнинг ёниши

ишқ ташнаси бўлган йигит кўнглида қандай ғалаён кўтаришини пайқардингиз!

Ажиб ҳис экан ишқ... Одамнинг кўнглига тўсатдан йўл топиб, уни тамоман янги, ҳаёлий оламга етаклайди, фикру ирода, эс-ҳуши, бутун борлигини забт этиб, қадам қўйишидан кўз қарашларигача ҳаммасини ўзгартириб юборади. Менинг жўрам энди овқат бошида ҳам замазама қиларди, йўл юриб кетаётганда ҳам қўшиқ айтарди, ҳатто, илмий китобларни ҳам қўшиққа ўхшатиб ўқирди.

Ҳайдаржон билан узун кунлар бирга бўлганларингиз-чи, тош майдаларини ташиганларингиз эсингиздами?

Даладан ғўзапоя йиғиштириб олинаётган пайтда ҳақиқий куз ёғингарчилиги бошланиб, бир ҳафтача давом этди. Бора-бора қорга айланди. Қишлоқнинг нотекис кўчаларида тўпланган кўлмак ва лой туфайли одам ўтолмайдиган бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида эрта-саҳар бизнинг уйга келиб, Ҳайдаржондан тош майдаларини ташишда ёрдам беришини сўрадингиз. Раис йўқ. Шофёрлар ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солишмайди, дедингиз. Эркаклар бўлса, узун кун чойхонада тўпланишиб, ҳарифона ош еб чақ-чақлашиб ўтиришади.

Ўша куни Ҳайдаржон қандайдир илмий мақола ёзмоқчи эди. Бироқ сиз сўзингизни тугатмасданоқ, шошиб уст-бошини кийди-ю, худди қанот чиқаргандай, топшириғингизни бажариш пайдан бўлди.



У бир шофёрни ишга судраб чиқди, бошқа бир машина рулини ўзи бошқариб, сиз билан шағал ташишга кетди. Идора олдидаги чойхонага кириб, у ерда ўтирган колхозчиларга айтган сўзларингиз асло ёдимдан чиқмайди.

– Хотин – қизлар шағал ташиб, нотекис кўчаларга тўкмоқдалар, дедингиз, бориб ақалли томоша қилишингизни сўрашяпти.

Ишингиз барор олди. Одамлар кўча лойидан қутулиб, сизнинг ҳаққингизга тасаннолар айтишди. Мен ҳам, Сорохон, сизнинг ғайрат ва қобилятингизга аввалдан қойилман.

Лекин гап бунда эмас. Шу икки кун ичида сиз, истасам – истамасам, Ҳайдаржоннинг туйғулари оловига ёғ қўйдингиз.

Кейин нима бўлди? Ҳайдаржон сизнинг шай-дойингиз, сиз эса бундан масруру саодатли, чунки яна бир йигитни ширин уйқудан, ҳаётнинг оддий роҳат-фароғатидан маҳрум этиб, фикр-ўй, боши берк рашк кўчасига, умид ва умидсизликлар тор кўчаларига киритиб, ширин ва аччиқ орзу-хаёлларга ғарқ этдингиз... Ва ўзингиз тинчидингиз. Ҳа, осойиш топдингиз, чунки яна ўзингизни чеккага олиб, ақлу-хушини ўғирлаб, умидвор қилган шахс билан мулоқотдан юз ўгирардингиз.

У эса, баҳор оқшомларида ипак курти боқиладиган уй девори орқасида ўғри каби аста қадам ташлар, йўловчилар кўзини шамғалат қилиб, теракнинг сирпанчиқ танасига ёпишар ва қоровул-



хона устига чиқиб, зах томда чўзилганича сизнинг чеҳрангиздан, сизнинг вужудингиздан кўз узолмасди. Шу паллада пиллачиларга ёрдам бераётган сиз бўлсангиз дунёдан беҳабар, дугоналарингиз билан тут баргини новдасидан ажратиб пичоқ билан майдалардингизу кулгили латифалар айтардингиз, дугоналарингиз чақ-чақларидан, суҳбатларидан завқланардингиз. Гоҳо дугоналарингиз ишдан қутулиб, доирани қизитиб келишарди ва сиз уни авжида чалардингиз, дугоналарингиз ўйнашарди.

Ҳайдаржон қарийб ҳар кеча қоровулхона томида бўларди. Бу, узоқдан бўлса, ҳам маҳбубаси дийдорига мушарраф бўладиган ягона жой эди.

Қайси куни шунақа суҳбат бўлиб ўтди:

– Сорохон, – деди дугоналарингиздан бири, – сиз-ку, бир ўзингиз нечи йигитнинг ҳушини ўғирладингиз. Агар сир бўлмаса, ўзингиз қайси бирига кўнгил боғлаганингизни билсак дегандим...

Сиз жавоб бермай, у қизга койигандай бўлиб назар ташладингиз. Бу нигоҳингиз у дугонангиз дамини пасайтирди. Бироқ бошқалар жим ўтиришмади.

– Кимга бўларди? Агроном акамизга-да, – луқма ташлади бири.

– Қодиржонга! – ҳукм чиқарди бошқаси. – Агроном янги одам. Бировнинг кўнглини топиш осон эканми?

– Тўғри, Қодиржоннинг ҳам ҳусни бор, ҳам яхши овози. Шундай эмасми, Сорожон? – дерди яна бири.



- Кейин бизнинг эшитишимизча, чоллар ўртасида гап-сўз ҳам бўлган экан-ку?!

Сиз дугоналарингизни тинчитолмай, уларнинг даврасидан узоқлашдингиз.

Ҳайдаржон том лабида бу гапларни эшитарди-ю, турли-туман хаёлларга борарди. Шунга қарамай, эртаси кечқурун ҳам – сиз пиллахонада хоҳ бўлинг, хоҳ бўлманг – висолингиз умидида том устига чиқарди. Унинг бу қилиғидан қулгим қистарди. Ҳозир ҳам, наҳотки муҳаббат ҳисси кишини шу даражада кўр қилса, ўзининг хатти – ҳаракатини ўйлаб кўриш қобилиятидан маҳрум қилса, дея ҳеч ишонгим келмайди.

Дунёнинг ишларини қарангки, кундузлари, дала ишлари ташвишлари унинг эътиборини сиз тўғрингиздаги хаёллардан узоқлаштиради, у ораларида кўплаб ўжар, гапдон ва дунё кўрган кишилар бўлган, юзлаб одамларни ўзининг иродасига бўйсундириб, фан йўлидан бошлаб боради, лекин кечалари, ишлардан фориғ бўлиб, шахсий ҳаёти оламига қадам қўйиши билан тўсатдан боладай бегоҳат, бемулоҳаза бўлиб қолади, қиз жамолини кўриш учун ҳар ишга тайёр туради.

Кўпинча қору ёмғир ҳам кўзига кўринмасди. Сизлар хилват ҳовли айвони тагида дарвозани эҳтиётдан занжирлаб ҳазил-мутойибаларингизни давом эттираётганларингизда Ҳайдаржон ёмғирнинг тўр пардасини нигоҳи билан ёриб, сиздан ҳечам кўзини узмаган пайтлар кўп бўларди. Ва фақат су-

якларигача нам тортиб, аксириши келганда сир очилишидан қўрқиб, томдан тушар, сувга шўнғиган ўрдакдай шалаббо бўлиб уйимизга қайтарди...

Шу сатрларни ёзаяпману ҳар замон қулоғимга дутор садоси эшитилиб хаёлимни паришон қилади-да, фикрларимни тўзитиб юборади. Ичкариги уйда Ҳайдаржон дутор чаляпти. Ҳа, ярим кечада ичкари хонанинг иссиқ ва дим ҳавосига чидаб ўтирибди, у дуторнинг маҳзун нолаларини қўшнилар эшитиб қолишни истамайди.

Дўстим сизнинг кўчангизда қўйган ҳар қадами-ни юрагига сиғдиrolмай, ўша куниёқ менга сўзлаб берарди. Муҳаббат изҳор қилганини ҳам айтувди. Бунга жавобан сиз йўқ ҳам демадингиз, бироқ аниқ-равшан рози ҳам бўлмадингиз. Бунга «қизлар учун табиий ҳол» деб тасалли бердик ўзимизга. Фақат бир оз чайналиб, маълумотларингиз тенг эмаслигига ва Ҳайдаржонларнинг уйлари шаҳарда эканлигига ишора қилдингиз. Биз, чиндан ҳам бунчалик аҳамияти бўлмаган бу сўзларга ҳечам эътибор бермадик, аксинча, бу гапларнинг ҳаммасидан Ҳайдаржоннинг орзулари амалга ошадиган кун яқин, деган хулосага келдик.

Агар унутмаган бўлсангиз, май байрами арафасида шаҳардан жўрамнинг бувиси келувди. Унинг келишини, шубҳасиз, Ҳайдаржон мактуб орқали талаб қилганди. У эҳтимол, бўлғуси қайлиғини олдиндан бувисига кўрсатмоқчи ва қомати эгилиб қолган кампирнинг суюкли набираси бахтини



кўришдек бу дунёдаги сўнгги орзу-умидининг ушалганидан хурсанд қилмоқчи эди.

Лекин тўсатдан қишлоқда сизнинг Қодир билан никоҳдан ўтаётганлигингиз ҳақида гап тарқалди.

Ҳайдаржон кампирнинг қўлтиғидан суяб, очиқ чехра билан қишлоққа кирар, мен эса ногаҳоний хабарни етказиш ва агар бувисига ниятини ҳозирча айтмаган бўлса, ҳечам айтмаслиги учун, кампирнинг афсус – надоматлари куйганнинг устига намакоб сепиш бўлмасин, деб унинг истиқболига шошардим.

Қандай маъно бор эди, бу ишларнинг ҳаммасида? Инсон тақдири билан ўйнашадиган қизиқ одамлар бор оламда... Инсон қалби, чамаси, уларнинг назарида ҳар қандай зарбга чидайдиган ва ҳар бир ҳангоматалабнинг майл-истаги билан сакрайдиган резина қопток.

– Майли, бўлари бўлди, бўёғи синди. Урфиятда айтганларидек, қуш қафасдан, ўқ ёйдан чиқиб кетди. Бахтиёр бўлингар.

Эрингиз ёмон йигит эмас, чиройли, одобли, обрўли, колхознинг илғор бригадаси бошлиғи ва ҳоказо. Ўша баҳорда ўзингиз ҳам бригада бошлиғи этиб тайинландингиз, энди яна бир жиҳатдан бир-бирларингизга муносиб бўладиларинг. Айтгандай, Қодиржон хушовоз ҳофиз ҳам. Кечалари, колхоз қишлоғига сукунат чўкканда, гоҳ-гоҳ Қодиржоннинг жаранглаган овози эштиларди. Бу овозни эшитиб ва унинг хушқомат, ўктам эгасини тасаввур

қилиб, кўплаб соҳибжамол қизларнинг юраги тез-тез ура бошларди.

Шундай қилиб, сиз ўз ёрингизни танладингиз, ўз бахтингизни топдингиз.

Болалик чоғимиздан шу кунгача бирор марта бир-биримизга қаттиқ гапирмагандик. Ҳайдаржон билан сизнинг тўй – сурунгиз куни қарийб ёқалашиб қолдик. Мен уни иродасиз девона ҳам, аёлмижоз ҳам дедим. Дашном берардим, ҳақ мен томонда эмаслигини ҳис қилиб турардим.

Ҳар ҳолда, у вақт ўтиши билан таскин топарди. Бироқ сизнинг исёнкор табиатингиз, Сорохон, тинчлик нималигини билмасди. Ҳар ойда бригадалар мусобақасини текшириб, илғор бригадага колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кўчма байроғини бериш колхозингизда қаердан ҳам расм бўлган экан, билмайман. Қизиғи шундаки, ютқизган бригада бошлиғи фаоллари билан биргаликда колхоз раҳбарларидан бирининг ҳузурида ғолиб бригадага байроқни шахсан топшираркан.

Сизларнинг колхозингизда жорий этилган баъзи анъана ва расм-русумлар, рост гап, атторнинг қутисида ҳам топилмайди.

Дабдабали тўйларингиздан тахминан икки ой ўтгач, саратон кунларидан бирида сиз бригадангиз шийпонига тол соясида ўтирардингиз. Ютқизган бригада бошлиғи – эрингиз Қодиржон ёр – дўстлари билан келиб, йиллаб қўлларида ушлаб турган байроқни сизга икки қўллаб топширишини, ҳунар



ва маҳоратингизга, бригада аҳли меҳнатига қойил қолиб, бош эгишини кутиб турардингиз.

Назарингизда бутун олам бўстон эди, шодлигу сурурга тўла эди. Пахта ниҳоллари ҳам гўё хуррам кўнглингизга оҳангдошдай яшноқ барглари ва нафис гуллари-ла жилваланиб, фараҳмандлигингизни ўз тилларида ифода этишарди.

Сиз бригада боғидан сархил, янги узилган меваларни келтириб, лаълиларга тортиб, тайёрлатиб кўйгандингиз. Дугоналарингиз бу маросим учун махсус ёғли патирлар пишириб келишди. Ахир, бу сизнинг янги вазифадаги илк ғалабангиз эди ва сиз уни муносиб тарзда тантана қилишни истардингиз, эрингиз ҳам сизнинг шодлигингизга шерик бўлади, деган ниятингиз бор эди.

Танҳо сиз эмас Сорохон, кўплаб кишилар шундай умид қилишганди.

Бироқ ҳайҳот...

Байроқни Қодирнинг звено бошиқларилдан бири олиб келиб, бригадирнинг тўсатдан тоби қочиб қолганини, келолмаслигини айтди...

Ўша кунни кечқурун мен ва Ҳайдаржон ишдан қайтиб, ҳовлимиздаги ҳовузча лабида ўтиргандик. Қоронғилик чўкаётган бўлса-да, боғ нафаси ҳамон иссиқ эди. Ҳовузча суви ойнинг кўкимтир нурини акс эттириб, атрофни хира, сеҳрли ёруғликка чулғатганди.

Агроном паришон ҳолда хомуш ўтирарди. Ногоҳ сиз кириб келдингиз. Тўйдан кейин биринчи марта

келишингиз эди. Эсимда, ўзингизни аввалгидай осуда ва қувноқ кўрсатишга анча уриндингиз. Аммо Ҳайдаржон бригадангиз ишларидан гап очиши билан (у яна нима ҳақда гапириши мумкин эди!) икки рухсорингиз қизариб кетди, ёйдек эгилган қора киприкларингиз кўзларингиз устини тўсиб, уларнинг ҳолатини назардан пинҳон этди.

Туриб, кўчага чиқиб қетдим. Қайтганимда, кўзларингиз ёшланган эди. Ҳайдаржон димоғи чоғ эмаслигига қарамай, қанақадир кулгили гапларни айтарди. Иккалангизнинг ҳам чеҳрангизда енгил табассум пайдо бўларди. Бироқ бу табассум илгаригидай юзларингизни мунаввар этмас, зўрма-зўраки, сохта эди.

Сизни кузатиб кўйгач, кўп ўтмай Ҳайдаржон ҳам кўчага чиқиб кетди-ю, ярим кечада қайтди. У раиснинг олдига бориб, уни қайси йўллар биландир сизни шу долзарб иш пайтида Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига юборишга кўндирганини кейинроқ тушуниб етдим.

Қайси куни кечқурун партия мажлисини чақиришди. Билсангиз керак, биз қишлоқнинг коммунист ўқитувчилари кохоз партия ташкилоти ҳисобида турардик.

Сув тақсимлаш жанжали билан қаергадир кетган миробдан ташқари ҳамма йиғилган эди. Уни кутиб, ҳар бир одам кўргани-ю, эшитганларидан, янгиликларидан гапириб ўтирарди. Шу ерда Ҳай-



даржон чўнтагидан тўрт буклоғлиқ қоғозни чиқариб деди:

– Сорохондан хат келди. Ҳаммага салом айтибдилар. Истасангиз, ўқиб берай...

Рости гап, бу кутилмаган хабар эди ва ўтирганларга шундай таъсир қилдики, ҳамма бир лаҳза жимиб қолди. Эрингиз уйнинг энг ёруғ томонида, узун стол ёнида ўтирганди. У нимадир демоқчидай йўталиб, томоқ қирди, лекин индамади. Раис сукунатни бузди.

– Ўқинг, Ҳайдаржон. Қани, эшитайлик.

– Ҳа, қани, биз ҳам эшитайлик, – деди эрингиз. Назаримда, унинг овози ўзиникига ўхшамасди.

Ҳайдаржон ҳали мактубнинг салом-алик қисмини тугатмай, Қодир уйдан чиқиб кетди. Ҳушим паришон бўлгани учун, хатнинг мазмуни тузук эсимда қолмади. Ёзган гапларингиз орасидан фақат Москва сафари кўп нарсаларда сизнинг кўзингизни очгани ёдимда қолди. Сиз энди қишлоқ аёлларининг туриш-турмушига бошқача назар билан, сизга номаълум бўлган нуқталардан қарайдиган бўлибсиз. Мактубда эркак ва хотинлар ўртасидаги нотўғри меҳнат тақсимооти, рўзғор ташвишлари, ўчоқ тутуни ва яна алланималар хусусида сўз юритиларди.

... Ўша кечаси соат ўн бирларда ҳовлимиз эшигини кимдир тақиллатди. Ҳайдаржон чиқиб очди. Мен, чироқ олдида болаларнинг дафтарини кўздан кечириб ўтирган жойимда икки –уч марта «Ким у?»

«Ким келибди?» деб сўрадим. Жавоб бўлмади. Хавотирланиб, эшикка яқинлашдим. Қарасам, остонанинг икки томонида икки киши тик туриб, ой ёруғида бир-бирини «томоша» қиларди: ичкарида – Ҳайдаржон, ташқарида – Қодир. Эрингиз. «Оббо, – дедим ўзимча. – Бу яна қандай кўргилик эди!».

– Сизга, ўртоқ бош агроном, икки оғиз гапим бор, – деди, ниҳоят, Қодир ва гандираклаб кетди.

– Ҳозир кеч бўлди. Бориб дамингизни олинг, – жавоб берди Ҳайдаржон. – Эртага... Эрта суҳбатлашамиз.

– Йўқ, ҳозир, – туриб олди Қодир. – Ҳозироқ гаплашамиз. А, муаллим, нима дедингиз? Ё ўртоқ агроном фақат одамларнинг хотини-ю, қизлари билан гаплашишни ёқтирадиларми?

Баданим жимирлаб кетди. Ҳайдаржоннинг туҳмат эшитишга тоқати йўқлигини билардим. Уни зўрлаб тортиб ҳовлига киргиздим ва жим ўтир, деб ўзим эшик тагига бордим. Маст Қодир энди кўчага орқасини ўгириб, бошини эгиб остонага ўтирган ҳолда унсиз йиғларди...

Шу воқеадан кейин менинг қаттиқ туриб талаб қилишим натижасида Ҳайдаржон колхозларингдан кетди. Биз яна иккаламиз МТС маҳалласидаги бир хонада яшаямиз.

Кечалари мен мактабдан, Ҳайдаржон эса дала ёки идорадан қайтар, ўзимизнинг бўйдоқона рўзгоримизни бир оз йўлга қўйиб, ҳар биримиз ўз



ишимиз билан машғул бўламиз. Бироқ агрономнинг иши ҳалиям бароридан келмаяпти. Қоғоз, китобларини йиғиб, бир оз ўқийди, бир-икки сатр ёзиб ўтиради, яна ёзиб, бир бошдан ўтиради, кейин билдирмай ҳаёл гирдобига шўнғир, шу ҳолда соатлаб ўтирарди. Ҳоҳ бирдан сапчиб ўрнидан турар, михдан дуторни олиб ичкари уйга кирарди-да, куйламоққа бошларди. Агар гаплашишга хуши келса, сиз ҳақингизда, сиз билан дўстлашган кунлари ҳақида ёниб-тошиб гапирарди, лекин ўтган воқеалар тарихини сизга маълум саналар билан тўлдиради: «7 декабр, шағал ташишимиздан тўрт кун илгари...» ё «иккинчи апрелда пиллахонага кириб...» ва ҳоказо.

Кўп марта эшитаверганимдан бу саналар менинг ҳам хотирамда муҳрланиб қолган. Ана шу сабабдан қайси воқеа қачон рўй берганини биламан.

Бундан бир неча кун илгари МТС котибаси менга «Сорохон келиб ўртоғингизни сўроқлаган эдилар» деди. Эшитдим, ўтган куниям қўнғироқ қилган экансиз.

Одамлар орасига кириб, ошга қатиқ бўлишни ёмон кўраман. Шу кунгача кишилар ўртасидаги қўнғил муносабатларига аралашганим йўқ. Бироқ энди чидай олмадим. Мен тўғримда нима деб ўйла-сангиз ва десангиз – ихтиёрингиз, лекин мен юрагимнинг аламини тўкишим керак. Ўтган кунийёқ қайта қўнғироқ қилганингизни эшитиб, сизни бирор жойда учратиб, қўнғлимда йиғиб қўйган аччиқ-

аччиқ гапларимни юзингизга айтишга, дўстимнинг ноҳақ чеккан изтироблари учун сиздан қасос олишга аҳд қилдим.

Чиндан ҳам, бу барча ҳангомалар нима учун эди? Гарчанд сиз ўзингизнинг ғурурингиз ва нозингиздан сармаст, бошингиз қизиб турган бўлса ҳам, ўз қилмишингизга ақл кўзи ва инсоф билан қараш учун наҳотки бирор хушёрлик лаҳзасини тополмадингиз? Биламан, баъзи чиройли аёллар сиртқи тафовутларини бошқаларга берилмаган бир қадар алоҳида ҳуқуқ ҳисоблаб, ўзларининг орзусида бир қанча киши бутун умр тортишса ва ўз бахтидан бе-насиб бўлса ҳам арзийди, деб ўйлашади. Худо ҳаққи, одамнинг ҳам кулгуси келади, ҳам нафрати.

Гоҳида ўзимча сизнинг хатти-ҳаракатларингизни оқлашга уринардим, натижада бошимда, балки сиз ноз ғалаёни шавқига, бу ўйин ҳаловатига берилиб, иш оқибати яхши бўлади деб ўйладингизмикин деган фикр пайдо бўлади. Чунки бошқаларнинг меҳри сизнинг шуурингизда ҳамон акс этмас, шу боис, аниқ биламанки, одамлар турлича бўлади: бирининг қалби ҳассос ва нозик, бириники эса ўтмас ва карахт.

Лекин сиз ҳамма нарсани кўриб, яхши тушуниб турганингизда эди, бу фикримдан қайтган бўлардим. Ахир, оддий қизча ҳаммаси бўлиб бир ярим йил бадалида донгдор бригадир мартабасига эришиб, вилоятнинг у бошидан-бу бошигача номи кетиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Бунинг учун



ғайрат ва ташкилотчилик қобилиятидан ташқари, яна комил ақлу фаросат ҳам лозим.

Яна бир карра айтаманки, бўлари бўлди, бўёғи синди. Лекин, истагим шуки, бошқа мулоҳазасиз иш қилманг. Бу мактубни ёзишдан ягона мақсадим ҳам шу эди. Ҳайдаржонни энди тинч қўйинг. Қўнғироқ қилманг, гаплашишга имкон қидирманг, хат ёзманг, ҳар қандай одамдан салому паём айтиб юборманг. Унинг ҳам ўзига ярша орзу ниятлари бор.

Агар менинг бу мактубим сизнинг келгусидаги хатти-ҳаракатларингизга таъсир этмаса, билиб қўйингки, дўстимнинг ҳурмати янада таъсирлироқ тадбир топиш ҳам қўлимдан келади. У – Ҳайдаржон, фақат яхшилик қилишга қобил олижаноб қалбга эга бўлган инсон. Мен унақа эмас.

Гап ана шу, Сорохон.

Эҳтиром билан Омон».

ЎРТОҚЛИК СУДИ

(Ҳикоя)

– ...Ўртоқлар, ғала-ғовур қилманглар, битта-битта чиқиб гапиринг. Мурод, сен нега шовқин соляпсан?

– Шовқин солганим йўқ. Икки оғиз гапиришни истайман.

– Мана минбар, чиқиб гапиравер.

– Минбарда гапим эсимдан чиқиб қолади.

– Майли, жойингда туриб гапир.

– Аввал ҳамма жим туришсин.

– Ўртоқлар, ғала-ғовур қилманглар. Сўз унга ... Муродга.

– Биродарлар! Аслида мақсадимиз нима? Мақсадимиз шуки... Э, йўқ, кечирасизлар, бизда ҳечам бунақа мақсад бўлмаган... Лекин шундай бўлиб қолди. Яъни, бизнинг ўртоғимиз Собир гуноҳкор бўлди-ю, биз уни ўртоқлик судига оширамиз деб эълон қилдик. Мана, ҳозир суд қилиб турибмиз. Сизларга айтаманки, Собир ёмон бола эмас. У одамнинг жони...

– Гапнинг ғозини роса тортдинг-ку!

– Вой ўлмасам. Бу бола масаланинг мағзини қачон чақса экан?..

– Ўртоқлар, яна такрорлайман, шовқин қилманглар. Ҳа, Муроджон, гапир ўғлим.



– Хӯш, мен айтаманки, у одамнинг жони. Нега бундай деяпман. Чунки мен бир марта маст бўлган эдим...

– Ҳа-ҳа-ҳа! Э, ўлма масхаравоз!

– Нечта шишани бўшатдинг?

– Оч қоринга ютаверган, лочин!

– Ҳой одамлар, шу ҳам мажлис бўлди? Раис ака, ё мажлисингни тузук қил, ё менга жавоб бер. Бекорхўжа эмасмиз!

– Тинчланинг, ўртоқлар, яна такрорлайман, ғала-ғовур қилманглар. Мурод, ўғлим, сен ҳам гапни бунча чўзма-да.

– Менинг гуноҳим нима? Сўз менинг номимга-ю, бошқаларнинг комига. Жим ўтирмасалар, қандай қисқа қилай? «Маст бўлиб қолибман» десам, қиқирлаб кулишади. Гўё ўзлари фариштадай. Бир умр оғизга олишмагандай... Хӯш, мен айтмоқчи эдимки, бир марта қаттиққина маст бўлибман. Дам олиш куни эди, бир оғайнимни бозорда кўриб қолдим, болаликдан бир қишлоқда катта бўлгандик, – мажбур қилди, кайфим ошиб қолибди. У мени ташлаб кетибди. Мана шу Собир елкасига кўтариб, уйга олиб келибди. Ахир, мен тўқсон кило-я. Шоҳмансур маҳалласигача кўтариб келибди.

– Бўлди, бўлди. Масала равшан.

– Йўқ, ҳали равшан эмас. Нега Собирнинг ўзи гапирмайди-ю, биз уни бекордан – бекор суд қиларканмиз. У бунақа бола эмас. Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

– Собир, менинг гуноҳим, деди-ку. Қандай жазо берсаларинг, ихтиёрларинг деди-ку. Яна нимани истайсан?

– Йўқ, суд бунақа бўлмайди. Суд воқеанинг сабабини айтиб бериши керак, яъни воқеанинг бўлган-турганини айтиб беришга Собирни мажбур қилсин.

– Тўғри! Собир гапирсин.

– Тур, Собир.

– Келинчакка ўхшаб ноз қилдинг-да.

– Азиз дўстлар! Муҳтарам биродарлар! «Тур Собир, гапир Собир!» деб эрталабгача ялиниб ўтира-мизми? Гуноҳ қилиб уни бўйнига олдимиз одам, баҳсу мунозарага бошқа ҳожат қолмаган. Собирнинг гуноҳи кечирилмасдир. Ўртоқ Зоҳиржонов мўътабар шахсдирлар, у кишини жонажон жумҳуриятимизда ҳамма танийди, ҳурмат қилишадди. Шундай бир кишини сизларнинг Собирингиз, айтиш мумкинки, сафарда, азиз уйлари ва жойларидан икки юз километр узоқда ташлаб келибди. Бизга яна қанақа далил керак? Собирнинг кўп гапиришига нима ҳожат бор? Мен бунақа одам бизнинг базамиздан ҳайдалсин, деб таклиф қиламан. Бунақанги худбин шахслар бизнинг шон-шарафли коллектив юзига доғ туширади-ю, холос. Бизнинг ақидамиз шундай.

– Тўхтанг. Сиз «ақидамиз» деб кимларни назарда тутяпсиз?

– Тўғри. Ҳар ким ўз номидан гапирайверсин.

– Дистпетчер тўғри айтди: Собир ҳайдалсин. У



гўдак эмаски, юрагимизни қон қилиб, меҳнат интизомини бошқатдан тушунтириб ўтирсак.

– Шошманг, ўртоқлар. Менда бир савол бор.

– Беравер.

– Ҳа, айт.

– Собир бирор марта тартибсизлик қилганмиди?

– Тартибсизлик деб нимани тушунасан?

– Жазолашга лойиқ бўлган кирдикорни...

– Нега ўзинг билиб туриб сўрайсан?

– Йўқ, аввал менинг саволимга жавоб беринг: Собир бирор марта меҳнат интизоми ё бошқача интизомни бузувдими йўқми, деяпман.

– Бузмаган бўлса энди бузди. Нимани истайсан?

– Илгари бузмай, энди бузган бўлса, гуноҳини кечириш керак. Вассалом. Муҳтарам ўртоқ Зоҳиржонов мўътабар одам бўлсалар – бўлибдилар-да. Биз ҳам одам, Собир ҳам одам. Агар ораларидан бир гап ўтмаган бўлса, Собир ташлаб келармиди? Биз Собирни яхши таниймиз. Беш йил илгари гаражимизга келиб, шогирд тушганди, машина юварди. Мана энди иккинчи класс ҳайдовчиси. Бунчалик сўроқ қиламиз бир бечорани? Гапим тамом.

– Гапинг тўғри эмас.

– Бу ерда ошна-оғайничилик кетмайди.

– Жим бўлинг, ўртоқлар, яна таъкидлайман, шовқин кўтарманглар, битта-битта гапиринглар.

– Ижозат беринг.

– Хайрият, аёллардан ҳам садо чиқаркан!



– Менда Собирнинг ўзига иккита савол бор. Собир, опанг ўргилсин, тушуняпсанми, бу ерда нима воқеа бўляпти? Тушуняпсанми, ахир, сенинг тақдирингни ҳал қилишяпти?

– ...

– Ўрнингдан тур, Собир.

– Мана... Турдим...

– Мастуранинг саволига жавоб бер, ўғлим.

– Ўртоқлар, суд раисининг айбдорни «ўғлим» дейишга ҳаққи йўқ!

– Бу катта суд эмас, ўртоқлик суди.

– Ҳаммаси бир. Қоида кўтармайди.

– У қоидангни пишириб егин.

– Тўғри айтяпти!

– Олим бўлмай кетинглар, ҳаммаларинг! Ҳамма қоидадону қонуншунос!

– Бас қилингар!

– Ўртоқлар, ғала-ғовур қилманглар, деб неча марта айтиш керак. Мен Собирни ўғлим дедим, ҳаққим бор. Сен, маҳмадона, аввал сочингни мендай оқартир, кейин қоидашунослик қиласан. Бу ерда ўртоқлик суди боряпти, мажлисми у, ё бошқа нарсами, фарқи йўқ. Бир ҳамкасбимизнинг тақдирини ҳал қилмоқчимиз. Бошқасининг бир пуллик аҳамияти йўқ. Қани, қизим, гапиравер.

– Мен савол бердим, Собир жавоб қайтармади.

– Гапир, ўғлим.

– Мастура опа қизиқ савол беряптилар. Бола эмасман-ку. Тушунаман, албатта, менинг тақдиримни ҳал қиляпсизлар...



– Мана, қизим. Жавоб олдинг. Лекин яна бир саволим бор, дегандинг. Айтавер, қизим.

– Собир, опанг ўргилсин, сени ҳеч ким бола деётгани йўқ. Лекин бу ерда бир неча киши сени ишдан бўшатиш ҳақида таклиф киритди. Сен мажлис бошида айбимни бўйнимга оламан дединг. Шунанга жазога розимисан?

– Йўқ!

– Нега?

– Чунки ноҳақ. Гунаҳқорман, лекин бу ўзимнинг айбим билан бўлмаган.

– Ана холос!

– Гап эшиту маза қил.

– Бу бола миясини еб қўйибди.

– Уф-ф, бунақа ланж судни энди кўришим.

– Жим бўлинг, болалар. Яна такрорлайман, тартибга риоя қилинглар. Агар ким истамаса, чиқиб кетсин. Бу ер калава бозори эмас. Қани, ўғлим, гапир.

– Мен Зоҳиржонов билан бўлиб ўтган қиссани ўзимизнинг автоколонна бошлиғига айтиб бергандим. У мени масхара қилди. Шундан кейин бошқа кишига айтмайман, деб аҳд қилдим.

– Айтавер, Собир. Бекитишдан нима фойда?

– Нодон, ўзингга ёмон бўлади.

– Гапир, ўғлим, сени масхара қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди.

– Бундан ташқари, яна бир сабаб бор. Бу қисса қандайдир йўл билан Зоҳиржоновнинг оиласи қулоғига бориб етишини истамасдим. Энди қулоқ

солинг... Сув қани? Ҳозиргина бу ерда сув бор эди-ку. Раҳмат... Сешанба кун ирталаб идора бошлиғини уйларида олиб келдим. У киши идорага кирдилар, мен идора эшиги олдидаги бошқа шофёрлар билан шашка ўйнаб ўтирардим. Ярим соат ўтгач, котиба қиз мени чақириб қолди. Бошлиқ кабинетига кирдим. У кишининг олдиларида кўзойнакли хушрўй бир одам курсига мулойим ботиб, оёғини чалкамтириб ўтирарди. У тинимсиз папирос чекиб гап берарди.

– Собир, – дедилар бошлиқ, – районга борамиз. Тайёрмисан?

– Қаерга? Неча кунга? – деб сўрадим.

– Ярим кунга. Куйбишев районида. Бизни олиб бориб қўясану қайтаверасан.

Мен сафарга тайёр эканлигимни айтдим. Шунда бошлиқ ўртоқ Зоҳиржонов билан, яъни олдиларида ўтирган ҳалиги одам билан уйига бориб яна идорага қайтариб олиб келасан, дедилар. Кейин ҳаммамиз биргаликда районга борарканмиз.

Биз Зоҳиржонов билан уйларида бордик. Унинг сердарахт ҳовлиси бор экан. Ярим соат йўқолиб кетди. Кейин хотини билан чиқди. Маъқулгина жувон экан. «Ўзингизни эҳтиёт қилинг, шамоллаб қолманг» – деб таъкидларди. «Ёзда ҳам одам шамоллармишми» дедим кўнглимда. Чамаси, эрини жуда яхши кўраркан. Зоҳиржонов эшик олдида «Хайр, жонгинам, мен кўнғироқ қиламан» деб хотинини ўпиб олди...



– Ӯртоқ суд раиси, мен эътироз билдираман. Ӯзи нима гап? Нега бу одам ҳурматли бир шахс оиласининг маҳрамона жиҳатлари хусусида бу ерда ибосиз сўзлар айтяпти? Бу нарса муошират одобига ҳечам тўғри келмайди.

– Мушир... одоби, мушорияти яна нима бўлса? Одоб шундаки, киши тўғри гапни гапирсин. Айтавер, Собир, айт, ўғлим.

– Қўйинг, гапираверсин!

– Ӯртоқлар, кечирасиз, гапираётган чоғимда орадан битта – яримта сўзларни ташлаб кетсам, гапимни йўқотаман. Ҳар куни мажлисга чиқмаслигимни ўзингиз биласиз.

– Давом эттиравер, ўғлим, майли, нимани истасанг, айт.

– ... Мен бошқа ёққа юзимни буриб машина радиосини қўйдим. Эр-хотин яна икки-уч дақиқа хайр-хуш қилдилар. Қиссанинг хулосаси, идорага қайтдик, бошлиқ чиқдилар. Соғ-саломат Куйбишевга ҳам етиб келдик. Улар иккаласи райкомга киришди. Бир оз фурсатдан кейин бошлиқ ва Зоҳиржонов чиқиб, мошин олдига келишди. Бошлиқ: «Собир, сен бу одамни Колхозободга олиб борасан, ўзлари билан эрталабгача қолиб, эрталаб Душанбега элтиб қўйиб, кейин автобазага борасан. Мен бошқа машинада қайтаман» дедилар. Ҳа, шундай дедилар. Хўп бўлади, дедим. Биз шофёр халқининг ишимиз итоат этиш-да. Душанбе – Қўрғонтепа катта йўлига чиқиб, Уялидан ўтаётга-



нимда... Мен батафсил гапириб вақтларингни оляпман...

– Майли, ўғлим, айтавер.

– Гапиравер, бола. Мазаси энди чиқяпти чоғимда.

– Ха, Уялидан ўтиб бораётгандим, Зоҳиржонов соатига қараб, пахта заводи олдида машинани тўхтат, деди, кейин завод идорасига кириб кетди. Мен дарвоза ёнида кутиб ўтирдим. Бир соатдан кейин бир қизгина чиқиб «Ўртоқ Зоҳиржоновнинг шофёри ким?» деб сўради. Гап чўзилмасин деб, «Ўртоқ Зоҳиржоновнинг шофёри мен» дедим.

Жойимдан қимирламай кутиб туришимни тайинлади. Яна бир соатча ўтди. Бу ерда нима иши бор экан, деб завод ҳовлисига кирдим. Кираверишдаги катта шийпонда ишчилар йиғилишган эди. Яқинроқ бориб, ҳамсафарим тик турган ҳолда гапираётганини, бошқалар эса пахта тойлари, ёғоч ҳараклар устига, ерга ўтириб уни тинглашаётганини кўрдим. Маълум бўлишича, ҳозир тушки танаффус пайти экан-у Зоҳиржонов ишчиларга ваъз ўқиб турган экан. Ваъзи нима тўғридалигини билолмадим. Лекин гаплари одамларга маъқул тушди, шекилли, охирида анчагина қарсак чалишди. Кейин менинг ҳамсафарим завод идорасига кириб, у ердан мамнун ҳолда қандайдир қоғозни буклаб чарм портфелига эҳтиёт қилиб жойлаганча чиқди. Завод раҳбарлари уни жуда миннатдор бўлиб кузатиб қўйишди.

– Мана, жон дўстим бўладиган бўлсанг, иш ма-



навинақа бўлибди. Бу завод ишчиларини ҳам хурсанд қилдиқ, – табассум қилиб деди Зоҳиржонов елкамга мен қадрдон ошнасидай тапиллатиб ураркан. – Сен газеталардан: «Фурсат ғанимат! Ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланинг!», – деган шиорни ўқигансан, албатта. Шундай бўлса, билгинки, бу шиорнинг нафақат пахтакорлару йўлсозлар ҳамда бошқа – бошқаларга, балки ҳаммага дахли бор. Жон дўстим бўладиган бўлсанг агар, мену сенга ҳам...

Қўрғонтепада менинг ҳамсафарим қайсидир корхона ишчиларига ҳам ваъз ўқиди. Бу корхона номини билмайман ҳисоб, шунисини биламанки, у ерда эксковаторларни таъмир қилишаркан. Бу дафъа унинг ваъзини бошдан-охиригача тингладим. У оила, эр-хотиннинг муҳаббати ва садоқати, йигит-қизлар ҳақида гапирарди. Яхши касби бор экан, дедим кўнглимда. Халқ орасида жамиятнинг яхши анъаналари, одамларимизнинг турмуш тарзини тарғиб қилиб юраркан.

– Сиз лектор экансиз-да, муаллим, – сўрадим Колхозободга кетаётган чоғимизда.

– Йўқ, аслида лектор эмасман, аммо, жон дўстим бўладиган бўлсангиз, лекторларга ёрдам тариқасида гоҳ-гоҳ ваъз ўқиб, чиқишлар қилиб тураман.

Кўнглимда бу ғайратли одамга ҳавасим келди. Кошки эди мен ҳам унга ўхшаб донишманду ишбилармон бўлганимда. Бўш вақтимни уззукун ўртоқларим билан шашка, ё қарта, ё домино ўйнаб ўтказаман. Китоблар ичида фақат бадий китоблар



маъкул. Илмий китобларни ҳам ўқишни истайману, лекин оғирлик қилади, бўйним ёр бермайди.

Зоҳиржонов тўртинчи лекцияни Колхозобод районидаги колхозлардан бирида ўқиди. У бу ерда ҳам оила, дўстлик, муҳаббат ва садоқат ҳақида гапирарди. Лекин деҳқонларга тушунарли содда тилда. Ҳаётий мисолларни ҳам қишлоқ одамлари турмушидан келтирарди. Бир мисоли «Данғара» совхозидан, бошқаси Уратепанинг қайсидир колхозидан. Бир – иккита мисоли Россия, Украина ҳаётидан бўлса ҳам, деҳқонларга дахлдор эди.

Вазъдан кейин ошхонада бир коса шўрва ичиб, уёқ-буёқни айландим, кейин колхоз меҳмонхонасига келдим. У ерда Зоҳиржонов ва яна бир жувондан ташқари, уст-бошига қараганда районнинг қайсидир идораси ходимасига ўхшаб кетарди, бошқа ҳеч ким йўқ эди. Менинг ҳамсафарим у билан меҳмонхона йўлагига диванга ўтириб суҳбатлашарди. Зоҳиржонов ниманидир ҳикоя қилар, аёл қиқирлаб куларди. Зоҳиржонов гапини завқ билан давом эттирар, кулгу шиддатига ўзи зўрға тоб бераётгандай гавдасини олдинга, орқага ташлар ва шу аснода аёлнинг биллагидан ушлаб оларди. Баъзида гўё ҳикоясининг қаҳрамони ҳаракатларини амалда кўрсатмоқчи бўлгандай, аёлнинг бошини силар, у эса бундан завқланиб куларди.

Кейин ташқарига чиқиб кетдим. Машинамни меҳмонхона орқасидан бошланадиган колхоз боғи-



га олиб бориб қўйгандим, бир оз ўйланиб, машина ичига кириб ётишга қарор қилдим.

Кечаси қоронғи эди. Машинам турган жой тахминан ярим километрга чўзилган хиёбон эди. Кечқурун, ҳали қоронғилик тушмасдан у ерни қадамлаб чиққандим. Хиёбон усти чиройли узум ишкомлари билан зичлаб ёпилган. Икки томонида бошдан-охиригача ёсуман ва атиргул буталари ўсиб, яшил девор тусига кирганди.

Машина ойналарини тушириб, кабина ўриндиқларидан яхшигина тўшак ясаб, оёғимни узатдим... Кечирасизлар, гапим чўзилиб кетди.

– Собир, суҳбатнинг белига тепма.

– Қулоғимиз сенда, иним.

– ... Қилган ишимдан ўзим хурсанд эдим. Атрофдан гуллар атри ҳиди келиб турарди. Қурбақаларнинг қуриллаши, чигирткаларнинг чириллаши бирам ёқимли. Сершовқин шаҳарда яшаб, одам қишлоқнинг табиий садоларини кўмсаб қоларкан. Қулоғим, димоғим яйрарди. Гоҳида дарахтдан тап этиб ерга олма тушар, шунда қурбақаю чигирткалар овози вақтинча тиниб қоларди.

Қутилмаганда бу садолар орасида одамларнинг гаплашётганини эшитиб, қулоқларимни динг қилдим. Дурустроқ эътибор бериб, бу Зоҳиржонов ва ўша ҳамсуҳбат аёлнинг овози эканлигини пайқадим.

– Йўқ, ундай деманг, – Зоҳиржоновга ишва билан эътироз билдирарди у. – Суҳбатларидан киши

баҳра оладиган сўзга бой эркаклар унчалик кўп эмас.

– Бироқ ҳар қандай ҳамсуҳбат ҳам уларнинг илҳомини кўзгатавермайди. Сизнинг ҳуснингиз биринчи лаҳзадаёқ ақлимни лол қолдирган гўё бир мўъжизага ўхшарди.

– Агар ақли лол қолган сўзга бунчалар уста бўлса, унда...

– Ҳозир нима деган бўлсам, қалбим тили билан айтдим. У сизга мафтун шайдо.

Улар яшил деворнинг у томонидаги боғ чеккасида секин-секин юриб боришарди. Ҳар гал эгилишганда, хас-хашакларнинг шитирлагани эшитиларди.

Лектор хотинининг хайрлашаётганда айтган сўзлари ёдимга тушди. Машина деразасидан бошимни чиқариб, у сўзларни қичқариб айтгим келди:

«Ўзингизни зинҳор эҳтиёт қилинг, шамоллаб қолманг, азизим».

Бироқ бир бало қилиб ўзимни қўлга олдим.

– Келинг, меҳмонхонага қайтайлик, – таклиф қилди Зоҳиржонов.

– Шу ер ҳам ёмон эмас, – деди аёл нозга тўла овоз билан.

– Ихтиёр сизда. Лекин яна бир...

– Сабр қилинг, хиёбонга ўтайлик. Туфлимнинг пошнаси ингичка, ерга ботиб кетяпти.

Буталарнинг шитирлагани эшитилди. Тахминан йигирма қадам масофада икковининг оқ либоси



ғира-шира кўриниб турарди. Улар узум ишкомларининг бир устунига суяниб ёпишиб туришарди.

«Фурсат ғанимат. Ҳар бир лаҳзадан самарали фойдаланингиз...»

Унинг муҳаббат ва садоқат ҳақида одамларга ваъз ўқиб юриши шарт эканми? Бу қандай адолатсизлик.

Кўлим беихтиёр чироқ тугмасига бориб уни олдинга тортди. Кенг хиёбон мошин турган жойдан боғ дарвозасигача кундай ёришиб кетди. Тик туриб, бир-бирини бағрига босганча ўпишаётган, муҳаббат ва садоқат изҳори билан машғул бўлаётган у иккови бир лаҳза қотиб қолишди. Кейин ўзларига келиб, иккаласи ҳам дарвоза томонга қараб бир неча қадам чопиб борди. Кейин, эсхушлари жойига тушди чамаси юришни секинлаштириб, одатдагидай қадам ташлаб олдинга юра бошлашди.

Ёруғликнинг ажаб хосияти бор экан: икковининг боши ҳам эди.

Шундай кейин денг, ўзим ҳам нима қилишимни билмай қолдим. Энди мен идроким амрича эмас, одатимчами ё қандайдир бошқа бир нарсага амал қилардим. Шуниси эсимдаки, машина ўриндиқларини ўз ҳолига келтириб, моторни ишлатдим. Боғ дарвозасидан чиққач, Зоҳиржоновга етиб, тормоз бердим.

– Собир! – деди у. – Бу сенми? Шунақанги ҳазилкаш йигит экансану беҳабар қолибман. Бўпти, май-



ли, – ва машинага яқинроқ келиб: – Майли, лекин жон дўстим бўладиган бўлсанг... – деб бошини мен томондаги деразачага яқинлаштираётганда, бирдан газни босиб, кетвордим.

Кечаси соат учда шаҳарга етдим...

* * *

– Мана, ўртоқлар... Ҳм... қиссани эшитдиларинг. Илгариги замонда бир киши айтган экан: Эй Худо, сон-саноқсиз бандаларингдан ўргилай. Ҳм... Ким гапирмоқчи?

– Танаффус бўлсин.

– Танаффус нима керак? Мен беш дақиқа ҳеч ким гапирмасин, шундай жим ўтирайлик, деб таклиф қиламан.

– Бунга гапини қаранглар. Шу ақлинг билан қишдан қандай чиқдинг, ука? «Жим ўтирайлик» дейди-я. Бирор киши ўлганмиди, беш дақиқа жим ўтирсак?

– Ҳа, ўлди.

– Тўғри айтяпти, бир киш ўлди.

– Ўртоқлар, яна айтаман, бетартиб ҳангомани бас қилинглари. Фикрларинг бўлса, тартиб билан чиқиб гапиринглари.

– Мастура қўл кўтарди. Сўз беринг?

– Мен таклиф қиламан, ўртоқлик суди ҳайъати бу суд эмас, шундай, ўртоқлик суҳбати эди, деб эълон қилсин.

– Гапнинг жонини топдинг, синглим.



– Дуруст.

– Ҳа, дарров эълон қилинг.

– Ғала-ғовур қилманглар, биродарлар. Менинг эшитишимча, у одам... оти нимаиди ... муҳтарам ўртоқ Зоҳиржонов бизнинг Собиримиз устидан ариза ёзибди. Бу масалада бошлиқларимиз нима дейишаркин?

– Бу уят, ўртоқлар. Катта уят. Бизда партия ташкилоти бор, касаба уюшмамиз бору, адолат юзасидан ишлаш ўрнига, бу ерда гуноҳсиз бир йигитни салкам суд қилиб ўтирсак.

– Ўртоқлар, яна такрорлайман, шовқин қилманглар. Ўртоқлик суди ҳайъати Мастура Иброҳимова таклифини маъқуллайди. Олдинги эълон бекор қилинди, деб ҳисоблансин. Собир, ишингга бор, ўғлим, масаланинг у томонини ўзимиз ҳал қиламиз. Ҳа, шаҳар дарвозасиз эмас.

НОДИРНИНГ ХИЁБОНИ

Абдуқодир Маниёзовга

Абдувоҳид амаки қуёш чиқиши билан дарҳол қишлоқ чойхонасига қараб йўл олади.

Аввал қатор теракларнинг баҳаво хиёбонидан ўтишга тўғри келади. Гарчи ўнг томонда пиёдалар йўлагини қуришган бўлса-да, чол мум қопланган кўчанинг ўртасидан юради. Бу пайтда сершовқин машиналардан дарак бўлмас ва у хаёлида бутун водийни тутиб кетган дала ҳулвосининг ҳидларини рағбат билан димоғига тортиб, оқсоқланиб-оқсоқланиб йўл босади.

Тераклар икки томонда ўктам паҳлавонлардай саф тортишган. Абдувоҳид амаки гоҳ-гоҳ тўхтаб гўзал дарахтларнинг тўғри сафига, уларнинг гўё атрофга нур таратаётган оқ таналарига кўз тикиб бу саф мусиқасидан, ҳуснидан роҳатланарди.

Баъзида ҳудди ошнолари билан гаплашаётгандай, шивирлайди:

– Чиройлисиз, тераклар... Негаки сарбаландсиз... мағрурсиз.

Кейин кўзларини ярим юмиб, кўкка тикилади, яна дарахтларга мурожаат қилади:



– Яшанг, тераклар...

Қорли чўққилари кўриниб турган водий томондан шабада эсиб дарахтларнинг бир томони яшил, жилоли ва бошқа томони оппоқ пахтадай барглари бирваракайига чапак чала бошлашади ва қариянинг қулоғига ғўё уларнинг шивирлаб айтган жавоблари эшитилади:

– Бизнинг фахрланишимиз, амаки тўғрилигимиздан, – арз этади бири.

– Узоқроққа назар ташлаш учун юксалганмиз, – дейди бошқаси. – Қаранг, амаки, хув оқаётган дарёнинг кумуш мавжлари кўриниб турибди.

– Ҳа, тўғри, дарё оқаяпти, – тасдиқлайди Абувоҳид амаки ва йўлида давом этади. Йўл юраётганда ёғочу чармдан, ялтираган пўлат тасмалардан ясалган сунъий оёғи ғичирлайди, у тераклар шивирини эшитолмай қолади.

– Бир пастдан кейин яна тўхтаб, нафасини ростлайди, хиёбоннинг иккала томонига қулоқ тутди.

– Баландликлар ҳавосидан нафас олиш ёқимли, – шивирлайди яна бир терак.

– Бу ердан қушлар кўшиғи яхши эшитилади, – кўшиб кўяди ёнидагиси.

Тераклар хиёбони илгарироқ, икковлари ёш бўлган пайтда, Абдувоҳид амаки учун туғилган жойи манзарасининг бир парчаси эди, холос. Энди эса, қариган чоғида ҳаётининг узвига айланди.

Дилкаш ва кўнглини ёритувчи узвига. Дилкашлигига сабаб, у ўз умри давомида кўп ўлкаларда бўлиб, бирор шаҳар ё қишлоқда бундай нафосатли хиёбонни кўрмаганлигидагина эмас. Хоҳ у сарву санавбар, хоҳ шамшод боғи бўлсин. Бошқа сабаблари ҳам бор, шубҳасиз. Бўлмаса одам қанчалик кексайиб, ўй ўйловчи бўлиб қолса ҳам дарахтлар билан беҳудага суҳбатлашмасди.

Бундан йигирма-йигирма беш йил илгари Абувоҳид амакининг йўли ҳар гал шу хиёбонга тушаркан, 1944 йилнинг изғиринли февраль ойини, қишлоққа қилган сермеҳнат сафарини, албатта, эсларди. Замона зайли билан турли воқеалар юз берарди-ю, у кунлар ёдини янгилаш учун сабаб ё сабабчи лозим бўларди.

Яқинда шундай сабаб топилди. Чойхонада бир гуруҳ одамлар бу ерда икки қаватли, катта магазин қуриш тўғрисидаги қандайдир қарорни ўқиб туришарди. Ўша қарорда бу жой Абувоҳид хиёбони деб номланган эди.

Қария маърака-ю, маросимларда, мавриди келган пайтларда бу хиёбонни зинҳор унинг номига қўймасликларини қайта-қайта айтиб, илтимос қилганди. Абдувоҳид ака ёки Абдувоҳид амаки хиёбони демасинлар. Негаки, хиёбонни марҳум Нодир бунёд этган, демак унинг номи билан аталиши керак. Оламдаги ҳар бир иш, хатти-ҳаракат асоси, ахир, албатта, инсоф бўлмоғи лозим.



* * *

Эртақларда айтилишича, ёш йигит ўз бахтини излаб узоқ ўлкаларга йўл олади ва узоқ йиллар овора-ю, дарбадар бўлиб юради. Бечора ота-она унинг фироғида ғам чекавериб, заиф ва ожиз бўлиб қолишади. Бироқ эртақда мусибат қанчалик катта бўлса-да, иложи бор. Ўғил оқибатда зафар билан қайтади ва нозанин хотину ҳисобсиз сийму – зар билан биргаликда бирмунча тириклик сувини ҳам олиб келади, ундан бир қултум ичишган заҳотиёқ нотавон кексалар вужудига қайтадан жон киради.

Абдувоҳид амаки фронтдан ёғоч оёқда, қўлтиктаёқ билан қайтганда хотини тамом ҳолдан кетиб бўлганди. Ғам-ғусса уни тўшакка михлаб қўйганди. Бироқ эртақларидаги мўъжизадан ном-нишон ҳам йўқ эди. Айниқса, қўли гул барча табиблар жанг майдонида мажруҳ танларни даволаш билан машғул бўлган ўша оғир йилларда. Ўша қаҳратон февраль ойи кунларидан бирида хотин эридан тахмондаги ўқиб беришни сўради. Абдувоҳид ака фронтдан қайтган кунидан бери бу ишни деярли ҳар куни эрталаб такрорларди. У бу дафъа уйга кираверишда туриб, хатларни аввал икки қисмга бўлди: бирирушда ҳалок бўлган катта ўғлининг титилиб кетган хатлари. Қолгани – танк қисмида хизмат қилаётган ва тирик қайтиши ҳозирча ота-онанинг ягона умиди бўлиб қолган кичик ўғлиники.

Ота кичик ўғилнинг ўқилаверганидан деярли ёд бўлиб кетган мактубларини яна бир марта ўқиб

берди. Аёл шашқатор ёшларини артиб, бир оз жи-
миб қолди. Кейин нимагадир эрининг ёғоч оёғига
қўлини теккизиб, аламли табассум билан деди:

– Ўтган йили бир оз дармоним бор эди. Боққа
бориб, уйлар томини икки марта куратган эдим.
Ҳозир қор кўрпадай бўлиб ётгандир...

Шундай қилиб, Абдувоҳид ака том кураш учун
қишлоққа жўнади. Шаҳар четида бирор соатлар ку-
тиб, колхоз аравасига минди. Катта ўғлининг тенг-
доши ва синфдоши бўлган аравакаш Саидмурод
ўтирган жойидан сапчиб ерга тушди ва уни ўғил-
дай бағрига тортиб, жўрасининг ўлимига ҳамдард-
лик изҳор этди.

Икки ғилдиракли арава устига тахта қути ўр-
натган эдилар. Қутида ўғит бўлиб, Саидмурод уни
шаҳар карвонсаройидан колхоз полизларига та-
ширди.

Бечора йигит устма-уст тўп ўқи ва мина парча-
сидан яраланиб, асаб зарбасидан ҳар замон тили
тутилиб қоларди. Ўз ихтиёрича гапирганда, нутқи
нисбатан тинч бўларди. Аммо бирор саволга жавоб
бераётганда ё бирор сабабга кўра изтироб чеккан-
да тили тутиларди, сўзнинг ярми оғзида қолиб
сиқилганда бош чайқар, қўлларини кўкка ёзиб
ғазаб билан ер тепар, гўё бу ҳаракатлари билан
саркаш тилини ишга солмоқчи бўларди.

Тожикистон шимолидаги энг қаттиқ қиш ўша
қирқ тўртинчи йил қиши бўлди. Қор устига қор
ёғиб, далада қалинлиги шу даражага етдики, киши



тиззасигача кириб кетарди. Кечалари сув бир қаричгача музлар, кундузлари қуёш булутлар орқасидан бир – икки соат юз кўрсатса-да, изғирин шаштини пасайтиролмасди.

Қачонлардан бери ем емаган ориқ от сирпанчиқ кўчада машаққат билан йўл босарди.

– Наҳ-наъли янги. Худо хоҳласа, б-бир соатда етамиз, – тасалли бериб дерди Саидмурод.

Бироқ сафар тинч, ғамсиз ўтмади. Тегирмондан пастроқда, ҳув анави жойда, тераклар хиёбони бошланишида йўлни сув босганди. Йўл четидаги ариқ кечалари музлаб, эртаси куни суви муз қавати устидан оқа бошлади.

Эртаси кеча муз устидаги сув яна музлаб, келаси куни сув яна ярим метр юқорироққа чиқарди. Шу тариқа ариқ сатҳи кўча билан бараварлашиб, унинг катта бир қисми муз билан қопланиб қолганди.

Музлаган сунъий кўл ўртасида отнинг оёғи тойилиб йиқилди. Саидмурод пастга тушди. Ҳар қадам қўйганда қиррадор қалин муз парчалари сувга тўлган этиги атрофида шақирларди.

Абдувоҳид ака ҳам ноилож тушди. У йўл четидаги бутун муз устига чиқиб олмоқчи бўлди, аммо учи ўткир ёғоч оёғи гавда оғирлиги билан музни синдирди ва у белигача сувга ботиб кетди.

Узоқда, пахта экиладиган ер ўртасидан яккам-дуккам яёв ёки эшакли йўловчилар ўтиб қоларди. Шотидан бўшатилган от дир-дир титрар ва атрофга нажот тилагандай кўз тикарди.



Бу тераклар у пайтда навниҳол эдилар. Унинг япроқлари совуқ шамолда бир-бирига тегиб шалдирар, тоқат қилиб бўлмас изғирин имтиҳонларидан шикоят қилишарди.

* * *

Абдувоҳид ака Саидмуроднинг уйида ҳўл устбошини қуритиб, икковлари унинг боғига қараб йўл олишди. Саидмурод уни отга миндириб, ўзи орқадан яёв борарди. Ёғоч оёқда узангисиз арава оти устида ўтириш қулай бўлмаса-да, лекин пиёда оқсоқланиб юришдан тузукроқ эди.

Ярим ўғити тўкилган арава ўша жойда, кўча ўртасида қолди. Раҳмдил, одамдўст йигит экан бу Саидмурод. Мактабда ўқиб юрган пайтида болалар уни кўп марта ҳафа қилишарди. Болалик дунёси ўз қонунларига эга экан. Катталарнинг аралашуви ҳам кўпинча натижа бермасди. Ундан ҳалимроқ бола йўқ эди, бироқ ўртоқлари соддадиллиги учун – гўё бу гуноҳкордай – унга озор бериш пайдан бўлишарди. Ҳатто, отасининг исми Тешавой бўлгани учун Саидмурод таъна эшитарди.

Тешабой риш надорад,

Девони мачит хишт надорад,¹ –

деб қийқиришиб масхара қилишарди. У ҳам озор берувчиларини қувлар, тошу кесакми, ёғочми, кўлига тушган нарсани уларнинг кетидан отарди.

¹ Мачит деворида ғишт, Тешавойда соқол йўқ.



Абдувоҳид аканинг катта ўғли унга ҳаммадан кўпроқ ёпишарди. Бироқ бугун эрталаб шаҳар чеккасидаги мулоқот пайтида Саидмурод уни эслаб анча кўз ёши қилди. Ҳаёт дилдан-дилга улаган ришталар, йиллар ўтиши билан, зоҳиран, сифат жиҳатдан мустаҳкамланиб бораркан.

Абдувоҳид ака отдан тушиб, ҳали узоқдалигида-ёқ калитни қўлга олиб, ҳовли эшигига яқинлашди. Бироқ қулф ўрнига эшик ҳалқаларига занглаган бир парча симни ўраб қўйишганди У эшикдан кириши биланоқ, айвон тагига қаради. Ҳа, шубҳаси тўғри чиқди. Болорлардан нишон ҳам қолмаганди. Фақат усти хўп тарашлаб ўртага, устун устига ўрнатадиган ва икки чеккасида нақшу кунгуралар чиқарилган битта қош қолганди. Ҳатто, олти қиррали тайёр устунни ҳам ўғирлашибди ноинсофлар.

Уруш бошланганда Абдувоҳид ака уй ва даҳлиз ёнига айвони билан янги уй қуради. Тийрамоҳда катта ўғли уйланган бўларди.

У бу уч йил давомида кўпчилик қатори бошига тушган айрилиқ ғамига ўрганиб қолганди. Куйиб қул бўлган минглаб уйлар... Бузилиб валангор бўлган шаҳару қишлоқлар... Ўн гулидан бир гули очилмаган нозанин йигитлар...

Буларнинг ҳаммасини кўравериб кишининг дийдаси қотиб кетади, албатта. Бунинг устига эшигингиз қулфини бузиб, яхши ният билан тайёрлаган болорингизни олиб кетишса, алам қилмайди-ми? Яна шундай бир вақтдаки, шу одамларни

ҳимоя қилиш учун уларнинг тинчини ўйлаб уруш майдонига кетганингизда. Уч марта ўлимдан қолиб, майиб бўлиб бир оёқда келсангиз. Жигарбандингиз бу йўлда ёш жонини қурбон қилгани тўғрисидаги шум хабардан кўни-қўшнилариңгиз, шубҳасиз, огоҳ бўлган бир ҳолатда-я.

Фақатгина битта қошни қолдиришибди уйнинг куйгурлар. Уйнинг тўққизта болори, устун ва айвоннинг еттита болори йўқ. Шу ҳам инсоният бўлдим?

– Шу ҳам инсоният бўлдим?! – бу дафъа ғазаб билан баланд овозда деди Абдувоҳид ака ва дарҳол қизишганидан ўзига ўзи гапираётганини пайқаб, атрофга саросима бўлиб қаради.

«Ноодамлик, эшаклик...» кўнглида дашном берди у.

Саидмурод кўшнининг ёғоч курагини олиб келиб, том устига чиқди ва қор курашга киришди. Кўп ўтмай уч ёш боласи билан бева қолган кўшнининг ўзи келди. Аёл салом берган заҳотиёқ пиқиллаб йиғига тушди. Кейин нола-ю, фигони борган сари кучая бошлади.

– Қуриб кетсин уруш! Урушқоқнинг уйи куйсин! – фигон чекарди аёл.

Абдувоҳид ака йиғлаётган аёл ёки гўдакни кўрса, оёқ – кўлини йўқотиб кўядиган кўнгли юмшоқ эркаклар тоифасидан эди. У умр бўйи кўлидан келганча одамларга бошчилик, раҳнамолик қилиб келарди. Фронтида ҳам ўзининг унчалик катта бўл-



маган гуруҳини душман ўқлари ёмғири остида хужумга бошларди. Бироқ, ҳозир қўшни хотиннинг йиғиси унинг сару калавасини йўқотиб қўйди.

– Бўлди, синглим, йиғлайверманг. Болаларингиз шукрини қилинг, – юзини буриштириб шундай тасалли беролди у.

– Ака, бизнинг гуноҳимиздан ўтинг. Болорларингизни биз ёқдик, – деди хотин. – Касал эдик, бир параха ҳам ўтин қолмаганди.

Абдувоҳид ака индамади. Нима дейишни ҳам билмасди. Энди, гуноҳкор маълум бўлиб, рўпарасида турганда, қизишишни ҳам, тасалли берувчи сўзларини давом эттиришни ҳам билмасди. У болорлар ўғрисини бошқача тасаввур этганди. Ўғри унинг ўйлашича чаққон, мурувватсиз ва ҳаёсиз эркак бўлиши керак эди. Энди Абдувоҳид ака ҳайрон бўлиб, аёлнинг йиртиқ камзули ва калишига хомуш тикилиб турарди. Кўнглида ҳали ўттизга ҳам кирмай, сочига оқ, лабларининг, кўзларининг атрофига ажин тушибди, деб ўйлади.

– Бир нафас уйимизга чиқмайсизларми? – журъатсизгина сўради хотин, кўз ёшларини артаркан.

У яна жавоб бермади.

У бундан бир неча дақиқа илгари шу бева хотинни уйинг куйгур, деб дашном берганди. У эса, шусиз ҳам хонавайрон.

Саидмурод том ёқасида туриб, уларнинг гапига кулоқ соларди.

– Б-б-боринг, амаки, бу ер совуқ. Мен ҳам ҳо-



ҳозир бораман, – деди у ва яна ниманидир кӯшмоқчи эди, сӯзининг ярми оғзида қолиб тили тутилди ва ночор куракни судраб томнинг у томонига қараб кетди.

Кӯшнининг уйида эрининг тириклик пайтида Абувоҳид ака бир марта меҳмон бўлган эди. У вақтларда токчалар янги, ярқираган буюмларга тўла эди. Рафларда ранг-баранг чинни идишлар. Эндиликда илгариги жиҳозлардан фақат бир эски сандиқ қолибди. Токчада бир неча сопол коса, шишаси консерва банкасида ясалган еттинчи чироғ. Қаҳатчиликда, тирикчиликнинг иссиқ-совуғида отасиз уч болани едириб, кийдириш ҳазил иш эмас, албатта. Болорларини ҳам сотиб еган бўлсалар, эҳтимол. Негаки, бунчалик ўтинни беш йил ёқсанг ҳам, яна ортиб қоларди.

Аёл таҳмондаги кўрпаларни шошиб йиқитиб, тагидан янгироқ бир кўрпачани олиб, танча бурчагига, эчки пўстаги устига ёзди.

Абдувоҳид ака кираверишда ўтириб ичида ўзича заҳарханда қиларди: икки оёғи бутун кунларда бурчакнинг ярмига жойлана оларди. Энди бироёқ бўлиб икки бурчакка зўрға сиғади. Бирига ўзи, ёнидагисига эса қимирлатишнинг иложи бўлмаган ёғоч оёғини узатиб ўтиради.

Уй эгасининг ўғилчаси дастурхон ёзиб иккита арпа нон, алюмин лаганчада тутмайиз толқони келтирди. Чой, кўринишидан олма пўстлоғидан бўлгани учун яшилтоб рангда, тахир эди.



Ташқаридан эркак кишининг қаттиқ йўталгани эшитилди.

– Меҳмон қани? Менга меҳмонни кўрсатинглар! – ҳазил оҳангида йўталиб дерди эркак. Бу уй эгасининг акаси Нодир бригадирнинг овози эди. У Абдувоҳид акани ўрнидан туришга қўймай, тиззаси билан ўтириб, ягона қўли билан бағрига тортди.

Бу ҳам яримта бўлибди. Шўрлик, кўнглидан ўтказди Абдувоҳид ака. Эй Худо, қаёққа боқма, майибу маслуқ, маъюсу дардманд...

Нодир унинг ёнига ўтириб, ҳол сўради. Ҳар замон – ҳар замонда қўлсиз чап елкасини юқорига тортиб, ранги уникқан гимнастёркаси ёқасини ва пахталигини тўғрилаб кўярди. Аслида эса ҳаммаси жойида, у ўйлаганчалик, усти боши фақат бир томонга тушиб кетмаётганди.

Арпа нон танглайни қичимсиратиб, милкка қаттиқ тегар, томоқни тирнарди. Ундан сомон ва тупроқ ҳиди келарди. Абдувоҳид ака қўлига олган бурдани тугатишга ҳаракат қиларди. У арпа нонини сўнгги марта гўдаклик чоғида, қаҳатчиликнинг қайсидир йилида еган, шу тариқа ота-боболари турмушининг ғамгин қиссаларидан эслаб қолганди.

Энди Нодирга қараб, қанақанги бақувват ва девкор бўлганини эсларди. Кечқурунлари ўз ишини битказиб, Абдувоҳид аканинг полизига ишлов беришга ёрдамлашарди. «Шаҳарлик деҳқон» тўғрисида киноялар айтиб, унга иш ўргатарди.



– Кетмонни мана бундай эркин ташланг, – дерди у қўшнисига. – Дами ўткир, ўзининг оғирлиги билан мулойим тупроққа кириб кетади. Кейин секин ариқ тупроғини юқорига тортасиз. Бунчалик кучанишга, оҳ-воҳ қилишга ҳожат йўқ... Етти пушт ўтса ҳам деҳқон фарзанди деҳқон-да. Даст-панжангиз кетмон дастасига ўтиришмаяпти-ку! Заводингиз мурватлари-ю, ғилдиракларига тамом кўнгил боғлабсиз-да...

– Заводнинг айби эмас, жўра, ўзимнинг айбим, – хижолат бўлиб дерди Абувоҳид ака.

У колхоз ташкил этилиб бир оз қоматини тиклаб олгач, ўз касб-корига – кўн заводи усталигига қайтганди. Ҳар эрталаб шаҳарга эшакда бориб, кечқурун қайтарди.

Абдувоҳид ака Нодирнинг қаттиқ йўталидан ўзининг жони оғриётгандай, юзи буришарди. Қандай гавдали йигит эди у. Ҳозир илгариги сохт-сумбатининг ақалли ярмиям қолмаган.

Уй эгаси бир товоқ қайнатилган лавлаги келтириб дастурхон устига қўйди.

– Айбга буюрмайсиз, – деди аёл ва беихтиёр оҳ тортди.

Абдувоҳид ака нимадир демоқчи бўлди-ю, томоғи бўғилиб, жимгина бош тебратиш-ла кифояланди. Шу пайтда Саидмуроднинг келиб пастда ўтиргани яхши бўлди.

– Кураб бўлдингми? – сўради Нодир.

– Б-бўлдим.



– Отангга раҳмат, ука. Ол, ука, нон ол, лавлаги ол... Ҳа, аравангни кўрдим. Ташвишланма, эрта эр-талаб чиқарамиз. Отнинг кучи етмаса, одам бор. – Кейин Абдувоҳид акага юзланди: – Отлар уч йилдан буён сомон ейди. Йўнғичқа учун ер қолмади. Отни сомон билан боқишларини ҳеч эшитганми-дингиз?

Абдувоҳид ака терисини арчиб тозалаган лавлагисини Нодирнинг олдига қўйди, ўзи бошқасини тозалаб, кесиб еди...

– Кеч бўлди. Энди борай, – деди у.

– Бир оз сабр қилинг, ака, – деди Нодир. – Саидмурод, иним, бизнинг уйга бор. Янгангга овқат буюргандим. Тайёр бўлгандир.

– Э, ташвишланманг, Нодиржон.

– Ҳечқиси йўқ. Дарвоқеъ, ака, сизни ташвишга қўйдик: ночорликдан болорларингизни ўтин қилдик.

Абдувоҳид ака «биламан» дегандай секин бош ирғади.

– Колхоз клуби госпитал бўлди. Шаҳарга яқинда. Шу қишда ўтини колхоз зиммасида эди. Ҳўл ўтин борку-я, ахир тутатқисиз бўлмайди... Пича болорни қирқтириб икки бева аёлга бердик. Булар ҳам ўша ҳисобдан.

– Ҳеч гап эмас, – деди Абдувоҳид ака. – Жон омон бўлса, ҳамма нарса топилади.

– Болор тайёр, ака. Биз ўтказган тераклар хиёбонини кўрдингиз-ку. Мен ҳар эҳтимолга қарши



мабодо офат тегиб бир қисми қуриса ҳам, қатори бузилмасин деб зичроқ эккандим. Йўқ, ҳаммаси кўкарибди. Шу хиёбон сизники. Қанча болор керак бўлса, қирқиб бераман.

– Дарахтларни қирқишга ҳожат йўқ, Нодиржон. Айтдим-ку, жон омон бўлса, нарса топилади.

Саидмурод бир товоқ паловни дастурхонга ўраб келди. Уруш айёми палови: осойишта замонда ҳиммат қилишса шавла пиширишадиган майда гурунч. Гушт ўрнида уч дона тухум.

Ошдан кейин Нодир ички чўнтагидан бир тугунни чиқариб, бир томонини тишлаб очди. Латтага ярим сиқим кўк чой тугилган эди. Асил кўк чой.

* * *

Келаси йил тийрамоҳда Нодир вафот этди. Айтишларича, ҳамқишлоқларига тераклар хиёбонига бундан сўнг Абдувоҳид аканинг рухсатисиз бирор киши қўл теккизмасин, деб васият қилган эка... Балки шу сабабдан ҳамма хиёбонни Абдувоҳид ака номи билан боғлашгандир?

Шаҳар шароити бўлса, ижрокўмга бориб арз қиласан. Гапингда жон бўлса, фалон кўча, ё майдон, ёки хиёбон фалончининг номига қўйилсин, деб қарор чиқаришади. Ҳаворанг чиройли тунукаларга номни ёзишиб, эшик, деворларга ёпиштиришади. Ҳақ ҳақдорга, ном номдорга тегади.

Қишлоқда нима қилиш керак? Абдувоҳид хиё-



бони деманглар дея қанча айтди. Бўлмади, ўрганиб қолишган.

Шу пайтгача ҳеч ким Абдувоҳид амаки бемору бенаволарга оғир кунларда ўтинлик бўлган бир неча болори эвазига катта бир хиёбонни ўз номига ўтказиб олган дейишмади ва эҳтимол, бунга гумон ҳам қилишмади. Тўғри, ҳеч ким айтмаган. Бироқ айтиш шартми? Ҳар гал ўз номини «хиёбон» сўзидан олдин эшитаркан, вужуди қизиб кетади, кимсасиз етим молига ёруғ кунда эгалик қилгандай. Ахир, у-ю Нодир дўст эдилар, ака-укадай эдилар.

Қизиқ, ҳеч ким Нодирнинг хотирасини унутмайди-ю, бирор жойга унинг номини қўйишда монелик вужудга келади. Беш йил илгари катта, обод қишлоқларга таассуб қилиб, Нодир хиёбони ёнида шу қишлоқдан фронтга кетган уруш шаҳидларига ёдгорлик ҳайкали ўрнатишди. Мармар тош устига энг аввал Абувоҳид амакининг катта ўғли номини ёзишди. У бунга эътироз билдирмади, негаки, арзийди. Унинг ўғли бошқа ордену медаллар қаторида уч «Шуҳрат» орденини ҳам олганди. Бу шараф қаҳрамонлик унвони эътиборидан паст эмас. Бироқ ўша вақтдаги фаоллар Нодирнинг номини рўйхатга қўшишни исташмади.

Абдувоҳид амаки кимгаки мурожаат қилмасин, бир хил жавоб эшитарди:

– Гапингиз маъқул, амаки. Лекин бу ерда бир нозиклик бор. Қоидага кўра лавҳага жанг майдонида ҳалок бўлган шаҳидлар номи ёзилади.



– Нодир уруш жароҳатидан ҳалок бўлди. Уни арава босиб ўлдирмаган. Ўпкаси тилка-тилка бўлиб тешилиб кетган. Бўйраги ҳам сизу бизникидай бир жуфт эмас-у битта қолганди.

– Тўғри айтасиз, аммо қоида шу. Илож қанча?

Абдувоҳид амаки оқсоқлана – оқсоқлана ҳарбий комиссариатга борди. Райкумга борди. Ахийри Нодирнинг номини ҳам лавҳага қўшиб қўйишди.

* * *

Ҳа, Нодир хиёбони чол учун ҳаётининг бир қисми, фикру ҳаёли манбаи, ҳатто назари ва нафасининг бир парчасига айланган. Нега бундай деб сўрасангиз, муфассал жавоб қайтариши гумон. Нега фалон жойга ва фалон кишига кўнгил қўйгансиз, деб одамлардан сўрайверинг. Эҳтимол, ақидаларини узундан-узоқ баён қилишар. Бироқ комилан қисқа жавобни камдан-кам кишилар бера олишади.

Балки қария теракларнинг бошқалар диққатини тортган мавзун сафидаги малоҳатдан ортиқроқ хуснини ҳам кўра олар? Эҳтимол, унинг назарида бу саф ору-номус ҳимояси учун жанг майдонига бориб қайтмаган ҳамиятли йигитлардай бўлиб туюлар? Балки шу сабабдан у ҳар тонгда ёлғиз ўзи теракларни фарзандларидай билиб суҳбатлашар ва овозларини аниқ эшитар?

Ким билсин?! Уни англаш учун, Абдувоҳид амаки умридай умр кечириш лозимдир. Ё унинг қалбидай қалбга эга бўлиш лозимдир.



АРЗАМАС

(Ҳикоя)

Социаль таъминот бўлимининг кенг хонаси одамга тўла. Мудир мовут қопланган стол бошида ўтириб, уларнинг арзини тингларди. Бўлим ҳисобчиси ёки инспекторига иши борлар эшикдан кириб тўғри уларнинг олдига боришар ва арзи ҳол қилишарди. Бошқалар ва шулар қаторида воиз Зокиржон Муҳаббатов ҳам хона пойгоҳидаги курси ҳамда ҳаракларда ўтириб, навбат кутишарди.

Мудир Зокиржон томонга бир-икки қур синовчан кўз қирини ташлаб қўйди. Воизнинг кўриниши одатда бу ерга келувчилар қиёфасига ҳечам ўхшамасди. Чамаси мудир жуссали, аъзои бадани соғсаломат йигит бу идорада – уруш инвалидлари, серфарзанд аёллар ва бенаво қариялар орасида нима қилиб юрганини билишни истарди.

Бироқ Зокир Муҳаббатов ҳам бу ерга муҳим иш билан келганди. У бир ҳафтадан буён Ленинни кўрган шахсни қидирарди. Воизлар гуруҳи бошлиғининг топшириғига кўра, у Ленинни кўрган одам билан суҳбатлашиб, унинг нақлини ваъзига қўшиши ва агар имконият бўлса, ўша одамни ўзи билан колхозчилар, ишчилар, ўқувчилар йиғилишига олиб бориши керак эди.



Бошлиқ соціаль таъминот бўлимидан ана шундай одамнинг манзилгоҳини билиш мумкин деганди.

Одамларни қабул қилиш жуда имиллаб давом этарди. Зокиржон чўнтагидан қандайдир рўзнома-ни олиб ўқишга тушди. Унинг ёнида ўтирган қорачадан келган қоқсуяк қария шу пайт бир уҳ тортиб, эгилган кўйи оёқларининг бўғинини уқалай бошлади. Зокиржон рўзномадан кўз узиб унга қаради.

– Суякларим зирқираб турибди, – деди чол. – Яна ёмғир ёғса керак.

– Баҳор шу-да, – тасалли берди қўлсиз бир ногирон.

– Пахта кечикяпти, – деди ташвишли оҳангда гапга қўшилиб кўринишидан колхозчи бўлган аёл, – Пахта экиш чўзилиб кетди.

Бир оёғи тамомила йўқ бошқа бир инвалид эса курсиларнинг бўш турганлиги учун йўлни тўсиб остонада ўтираркан, эҳтимол, одамларни кулдиришни истагани учун аввал ўзи кулиб, деди:

– Суякларингга ёғ сур, қария, ана шунда зирқираш у ёқда турсин, миқ этмайди ҳам.

Унинг гапига ҳеч ким кулмади. Бари бир сўзида давом этди:

– Ҳа, ҳамма нарса ёғ талаб қилади. Шайтон, тупроқни ёғлаб берсанг, ейман, деган экан.

Мўйсафид унга жавоб бермай оёқларини уқалайверарди. Навбатда турганлар хомуш ўтири-



шарди. Мудир арз қилувчига қандайдир комиссия зарурлиги ҳақида гапирарди. Зокиржон яна рӯзномани ўқишда давом этди. Бир неча дақиқа ўтди. Ҳалиги оёғи оғриётган чол бирдан курсидан туриб, ўша ернинг ўзида тахта саҳнга чўкди.

– Ҳа, ота? – кулиб сўради қўлсиз инвалид.

– Бўлмади, ўғлим. Менга шу усталу устули асло тўғри келмади. Ўрганмадим ўрганмадим-да. Яна ер устида тинчлигимни топаман.

– Қайғурма қария, – деди нафаси ёмон инвалид ўша совуқ оҳангда. – Энди бошқатдан вазир бўлмайсанки, курсига ўтирмоғинг лозим бўлса. Эртаиндин ёғоч отга миначасу иш тамом, вассалом.

Бу гап ўтирганлар устига бир пақир совуқ сувни тўкиб юборгандай бўлди. Бирданига сесанишиб, унга дарғазаб тикилишди:

– Кекса одамга бунчалик қўполлик!...

– Э, бу шахс тоза бетамиз экан-ку!...

– Сиз, ошна, – ҳаммадан ҳам оташинроқ бўлиб бораётган Зокиржон ўрнидан турди, – сиз, чамаси, умрингизда одоб кўчасидан ўтмаганга ўхшайсиз. Лоақал оппоқ соқолини хурмат қилсангиз бўлмасмиди?

Оёқсиз қария: «Уҳ, савил, насиҳат бошланди...» дея истехзоли кулди ва папиросини тутатиб, шу баҳонада секин ғойиб бўлди.

Навбатда турганлар ҳалиги одамдан ранжишиб, анча ивир-шивир қилишди:

– Э, одам бўлмай...

– Золим...

– Бу ёруғ дунёда қўполлик ҳам салтанат биноси бўлди-ю...

– Ўзига қийин, – дерди мўйсафид, – барака топмайди.

Зокиржоннинг ҳам кўнглига хиралик чўкди. Ниҳоят, навбат унга етиб, мудир олдидаги курсига ўтираркан, у билан ҳозиргина ёқалашгандай қичқирди.

– Менга Ленинни кўрган одам керак!

Мудир унинг мақсадини тушунмагандай юзига ҳайратланиб тикилиб ўтирарди.

– Ҳа, менга Ленинни кўрган одам керак. Мен райкумданман, – ўзини танитаркан мақсадига шарҳ берди: – Гражданлар уруши иштирокчилари, кекса ишчи ва хизматчилар рўйхати сизларнинг идорангизда бўлса керак деб, бу ерга келувдим.

– Яхши, бизда рўйхат бор, – деди мудир. – Ҳатто, ҳар бир нафақахўр учун ҳам алоҳида ҳужжатлар мавжуд. Лекин, ҳеч ким анкетасига Ленинни кўрганлигини ёзмаган.

– Йўқса... – Зокиржон ўйланиб қолди. – Йўқса нима қилиш керак?...

Мудир бош инспектордан районларида шундай одамни таниш – танимаслиган сўради. Бош инспектор Ленинни кўрган одамлардан фақат бир киши бўлиб, у ҳам икки йил илгари бошқа шаҳарга кўчиб кетганлигини айтди. Балки яна бордир, лекин у билмайди.



Зокиржон шунча вақти бекор кетганига, устига-устак оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган қария билан жанжаллашиб, асаби бузилганига ачиниб, афсусланарди.

Хона пойгоҳидан қариянинг овози чиқди.

– Менга қаранг, болам, – дерди у. – Сизга керакли одамни мен топиб бераман. Қўшним Ленинни кўрган, – қария уйнинг эшигига яқинлашди. – Инқилоб замонида Ленинни ўз кўзи билан кўрган. Ҳозир Сталинободга кетяпман-да, бўлмаса сизни таништиардим. Бу хайрли иш. Лекин уни ўзингиз ҳам осонгина топа оласиз. Янги Бозор чойхонасига бориб, Шафеъ амакининг уйи қаерда, десангиз, ҳамма кўрсатади.

* * *

Шафеъ амаки кампири билан озода ва файзли ҳовличада яшар эканлар. Ҳовлича юзасини кўча эшигидан иморат айвонигача чўзилган ғиштлик тор йўлак, ҳали очилмаган атиргулу савсан буталари, олма ва олча дарахтчалари эгаллаб олганди. Гул буталари ва дарахт новдалари орасида ранг-баранг асалари қутилари кўриниб турибди. Ҳовли осмонида минглаб асалариларнинг мунтазам ва бир зайлда ғувиллашидан гўё бу манзилгоҳ ичидаги барча наботот баҳор нашъасидан завқланиб куйлаётгандай бўлиб туюларди.

Шафеъ амакининг ёши етмишларда. Шунга қарамай, бардам ва ўктам кўринарди. Икки юзи қип-қизил, бир оз кўкимтир, қийиқ кўзлари тийрак

ва осуда. Жингалактоб соқол-мўйлови қордай оп-поқ, йўғон қошлари тикандай қаттиқ.

Отахон меҳмонни очик чеҳра билан қарши олиб, уйига бошлади. Қизиқ, мўъжазгина уйнинг дуч келган жойида – дераза токчалари, бурчаклар, идиш-товоқ қўйиладиган эски жавонларда – гул туваклари ҳамда қаҳрабодай товланиб турган, асал тўлдирилган банкалар териб чиқилганди.

Шафеъ амаки аёлига чой буюрди. У жудаям секин гапирар, устига – устак савод чиқараётган болалар ҳарфларни ҳижжалаётгандай, аксарият сўзларни қизиқ бир тарзда бўғинларга ажратиб талаффуз қиларди.

Кампир хонтахта устига буғи чиқиб турган самоварча, бир лаганда ушатишган нон, хушбўй сомсалар ва асал келтириб қўйди.

– Мумлигидан ҳам! – буюрди Шафеъ амаки хотинига.

– Ташвиш чекманг, – хижолат бўлгандай деди Зокиржон.

– Қанақа ташвиш? Ўзимиз ҳам ҳозиргина овқатланайлик, деб турувдик. Насибалик экансиз.

Кампир бир товоқчада шакар боғлаган мумдор асал келтирди.

– Қани, иним, шунисидан олинг, – дерди отахон нон бурдалари ва товоқчаларни Зокиржоннинг олдига яқинроқ суриб қўяркан. – Асалдай малҳам нарса йўқ. Қонни тозалайди, асабни даволайди, жигаргаям фойдаси катта.



Зокиржон ташрифининг боисини айтганда, отахоннинг чеҳраси очилиб кетди.

– Хўп, менинг нақдим нима учун керак экан? – сўради у.

– Ленин туғилган кун яқинлашиб келяпти. Бошдан кечирганларингизни колхозчиларга, ишчиларга сўзлаб берамиз. Сизни ёшлар ва мактаб ўқувчилари билан учрашувларга олиб борамиз.

– Бу ерда мактаб болалар билан ўзим ҳам ҳар йили суҳбат қилардим, – ифтихор билан деди чол.

– Бундан кейин бошқа мактабларга ҳам олиб боришади. Ахир, Ленинни кўрган ва инқилобда қатнашган кексалар биз томонларда кўп эмас.

– Ҳа-а, – чўзиб деди қария. – Одамнинг умри сувдай ўтаркан. Худди кечагина сиздай навқирон эдим, бошимда ширин хаёллар, кўнглим орзу-ю, ҳавасларга тўла...

Шафеъ амаки ўз бошидан кечирганларини айта бошлади. У ишбилармон киши, шу боис вақтнинг серкор одамлар учун қимматлигини билади, тингловчисига қанчалик мароқли бўлмасин, киришу чиқишини қисқароқ қилиб, фурсатни олмади.

* * *

Алғов-далғов замонлар эди. Эски дунёни қайта қуриш тинчгина, исёнсиз бўлмасди.

Бир ёқда адмирал Колчак ўзини Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқ мутлақ ҳокими деб, йўлида учраган шаҳару қишлоқнинг кулини кўкка совуриб, талаб

ва ўғирлаб, минг-минглаб одамларни тигдан ўтка-
зиб, Московга ошиқарди.

Бир ёқда эса чехословак контрреволюцион
қўшинлари бедодликлар қилишарди. Буларсиз ҳам
Уралда, Волга ва Ока бўйидаги ўлкаларда қизил ас-
карлар қуршовда эди.

Шафеъ Рабеуллин батальон ошпази эди. Бироқ
кўп вақти расмона аскарлардек кечарди: окоп қа-
зирди, отишарди, хавф-хатарлар ҳамиша таҳдид
солиб турарди.

Ўртоқлари гоҳида унга ҳазиллашиб:

– Шафеъ, сен ўз бошингнию батальон қозонини
эҳтиёт қилсанг – бас. Худо кўрсатмасин, ўлиб қол-
санг борми, шавласиз қолиб, ҳолимиз хароб бўлади,
– дейишарди.

Бироқ Шафеъ гапга кирармиди? Ошпазликни
ҳам аҳён-аҳёнда, уруш тугаган соатларда қиларди.

1918-1919 йилнинг қиши Шарқий фронт учун
энг оғир давр бўлди. Лекин кейинроқ, баҳордан
бошлаб, Колчакни боплай бошладилар. Москвадан
– Лениндан, Петроград ва бошқа жойлардан кетма-
кет ёрдам кела бошлади. Колчакни шунақанги кал-
такладиларки, тожу тахт баҳридан ўтиб, Сибирга
қочди.

Аммо бу вақтда Россия жанубида генерал Дени-
кин бош кўтарганди. Шарқий фронт аҳволи бир оз
енгиллашгач, баъзи қисмларни Жанубга, Деникин-
га қарши сафарбар қилишди. Шундай қилиб, Ша-
феъ Рабеуллин 1919 йилнинг кузида батальоннинг



қолган – қутгани билан уни кўриш ва сўзини эшитиш насиб этган сафарга чиққанди.

Уларнинг батальонини катта темир йўл бошида жойлашган Арзамас деган жойда кўнгиллилар ва ёрдамчилар ҳисобидан тўлдиришди.

Ўша вақтларда Шафеънинг руҳияти бошқаларники каби, кўпам баланд эмасди. Улар урушлар оқибати нима бўлишини билишмасди. Колчакнинг қочишидан руҳлари кўтарилса-да, Деникиннинг юз минг нафарли армияси овозасини эшитиб, вайрона шаҳарлар ва қишлоқларни, очлик ва азоб-уқубатларни кўриб, юракларига алам чўкарди. Устига – устак катта капиталистик давлатлар бирлашиб, Совет республикасига ҳужум қилади, деган овоза тарқалган эди.

Шафеънинг соғлиғи ёмонлашиб борарди. Қозон яқинидаги урушларда уч кун нам ерда ётиб, бўғим дардини орттирди. Эски жароҳатлари газаклаб, бошқатдан азоб берарди. Тўзиб кетган пойабзалидан сув ўтар, суюқ лой кирарди. Эски шинели танини иститмас, совуқдан жаҳаннам азобини тортаётгандай бўларди. Шафеъ уруш тинчиган соатда, ўзининг кўчма қозонини чакалакзор ичкарисига олиб кириб, тагига олов ёқди-да, ўтин учун узоқроққа кетди. Тўсатдан душман тўплари ўт пуркай бошлади-ю, бир тўп ўқи келиб қозонга тегди. Шафеъ югуриб келди, қозон ва ўчоқдан асар ҳам қолмаган, бир неча қадам нарида, майса устига ёйиб қўйган шинели тутаб ётарди. Уни саросар те-



пиб-тепиб ўчирди, кейин қўлга олиб қизиб кетган тупроғини қокди. Шафеъ шинель елкасидан ош ейиладиган товоқдай жойи қуйиб кетганини кўрди. Уни амал-тақал қилиб тикиб олган бўлса-да, ямоқ жудаям юпқа бўлганлигидан, иссиқ-совуқларда, қору ёмғир пайтларида елкасининг ўша жойи гоҳ куяр, гоҳ карахтлашар, гоҳ тоқат қилиб бўлмас даражада қичишар эди.

– Шафеъ, ўша вақтда шинель ичида ўзинг бўлмаганингга шукур қилавер, – деб ҳазиллашарди ўртоқларидан бирови.

– Ғам ема, – дерди бошқаси. – Деникинни тутиб олсак, иссиқ пўстинини ечиб олиб сенга берамиз, у эса сенинг шинелингни кийиб, ўлгунича орқа курагини қашлаб юрсин.

Ўша пайтларда бундай майда-чуйдаларни командирга айтиш уят саналарди. Шафеъ тоқат қилар, лекин кундан-кунга озиб борарди.

Арзамасда ҳам қисмларини тўлдириб, ўқ-яроқ беришди, лекин янги уст-бош йўқ эди. Қайси куни кечқурун уларни юк ташувчи вагонларга чиқаришди. Эшелон Деникин биринчи зарбасини бермоқчи бўлган Саратов томонга қараб бориши керак эди.

Аскарлар тезликда вагонларга жойлашиб, сафар тараддудини кўришарди. Бир маҳал бекат олдидаги майдонга чиқинг, митинг бўлади, деб буйруқ берилди. Халойиқ шунақа вақтда, рутубатли, ёқимсиз ҳавода митинг нима керак, деб ғала-



ғовур қила бошлади. Яхшиси, икки қошиқдан ис-
сиққина шўрва топиб берганларида, ичиб, жонлари
хузур қиларди. Ҳаммадан аввал вагонга кириб, ис-
сиқ бурчакларга жойлашиб олганлар ўринларидан
туришни ҳаёлларига келтиришмасди.

Бир оздан кейин овоза тарқалди:

– Ленин келибди!

– Ленин гапирар экан!

Бу хабар худди қудратли тўлқиндай аскарларни
битта қолдирмай бекат олдидаги майдонга йиғиб
келди. Аммо нотиқ учун мўлжалланган минбар
атрофини бу ерда турган бошқа қисмлар аллақачон
ўраб олган, Шафеъ ва унинг ўртоқларига майдон-
нинг чекка бурчакларидангина ўрин қолганди, хо-
лос.

Ленин ўша минбарга чиқиб нутқ сўзлади.

Шафеъ бундан олдин Петроград ва Москвадан
келган жуда кўп командирлар, комиссарлар, ва-
киллар нутқини эшитганди. Улар ўша пайтдаги ва-
зият ва армия вазфаларини айтиб беришганди. Ле-
кин шу кунгача бирор киши кимсасиз қолган татар
йигити Шафеъ Рабеуллин уруш окопларида тўрт
йил нима қилганини бу қадар очиқ ва тушунарли
қилиб айтиб бермаганди. Октябрь инқилоби унга
нима беради, мамлакат бошига қандай кун тушган
ва ҳозир нима қилмоқ керак.

Ходалар учига ўрнатилган керосин фонуслар-
нинг хира ёруғида Ленин сиймосини яхши кўриб
бўлмасди, лекин бурро, қатъий овози атроф



қоронғилиғини кесиб майдоннинг у бошидан-бу бошигача нафасини ютиб қулоқ солиб турганларга жаранглаб эшитиларди.

– Биз инқилоб қилдик, – дерди Ильич, – дунёни, ҳаётни қайта қурмоқ учун, кўпчилик халқлар манфаатини, меҳнаткаш омма фойдасини кўзлаб қайта қурмоқ учун инқилоб қилдик. Биз бошлаган иш катта куч ва ҳаракатни талаб қилади. Энди бу ишни, албатта, қулоқ эшитмаган барча мушкулликлардан қатъий назар, якунлашимиз керак. Ҳа, ғайриинсоний куч ва ҳаракатлар лозим бўлса ҳам, пролетар инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилиб қолишимиз керак. Эсингизда бўлсинки, биз ишчилар, аскарлар ва инқилобий Россия деҳқонлари, инсониятга капитал асорат қуллигидан озод бўлиш йўлини кўрсатиб берамиз. Гоҳ оч-яланғоч қолсак-да, лекин олға босамиз, ўз мақсадимиз сари қатъий, мардона олға босамиз...

Ленин нутқини тугатиши биланоқ, аскарлар унинг шарафига олқишлар айтиб, йўлга кузатиб кўйдилар.

Ўша кундан кейин Шафеъ Рабеуллин на совуғу на иссиқни ҳис қиларди. Саратовдан Донбассгача неча маротиба ажал ёмғири остида қолди, ярадор бўлди, дарёларга чўкди, сувсиз чўлларда ташна ва оч қорин билан югурди, эмаклади, йиқилди ва турди – бироқ ўлмади. Гўё Лениннинг сўзлари, унинг буйруғи балогардон тумор бўлиб уни барча хавф-хатардан омон, саломат сақларди.



* * *

Зокиржон кечаси алламаҳалгача ўтириб, ваъзини ёзиб тугатди. Бу ғайриоддий ваъз эди. У Ленин ҳаёти тўғрисида Максим Горький ва Крупская эсдаликларидан бошлаб, то Бонч-Бруевич ва Фотиева хотираларигача ажойиб парчаларни ўз ичига оларди ва нафақахўр қария, Янги Бозор ошхоналарида йигирма йилдан кўпроқ вақт камтарона ошпазлик касби билан шуғулланган, районнинг кўпчилик одамлари шахсан танийдиган Шафё Рабеуллин ҳикоялари билан тугарди.

Эртасига Зокиржон вазъини бошлиғига ўқиб берди. Воизлар гуруҳи бошлиғи дастлаб хушҳол, диққат билан тинглаб, дамба-дам «ҳа», «яхши», «хўш» деб уни қувватлаб турди. Бироқ бора-бора қиёфаси ўзгариб, қовоғи осилди ва тугашини сабрсизлик билан кутиб, ўтирган жойида безовта қимирлай бошлади.

– Хўш? Қандай? – хавотирланиб сўради Зокиржон унинг авзойи ўзгарганидан ташвишга тушиб.

- Бу мулоқот қаерда бўлган экан?
- Митингми? Арзамас деган шаҳарчада.
- Ўша Горький вилоятидаги Арзамасми?
- Ҳа, ўша.

Бошлиқ «ҳм» деб, бошини таъна қилгандай икки томонга қимирлатиб қўйди.

- Хўш, нима бўлибди?

– Ленин ҳеч қачон Арзамасда бўлганмас.

– Ҳеч қачонми?

– Яъни, 1919 йилда, сизнинг ошпазингиз «кўрдим» деган йилда Арзамасда бўлмаган. Балки ёшлик пайтларида, Қозонда яшаб ўқиётганида йўл-йўлакай Арзамасга ҳам кириб ўтгандир. Аммо 1919 йилда Ленин Москвадан узоқлашмаган, у бир лаҳза жим қолиб, кўшиб қўйди:

– Азизим Зокиржон, – бошлиқнинг сўзлари энди нишдор эркалаш оҳангига кирди, – ахир, сиз ўқиган одам, партия тарихини биласиз. Наҳотки...

– Шафеъ амаки ёлғон гапирмайди! – салкам бақириб юборди Зокиржон бошлиқнинг сўзини бўлиб. «Сизнинг ошпазингиз» деб унинг киноя қилиши йигитни қизиштириб юборганди. – У бунақа одам эмас, – ўша қатъиятлик билан кўшиб қўйди Зокиржон.

– Ўзингизни босинг, ўртоқ Муҳаббатов, – деди бошлиқ. – Менинг Шафеъ амакингиз қанақалиги билан ишим йўқ. Тарихий фактни ҳам инobatга олиш керак-да. Тарихни мен яратмаганман-ку?! 1919 йилда Шарқий фронтда Фрунзе бўлган эди. Куйбишев бўлган эди. Лениннинг бошқа сафдошлари ҳам унинг топишриғи билан келиб кетишган. Бироқ Лениннинг ўзи келмаган.

Бошлиқ Зокиржоннинг эътироз билдирмаётганини кўриб, сўзларини таъкидлайверди.

– Ахир, биз одамларга бўлар-бўлмас гапларни айтаверсак, обрўмизга путур етмайдими? Бирор



киши сизга ишонарлидай қилиб: «1850 йилда Марксни Душанбе қишлоғида кўрган эдим» деса-кўниб кетаверардингизми?

– Шундай қишилар борки, ёлғон гапиришмайди. Бу уларнинг қиёфаларидан кўриниб туради, – деди Зокиржон бошини қуйи эгган ҳолда, лекин унинг эътирозида ишонч ва қатъият билиниб турарди.

– Бундай қариялар бор, – деди бошлиқ, – билмадим, бу ишлардан нимани кўзда тутишган экан. Шухрат орттиришмоқчими, ё бошқа мақсадлари бормикан – мен билмайман. Аммо, қилни хамирдан ажрата олиш бизнинг вазифамиз...

* * *

Зокиржон усти очик юк машинасида Норақдан қайтаётиб, Элак дарёсидан юқориқда, йўл ёқасидаги ўтлоқда икки қарияни кўрди. Бирови чопон ва саллалик, бошқасининг эғнида пиджак ва шим, қора бахмал дўппи кийган. Дарров таниди. Кабина томини тақиллатиб, машинани тўхтатди.

Чоллардан бири Шафеъ Рабеуллин ва униси кўшниси – ўша социал таъминот бўлимида, бахтга қарши уни учратиб, жўрасининг яшаш жойини айтиб берган тожик қария эди. Улар асалари қутиларини бу ерга олиб келиб, тоғ ёнбағридаги ўтлоққа қўйишганди.

«Икковини бир жойда учратганим яхши бўлди», – дерди кўнглида Зокиржон. – Оппоқ соқоллари билан нимаyki десак, ишонишаверади, деб қачонгача

худа-беҳуда нарсаларни тўқиб чиқараверишади? Шундай боплайки, ўзлари «баракалла» десинлар!»

Қариялар уни ҳудди ўтган дафъадагидай хушнуд кутиб олишди. Кейин тожик мўйсафид «Шафеъ, примусни ёқ» деб ўзи тунука чойнакни кўтариб, сув келтириш учун дарё ёқасига қараб кетди. Шафеъ амаки дарҳол ўтовчасига кириб, дастурхон олиб чиқди, ўтлоққа ёзиб устига асалу нон, қайнатилган тухум ва кўк пиёз, туз, бир банка қатиқ келтириб қўйди. Кейин «ҳозир... Сиз дастурхонга қараб ўтиринг» дея ўтовчаси томонга юрмоқчи бўлди.

– Амаки, сизда икки оғиз гапим бор, холос, – дея уни йўлдан тўхтатмоқчи бўлди Зокиржон. Лекин Шафеъ амаки:

– Ҳозир келаман, иним. Кейин чақ-чақлашамиз, – деб чодирига кирди. У ерда бир оз тимирскиланиб, примусни ёқди кейин қўлини ювиб, бир товоқчага ўша шифобахш мумдор асалидан ҳам олиб келди: одатда асаларичилар мўътабар меҳмонлари олдига қўядиган ўша асалдан.

– Хўш, ана энди гапиринг, – деди мўйсафид. Бироқ Зокиржоннинг шашти анча пасайган эди. У нуроний, мусаффо чеҳрага қараб ниятини эсларкан, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Эҳтимол, бефаросат ўғил ўз отасини хиёнатда ногаҳ гумонсираб, кейин ўз хатосини пайқаб, шунақа хижолатга тушармикин?

Шафеъ амаки йигит гапни бошламаётганини кўриб, ўзи савол берди:

– Ишларингиз қандай?



– Ёмон эмас. Лекин... кечирасиз ота, сизнинг ўша нақлингиздан фойдалана ололмадик. Китобларда ёзилишича... Ленин Арзамас шахрига келмаган экан.

– Келмаган? Қандай қилиб келмаган экан? – худди уйқусидан уйғонгандай сапчиб тушиб сўради Шафеъ амаки.

– Келмаганмиш, вассалом.

Ўртага узок сукунат чўкди. Шафеъ амаки қатиқ банкасини қўлига олиб, ундан бир хўплам ичди. Банка қўлида муаллақ қолди. Қўллари қалтирарди. Жуссаси олдинга, дастурхон устига эгилиб, Зокиржоннинг назарида гўё ўтирган жойида сиқилиб кетаверди.

Мўйловига теккан катта бир томчи қатиқ секин оқиб соқолига ва у ерда кичик-кичик томчиларга бўлиниб тиззасига тушаверди.

Зокиржон ўзининг сўзи бу қадар қаттиқ тегишини ўйламаганди. «Нима қилиб қўйдим, – дерди энди кўнглида. – Бемаъни иш бўлди...»

У таскинбахш сўз излаб, яна чолнинг юзига қаради ва унинг кўзларида икки томчи ёшни кўриб, гапи оғзида қолди. Зокиржон ёш бўлса ҳам кекса одамнинг кўзида, етмиш яшар қариянинг дийдасида ҳуда-беҳуда ёш пайдо бўлавермаслигини биларди.

Қария банкани бир чеккага қўйиб, ўрнидан турди, дастурхонга орқа ўгириб, шу ҳолатда бир неча лаҳза туриб қолди. Кейин секин-секин, оёқларини зўр-базўр босиб, дарё томонга қараб кетаверди.



Икки ўртоқ, икки мўйсафид йўлнинг ярмида учрашиб, бир лаҳза ўзаро нимадир дея гаплашишди. Кейин Шафё амаки ўша жойда ерга ўтирди-ю, тожик қария юришини тезлаштириб, бир томонга қийшайган чойнак сувини оқизиб-оқизиб келаверди.

Ўтовчага етиб келиб, салкам бўшаб қолган чойнакни ерга қўйди, примусни ўчирди ва шундан кейин бу ҳолдан ҳуши учиб турган воизга яқинлашиб, унинг қаршисига чўкди.

– Бошлиғингизга бориб айтингки, ўғлим, – унинг овози «ўғлим» калимасини талаффуз этаётганда қалтираб кетди, – бориб айтингки, Шафё Рабеуллин ўзидан гап тўқимаган, Ленинни ўз кўзи билан кўрган денг. Айтингки, қўшниси Худоитаоло номига, тўрт фарзандини ўртага қўйиб қасам ичяптики, Шафё Рабеуллин ёлғон гапирмаган, гапирмайди ҳам деяпти, денг. Яна айтингки, Шафё Рабеуллин икки баркамол фарзандини Гирмон урушида йўқотиб, эндигина ғам-ғуссадан бир оз қутулиб қоматини кўтараётганди, денг. Лекин бир воиз бошлиғининг буйруғи билан келиб, унинг болаларини қайтадан ўлдирибди, денг. Шундай денг, ўғлим!

Қариянинг овози яна бир карра қаттиқ қалтираб кетди. У гапини гапириб тугатди-ю, бориб бўш чойнакни ердан кўтарди ва оқсоқлана – оқсоқлана дарё томонга кета бошлади.



* * *

Эртаси куни райкомга Шафеъ амакининг хотини, эрига ўхшаган меҳмондўст, чеҳраси очиқ ўша кампир келди. Салом бериб воизлар хонасига кирди ва Зокиржонга яқинлашиб, тўрт букланган ва четлари тўзиган, вақт ўтиши билан сарғайиб кетган бир варақ қоғозни унинг столи устига қўйди.

– Шафеъ шу қоғозни ўқиб кўришингизни айтди, – деди у.

Зокиржон қоғозни очиб ўқиди. Бу Шарқий фронт 4-армияси қўмондони Михаил Васильевич Фрунзенинг 1919 йил, 6 ноябрдаги фармони нусхаси эди. Унда Қизил гвардиячи Шафеъ Рабеуллинга (бошқа ҳамсафарлари билан биргаликда) ишчи-деҳқон революцион қизил гвардияси сафларидаги яхши хизматлари учун, оқ гвардиячиларга ва бошқа синфий душманларга қаши курашларда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун миннатдорчилик баён этилганди.

– Ўқиб бўлдингизми? – деди кампир ва Зокиржоннинг жавобини кутмай, қоғозни унинг қўлидан олди-да, ички чўнтагига солиб, ҳеч нарса демай чиқиб кетди.

* * *

Бу воқеага икки йил бўлди. Шафеъ амаки ва унинг ўртоғи ҳозир тирик ва соғ-саломатдирлар. Улар ҳар йили баҳорда асалари қутиларини маши-

нага ортиб ё Элак дарёсининг нариги ёғига, ё Файзободдан юқорироқдаги Обигарм йўлидаги ўтлоққа кўйиб, асал йиғишади. Кечалари қутилар устини ёпиб, ўзлари тор ўтовча ичига ўрин тўшаб, қари танларини бир-бирларининг нафаслари билан иситиб ётишади. Йўлингиз ўша томонларга тушса, уларни, албатта, кўрасиз. Агар эринмай, олдиларида меҳмон бўлсангиз, мумлик асал билан сийлашади. Шафеъ амакининг ибораси билан айтганда, қонни тозалаб, асабларга сайқал берадиган асал билан.

Зокиржон Муҳаббатов эса, халиям воиз. Лекин энди ўзи воизлар гуруҳига бошлиқ. У ҳам ҳар йили ленинча кунларда Шафеъ амакининг нақлини ваъзига кўшиб ўқийди. Собиқ бошлиғи қўл остида ишлаганда ҳам Шафеъ амакининг ҳикоясини айнан айтиб берарди. Фақат «Арзамас» сўзидан ташқари. Майли, дерди Зокиржон, одамлар Шафеъ амаки Ленинни Саратовда, ё Қозонда, ёки Челябинскда, ё Нижний Новгородда, ё ўша Арзамасда кўрган экан, деб ўйлайверсинлар.

Майли, ваъздан Ленин бир нафар эмас, ўн нафар эмас, юз нафар, минг нафар экан ва ҳамма жойда бўлган экан, деган хулоса чиқсин.

Шундай бўла қолсин!



ЙЎЛ (Ҳикоя)

Ҳайдовчи ёнида шаҳарча кийинган қиз ўтирарди. Пича олдин бу юк ташувчи мошинга бошқа бир аёл ҳам чиққанди. Душанбе четидаги автобус бека-тида, шийпон соясида турган кишиларга шофёр машина даричасидан бошини чиқариб:

– Ким Пархорга боради? – деб қичқирганда, одамлар орасидан Фотима ажралиб чиқди. Фотима машинадаги аёл йўлнинг ярмига ҳам етмай тушиб қолишини, қизни қовоқ-тумшуғи осилган нотаниш эркак билан ёлғиз қолдириб кетишини билганда, балки машинага минмасмиди? Балки, бугунги сафарининг баҳридан ўтиб, эртагача сабр қилармиди? Ахир, қиз болага кечаси ёлғиз узоқ манзилга боришни ким қўйибди.

Қуёш тоғлар ортида йўқолди. Шом шафағи йўл четидаги харсангларни қорамтир жигар рангга кирита бошлади.

Улкан тош деворлар кун узун кун йиққан ҳароратини ҳамон сақлаб турар, энди унинг тафти шамолига қўшилиб кабина ойнасидан ичкарига урилди.

Кун адоғи кишининг кўнглига қандайдир ташвишли ғам солишининг сабаби нимада экан?



Сершовқин шаҳарларда ё серодам қишлоқда киши вужудида бундай кечинма вақт-бевақт бош кўтара-вермайди. Лекин сафарда, нотаниш жойда ёлғиз қолсангиз, қуёшнинг ботиши, теварак-атрофнинг гавжумлашиши қалбингизда нотинч бир ҳисни уйғотади. Фотиманинг кўнглини безовта қилиб турган нарса ҳам айна дақиқаларда шунинг ўзи эди.

Катта тезликда кетаётган машина ғилдираклар мум қопланган қорамтир йўл тасмасини остига тортиб, «ютиб» борарди. Гоҳ-гоҳ дуч келадиган ўйдим-чуқурликларга қоқиниб кетганида бир маромдаги баланд гуриллашига бир оз лат етиб, гўё йўлнинг аччиқ ҳазилидан ранжигандай бир-икки марта қаттиқ силкиниб, таҳдидли ғурилларди, лекин бир оз ўтгач, яна одатдагидек бемалол кета-верарди.

Чормағзак қишлоғи ортда қолиб, эгри-бугри йўлдан эна бошлаганда, ҳаво бирданига қоронғилашди. Ғилдиракларга иссиқ мум ёпишар, қуруқ майда тошлар урилиб, шувиллаган овоз чиқарарди. Қора тошларга тўла қоронғи оламдан келаётган бу шарпа гўё ер қаъридан отилиб чиқаётгандай ғор ва салобатли тош деворлар орасида қулоққа аллақандай ваҳимали бўлиб эшитиларди.

Чормағзак... Якка ёнғоқ – ўйларди Фотима. – Якка ёнғоқ, Яккатол, Яккатут, Яккачинор... Ажойиб номлар: ҳам гўзалу равон, ҳам улардан киши кўнглига қандайдир сарин еллар эпкини урилади.



Фотима йўл энишида пастга, Норак воҳаси томонга қаради. Тоғ йўлида кўплаб машиналар ҳаракатда эди. Уларнинг оқу қизил чироқлари узоқдан ғира-шира кўзга ташланарди. Бу чироқлар машиналарники эмас, балки одамлар азим қора ҳовузда қўлларида фонус билан ниманидир қидириб юрганга ўхшаб кўринарди.

Ҳайдовчи машинани четроққа олиб тўхтатди. Бу жой йўлнинг нисбатан кенгроқ бўлаги эди. У олдинги катта чироқларни ўчириб, кабина ичидаги чироқчаларни ёқди ва ўзи ўтирган томондаги эшикни очиқ қолдирган ҳолда, қоронғиликда ғойиб бўлди.

«Ана... энди, эй худойим!» – қиз кўнглида кўрқинчли ва ноаён фикр кечиб қалтираган кўйи кабинадан бошини чиқариб, атрофга қулоқ солди. Ташқарида сувнинг шариллаган овози эшитиларди. Юқоридан ва қуйидан машиналарнинг гувиллагани бу овозга ҳамоҳанг бўларди. Бироқ бу ердан бошқа машиналар чироқлари кўринмас, атрофда ҳаёт борлигидан дарак берувчи ва ёлғиз одам қалбига мадор бағишловчи нур назарга тушмасди.

Фотима ўтирган кабинанинг заиф нуригина бу улкан зулмат уммонида ягона нотавон кемачага ўхшаб кетарди.

Фотиманинг хаёлида вақт чўзилиб кетгандай туюлди. Ниҳоят, ҳайдовчи кўринди. Бир оёғи ва танининг ярмини кабинага киритиб мурватни буради. Олдинги сернур чироқлар ёришиб кетди. Фоти-

ма тахминан юз қадам наридаги зич тошлар ва буталар орасидан оқиб тушаётган шаршарани энди кўрди.

– Истасангиз, бориб сув ичинг, – таклиф қилди ҳайдовчи. Бу икки соатлик сафар давомида у тилга олган биринчи жумла эди.

– Йўқ, – деди Фотима бош чайқаб ютинаркан, лоқайд қиёфага кирди.

Ҳайдовчи бет-қўлини ювганди. Қирра бурнининг учидан, икки ёноғидан ҳамон сув томчилаб турарди. Пайваста бароқ қошлари пиликдай товланиб ётарди. Эркак қиз томонга энгашиб, унинг қаршисидаги кабина панели қутисидан сочиқ чиқарди. Фотима жўрттага ўзини орқага тортмади, гўё ўз хаёллари билан андармон кишидай жиддий ва осойишта қиёфада қимир этмай ўтирарди.

Норак воҳасидан ўтаётганларидаги хавотирли ўй-хаёллар унинг ёдидан кўтарилди. У қурилаётган янги иморатлар, омборлар, бинокорлик ашёлари тўдалари ва турли машина-ю, механизмларга зеҳн солиб, Норак қурилиши, ўз институти ҳақида ўйларди. Кейин яқинда рўзномадан ўқиган мақола эсига тушиб, кўз олдида бу водийдан ҳар томонга тортилган йўғон симлар намоён бўлди. Хаёлида ҳамиша қор билан қопланган баланд тоғларда, булутлардан ҳам юксакда оғир симларни тортиб турган ва чўққиларга узатгувчи темир миноралар жонланди.



Норакда ҳайдовчи йўл четида турган машиналар карвони орасидан бўш жойни топиб, машинасини тўхтатди.

– Бу ерда иссиқ овқат бор, – деди у ерга тушаркан йўлдошига қарамай. У аввал машина атрофида айланиб, ғилдиракларни тепиб-тепиб кўрди, кейин ҳудди истироҳат боғида юргандай, осуда қадам ташлаб, емакхона томонга қараб кетди.

Ўзича мени емакхонага таклиф этди, кўнглидан ўтказди Фотима. Одамнинг юзига қарамай гапирди. Ҳамсуҳбатидан кўзини яширадиган одамдан эҳтиёт бўлиш керак, дейдилар. Балки ичиб келар ҳализамон. Шопир халқига минг ичма десанг ҳам ичаверишади...

Тахминан ярим соатда ҳайдовчи ўшандай хомуш келиб жойига ўтирди, моторни юргизди ва машинани йўлга чиқарди.

Энди йўл аста-секин юқорига қараб кетарди. Мотор овозининг кучайишидан Фотиманинг қулоғи битиб қолди. У билдирмай ўриндиққа жафс ўтириб, шофёр томондан шароб ҳиди келяптимикин ёки йўқми деб ҳавони димоғига торта бошлады. Лекин ҳеч нарсани аниқлай олмади, кабина бензин ва қизиган темиру резина ҳидига тўла эди.

Қанийди, одам боласининг ҳам ичу таши шу автомобилникидай аён кўриниб турса! Асбобларидан машинанинг вазиятини яхши билиш мумкин: қанча мой, сув бензини бор, қандай тезликда кетяпти. Асаблари, яъни электр асбоблари қандай ишляпти

ва ҳоказо. Одам эса, бир газ масофада, ёнингда ўти-
ради-ю, не ўй-хаёлда эканини ҳарчанд уринганинг
билан бари бир билолмайсан.

Фотима бу йил Тиббий институтни тугаллайди
ва у агар одам автомобилга ўхшаса, агар важоҳати-
дан ҳамма ўй-хаёлларини билиш мумкин бўлганда
ҳаётнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмаслигини,
шубҳасиз, яхши биларди. Бироқ айна дамда ақалли
шу ҳайдовчи ўз машинасига ўхшашини, шу таҳлит-
да фикри-зикрини билиб олишни истарди.

Ногоҳ қизнинг қулоғига қўшиқ овози чалинди. У
базўр хомуза тортди. Моторнинг муттасил гурил-
лашидан битаёзган қулоқлари қайта очилгандай
бўлди.

Ҳа, шофёр қўшиқ айтарди. Қадимий, ҳазин
қўшиқни айтарди. Ёши бир жойга бориб қолган
машшоқлар айтадиган қўшиқни куйларди.
Қурсдоши Сўлама ҳам бу қўшиқни яхши айтарди.
Уни ҳар гал Фотима эшитганда қалбида буюк бир
туйғу туғёнга келиб, хаёлида ажиб дилрабо манза-
ралар пайдо бўларди. Гарчи умрида ҳақиқий туя-
лар карвони қўнғироқлари-ю, сорбонни кўрмаган,
улар ҳақида фақат китоблару кинодан тасаввур
ҳосил қилган бўлса-да, эштаётганида бу маъни-
лик қўшиқдан кўз олдиға чексиз саҳрода оҳиста
юриб кетаётган қатор туялар карвони келарди.

Гоҳида у ўзини юксак-юксакларда учиб бораёт-
ган қушдай ҳис қилар, мусаффо, ложувард осмонда
қанотларини кенг ёйиб, оқсоч чўққилар, бепоён



лолазор даштлар, дарёлар, боғлар ва экинзорлар узра эркин сайр этаётгандай бўларди.

Гоҳида болалик пайтлари, укачасини онаси аллалаётгани эсига тушарди, чиндан ҳам бу кўшиқда бир олам орзу, ошиқ қалб орзулари ифодасини топганди.

Шофёр чап тирсаги ва бошини деразадан ташқарига чиқариб, кўшиқ авжини оларди. Йўл шамоли ва моторнинг гуриллаши кўшиқнинг баъзи жойларини ёйиб ютиб юборар, лекин Фотима уни шу тарзда ҳам эшитаётганди. Унга, ҳатто, моторнинг гуриллаши ҳам ҳозир илгаригидай ёқимсиз туюлмас, гўё ажиб бир савту навога айлангандай эди...

У хаёлини бир жойга тўплаб, машина йўл чеккасида турганини кўрди. Шофёр асбоблардан бирининг ойнасини бармоқларининг учи билан тиқиллатиб уриб, ўша асбоб милини жойидан кўзғатмоқчи бўларди. Энди шуниси етмай турувди, бу мошинанинг бирор жойи бузилиб қоронғи кечада анави эркак билан кимсасиз йўлнинг ярмида қолиб кетса-я...

Хайрият, мотор шиддат билан ишлай бошлаганда, ҳалиги асбоб милчаси бирданига сакраб, ўнгга бурилди ва бир лаҳза олд-орқага қимирлаб, ниҳоят, бир ҳолатда тўхтаб қолди. Ҳайдовчининг вajoҳатидан қаноат топганлиги сезилиб турарди.

Яна йўлга тушишди.

Машина Данғаранинг текис тоғ йўлига чиқиб олди.



Осмон кенгайгандай бўлди. Унинг беғубор саҳнида юлдузлар жўшиб чиққандай эди. Юлдузлар ҳам ерни қандайдир ёритиб туради, дейишади. Қани ўша ёруғлик? Нега ой чиқмаётир? Қанийди ой чиққанда... Майли, яримта бўлса ҳам, нозик ҳилолдай бўлса ҳам, ҳар ҳолда оламни равшанроқ қиларди-ку. Ҳозирча машина кўзларидан чиқаётган ва олдинга югураётган икки тутам нурдан бўлак равшанлик кўринмайди.

Яна хавотирли, ғамангиз қора гумонлар қаторлашиб, қизнинг кўнглига ҳамла қила бошлади. У ҳамиша шашқалоқлиги туфайли бирор нохушликка йўлиқарди, онасидан, ўқитувчиларидан дакки эшитарди. Курсдоши Сўлама-ку унга қайта-қайта насихат қилишдан ўзини тиёлмасди. Қон билан кирган, жон билан чиқар дейдилар, у ҳали кўп дакки ейиши турган гап бўлса керак.

Мана, ошиққани билан нимага эришди? Душанбедан чиққанларига тўрт соат бўляпти, аммо овози ўчгур бу улкан тошбақа ҳали йўлнинг ярмига ҳам етмабди. Схири бахайр бўлсин, шу кетишда кетса, Пархорга фақат тонготарда етиб бориши мумкин.

Ҳа, бахайр бўлсин... Хилват йўлларда ёлғиз аёллар ва қизларга қўл чўзган бадкор шофёрлар ҳақида кўпдан-кўп олди-қочди гаплар юради. Баъзи сафарларнинг давоми тикка биҳишт йўлига туташиб кетган.

Бир гал Шаҳринав йўлида шундай мудҳиш воқеа юз берганди. Пахта теримида касал бўлиб қолган,



муаллимларининг илтимоси билан шаҳарга олиб кетаётган қизга шофёр куппа-қундуз куни ҳамла қилади. Кейин эса кўрқувдан мияси айниб бегуноҳ қизчани ўлдириб қочади.

Бу воқеа узоқ вақт одамлар тилидан тушмай келди. Ғирт шармандалик! Тилга олгисиям келмайди одамнинг. Халқ суди у номард махлуқни қатл этишга ҳукм қилди. Лекин бундан нима фойда? У ваҳшийнинг кирдоридан гўё одамлар юзига ҳеч қандай ҳукм ва ҳеч қандай жазо юва олмайди-ган қора доғ ёпишганди, агарчи замонлар зайли...

Фотима жомадончасини ёнига яқинроқ жойлади. Бундан икки соат олдин унинг қулфини очиб кўйганди. Унда дарслик китоблар, битта кўйлак ва электр дазмоли бор эди. Дазмолни синглисининг илтимосига кўра сотиб олган. Агар шофёрнинг бирор ёмон ниятини пайқаса, дарҳол дазмол дастасидан ушлаб...

– Эй Худо, одамнинг бошига нима гаплар келмайди-я! – оҳ чекиб, деярли баланд овоз билан деди Фотима ва ўзининг беихтиёр қилган бу хитобидан афсусланиб, хижолатини яшириш учун бошини ташқарига чиқарди ва юзини шамолга тутди. Ёқимли шамол димоққа етилган ғалла ва офтобеган тупроқ бўйларини келтириб урарди.

Фотима йўлдан кўз узмай ҳайдовчи унга шу лаҳзада тикилиб турганини ҳис қилди. Унинг сирғалувчи нигоҳи ғашни келтирадиган хунук илон янглиғ жисмига тегиб ўтиб кетди. Нияти нима экан?

Яна мияда аҳмақона фикрлар жунбушга келди, ўзича қайд қилди Фотима. Бемаъни хаёлларни ҳайдаш керак. Нима, у гўдакмиди? Онаси, институт, дугоналари, индин Пархорда, синглиснинг ҳовлисида бошланадиган тўй тўғрисида ўйлаш керак. Жилла курса, Сўламани хаёлига келтирсаям бўлаверади.

Сўлама... Унинг нимасини ўйласин? Бу йигит тўғрисида у кўп марта ўйлаган. Гуё у тўғрида ўйламаган гапи қолмагандай.

Ҳа, дарвоқе, яхши номга қаҳатчилик келгандай, унга Сўлама деб ном қўйганлари-чи? Сўлама... Бу одамнинг қаери сўлама? Уни Ҳикмат ё Латиф, ё худ Зариф дейиш лозим эди. Биринчи курсда биохимия муаллими уни қасддан Сулема деб чақирарди. Сулема – хлорга ўхшаш симоб кукунининг захри қотили. Дастлабки икки йилда Сўламанинг тили жудаям аччиқ эди. Ҳатто, муаллимлар ҳам ундан ҳайиқишарди. Кейинчалик, бориб-бориб оғир ва ҳалим бўлиб қолди.

Агар ҳозир Сўлама ҳамроҳ бўлганда, Фотиманинг руҳиятини бир лаҳзада таҳлил қилиб берарди ва дилини сабабсиз ғам-ташвиш исканжасидан халос этарди.

– Эй мухтарам духтур, эй одамлар саломатлигининг посбони! – дея ҳазиллашиши мумкин эди. Ҳозир сенинг қалбингни номаълум нарсадан кўркув ва ҳадик қамраб олмиш ва бундан азият чекмоқдасан. Лекин, кўркув ва ваҳима ҳамиша нодонлик самараси бўлганини, номаълум, қоронғи ва мавҳум



нарсаларни билмаслик оқибати эканлигини биласанми? Одам нимадан кўрқса, моҳияти аён эмаслигидандир. Ўйлаб қара, нега одамлар кечаси қабристонга киришга кўрқишади? Чунки у ер қоронғи ва қоронғилиқда инсон тафаккури наққош мўйқалами каби жаҳонда беназир манзараларни тасвирлай олади. Манзаралар, ваҳимали, даҳшатли шакллар. Баъзи мамлакатларда қабристон чароғондир ва одамлар у ерда бўстонда сайр қилгандай юришади.

Шундай, агар Сўлама шу ерда бўлганда тахминан шундай сўзларни айтган ва қўшиб қўйган бўларди.

– Фотимажон, фикримни исботлашга нохуш мисол келтирганим учун мени кечир. Лекин одамзодга, майли у энг яқин кишинг бўлсин фақат гул нафосати-ю, танбур навоси ҳаловатидан лақиллаш тўғри келмайди.

Ҳа, Сўлама гоҳида шундай нарсаларни гапирадик, бунақа хулоса ва муқоясаларни у қаердан топаркин, деб Фотима ҳайрон бўларди. Чиндан ҳам у курсдошларидан беш-олти ёш каттароқ, ўнинчи синфни битиргач, бир йил ғишт заводида ишлаган, кейин тўрт йил денгиз флотидида хизмат қилган.

... Олдинда, йўл чеккасида кичик тепалик кўринди, ранги ўнгиб кетган мато ўралган хода тупроқ тўдаси устига суқиб қўйилганди. Бирор шаҳиднинг қабри бўлса керак. Овсарроқ одамниям мошин уриб кетса, йўл ёқасига дафн қилиб, «шаҳид» ўлди дейишлари мумкин-да. Бора-бора



рахматли кимса ҳақида сирли афсоналар тўкилиб, унинг номини шуҳратли авлиё даражасигача чиқариб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Аксинча, теска-риси бўлишиям мумкин...

Данғара чироқлари кўрина бошлади. Балки Фотима кечани шу ерда ўтказгани маъқулдир? Меҳмонхона бор, деб эшитганди.

Бу ерда йўлнинг икки томонида машиналар қатор тизилиб турарди. Уч-тўрт нафар ҳайдовчи тўпланиб суҳбатлашаётганди.

– Ўн беш минут танаффус, – деди Фотиманинг ҳамсафари ва машинадан тушди. У яна машинаси атрофида айланиб, ғилдиракларни гурс-гурс тепиб, синаб кўрди. Фотима ҳам тушиб, ҳануз бир-икки деразасида чироқ ёниб турган, оқиш, катта бино томонга қараб юра бошлади.

– Чойхонада нон, яхна чой бор, – ҳайдовчининг сўзлари худди Норақдагидек совуқ оҳангда эди.

Фотима эшитилар – эштилмас раҳмат, ҳеч нарса керак эмас, деб йўлида давом этди.

Катта бино чиндан ҳам меҳмонхона экан. Бироқ бўш жой йўқ эди. Аниқроғи, бўш кроват бор эди-ю, лекин эркаклар ётоғида экан. Меҳмонхона хизматкори, семиз, ўрта ёшли аёл, уларнинг қисқа гап-сўзларини оғзини ланг очиб эшитаркан, устма-уст ҳомуза тортарди. Агар қизгина истаса, шу ернинг ўзида, меҳмонхона йўлагига ўтириб, бир-икки соат ухлаши мумкин экан. Ҳализамон куннинг кўзи ёришишини у қистириб ўтди.



Ногоҳ Фотима қизишиб, ўзини койий бошлади. Аслида нега у жой қидириб юрибди? Нимадан қўрқади? Шофёр бўри эмас-ку, ахир!

Қадами тетиклашди. Бироқ машиналар олдиға, уст-боши ёғ ва бензинга қоришган, баҳсу мунозараларида гоҳо болохонадор сўзларни ишлатаётган эркаклар тўдасига яқинлашаркан, дадиллиги сусйиб борарди.

– Тентаклик қилма! – кимдир шу лаҳзада кимгадир танбиҳ оҳангида сўз қотди.

Фотима учиб тушди.

Бу унинг ҳамсафари овози эди, унинг сўзлашиш оҳанги шунақа эди. Иккинчи эркак эса нимадир деб муғомбирона куларди. Унинг кулгусида қабих бир нарса, одобга хилоф, ғашни келтирувчи нималардир мавжуд эди.

Фотимада эркаклар мен ҳақимда гапиришаётган бўлишса керак деган гумон пайдо бўлди. Бу ерда ёлғиз аёл. Ростдан ҳам, шундай расо қадду қомат, чиройли оппоқ чехра беҳаё эракаклар ғийбати мавзуси бўлмаслиги ажабланарлидир. Шофёрларнинг ҳаммаси бир-бирига оға-ини. Эҳтимол, уларни бири аҳмақлигидан кечаси сафарга чиққан бу шўрпешона қиз тўғрисидаги ғаразли гапларни айтаётгандир, бошқалари эса бундан завқланиб кулаётганининг нимаси таажубланарли. Ҳамсафари эса касбдошларига ўзининг мардлиги ва олиҳимматлигини кўрсатиш учун тил учиди дўқ қиларди. Ҳа, зоҳиран дўқ қиларди-ю, ботинида, эҳтимол, унинг ўзи ўша ниятни пишираётгандир.



– Тентаклик қилма, деяпман! – шофёрнинг овози қахрли тус олди. Иккинчи эркак яна нимадир деб жавоб қилди, лекин шу лаҳзадаёқ йўл чеккасига гурсиллаб йиқилгани ва юмалаб кетгани эшитилди. Бир неча эркакнинг дашном ва сўқинишлари, тортишувлари қоронғи чўлнинг узоқ-узоқларига ёйилиб кетди.

Фотима беихтиёр ўзини машина кабинасига уриб, жомадончасини бағрига босиб олди, гўё уни ноаён хатардан ҳимоя этадиган, суянадиган ва ҳомийлик қиладиган ягона шу жомадончадай.

Шофёрларнинг гап-сўзларидан улар икки гуруҳга бўлингани маълум эди. Калтак егани гуруҳини тасалли берувчилар олисроққа олиб чиқишаётганди. Бошқа бир гуруҳ Фотиманинг ҳамсафарини ўртага олиб, бу ёққа, машинаси томонга келтиришарди.

– Синглиси эмишми?... Қўйворинг деяпман... Ўху, фаришта!.. – узоқдан бир неча лаҳза илгари чексиз завқ-шавқ билан тутуруқсиз гапларни айтиб, қиқирлаб кулган эркакнинг шикоятга ўхшаш ғазабли овози бўлиниб-бўлиниб эшитиларди.

Фотиманинг ҳамсафари қизгина томонга ақалли кўз қирини ташламади. Тезликни оширувчи дастани ғазаб ва шиддат билан олд – орқага итариб, машина юришини имкони борича тезлаштирарди. Руль чамбарига ёпишган бармоқлари асабий қалтирарди. Кўзларида гўё яшин чақнар, бурун каталари керкиб турарди.



Машинаям энди қанот чиқаргандай бўлди. Моторнинг гуриллаши тийрамоҳнинг узундан-узоқ, муттасил гулдиракларига ўхшаб кетар, оғир темир бўчкалар кабина орқасида бир-бирига ва машина кузови деворларига урилиб гумбирларди.

Кечанинг тўртдан бир қисми ўтганди. Моторнинг гуриллаши, шамолнинг ғувиллаши, уйқусизлик ва азиятли фикрлар тугунидан қизгинанинг боши гаранг бўлиб қолганди.

Тўсатдан улкан куч уни кўтариб олдинга отиб юборди. Боши кабина ойнасига тегиб қаттиқ оғриди. Ҳушига келиб, шофёр бирданига тормоз бериб, машинани тўхтатганини фаҳмлади. Олдинги чироклар нури чанг қуюнини кесиб турарди. Қоронғи чўлнинг қаеридадир тормознинг ғийқиллаган овози сайр қиларди.

Йўл чанги тарқалиб бўлгач, чироқ нурида бузилган кўприк, жарликнинг нариги соҳили ва у ерда осилиб ётган ходалар учи, йўғон симлар кўринди.

Улар жарлик қирғоғидан ҳаммаси бўлиб тўрт-беш қадам берироқда тўхташганди.

Шофёр машинани орқага ҳайдади. Ўзи томондаги эшикни очиб, боши ва чап оёғини кабинадан чиқариб орқасига қараб борди. Яна тўхтатди. Сўнгра асфальтга чиқиб олдинга қараб кетишди. Ҳозир у гўё мастдай, чайқалиб – чайқалиб юрар ва йўлдан ниманидир қидирарди. Ниҳоят, йўл чеккасида ётган темир учоёқни кўтариб йўл ўртасига чиқарди, тўғри қўйди ва қайтди.

Учоёққа ўрнатилган доирашакл темир тахтада хитоб аломати чизилган эди.

Шофёр чап томондан йўлак топиб, машинани жарликка туширди, сел йўлида оқиб турган саёзгина сувдан кечиб юқорига, яна катта йўлга чиқариб тўхтатди. Шу ҳолда бир лаҳза олдинга қараб ўтирди. Тош ҳайкалдай қимирламай ўтирди. Кейин «ҳм» деб, таажжуб, шодлик, нафрат, маломат ва эҳтимол, фақатгина ўзига маълум бўлган бир олам ҳис – ҳаяжонларини шу мубҳам нидо билан баён этиб, чўнтагидан дастрўмолини чиқарди ва юз-кўзларини арта бошлади.

Қир ва тепаликлардан иборат нотекис чўл бошланди.

Ҳали тўлмаган ой чиқди ва атрофга изтиробли, хира нурларини сочди. Шамол шу яқин ўртада, йўл бўйидаги қайсидир қишлоқдан итнинг акиллаган товушини қулоққа чалинтирди-ю, яна қайсидир узоқ бурчакларга олиб кетди.

Бир томони Кўлобга олиб борадиган сероҳа йўл орқада қолди. Ана янаям хилват йўлга чиқдик, хавотир аралаш кўнглидан ўтказди Фотима. Сероҳагача, ҳар ҳолда машиналар бориб – келиб турарди. Ҳайдовчилар кечки сафарни кундузги иссиқ ҳавода юришдан афзалроқ билишади; шу боисдан ярим кечада ҳам катта йўл серқатнов.

Шофёр амперметр ойначасига хавотирли тикила бошлади. Фотима бу олис йўлда автобусда кўп мар-



та катнаган. Бироқ машиналарнинг бирор қисми бетартиб ишлаганини шу пайтгача кўрмаганди.

Агар ҳайдовчи кўнглида ғаразли ният бўлса, бир иш қиладики, савил қолгур машинасининг бирор жойи, албатта, бузилади. Уйин доирачининг қўлида. Машинанинг фалон қисми чиндан ҳам бузилганми ёки эгасининг қалб амрига итоат қилиб, ишдан чиққанми, буни бечора мусофир қайдан билсин? Машинанинг тўхтаб қолиши – фожаи бўсағасидир. Ундан кейин йўл ўртасида, кимсасиз ва хилват чўлда қоп-қоронғи кечада ким додингизни эшитади? Осмон-узоқ, ер-қаттиқ.

Машина одамнинг чучкиришига ўхшаш икки-уч марта садо берди, кейин енгил-енгил силкиниб юришдан тўхтади.

Шофёр ташқарига чиқиб мотор қопқоғини кўтарди. Бир муддат у ерда ғимирлаб турди.

«Ҳар лаҳзада унга ҳамла қилишига шай туриш керак, – ўйлади Фотима. – Айни пайтда ўзингни бағоят босиқ, маънавий ва жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб кўрсатмоқ лозим».

Бироқ шофёр Фотима томондан яқинлашиб эшикни очган эди, қизгинанинг маънавий ва жисмоний куч-қудратидан асар ҳам қолмади. Вужудига қалтироқ кирди, нимадир томоғига тиқилиб, кўкракларини қаттиқ эзгандай бўлди. Шофёр очиқ эшикни бир қўли билан ушлаб, нимадир дерди, аммо Фотима унинг товушини эшитмас, ишораларини кўриб турган бўлса-да, бирор нарсани тушунмасди.

Шофёр айланиб, бошқа томондан келди ва ўриндиқ суянчиғини қимирлатиб, сўзларини такрорлади. Фотима унинг ниятини энди пайқади. Вужудига жон кирди. Жомадончасини кўксига қаттиқ босган ҳолда очиқ эшикдан пастга тушди. Шофёр ўриндиқ остидан учига чироқча ўрнатилган узун резинали симни тортиб олди. Чироқчани ёқиб мотор устига осди ва яна бошини эгган кўйи ғимирлашини давом эттирди.

– Реле бузилиб қолибди, жин урсин, – деди шофёр эшик тагига келиб. – Менга ёрдамлашмайсизми? – сўради у ва жавоб кутмай, амперметр ойначасини кўрсатиб деди: – Манави нарсага қаранг. Милчаси кўшув аломатига қараб қимирласа, айтасиз.

Шундай деди-ю, кетди ва яна бошини мотор қопқоғи остига киритиб ўз иши билан машғул бўлди. Моторни ўша ердан туриб ишлатди. Бироқ лаънати амперметр мили ноль билан олув аломати ўртасида рақс тушарди. Ҳа, касофат келтирувчи милча, Фотиманинг назарида атайлаб, уни мазах қилиб ликилларди.

Бир неча лаҳза илгари қизгинанинг бутун вужудини қамраб олган, тили, эс-ҳуши ва оёқ-қўлини карахт қилган кўрқув изсиз кетмади. Вужуди баногоҳ жуда қаттиқ совқотиб, тириша бошлади, гўё ҳозиргина қаҳратон чиллада музлаб қолган дарё сувидан тортиб чиқаришгандай.

Фотима бутун кучини йиғиб, тишини – тишига қўйганча бир оз кўтарилди, ҳайдовчининг ўрин-



диғидан унинг ёққа бўланган пахталигини олиб, елкасига ташлади. Бу ишни қиларди-ю, аммо эркакнинг нима дейиши, нима деб ўйлашини хаёлига келтирмасди. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди.

У қанча вақт ўтганини пайқамай қолди. Кейинроқ жомадончасини тирсаги остига қўйиб, гоҳ-гоҳ амперметрнинг рақс этувчи милчасига қараб-қараб ётганини аранг эсларди. У милчага нафрат ва илтижо билан қарар, ниҳоят девонавор рақсидан ҳориб, қўшув аломати томон силжишини ва у ерда ақалли бир муддат, ақалли қуёш чиққунча тўхтаб қолишини кутарди...

Уни уйқу элитди. Бу ваҳимали, аини пайтда у умрида кўрган ҳаловатбахш ва ширин уйқулардан бири эди.

... Айиқ уни тупроқ устида судраб тортарди. Ҳайбатли қора айиқнинг тишлари мисоли ваҳший чўчқаникидай узун, сариқ ва қонли эди. Фотима додлаб қочар, бироқ товуши бўғзидан чиқмас, оёқларига катта, оғир кишан урилгандай, зўрға қимирларди.

Тўсатдан нимадир юз берди-ю, вужудида бир ажиб куч пайдо бўлди. У парвоз қила олишини ҳис этди. Қўллари билан қушларнинг қанот қоқишига тақлид қилиб кўрганда, чиндан ҳам оёқлари ердан узилди. Энди у серодам шаҳар устидан учиб борарди. Қора айиқ эса шаҳар кўчаларида югуриб, уни таъқиб этарди. Бироқ у энди айиқдан кўрқмас, қаҳқаҳ уриб кулар, ўз душманини масхара қиларди.

Қанотлари ҳолсизланиб, вужуди пастга тушаётганда уни бошқатдан даҳшат қамрар, жон ҳолатда бирор баланд бино томига оёқ тирар ва бутун кучини йиғиб елкаларини ҳаракатлантириб, яна юқорилаб кетарди.

Юқориларди-ю, эркин нафас олиб, яна куларди, айиққа дашном бериб, масхара қиларди.

Шаҳар одамлари кўча ва майдонларда тўпланиб, қўлларини силкитар, ер тепиб уни табриклашар, парвозига куч ва барор тилашарди.

Сўлама одамлар орасида туриб, бутун овози билан ҳайқирарди:

– Баландроқ, азизим! Баланд-ро-о-оқ!

Фотима, Сўлама кўпчилик олдида унинг номини суйиб тилга олгани, сирларини фош қилгани яхши бўлмади, деб кўнглидан ўтказди. Лекин шу лаҳзадаёқ жимиб қолди. Нима бўлса бўлди, деди.

Баногоҳ эркин парвоз ҳаловати жонни ўртовчи дардга айланди. Фотима энди ўз институтлари тажриба шифохонасидаги жарроҳлик столи устида ётарди. Сўлама ва дугоналари юзларига дока ниқоб тутиб стол атрофини ўраб олишганди. Сўламанинг қўлида жарроҳлик пичоғи. Лекин бу пичоқ қоидадагидан тахминан ўн марта каттароқ эди. Кимдир чап қўлини бураб, оёғидан столга боғламоқчи бўларди. Биров, нимагадир, улкан амперметрни қаршисида тутиб турибди. Унинг мили девоналарча рақсга тушарди. У сўзлашни, ёрдам сўрашни истар, бироқ овози янаям ичига тушиб кетарди...



Фотима уйғонди. Бадани тердан сув бўлиб кетганди. Ёмон ётгани учун чап қўли қотиб қолиб, вижиралиб оғрирди. Куёш нури машина ойнасидан ўтиб бошини қиздирган, миясини гаранг қилиб қўйганди.

Машина йўл чеккасида, икки паст тепалик орасида турарди. Даштликни офтобнинг заррин шуълалари чулғаган, сокинлик оғушида эди. Эрта-лабки шабада ёвшан ва тепаликлардаги какраларни мавжлантириб, шабнам тушган тупроқнинг маст қилувчи бўйини келтириб димоққа урарди.

Шофёр машина ёнида чўл хас-хашакларидан ўзига ўрин ясаб, осмонга қараб кўзи очиқ ҳолда ётарди. Фотиманинг оёқ шарпасини эшитиб, турди. Уст-бошини қоқди. Бир лаҳза қизгинанинг қадду қоматига тикилиб турди. Кейин «Бет-қўлингизни ювмоқчидирсиз?» деди-ю, яна қизнинг жавобини кутмай, сув тўла резина камерани кўтариб келди.

– Мен... ўзим... – деди Фотима ҳамсафарининг хизмат қилишини истамайроқ ва камера томонга қўлини чўзди. Шофёр табассум қилиб елка қисди, камерани Фотиманинг қўлига тутқазди. Бироқ суви тўла идиш жудаям оғир эди, қизгинанинг қоматини пастга эгиб, қарийб қўлидан тушиб кетаёзди.

– Менга беринг! – ранжигандай бўлиб қатъий оҳангда деди шофёр ва камерани олгач, унинг тешигидан Фотиманинг оёғи остига сув қуярди. Қиз оқаётган сувдан кафтларига олиб юз-қўлларини ювишга мажбур бўлди.

Мотор ишга тушиши заҳотиёқ Фотима амперметр милига қаради. Милча бугун ўз ўрнида эди.

Шофёр машинани ҳайдашдан олдин панель кутидан қоғазга ўроғлик ниманидир олди. Унда ярим буханкача нон ва бир парча пишлоқ бор эди. У нон ва пишлоқни иккига бўлиб, бир қисмини қоғози билан Фотиманинг олдига суриб қўйди ва таклифдан кўра буйруққа ўхшаб кетадиган оҳангда деди:

– Марҳамат қилинг!

Қизгинанинг емишга қўл теккизмаётганини кўргач, ўзича кулимсиради ва бир оз қаттиқроқ такрорлади.

– Марҳамат қилинг! Яна икки соатлик йўл бор олдинда, синглим.

Шофёр бир қўли билан руль чамбарагини ушлаб, бошқаси билан гоҳ нон бурдасини, гоҳ пишлоқни оғзига соларди.

Фотима энди унинг емагидан татиб турарди, лекин мажбур бўлганидан, бу бадқовоқ эркак яна ейишга буйруқ бермасин, деган қўрқув билан ерди. Нон тишламлари томоғини тирнаб ўтарди. Фотима бу ҳолнинг сабабини тушунди. Чиндан ҳам, биров тўғрисида ёмон гумонга борсангиз ва кейин унинг бегуноҳлигига ишонсангиз, унинг нони томоғингиздан осонликча ўтмас экан.

Бу хаёлдан Фотима қаттиқ хижолат тортди. Юзига қон югуриб, қулоқлари учигача қизариб кетди.

Қаршидан енгил машина кўринди. Фотиманинг



ҳамсафари уни кўриб, машинасини секинлаштирди. Ҳар икка автомобиль бир-бирининг яқинида тўхтади. Енгил машинада, чамаси, идора бошлиғи бор эди. Шофёр тушиб, унга яқинлашди ва салом берди.

– Нега кечикдинг? – сўради бошлиқ.

– Реле бузилди.

– Ҳм. Ишчилар сени чошгоҳгача кутишмайди.

Энди юкингни ўзинг туширасан.

Шофёр елка қисиб, индамади. Кейин хайрлашдилар.

Ҳайдовчи жойига келиб ўтираркан, Фотиманинг кўзи унинг ёқасига тушди. Қизил катак кўйлагининг ёқасидан йиртилган бир парчаси кўкраги устида осилиб турарди.

Ўтган кечаси бўлган воқеалар қизгина хаёлида беихтиёр қайта жонланди. «Синглиси эмиш?... Қўйворинглар... Фаришта экан-а...» – ўртоқлари нарига судраб кетаётган шофёрнинг бу тутуруқсиз сўзлари кечаси унинг шуурига таъсир қилмай, эсидан чиқиб кетганди. Демак, ҳамсафари унинг ҳурмати учун ҳалиги ичи қора билан ёқалашган экан. Уни деб ўзига душман орттирган экан.

Фотима бўлса, сўнгги нафасгача, ухлагунига қадар, ҳатто, тушида ҳам ундан гумонсираганди. Шундай, бу эркак тўғрисида ёмон гумонларга бориб, туҳматга ўхшаш фикрлар тўқиб чиқарганди. Яна унинг шамолпаноҳ кабинасида пахталигини устига ёпиб роҳат қилиб ухлади-я.

Қизгина ботиний хижолатдан яна бўйнининг тагигача қизарди.

Одамзод ажаб бир кўзсиз ва калтафаҳм махлуқ экан-а!... Э, одамзоднинг бу воқеага нима дахли бор? Унинг ўзи, танҳо қуёнюррак Фотиманинг ўзи калтафаҳм ва сўқир.

Машина гўё кўм – қўк майсалар ўртасидаги йўлдан ўтиб борарди. Йўлнинг икки томони серсоя дарахтларнинг баланд деворидан иборатдай. Ариқлар суви қуёш нурларини акс эттириб, кўзни қамаштирарди. Дарахтлар барги ва новдалари сабухий илиқ нурлар мавжида тароватли, дилни қитиқловчи назокат билан жилваланарди.

Лекин Фотиманинг ҳозир табиат ҳусни, янги туғилган кун таровати билан иши йўқ эди. Атрофдаги манзаралардан у фақат чексиз пахтазорни илғаб олаётганди. Пахтазор уфққа қадар чўзилиб кетган. Майдоннинг олдинги қисмлари ортда қолиб, узоқларда, заррин уфқ томондаги жойлар секин-аста яқинлашиб борарди.

Замин ажиб бир тарзда айланарди.



КОЛДИЧЕВО ДАҲШАТИ

(Ҳикоя)

–Сиз, Рустам ака, бундан илгари ҳам юрагингиз бир неча бор санчиб, азоб берганини айтган эдингиз.

–Ҳа, бир неча марта шундай бўлганди.

–Илтимос, бу ҳодисанинг қандай шароитда, қандай ҳолда рӯй берганини имкони борича батафсилроқ гапириб берсангиз.

Рустам узундан-узоқ ўйланиб қолди. Гуё қайсинисидан бошласам экан, деган хаёл билан банд эди.

–Қайси бир йили биз маданият ходимлари вакиллари билан Белоруссияга бордик, – деди у ниҳоят. – Бизни у ерда худди ўз туғишганларидай кутиб олишди. Дўстлик ва меҳмоннавозлик ҳақида бундан ортиқ яна нима ҳам дейиш мумкин?

Белоруссиянинг шаҳар ва қишлоқларини бир неча кун томоша қилдик, турли жойларда – ишчилар клубларида, колхоз – совхозларда меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказилди. Улар бизни қутлашар, биз эса уларга Тожикистонимиз ҳақида, ўз ишларимиз тўғрисида сўзлаб берардик.

Сиз Улуғ Ватан уруши йиллари Белоруссиянинг бошдан-оёқ партизанлар республикаси бўлганлигини яхши биласиз. Заслонов каби ўнлаб жасур



ўғлонларининг номлари мамлакатимиз халқлари тилларида дoston бўлган.

Бир куни бизни гитлерчиларнинг концентрацион лагери жойлашган ерга олиб боришди.

Майда-майда қумлар тўкилиб, камтарона безатишган оддийгина хиёбон ўртасида мarmар лавҳа қад кўтариб турарди. Лавҳанинг бир томонига шундай сўзлар битилганди:

«Эй, одамлар, бир дам тўхтанг! Ватан уруши йилларида бу ер ўлим лагери бўлган ва уни Колдичево лагери деб аташарди. Бу ерда йигирма икки минг бегуноҳ одам Гитлер жаллодлари қўлида ҳалок бўлган».

Биз яланг бошларимизни қўйи солганимизча, лавҳанинг иккинчи томонига ўтдик.

У ерга қуйидаги жумлалар ёзилганди:

«Агар Сизга қумлар тилсиз десалар, ишонманг.

Оёқларингиз остидаги нарсани безабон қум деб ўйламанг, ҳаргиз.

Қулоқ солинг! Эшитаяпсизми? Бу сизларга ҳаёт, қадру қиммат ҳақида васият килаётган бизнинг сaдоларимиз:

Осойишта ҳаёт қадрига етинг!

–Тинчликни сақланг!»

Собиқ партизан аёл, Барановичидаги ўрта мактаблардан бирининг директори Людмила Зиновьевна Лобач бизга лагернинг қонли қиссасини сўзлаб берарди. Лагерь жаллодлари ҳар соатда қасос олиш ва қийнашнинг янги усулларини ўйлаб



топишарди. Болаларни икки оёқларидан ушлаб дарахт таналарига уриб, мажақлаб ўлдиришарди. Немислар бу ерни ташлаб қочишларидан бир кун илгари кечаси 600 кишини ҳандаққа ташлаб, тепаларидан тупроқ тортишиб, танк билан ерни текислаб юборишди.

Бу лагернинг бутун тарихида унга ташланган маҳбуслардан фақат бир киши – Ғорецкий исмли 12 яшар болагина ўқ ёмғирлари тугагач, кечаси чала ўлик ҳолида гўрдан чиқиб, ўрмонга қочишга ва у ерда партизанларга қўшилишга муяссар бўлган, холос.

Немислар бизнинг қайинларимизни яхши кўришарди. Лагер атрофидаги қайинларни қирқишиб, Сталинград фронтига юборишарди. У ерда ёш қайин таналаридан крестлар ясашиб, ҳалок бўлган фашистларнинг қабрлари устига ўрнатишарди. Бунда эса ўзларининг қонли қилмишларини хаспўшлаш учун жасадлар тўла ҳандақлар устига қайин кўчатлари ўтқазишарди.

Қайин рус ва белорус ўрмонларининг нозанин келинчаги, энди қотиллар қабри устида салб, яъни раҳматли Исонинг нишонаси бўлиб хизмат қилар, бошқа ерда эса минглаб бегуноҳлар гўри тепасида илдиз отиб, тарихда мисли кўрилмаган даҳшатлар, жиноятлар, қонхўрликлар изини ёпиб турарди.

Кайфиятим бузилди. Дўстларим ҳам руҳан эзилишди. Шундан кейин бизни бир дам хордиқ чиқариш учун бошқа ерга олиб боришди.

Ҳамсафаримиз – белорус шоири Ригор Бородулин ҳазил-мутойиба қилиб, бизни ғамгинликдан чиқаришга уринарди. Ўша кунгача биз у билан бир-галикда аксарият вақтимизни ҳазил-мутойиба, дилхушлик билан ўтказардик.

–Олийқадр меҳмон! – дерди у шўхлик билан менга қараб, сайёҳлар экскурсоводига тақлид қилиб, чап томонга қаранг, сиз кўриб турган жониворни сигир дейишади. Эҳтимол, у сигир эмасдир, чунки шохи унчалик катта эмас, айтии замонда орқа туёқлари орасида сузма халтани эслатувчи нима-сидир бор.

–Олий мартабали мезбон! – ҳазил тариқасида сўрайман мен, – сиз бу жониворнинг айнан сигир бўлиб, балки фил ёки туяқуш эмаслигини қаердан биласиз? Сиз шоирсиз ва сизнинг гапларингиз илмий далиллардан холи бўлмаслиги, илмнинг инкор қилиб бўлмайдиган фактларига асосланиши лозим. Ёки менинг белорус дўстим йўл ёқасидаги пичан ғарамига ишора қилиб, беда хусусида, йўнғичқанинг пайдо бўлиши, унинг эволюцияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти борасида қизиқарли лекция ўқирди. Бунн эшитиб, биз ичакларимиз узилгудай бўлиб қотиб-қотиб кулардик.

У менга рус студентларининг чамадонча ҳақидаги ҳажвий кўшиғини, шунингдек, «Душан-бедан-душанбегача» номи билан машҳур бўлган бир тўда майпараст оға-инилар ҳақидаги белорус халқининг ҳажвий кўшиғини ўргатган эди.



Бизлар бу кўшиқларни дам олиш соатларида ёки саёҳат пайтларида завқ билан хиргойи қилардик.

Ҳозир эса дўстимнинг ҳазиллари ҳам юрагимга сиғмас, менга таъсир қилмас эди.

Мен дам олиш жойини тарк этиб, юқорида зикр қилинган гапларни ён дафтаримга тушириб олиш учун астагина шаҳидлар хиёбонига йўл олдим. Мен ишимни тугатиб, кўлимда блокнотим билан мармар лавҳа олида жимгина турардим, шу пайт кимдир орқамдан келиб, елкамга қўлини қўйди.

Қайрилиб қарадим-у, паҳлавонжусса, қип-қизил, лўппи юзли, лунжлари осилган, осмонранг кўзларида ва гўдакларникидек табассумида кишининг раҳмини келтирувчи қандайдир бир нарса кўзга ташланиб турган одамни кўрдим. У бошини табрик ва таъзим аломатида хиёл энгаштириб, орқасига яшириб турган чап қўлини олдинга чиқариб, қандайдир қоғозни менга узатди. Қоғоз мактаб болаларининг альбомидан олинган бўлиб, унга акварель билан чиройлигина расм солинган эди. Белоруссиянинг қайин дарахтлари саф тортиб турган манзараси шунчалик усталик билан ишланган эдики, мен, қарийб йигирма йил шу иш билан машғул бўлган мутахассис рассом бунчалик маҳоратни кўриб гўдак табассумли паҳлавонжусса кишига боққанимча ҳайратдан лол қотгандим.

–Бу расмни сиз чиздингизми?

–Ҳа, – деди у киши қувончга тўлиб.

Шу пайт сафаримиз давомида биз билан бирга



юрган маҳаллий колхоз вакилларида бири тез-тез қадам ташлаб, қишлоқнинг асфальт кўчасидан чиқиб келди ва суҳбатдошимнинг тирсагидан ушлаб, унинг бошини ҳам қилиб қулоғига нималардир деб пичирлади. Алпқомат киши яна ўша табассумини такрорлаб, хайрлашишни ҳам насия қилган ҳолда қаёққадир чопиб кетди.

У кўздан ғойиб бўлганида колхоз фаоли, яъни мезбонларимиздан бири менинг қўлларимдан тугтиб дам олиш жойига бошларкан, енгил уҳ тортиб кўйди:

–Хайрият-е, ҳаммаси яхши тугади. Азиз меҳмон, мени кечиринг, ҳануз номингизни билмайман, у одам, сизга бу суратни берган киши, ақлан заиф. Мен суратга тикилдим. Йўқ, ақли заиф киши бунчалик маҳорат билан расм чизолмайди.

Мезбон худди менинг ўйларимни уқиб олгандай, кўшимча қилди:

–Ҳа, ҳа, у ақлдан озган, бадбахт. Расмининг яхши чиққанига сабаб шуки, – мезбон осмонга тикилиб, нималарнидир эслаб хаёлга чўмди, – йигирма тўрт йил бўладики, ана шу суратдан, айнан ана шу суратдан худонинг яратган куни камида уч-тўрттадан чизади. Бошқа иши йўқ. Уйининг барча деворлари ана шу расм билан тўла. Шу расмдан қанчадан-қанча албом яратган. Ҳар баҳорда шаҳардан духтурлар машинада келишиб, уни касалхонага олиб кетишади. Уч-тўрт ой туриб даволаниш пайтида, айтишларича, ўша ерда – касалхонада



барча эшигу деворларни ҳам ана шу расм билан тўлдириб ташлар экан. Бу расмда у болалигида кўрган лагер манзарасини акс эттирган.

–Илтимос, унинг қиссасини менга айтиб беринг.

–Марҳамат. Лекин кечирасиз, бу қисса жанг даврининг аксарият қиссаларидек ғамгин.

Ҳурматли духтур алпқомат ўша йигит қиссасини менга айтиб берди.

–1942 йилнинг охирида унинг ота-онасини лагерга ташладилар. У кичкина синглиси билан ўн бир яшарлигида тирик етим бўлди. Кўп ўтмай, укаси очликдан шишиб, овқат ва тиббий ёрдам йўқлигидан оламдан ўтади. Қўни-қўшнилар унинг жасадини тупроққа қўядилар. Володя ўзининг олис қишлоғидан ҳафтада уч-тўрт марта пиёда ўн икки километр йўл босиб келиб, лагер дарвозаси рўпарасида бошқалар қаторида ота-онамни чиқарсалар, уларнинг дийдорларини ақалли узоқдан бўлса ҳам бир кўрарман, деган илинж билан тик турарди. Бечора ўзининг пиёда келиши ва кутишларининг барчаси беҳуда эканлигини билмасди, у аллақачон етим бўлганди.

Кунларнинг бирида асли белорус бўлган ватанфуруш, немис армиясининг семиз фельдфебели қоплар юкланган аравани унинг олдига тўхтатиб, мурожаат қилди.:

–Ҳар куни бу ерда кимни кутасан?

–Ота ва онамни, – жавоб беради Володя.

–Ота ва она... Ҳў-ўш, – дейди чўзиб хоин. – Жуда

соз. Аравага ўтир, мен сенга отангни кўрсатаман, – ва кулиб кўяди.

–Онамни-чи? – ташвиши ортиб сўрайди Володя.

–Онангни кейин кўрасан. Тегирмон навбати билан, дейишган.

Бола аввал ўрнидан қимирламади. У сўнгги бир ярим йил бадалида ана шу мурғак ақли билан халқ хоинидан яхшилик кутиш ҳув анави автоматли соқчи ёки қонхўр лагернинг эркалаб думини ликиллатувчи кўппагидан марҳамат умид қилиш билан тенг эканлигини тушуниб етганди.

–Кўрқма, кўрқма, мен ахир, кўриб турибсан-ку, мен немис эмасман.

Володя таваккал қилиб аравага ўтирди.

Дарвоза посбони аравани тўхтатиб, аравакашга болани кўрсатиб ғазаб билан ўшқирди, аммо муғамбир аравакаш кўз қисиб, немисчалаб нималардир деди. У қўлини силтаб, юришга ишора қилди.

Арава улкан омборхона олдида тўхтади. Аравакаш қаергадир йўқ бўлиб кетиб, бир неча дақиқадан кейин юкларни тушириш учун йўл-йўл кийимли тўрт маҳбусни ўзи билан бирга бошлаб келди.

Володя шу вақт ичида эшик олдида совуқдан дағ-дағ титраб турарди. Аллақаердан унинг димоғига шўрва ҳиди урилди. Неча вақтдан буён, у оғзига гўштли овқат олмаган эди! Гўё қорни тўйиб ўз таъби тортган овқатни еганига йиллар бўлгандай эди.



– Кетдик, – аравакаш келиб унинг қўлидан тортди. – Очга ўхшайсан-а? Дардингни топдимми?

Улар омбор орқасидаги ингичка, узун, торлиги етмагандай, анча қоронғи уйга киришди. Уй даҳлизидаги катта қозонда шўрва қайнаб турарди. Аравакаш қозон олдида чўмич тутиб турган оппоқ сочли, ҳатто, киприк ва қошлари ҳам оқариб кетган кишига яқинлашиб, нималардир деди. Икковлари хушнуд илжайишди.

Кейин ошпаз алюмин лаганчага бир коса шўрва қуйиб берди.

Ошхонанинг нариги томонидан, деворлар ортидан лагер итларининг акиллаши эшитиларди. Эҳтимол, улар ҳам оч қолишиб, шўрва ҳидини қачонлардир сезишгандир.

Володя омбор девори олдида, қор устига тўшалган хашак тепасига ўтирганича, иштаҳа билан шўрвани ича бошлади. Унга, ҳатто, бир бурда ҳам нон беришмади, аммо Володя ичида худди тўсатдан осмондан тушгандай пайдо бўлган ана шу неъматга ҳам шукр қиларди.

У шўрва сувини кўтариб ичар, суякларини шошилганича чайнади ва ўзида бу шошилишга қаршилиқ кўрсатиш учун озроқ бўлса-да, куч тополмаганидан хижолат тортарди.

Тўсатдан лаганча тагида нимадир кўринди ва у чайнашдан тўхтади, кўзларини мошдай очди. Не кўз билан кўрсинки, лаганча тагида одамнинг иккинчи бўғинидан қирқилган кўрсаткич бармоғи

ётарди. Володя бир зум кўзларига ишонмай, уни олиб у ёқ-бу ёғига зеҳн солиб қаради ва одамнинг узун тирноғини кўрди. У бошқа ҳеч нарсани эслай олмади. Фақат қор тепасида икки букилганича қайт қилар экан, азобу алам ичида бир зум хоин аравакашнинг «меҳрибон»лиги, унинг дарвоза соқчиси билан қилган маъноли имо-ишораси, ғайриоддий қурилган ғалати, қоронғу «ошхона», аравакаш ва ошпаз ўртасидаги масхарали кулги, девор орқасидан бўримижоз эшакдай келадиган итларнинг вовуллаши ўртасида қандайдир боғланишалоқа борлигини эслади.

Бирор соатдан кейин Володя ўрнидан туриб, ҳолсизланганича гандираклаб, дарвоза томонга йўл олди. Соқчи унга нималардир деди. У эшитмади, қайрилиб ҳам қарамади. Шу пайт фашист полвончаси ўн бир яшар бола олдига яқинлашиб автоматдан тахминан 11-12 ўқни осмонга бўшатди. Аммо Володя буни ҳам эшитмади. У энди ҳеч нарсани эшитмас, ҳис этмас ва кўрмас эди, фақат шиддатли бир куч қорнини ларзага солиб, ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қилган, унинг бутун жон ва жисмини лўнда қилиб оғзидан чиқариб ташлашга интилаётганини биларди, холос. Лекин бошида омонсиз сукунат ва хомушлик ҳукмрон эди, худди боши йиллар давомида арихона бўлгану энди тўсатдан тинчиб қолгандай. Энди у на ота-онаси қисматини, на ўзига нима бўлганини ўйларди...

1944 йили немислар йўқолди. Ғалаба йили



баҳоридан Володя касалхонада расм чизишни бошлади. Ўша биттагина расмни ... ҳар куни, гоҳо ҳар соат биттадан чизади.

У руҳий касаликка учраганида 11 ёшда эди ва табиийки хоин, сотқин одамнинг инсонларнинг энг қабих душмани эканлигидан ҳануз хабари йўқ эди ва унинг ваҳшийликда ўнта қонхўр душманга тенг кела олишини ҳам билмасди.

Кейин у улғайди, аммо фикрлаш, ниманидир тушуниш қобилиятини йўқотганди.

Бу қиссани эшитиб, кайфиятим тамоман бузилди. Умримда илк марта инону ихтиёрим, эҳтиросим менга тутқич бермайдиган ҳолат содир бўлди.

Эсимда, ўша ҳикояни айтиб берган киши билан дўстларим олдига қайтарканман, нимадир томоғимни бўққандай бўларди.

Ана... ўша соатда, ўша ерда юрагим илк бор санчган эди. Мен беихтиёр тўхтаб кўксимни ушладим, кейин чуқур нафас олиб, қоматимни, бошимни баланд кўтардим. Мен бундан даҳшатли жойларни, фашистлар келтирган фалокатлар нишонасини кўп кўрганман. Мен Освенцим лагери, Яинци қишлоғи, Крагулвец шаҳри ва бошқа ерлардаги шаҳидлар қабристонларини кўрганман. Аммо бу ерда илк бор музей намоишномасига эмас, балки омонсиз ҳаётнинг тирик экспонатига дуч келган эдим ва, эҳтимол, рассом менинг хамкасбим бўлмаганида, ушбу фожиа рўй бермаган бўларди.

Кейин, эсимда мезбонлар бизга шоир Адам Миц-

кевич ёшлик йилларини ўтказган Свитязь кўли соҳилида зиёфат уюштиришди. Аммо менинг димоғим шунчалик куйган эдики, беихтиёр кўп шароб ичиб юбордим.

Сўнгра дўстларимнинг айтишларича, мен биз билан бирга юрган Брест области партия комитетининг масъул ходимини маҳкам ушлаб, унинг кайфиятини бузиб, ҳатто, аччиқ қилиб даҳшатли одамлар нусхалари, яъни бегуноҳ кишиларни қатл қилганлар, ўз ватандошлари жасадларидан наронлар ясаб амал ва шуҳрат чўққисига кўтарилганлар ер юзида қандай пайдо бўлганини тушунтириб беришини талаб қилибман.

Омонбой Жуманов таржимаси



ТАКЛИФ

(Ҳикоя)

Бизнинг қишлоққа борамиз, муаллим. Сомондарага. Бунчалар гўзал, обуҳавоси ёқимли мавзе ёруғ дунёда йўқ, муаллим. Жаннат унинг олдида, мисоли гап, ип эшолмайди.

Уч йилдан бери ёзги таътил бўлса, борамиз, деб ваъда берасиз-у... Энди этагингизни тутганим – тутган, муаллимжон. Қўймайман. Ҳа, борамиз.

Сиз тоғ қишлоқларида кўп бўлгансиз. Аммо бундайини кўрмагансиз, муаллим. Йўлининг ўзи таппа-тайёр бир дoston. Ўзингиз машинага миниб кетяпсиз-у, ҳушу хаёлингиз – осмонларда. Ўтган йили бир санъатшуносни бирга олиб борган эдим. Қалъаи Калон ва Эшони Бозор мазорини ўрганмоқчи экан. Марҳамат, ўрганинг, мисоли гап, тадқиқ қилинг, дедим. Қип-қизил атеист эди. Ҳатто, бисмиллони тамомила унутган эди. Бориб – келгунча комил мусулмон бўлди – қолди. Нега, деб сўранг, муаллимжон. Илтимос, бир бор сўранг-да. Ҳа, баракалла. Қўрқишу ваҳимадан, муаллим, фикри ўзгарди, тамомила ўзгарди. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: чапда тубсиз жар. Кўз қири билан астагина назар ташланг, бошингиз гир-гир айланади. Пастда, дара қаърида Сародарё, мисоли гап,



наъра тортади. Кўпикли тўлқинларини тошларга уриб, гулдурайди. Чор-атроф фитнакор тошу харсанг: олдинда тош, орқада тош, ўнгу сўлда тош. Машина ғилдираклари остида ҳам тош, бошингизда, тоғ кўйнида ҳам тошлар осилган. Айтишларича, ана шу харсангларнинг ҳар бири одамзод бино бўлгандан буён неча-неча телба ва эҳтиётсизларнинг бошини еганмиш. Ҳайдовчининг хаёли бир нафас сочилдими, ёки кўзи салгина хато қилдими, тамом, вассалом, ҳамма дарёга ем бўлди, деяверинг.

Эсингиздами, муаллим, қадимий бир ҳикоя бор? Тоғли бир киши эшагига ун юклаб, қишлоғига қайтаётган экан. Йўл, мисоли гап, пулисирот каби ингичка, хатарли экан. Чарчаб, ҳолдан тойган эшак қайси бир тошга қоқилиб, қопдаги ун дарё қаърига кулайди. Бир неча масофадан сўнг эшак ҳам ана шу нобоп йўл қурбони бўлади. Кейин қора булут дара осмонини қоплаб, момақалдироқ гулдираб, чақмоқ чақа бошлайди. Бечора йўловчи бу даҳшатдан кўрқиб, бир ғорга яширинади. Ҳар гал момақалдироқ қалдираб, еру осмонни ларзага солиб, чақмоқ атрофни ёритганда ҳалиги бечора мисоли гап: – Худоё! Қопдаги унимни дарё домига ташладинг! Ягона дастёримни дарёга ем қилдинг. Бу қандай раҳмсизликки, энди гугурт чақиб, мисоли гап, ўзимни ҳам излаяпсан-а? – дермиш.

Ҳозир, муаллим, бу йўлларда автомобиллар қатнайди, лекин йўл хавфи кўтарилган, десак ёлғон бўларди. Мана ўзингиз бориб, кўрасиз.



Ўтган йили мен Сомондарага бирга олиб борган санъатшунос йўлнинг ҳар бир муюлишида, юзини қўллари билан беркитиб, уйига соғ-саломат етишини сўраб, худога илтижо қиларди. Водийда туғилган одам, мисоли гап, теп-текис жойларда во-яга етган-да. Юзига қарасам, хижолат чекиб, ҳув анаву тош тўдаси кўзига қайси бир паришонхотир йўловчининг қабри бўлиб кўринганини айтарди. Шаҳидлар руҳини яхшилик билан эслаш савоб, дерди.

Тўғри, йўл жуда оғир. Аммо сиз туғилиб-ўсган жойни томоша қилсангиз, сафар ташвишларини бутунлай унутасиз. Жаннат боғлари, мисоли гап, Сомондаранинг калишига патак бўла ҳам олмайди. Муболаға қилганим йўқ, муаллим.

Биз ҳар ҳолда ҳушёр бўлиб борамиз. Мисоли гап, селлардан. Агар ҳушингиз жойида бўлмаса, сел жоннинг офати, муаллим. Ён томонда тинчу сокин кўринаётган дара, кутилмаганда бало-ю, офатлар маконига айланиши мумкин. Харобалар келтирувчи селни сўнгги марта шу йилнинг баҳори охирида кўрган эдим. Сиз, муаллимжон, менга нега сен ҳалигача тириксан? – дея бир савол беринг-да. Илтимос, сўранг-да. Ҳа, баракалла, минг раҳмат. Шунинг учунки, сел биздан фақат икки дақиқагина олдинроқ ўтиб кетган экан. Сел дара бошидан гумбурлаганича келибди-ю, йўлида учраган ҳамма дову дарахтлар, уй, оғилларни, мисоли гап, кўпориб, вайрону валангор қилиб, олиб келиб Сародарёнинг



бўтана тўлқинига улоқтирибди. Қарасак, машина ўтадиган тахта кўприк йўқ. Уни бемалол, мисоли гап, тўлқинлар устидан олиб ўтиб, соҳилга ташлабди. Ҳатто, дара бошидаги тегирмонни ҳам таг-туби билан кўтариб кетибди. Қарши томондаги соҳилда кўприкнинг тахталари орасида тегирмон парраги кўзга ташланарди, муаллим.

Хўш, бўри машинадаги йўловчилар учун хавфли эмас. Гарчи тоғ оч бўрисининг жасоратда, мисоли гап, очкўзликда дашт ёки ўрмон бўрисидан қолишадиган жойи йўқ бўлса-да, аммо машинага яқинлашишдан қўрқади. Ҳатто, йўлда қолган машинадан ҳам қочади. Чунки машинанинг салобати, мисоли гап, бошқа-да. Аммо... худо кўрсатмасину агар йўлда қолсак, машинадан тушмай, тунни унинг ичида ўтказиш керак бўлади.

Сиз, муаллим, бундай тадбир қаердан пайдо бўлганини сўранг? Илтимос, биттагина савол-да, муаллим. – Ҳа, яшанг, юз офарин. Бу тадбир аччиқ тажрибадан, мисоли гап, пайдо бўлган. Қайси бир йили сомондаралик Мирзо Шохбарот исмли бир полвон маст ҳолатда ана шундай йўлда қолган машинадан тушиб, уйқусураган ҳолда ҳожат учун нарироққа боради. Бир пайт қараса, қоронғилик қаърида қадрдон ити яқинлашиб келмоқда. «Олапар, Олапаржон, мени излаб келдингми? Кел, кела қол, Олапарим, вафодорим!» деб ўтирган жойида уни эркалатади. Аммо у жонивор Олапар эмас ва эркалаш нималигини ҳам, мисоли гап, билмас экан.



Нима дейсиз, эрталаб Мирзо Шоҳбарот паҳлавоннинг кийимларини йиғиштириб, қишлоққа олиб келишади...

Аммо киши уйқусизлик азобини чекиб ва мисоли гап, бошқа қийинчиликларни бошдан кечириб, дилкушо Сомондарани томоша қилса, арзийди. Бу йил, албатта, бирга борамиз, муаллим. Мен тоғаларимга биз боргунча майдон бошидаги катта тутга бирон жонзот қўл текизмасин деб тайинлаб қўйдим. Менинг азиз муаллимимга сақлаб қўясиз, деб илтимос қилдим. Шоҳтутни айтмайсизми?! Шоҳтутнинг қандай фойдаси бор, деб сўранг, муаллимжон, илтимос қиламан, ана шу биргина саволни беринг, муаллим. Ҳа, баракалла, ташаккур, сира кам бўлманг. Шоҳтут, муаллимжон, бу мева эмас, қиёматнинг ўзгинаси! Ё ҳатто, мисоли гап, нўшдори десак ҳам бўлади. Бир марта тўйиб есангиз, бас, кифоя. Сиз ёруғ дунёнинг барча дарду ғамидан абадулабад фориғ бўласиз.

Сомондаранинг ҳавсалали кишилари, баъзи меҳмонларга, мисоли гап, азизларга кечаси ётиш учун тут остига жой солиб беришади. Эрталаб турингу томошани кўринг. Меҳмон тургач, қишлоқ аҳли унинг атрофида тўпланишиб, унинг юзларига боқиб, қоринларини ушлаганларича, нафаслари қайтиб, мисоли гап, қотиб-қотиб кулишади. Меҳмон кейинроқ кечаси тўкилган ҳўл мевадан ётган ўрни, шиму кўйлаги, борингки, юзу боши, оёқ-қўллари нофармонга айланганини пайқаб қолади.



Шоҳтутнинг доғи бир ҳафтагача кетмайди, дейишади, ёлғон, муаллим. Моҳавот. Шоҳтутнинг ҳали пишиб етилмаган кўкимтир мевасининг ғижимлаб юз доғига, мисоли гап, суртсангиз бир кунда, сен кўр-у, мен кўр бўлиб кетади. Бедаво дард бўлмайди, муаллим.

Гап – шу. Аҳду паймон – шу, муаллимжон. Бу сафар гапимни ерда қолдирмайсиз. Ҳатман ва ҳукман борамиз. Сомондара сайри бир умр ёдингиздан чиқмайди. Нима дедингиз, муаллим, нима бўлди? А? Нега жавоб бермайсиз? Ие, сизга нима бўлди, муаллим? Авзойингиз бежо-ку! Ҳой, бу яқин орада бирон киши борми ўзи? Савоб учун бир пиёла, мисоли гап, сув олиб келинг, бир пиёла...

1965 йил.

Омонбой Жуманов таржимаси



МУНДАРИЖА

АЖАЛ КОМИДА (Қисса).....	3
ДУСТ МАКТУБИ (Ҳикоя)	157
УРТОҚЛИК СУДИ (Ҳикоя)	176
НОДИРНИНГ ХИЁБОНИ (Ҳикоя)	192
АРЗАМАС (Ҳикоя)	209
ЙЎЛ (Ҳикоя).....	229
КОЛДИЧЕВО ДАҲШАТИ (Ҳикоя).....	253
ТАКЛИФ (Ҳикоя).....	265

Фазлиддин Муҳаммадиев

ВАРТА

(Қисса ва ҳикоялар)

Саҳифа боғловчи *Меҳри Саидова*

Мусаввир *Ромиш Шерали*

Компютер чопи *Рухшона Муҳаммадиева*

Босмахонага берилди 16.05.2018.

Босишга рухсат этилди 25.05.2018.

Формати 60x84 1/16.

Босма табағи 17.0. Тиражи 1000.

Тоҷикистон Маданият вазирлигининг

«Адиб» нашриёти,

Душанбе, Н.Қорабоев кўчаси, 17а.

«Илм» босмахонасида чоп этилди.



34000 c





9 789994 725359

